


ТЕМИРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ  
ШЕРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ



ПОП  
ТУМ'АНИ Т'АРИХИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ТЕМИРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ, ШЕРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ

# ПОП ТУМАНИ ТАРИХИ

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 94(575.123-212)

КБК: 63.3(5Ў)

Т – 39

**Темиралӣ Қўлдошев, Шерали Қўлдошев**  
**ПОП ТУМАНИ ТАРИХИ: (Монография) – Т.: «Sharq»,**  
2020. – 272 б.

### **Масъул муҳаррирлар:**

**Абдусаттор ЖУМАНАЗАРОВ** – Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшу-  
нослик институти катта илмий ходими,  
**Анваржон АҲМАДЖОНОВ.**

### **Такризчилар:**

**Абдулаҳад ХОДЖАЕВ** – тарих фанлари доктори;  
**Қундузхон НИШОНБОЕВА** – тарих фанлари номзоди,  
доцент;  
**Зоҳиджон МАДРАҲИМОВ** – тарих фанлари номзоди,  
доцент.

*Ушбу китобда қадимги Поп ва унда яшаган қавмлар ўтмиши, шеваси, Қирқхужра, Мунчоктепа ёдгорликлари, ўрта асрларда туман ҳудудида кечган тарихий ҳодисалар, Қўқон хонлиги даврида Поп туманидаги ўзгаришлар, Чодак хўжалари, Ғурумсарой ҳокимлари, XX аср бошларидаги халқ ҳаракатлари, Поп тумани ташкил топган давр тарихи ҳамда мустақиллик йилларида юз берган муҳим ўзгаришлар ёритилган. Монография Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилаётган ПЗ-0170922224 Марказий Осиё тарихига оид манбалар нашри (ЎЗРФАШИ фонди ёзма манбалари асосида) лойиҳаси доирасида бажарилди.*

ISBN 978-9943-6606-0-1

УДК: 94(575.123-212)

КБК: 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-6606-0-1

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2020.

## МУҚАДДИМА

Азиз китобхон, қўлингиздаги ушбу китобда юртимизнинг гўзал, обод ҳудудларидан бири – Наманган вилояти Поп туманининг бетакрор ўтмиши, бугунги ҳаёти, бу ерда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Мамлакатимизнинг шарқий минтақасида, ҳақли равишда «олтин водий» деб ном олган Фарғона водийсида жойлашган саховатли Поп тумани бетакрор табиати, кўҳна тарихи, катта иқтисодий салоҳияти, унумдор тупроғи, бой деҳқончилик анъаналари, меҳмондўст, меҳнаткаш, тадбиркор ва омилкор инсонлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу туман она Ўзбекистонимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. «Қачон гўзал ва бетакрор Наманган заминига келсам, бу ердаги кўча ва хиёбонлар, майдонларда яшнаб турган гул-чечаклар, сўлим ва ораста манзилларни кўриб, очиғи, баҳри дилим очилиб кетади», – дея таъкидлаган эди Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев<sup>1</sup>.

Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсини боғлаб турувчи бу замин Буюк Ипак йўлидаги муҳим маскан сифатида қадимдан ўзининг деҳқончилик ва суғориш маданияти, пахта ва ипак матолари, сопол буюмлари ҳамда бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган. Бу ердаги дастлабки цивилизация ўчоқлари ҳақида милоддан олдинги II аср хитой манбаларида маълумотлар учраши тарихий манбаларда қайд этилган. Демак, Поп тумани заминига маданий ҳаёт нишонлари минг йиллар олдин вужудга келган, деб айтишга барча асос бор. Марказий Осиёдаги қадимий манзилгоҳлардан бири бўлган Мунчоқ-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – Б. 105.

тепа ёдгорлиги, водийдаги энг қадимги шаҳар қолдиғи Қирқхужра ёдгорлиги, Қурама тизмасидаги «муғ тошўчоқлари», Чодакдаги ғор девори расмлари ҳамда суякларга ишланган ҳайвон ва одамлар қиёфалари мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўз даврида ҳазрат Муҳаммад Умар Боб Фарғоний, мавлоно Лутфуллаҳўжа Чодакий, Имом Зайнул Обидин, Саййид Жалолхўжа, Мулла Қаландар сингари буюк аждодларга қанот берган қадимий «Боб»нинг ўзига яраша ибратли анъаналари бор. XX аср ўзбек адабиёти, илм-фани ва маданиятини шу диёрда туғилиб, вояга етган давлат арбоби Иномжон Хидиралиев, Мамажон ота Фозилов, Аҳмаджон Одилов, академик Абдумавлон Абдуллаев, олимлардан Абдурауф Абдуллаев, Мўминхон Маматов, Шерзоджон Абдурахмонов, Набижон Бойбобоев, Яшнаржон Алиев, Дилшоджон Раҳмонов, генерал Сотиболди Эргашев, ёзувчи Парда Турсун, шоирлар Хусниддин Шарипов, Эргаш Ёндош, Ҳайитбой Эргашев, Мўйдин Маткаримов, рассом Ортиқали Қозоқов сингари инсонларнинг илмий, ижодий фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Айниқса, шу замин фарзандлари ҳофизлар Мадраҳим бахши Болтабоев, Маматберди ҳофиз, санъат арбоби Дадали Соатов, атоқли режиссёр Эргаш Масофоев, санъаткор ва қизиқчи Рустам Ҳамроқулов, Ўзбекистон халқ артистлари Махрифат Убайдуллаева, Меҳрихон Бекжонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов, хонандалар Раъно Бўронова, Малика Эгамбердиева ва бошқа кўплаб истеъдод соҳибларининг санъатимиз ривожига ўз ўрни бор.

Бу юрт узоқ ва суронли тарихи давомида не не синов ва машаққатларни кўрмаган, қандай юксалиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтмаган. Бироқ ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ўзининг куч-қудрати, эртанги кунига ишонган Поп тумани халқи тарихнинг барча синов-

ларидан мардона ўтган, аждодларимиз руҳига содиқ қолиб, ўзлигини ҳеч қачон йўқотмаган. Туманнинг ўзига хос салоҳияти, айниқса, истиқлол даврида яққол намоён бўлмоқда. Қўлга киритилган муваффақиятларининг сабаб ва омиллари ҳақида кўп гапириш мумкин, албатта. Лекин бу борада иккита асосий омилга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Биринчиси – истиқлол берган кенг имкониятлар, Республика ва вилоят раҳбарияти томонидан туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доимий эътибор бериб келаётгани бўлса, иккинчиси Поп тумани халқига хос азму шижоат, янгиликка интилиш, тадбиркорлик билан иш юритиш, юртсеварлик, жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик туйғуларидир.

Муаллифлар мазкур китобнинг дунёга келишига яқиндан ёрдамлашган, фойдали маслаҳат ва тавсияларини берган – «Халқаро ишбилармонлар маркази» директори Анваржон Аҳмаджонов ҳамда Поп тумани ҳокимлигига ўз миннатдорчилигини билдиради.

## «ПОП» АТАМАСИ ҲАҚИДА

Поп ҳақида ўрта асрларда ёзилган тарихий асарларда кўплаб маълумотлар учрайди. Манбаларда «Поп» атамасининг дастлабки кўриниши «Боб» (باب) шаклида келтирилади. Араб ўрта асрлар географияси фанининг илк таниқли вакилларида бири Истахрий (IX–X) Фарғона водийсида «Боб» номли шаҳар мавжудлигини ёзиб қолдирган<sup>2</sup>. Қарийб худди ўша даврларда (тахминан, 982 йили) ёзилган «Худуд ал-олам» асарида<sup>3</sup> Попга оид қуйидаги маълумотларга дуч келамиз: «*Боб – атрофида экинзорлар кўп, аш-Шош дарёси<sup>4</sup> бўйида жойлашган катта ва бойликларга мўл шаҳардир.*

<sup>2</sup> Al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi, *Viae regnorum* / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. p. 336.

<sup>3</sup> Ушбу асарнинг муаллифи ҳозирга қадар аниқланмаган.

<sup>4</sup> Сирдарё назарда тутилмоқда.

Турмуқонда туркларнинг ҳужум қилиш хавфи бўлгани туфайли карвонлар у ерда тўхтамай, Бобга борганлар. Ёнидан Узканд ва Хатлом дарёлари оқиб ўтади»<sup>5</sup>.

Худди шу асарнинг бошқа нашрида: «Яна бири Ўзганд дарёси<sup>6</sup>. Халлух тоғи ёнбағридан бошланади. Ўзганд, Боб (Поп) шаҳри, Ахсикат, Хўжанд, Банокатдан оқиб ўтади. (Сўнгра) Чоч ҳудудига етади. Сутканд, Пороб каби кўпгина шаҳарчалардан ўтади. Жанд ва Жавора ерларига оқиб боради ҳамда Хоразм денгизи<sup>7</sup>га қуйилади<sup>8</sup>.

Яна бири Хатлам дарёси<sup>9</sup>. Манисо тоғидан<sup>10</sup> Халлух<sup>11</sup> ва Ўғма<sup>12</sup> ўртасидаги чегарадан бошланади. Хатлам шаҳридан оқиб ўтиб, Боб яқинигача боради ва Ўзганд дарёсига қуйилади»<sup>13</sup>.

---

<sup>5</sup> Hudūd al-'Ālam, the Regions of the World. A Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. – London, 1970. – p. 72, 73, 113; Ибн Қудома ҳам «Худуд ал-олам» асаридаги маълумотларни такрорлайди. Kodama ibn Djafar, Accedunt excerptae Kitab al-Kharadj / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 6. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. – p. 208.

<sup>6</sup> Ўзганд дарёси – Сирдарё юқори ирмоғи, Қорадарё (Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Тошкент: O'zbekiston, 2007. – Б.24).

<sup>7</sup> Хоразм денгизи – бу ерда Орёл денгизи назарда тутилмоқда.

<sup>8</sup> Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Тошкент: O'zbekiston, 2007. – Б.9.

<sup>9</sup> Хатлом дарёси – Норин дарёси, Сирдарёнинг йирик ўнг ирмоғи (Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Т.: O'zbekiston, 2007. – Б.25); Хатлом шаҳри – Хайлом, тахминан ҳозирги Тўктоғул сув омбори ёнида, Кетмонтөпа маскани.

<sup>10</sup> Манисо тоғи – Ўрта Тяньшань тизмалари (Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Т.: O'zbekiston, 2007. – Б.25)

<sup>11</sup> Халлух тоғи – Фарғона ва Олой тизмалари. «Худуд ул-олам»да «Халлух» махкур жойнинг маъмурий номи сифатида ҳам қайд этилган (Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Т.: O'zbekiston, 2007. – Б.24).

<sup>12</sup> Ўғма – жой номи сифатида ўрта Тяньшань назарда тutilади. У Х асрда катта қисми ўрта Тяньшань ва асосан, Норин дарёси хавзасида яшаган туркий қавм номи ҳамдир. Уларнинг бир қисми XI асрда Қорахонийлар юриши вақтида Мовароуннаҳрга кўчиб ўтган (Худуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исоқов. – Т.: O'zbekiston, 2007. – Б. 25).

<sup>13</sup> Худуд ул-олам. – Б. 9.

Бошқа араб манбаларида ушбу шаҳарнинг географик жойлашув ўрни ҳақида ҳам ахборот учрайди. Ибн Хўрдодбех Боб шаҳри Турмуқондан уч фарсах<sup>14</sup> деб ёзган бўлса,<sup>15</sup> Муқаддасий фикрича, у Ахсикатдан<sup>16</sup> 2 барид ёки 4 фарсах масофада жойлашган<sup>17</sup>.

<sup>14</sup> Фарсах – ўрта асрларда ислом мамлакатларида қўлланилган масофа ўлчов бирлиги. Ўрта Осиё ҳудудларида X–XIX асрларда ишлатилган фарсахнинг узунлиги тахминан 6–7 чақирим оралигини ташкил этган.

<sup>15</sup> Ibn Khordadbeh, Abu-l-Kasim 'Obaydallah ibn 'Abdallah, Kitab al-Masalik wa-l-mamalik / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 6, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. p. 30.

<sup>16</sup> Ахсикат (شكيسخ) – ўрта асрларда Фарғона вилоятининг бош шаҳри [al-Moqaddasi, Abu 'Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, Descriptio Imperii moslemici / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. (1877). p. 262]. Ж.Крамерс танкидий матнида унинг номи Ахшикат (شكيسخ) [Ibn Naukal, Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum / Ed. J.H.Kramers, BGA, pars 2. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. p. 512]. Ал-Балазурийда эса Хишикат (شكشخ) шаклида келтирилган [al-Beladsori, Ahmed ibn Jahja ibn Djabir, Liber expugnationis regionum, quem e codice Leidensi et codice Musei Britannici / Ed. M.J. de Goeje, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1866 (Islamic geography, ed. F.Sezgin, vol. 42. Frankfurt-em-Main, 1992). p. 420]. Хитой манбаларида у Сичен шаклида қайд этилган [Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. СПб., 1903. – С. 357]. Сўнгги ўрта асрларда унинг номи «Ахси»дир (يسخ) [Бабур-наме. Записки Бабур / Перевод М.Салье. Отв. ред. С.А.Азимджанова. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958 (1992). 46, 5а, 76 ... 234аб варақлар]. Бу жойда зарб қилинган тангаларда Ахши (يشخ) ва Ахсикат (شكيسخ) шакллари мавжуд. VIII асрга оид сугд ҳужжатларида Зарафшон дарёси юқори оқими ҳавзасида жойлашган 'хsyкпh (хsyкпh, 'хsyктс) номли қишлоқ қайд этилган [Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. 3. Хозяйственные документы//Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. М.: Изд-во вост. литры, 1963. – С. 101 – 102]. Ҳозир бу қишлоқ Хушикат деб аталади. Бу ном сугдча хшуп (хшуп) – «яшил» ёки (')хпс – «мустаҳкам» сўзларидан ясалган [Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Диссертация. к. филол. н. СПб.: ЛО ИВ РАН, 2004. – С. 90, 95]. Бошқа фикрга кўра, бу ном туркий ак – «оқ» ва сугдча ка – «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [СДГМ 1963: 101]. Эҳтимол, «Ахсикат» атамаси Норин дарёсининг эски номи Оқсув гидроними билан боғлиқдир [Асқаров А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар// Археология и история Центральной Азии. Самарканд 2004. – С. 26]. X асрда Ахсикат Фарғонанинг пойтахти эди. Қадимги



Тадқиқотчи Луръенинг фикрича, «Поп» атамасини араб ва суғдий тиллардаги манбаларни таҳлил қилган ҳолда икки хил маънодаги сўз деб билади. Биринчиси «дарё кечуви» бўлиб, айнан Поп қалъасини олдида азим Сирдарёдан кечиб ўтиш мумкин бўлган жой маъносида қўллаган. Иккинчиси «қалъа» деган маънони англатади. Поп қалъаси табиий ўша даврда атрофи девор билан ўралган қалъа бўлган.

Манбаларда келтирилишича, ҳижрий 118 йили (736) бобликлар ва суғдлар турк хоқонининг қўшини таркибида арабларга қарши курашган<sup>18</sup>.

Айрим тадқиқотчилар Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий каби ўрта аср муаллифларининг асарларига таянган ҳолда «Поп» атамаси арабча «дарвоза», «эшик» маъносини англатади, дейишади. Улар Поп шаҳри водийнинг ғарб томонидан кириб келишдаги биринчи шаҳар, деб ҳисоблайди<sup>19</sup>. Муҳаммад Ғиёсиддин ибн Жалолиддиннинг «Ғиёс ул-луғатат» асарида: «Боб деб араб тилида дарво-

муаллифларнинг хабар беришича, у ичкарсид ариқлар, пишиқ ғишт ва ганчдан қурилган сув тўпланадиган чиройли ҳовузлари бор, Фаластиндаги Рамла шаҳридан 1,5 баробар каттароқ шаҳар бўлган [al-Moqaddasi: 271]. Амир қароргоҳи Ахсикатда эди. Шаҳар Хашарт дарёси бўйидаги тоғ ёнбағрида жойлашган. Бу атрофдаги тоғларда олтин ва қумуш конлари кўп бўлган. Аҳолиси ичиш учун шароб тайёрлаган [Hudūd al-‘Ālam, the Regions of the World. A Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. London, 1970. p. 116]. XII асрда ҳам Ахсикат Фарғонанинг энг чиройли ва тоза шаҳри эди [Ас-Самъоний. Абу Саъд ‘Абд ул-Карим ибн Муҳаммад. Ал-Ансоб//Абд ур-Раҳмон ал-Муъаллимий нашри. 10-жилд. Байрут: Муҳаммад Амин Дамаж, 1980–1981. 1-жилд, р. 153]. Ахсикат харобалари Наманган шаҳридан 20 км жануби-ғарбдаги Гулқишлоқ (Эски Ахси) ва Шаханд қишлоқлари ёнида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида сақланиб қолган. Худди шу жойда Косонсой Сирдарёга қуйилади [Ахраров И.А. Археологические исследования городища Ахсикет // ОНУ, 1960, № 8. – С. 53 – 58].

<sup>17</sup> Al-Moqaddasi, Abu ‘Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, Descriptio Imperii moslemici / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill,1967. (1877). – p. 341.

<sup>18</sup> At-Tabari, Abu Djafar Mohammed ibn Djarir, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I series, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1964. – p. 1609.

<sup>19</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон. 1978. – Б. 101.

зани айтилади. Аммо туркий ва форсий тилда эса мутаносиб, мувофик, лойиқ деган маъноларини билдиради»<sup>20</sup>.

Бироқ қадимий Поп шаҳри деб фараз қилинган Қирқхужра ёки Мунчоқтапа ёдгорликлари шимолий Фарғона ҳудудида, водийнинг кириш йўлагидан анча шимолроқда жойлашган. Тадқиқотчилар айтгандек бўлганда эди, қадимий Попга карвонлар кўпроқ Қурама тизмасидаги Кандир ёки Қамчиқ доволари орқали ўтиб келмас эди. Ўрта Осиёнинг, жумладан, Фарғона водийсининг бошқа жой номлари ҳам араб ёки форс тилидан олинган номлари этимологик маънолари асосида талқин қилинган. Араблар бостириб келмасидан олдин ҳам бу жой номлари мавжуд бўлган. Шунинг учун бу ҳудуддаги жой номларининг маъноларини балки туркий ва шу атрофдаги минтақаларга кенг тарқалган суғдий тилдан ҳам ахтариш зарурдир. Рус шарқшуноси А. Н. Бернштам «Қадимги Фарғона» асарида бу фикрни қувватлаб: «*Эҳтимол, ҳозирги Поп қишлоғининг номи қадимий, ҳатто арабларгача бўлиши мумкин*», деб ёзади<sup>21</sup>.

«Поп» атамасининг пайдо бўлиши тўғрисида халқ орасидаги ривоятлар ва афсоналар ҳамда шевадаги сўзларда ҳам баъзи маълумотлар учрайди. Тилшунос тадқиқотчи О. Шарипов бу борада шундай дейди: «*Поп аҳолиси ўзининг тарихи ҳақида қуйидагича фикр юритади: Хитой аскарлари шу ерга келган эканлар. Улардан беш-ўнтаси энди қариб қолибмиз, деб шу ерда қолган эканлар. Улар олдинги уйғурлардан экан. Бир кун Поп сойига чиқиб қараса, яхши жой экан. Улар мана шу ер биз «боп» жой экан, деб қолган эканлар*»<sup>22</sup>.

Бу мисолда «поп» атамаси туркийдаги «қулай», «боп» маъносини англашмоқда. Тарихий манбалар-

<sup>20</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган., 2013. – Б. 12.

<sup>21</sup> Бернштам А. Н. Древняя Фергана. Изд. АН УзССР. – Тошкент: 1961. – С. 32.

<sup>22</sup> Шарипов О. Ўзбек тилининг Поп шеваси. Ф. ф. к. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1962. – Б. 10.

да узоқ ўтмишда Хитой давлати қўшини Фарғона водийсига бостириб келгани ҳақида маълумотлар учрайди<sup>23</sup>. Лекин уларнинг халқ оғзаки нақллари билан тарихий боғлиқлиги аниқ исбот талаб қиладиган ҳолатдир. Шунга қарамай, Поп туманидаги уйғурлар билан боғлиқ «Уйғур», «Охунлар мазори» (Ғурумсаройда) ва «Бочинён» (Чодакда) жой номлари мавжудлиги бу ривоятларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо қилади<sup>24</sup>. Бироқ улар «Поп» атамасининг келиб чиқишини аниқлаш учун ҳозирча ҳеч қандай илмий асос бўла олмайди. Аксинча, тадқиқотчи улар ушбу масала ечимини чигаллаштириб юбориши мумкинлигидан эҳтиёт бўлиши лозим.

В.В. Бартольд ёзишича, Туркистонда ислом динининг тарқалишига катта ҳисса қўшган алломалар исмига «боб» сўзи қўшилган<sup>25</sup>. Масалан, Лангар Боб, Арслон Боб каби. X асрда Поп шаҳрида улуғ шайх ва донишманд Умар Боб Фарғоний яшаган. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Мовароуннаҳрда яшаган илм ва тасаввуф аҳли ҳақида хабар беради. Улар орасида Умар Боб Фарғонийнинг номи ҳам тилга олинади<sup>26</sup>. Абдурахмон Жомий Умар Боб Фарғонийнинг илм оламидаги салоҳиятини тараннум этиб шеър битган<sup>27</sup>.

Хуллас, бу айтилганларнинг барчаси «Поп» атамаси атрофидаги ёзма ва халқ орасида оғзаки тарзда сақланиб қолган маълумотлардир. Келажакда тадқиқотчилар бу борада амалга оширадиган изланишларида улардан фойдаланишлари ва муаммога кўпроқ ойдинлик киритишлари мумкин.

---

<sup>23</sup> Си Ма Цян. Тарихий хотиралар («24 тарих»даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1989 (уйғур тилида); Сыма-Цянь. Исторические записки (Ши цзи). Пер. с кит. Р.В. Вяткина и Таскина. Т. I-IV. – Москва., 1975.

<sup>24</sup> Ўлмас Баҳромзода. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). Наманган, 2000. – Б. 22.

<sup>25</sup> Бартольд В. В. Сочинения, т. 5. – Москва., 1967. – С. 118.

<sup>26</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17 жилд. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 149-150.

<sup>27</sup> Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган, 2007. – Б. 14.

## ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДАЙҶОАН) ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ПОЙТАХТИ МАСАЛАСИ

Фарғона водийсида жойлашган Дайюан (Давон, Даван)<sup>28</sup> давлати ўзбек давлатчилиги ривожига ўз ўрнига эгадир. Поп тумани ҳудуди ҳам унинг таркибий қисми ҳисобланган. Қадимги Фарғона (Дайюан) давлати мил. ав. IV–II асрлар оралиғида гуллаб-яшнаган ўлка эди. Бу даврга оид археологик буюм ва ашёлар Поп ҳудудидан кўплаб топилган.

Дайюан давлати ҳақида илк маълумотлар хитой манбаларида учрайди. Уларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган қадимги Қангқия, Дахя ҳамда Дайюан давлатларининг жойлашган ўрни, аҳолиси, ҳукмдорлари, уларнинг халқаро сиёсий жараёнларда тутган ўрни ҳақида кўпгина маълумотлар бор.

Француз хитойшунос олими Дегин 1756 йили юқорида зикр этилган муаллифлар асарлари асосида Дайюан давлатининг айнан Фарғона водийсида жойлашганини биринчи бўлиб аниқлаган<sup>29</sup>. Кейинчалик М. Броссе<sup>30</sup> ва Абель Ремюза<sup>31</sup> Дегин қарашларини қўллаб-қувватлади. Н.Я. Бичурин<sup>32</sup>, Н.В. Кюнер<sup>33</sup>, Л. Боровкова<sup>34</sup>, А. Малявкин<sup>35</sup> син-

<sup>28</sup> Рус ва ўзбек тарихий адабиётларида берилган «Даван» ёки «Довон» атамаси хитой тилида «Дайюан» деб талаффуз этилади. «Дайюан» сўзи «тоғлар орасидаги водий» маъносини билдиради (Қаранг: Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент., 2013. – Б. 16–17).

<sup>29</sup> Deguignes J. Histoire generale des Huns, des Turcs de, Mogols et des autres Tartares occidentaus... vol. I. – Paris., 1756 p. 1, 28, 38, 39.

<sup>30</sup> Brossat M. Relation du pays de Ta-ouan. Noveaux / Journal Asiatique. 1829.

<sup>31</sup> Abel Remusat. Sur quelques peuples du Tibet et de la Boukharia, tire de l'ouvrage de Ma-touan-lin, et traduit du chinois. Nouveaux,

<sup>32</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I–III. – М.–Л., 1950.

<sup>33</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М., 1961.

<sup>34</sup> Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. – Москва: Наука, 1989.

<sup>35</sup> Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. – Новосибирск: Наука. 1981; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука. 1989.

гари рус хитойшунослари ҳам Дайюан давлати ҳақида муҳим фикрлар билдиришган. Бироқ мазкур муаллифлар хитой манбаларидаги Дайюан давлатига оид атамаларни турлича ўқиганлар. Археологлар уларнинг бу борада амалга оширган тадқиқотлари ҳамда Эрши ва Ючен шаҳри ўрни масаласига оид қарашларига таяниб, кўрсатилган минтақада қидирув қазилма ишларини олиб боришган.

Француз хитойшунос олими Э. Шаванн Эрши шаҳри ўрнини Ўратепа ёки Жиззах ҳудудида, дейди<sup>36</sup>. Э. Тарн бу борада аниқроқ қилиб, Ўратепани Эрши деб ҳисоблайди<sup>37</sup>. Э. Пуллейблэнк фикрича, Дайюан Суғдиёна ҳудудига қараган ва аҳоли деҳқончилик билан шуғулланмаган<sup>38</sup>. Аммо археологик тадқиқотлар Фарғона водийси Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг қадимий марказларидан бири бўлганини тасдиқламоқда<sup>39</sup>.

Айрим тадқиқотчилар Н.Я. Бичуриннинг Эрши шаҳрини Қўқон хонлиги ҳудудидан топиш мумкин, деган тахминига асосланиб, бу жой Қўқон бўлса керак, деб ўйлашади. Л.А. Боровкова бу масалани сал бошқачароқ йўл билан ҳал этишга уриниб кўради. У хитой манбаларида номи учраган шаҳар ва қишлоқлар орасидаги масофаларни ҳисоблаб, Дайюан давлатининг пойтахти Қўқон шаҳри атрофига тўғри келади, деган хулоса чиқаради<sup>40</sup>. Тарихчи Х. Бобобеков, Н.Я. Бичурин ва

---

<sup>36</sup> Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. – Тошкент, 2001. – С.35–36; Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (ўқув қўлланма). – Тошкент: Университет. 2007. – Б. 172.

<sup>37</sup> Tarn W. The Greeks in Bactria and India. Second edition. – Cambridge, 1951. – p. 309.

<sup>38</sup> Pulleyblank E.G. Chinese and Indoeuropean // Journal of Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. – London, 1966, – p. 25–30.

<sup>39</sup> Матбабаев Б. Ферганское государство Давань // История государственности Узбекистан (вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III века нашей эры). Т. I. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – С. 190.

<sup>40</sup> Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. – Москва: Наука. 1989. – С. 56.

Л.А. Боровкова фаразларига асосланиб, «Гуйшан» қадимий Қўқон шаҳри номининг хитой тилида талаффуз қилиниши бўлса керак, деб ёзади<sup>41</sup>.

Собиқ Иттифоқ даврида тарихчи ва археологлар орасида Дайюан давлатининг пойтахти Эрши ҳозирги Андижон вилоятидаги Марҳамат шаҳарчаси ўрнида жойлашган, деган қараш кенг ёйилган эди. Бу фикр 1950–1952 йиллари Фарғона водийсида кенг қамровли археологик қазув ишлари олиб борган «Помир – Фарғона комплекс экспедицияси» раҳбари А.Н. Бернштам томонидан илгари сурилган<sup>42</sup>. Бунга аҳолисининг зичлиги ва ер танқислиги натижасида кўплаб археологик ёдгорликлар бузиб ташланган Фарғона водийсида 40 гектар жойни эгаллаган, қалин ва мустаҳкам девори ҳамда ундаги миноралар қолдиқларигача сақланиб қолган Марҳамат тадқиқотчиларда ўзгача таассурот қолдиргани сабаб бўлган. А.Г. Малявкин қадимшунос А.Н. Бернштамнинг хулосаси ҳақиқатга яқин, аммо у ҳали мазкур масала ечимини узил-кесил ҳал этиб бергани йўқ, деб ҳисоблайди<sup>43</sup>. Б. Матбобоев Фарғона водийсида олиб борган махсус археологик қидирув ишлари натижалари асосида А. Н. Бернштамнинг фикрига тўла қўшилади. У ўзининг бундай қарорини бошқа тадқиқотчилар каби Эрши Фарғона водийсининг шарқида жойлашгани ва мил. ав. II–I асрда гуллаб-яшнаган Мингтепа ҳам худди шу тарафда экани ҳамда унинг яқинидаги тоғларда манбаларда акс этган «дулдул отлар» тасвири борлиги билан изоҳлайди<sup>44</sup>.

Кейинги йилларда археолог А. Анарбоев Эрши Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ҳудудидаги эски Ахсикентдир, деган янги илмий фаразни ил-

<sup>41</sup> Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. – Тошкент: 1996. – Б. 15–20.

<sup>42</sup> Бернштам А.Н. Древняя Фергана. – Ташкент: Наука. 1951. – С. 11.

<sup>43</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, Наука, 1989. – С. 263.

<sup>44</sup> Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // «Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона». – Тошкент, 2001. – С.35–36.

гари сурмоқда. У Ахсикент харобаларидан чиққан тарихий буюмлар ва ашёлар ёрдамида фикрини далиллаганга уринмоқда<sup>45</sup>. Хитойшунос олим А. Айтбоев ҳам шу фикр тарафдори. У: «Ахси» хитой тили талаффузига мувофиқ «Эрши» тарзида ёзилиб қолган бўлиши мумкин», деб ҳисоблайди<sup>46</sup>. Академик А. Муҳаммаджонов фикрича, хитой манбаларида Эрши номи билан тилга олинган Дайюан давлати пойтахтининг маҳаллий аталиши «Хушкат» ёки «Хушканд» шаклларида талаффуз этилган. IX асрда яшаган тарихчи Абулҳасан Балозурий Фарғонанинг ўрта асрлардаги пойтахти Ахсикатни «Хушкат» шаклида қайд этади. Шунга асосланиб, муаллиф Эрши бу Ахси, деган тахминни илгари суради<sup>47</sup>.

Яна бир таниқли хитойшунос олим А. Хўжаев ёзишича, мил. ав. 104–101 йиллар давомида Хитойнинг Хан сулоласи Дайюан давлатига уюштирган икки ҳарбий юришида хан қўшинлари Эршига етиб бора олмаган. Биринчи ҳарбий юришда улар Ючен<sup>48</sup> шаҳрида тўхтаган. Иккинчи уринишда пойтахт Юан шаҳри забт этилган<sup>49</sup>. Ваҳоланки, шу вақтгача хитойликлар иккинчи юриш даврида қадимги Фарғона давлати пойтахти – Эршини забт этгани ҳақида қарашлар мавжуд эди. А. Хўжаев Эрши қадимда «Рией-шией» деб талаффуз қилингани, маҳаллий аҳоли уни «Эйш» тарзида талаффуз этган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади ва бу ҳозирги «Ўш»га жуда

---

<sup>45</sup> Анарбоев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // «Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона». – Тошкент, 2001. – Б. 14–15.

<sup>46</sup> Абдухолик Абдурасул ўгли Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 39.

<sup>47</sup> Муҳаммаджонов А. «Фарғона» номининг маъноси борасида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 2–3. 2007.

<sup>48</sup> Юйчен – Н.Я. Бичурида «Ю» шаклида берилган бўлиб, «чен» атамасини «шаҳар» маъносини билдиради деб нотўғри ўқиган. Аслида «чен» хитойчада ташқариси девор билан ўралган қалъалар номидан кейин ёзиладиган атамандир.

<sup>49</sup> Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, 2005. – Б. 163.

Ўхшаш, дейди<sup>50</sup>. А. Хўжаев фикрини қабул қилсак, Эрши – Ўш, Юйченг – Ўзган бўлиб чиқади. Лекин унда Дайюан давлатининг қадимги хитой манбаларида Юан деб номланган пойтахти қаерда?

Фарғона яхлит тарихий-жуғрофий минтақа. Бироқ унинг турли ҳудудида табиат ва иқлим бири-бирдан фарқ қилади. Масалан, Қўқон ва унинг ғарбий қисмида ёгиннинг бир йиллик миқдори 80–100 мм, Андижон ва унинг шарқий қисмида 230–260 мм, Ўш атрофида 600 мм, Ўзган воҳаси ҳамда унинг тоғолди қисмида 600 миллиметрни ташкил этади. Энг зич сув манбалари ҳам водийнинг шарқидаги Фарғона тоғ тизмасининг ёнбағирларига тўғри келади. Бу ерда Қорадарё, Ясси, Тар, Қоракулжа сингари дарёлар бор. Шу сабабли водийнинг шарқий қисмида деҳқончилик учун анча қулай шароитлар мавжуддир. Бу ҳудудда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик яхши ривожланган. Водийнинг бошқа ҳудудларига қараганда аҳоли зичлиги ҳамда қишлоқ ва шаҳарлар сони ортиқроқ. Археолог олимлар Дайюан давлати даврига тегишли олти юздан ортиқ аҳоли манзилгоҳларининг тўрт юз элликтаси водийнинг шарқида жойлашгани ҳам бежиз эмасди, деб ҳисоблайдилар. Бироқ археологлар ҳали Фарғона водийсининг ғарбий қисмини тўлиқ ўрганганлари йўқ. Ҳатто, Поп туманидаги баъзи ёдгорликлар умуман очиб ўрганилмаган. Шу боис, Поп тумани ҳудудида жойлашган тарихий ва археологик ёдгорликларни ўрганиш орқали бу масала ечими топилиши мумкин.

Шу ўринда хитой манбаларида Эрши тўғрисида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб кўрайлик. Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида Эршида учқур отлар – «таянма» бўлгани, уларни хитойликлардан яширганликлари ёзилади<sup>51</sup>.

---

<sup>50</sup> Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, 2005. – Б. 165.

<sup>51</sup> Қаранг: Абдухолиқ Абдурасул ўғли Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент: Фан. 2002. – Б. 39.



Бундан Эрши шаҳар эмас, отлар боқиладиган яйлов бўлганини тахмин қилиш мумкин. Демак, хитой манбаларида берилганидек, Эрши Дайюан давлатининг пойтахти эмас. Аксинча, мамлакатнинг бош шаҳри Юан экани ҳақиқатга яқинроқ кўринмоқда.

Хитой манбаларидаги Юан ёки Ючен шаҳарлари ўрнини аниқлаш керак бўлса, унда аввало археологик топилмалар, хитой ва бошқа тилларда ёзилган манбалардаги маълумотлар қиёсий ўрганилмоғи зарур. Хитойнинг Дайюан давлатига ҳарбий юриши чоғида минглаб хитой аскарлари ҳалок бўлган. Фарғона водийсининг қаеридадир уларнинг буюми ёки Хитойда ишланган қурол-яроққа ўхшаш бирор нишона сақланиб қолгандир? Хуллас, шу тариқа ушбу мавзуга тўла аниқлик киритиш масаласи барибир кейинги тадқиқотлар зиммасига қолмоқда.

## ҚИРҚҲУЖРА – ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистоннинг таниқли археологлари А.Анарбоев, Ф.Мақсудов, С.Кубаев, Ш.Насриддиновларнинг Қирқхужра ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари Поп тумани тарихи учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис, уларнинг тадқиқотларини ҳеч бир ўзгаришсиз ушбу китобга киритдик:

Қирқхужра ёдгорлиги Наманган вилоятининг Поп тумани Келачи қишлоғи яқинида жойлашган, туман марказидан 2 км жанубда Сирдарёнинг ҳозирги ўзанидан 100 метр юқорида. Ёдгорлик жойлашган ҳудуд қадимий Ғовасойнинг бир қисми бўлган Олмоссой орқали суғорилган. Ушбу ҳудуднинг стратиграфияси<sup>52</sup> ўрганилганда минтақа

---

<sup>52</sup> Стратиграфия – лотин тилидаги *stratum* сўзидан олинган бўлиб, «тўшама», «қатлам» ва «графин» деган маъноларини билдиради. Геологиянинг Ер пўсти кесимидаги тоғ жинслари мажмуининг шаклланиш изчиллигини ва жойлашган ўрнидаги дастлабки нисбатини ўрганувчи бўлими. Стратиграфия чўкинди

бахор мавсумида сойнинг суви кўпайиши натижа-  
сида сел оқимлари натижасида ювилиб турган.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги адирликларга тутшиб кетувчи бу ҳудудлардаги деярли барча тепаликларда қадимги даврда инсонлар истиқомат қилганини билдирувчи археологик манбалар топилган. Бироқ уларнинг кўпчилиги сел оқимлари, Сирдарё ўзани ўзгариб туриши, соҳилбўйлари инсонлар томонидан ўзлаштирилиши туфайли турли даражада зарар кўрган бўлса, айримлари умуман бузилиб кетган. Худди шу каби таъсирлар Қирқхужра ёдгорлигига ҳам зарар етказган. Хусусан, XIX – XX асрларда маҳаллий аҳоли ёдгорлик арки ёнларини бузиб, диний амаллар бажариш учун жой сифатида фойдаланиб келган. Қадимги давр қатламларининг бузиб ҳосил қилинган хоналарда «чилла» амалини бажаришган. Ёдгорликнинг «Қирқта хужра» номи келиб чиқиши асослари ҳам айнан шу амаллар билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин. Шу сабабли ҳам узоқ давр давомида (ҳозирги кунда ҳам) мазкур жойни Поп шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли «муқаддас» жой сифатида зиёрат қилади. Инсон фаолиятининг салбий таъсири фақат бу билан чегараланиб қолмаган. XX асрнинг 50-йилларида пахтачилик майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерлар ўзлаштирилиши жараёнида ёдгорликнинг ҳудуди ҳам жиддий зарар кўрган. Жумладан, Қирқхужра шаҳрининг ғарбий қисми: арки ва 1-шаҳристон қисман, 2-шаҳристон катта қисми текисланиб пахта майдонига айлантирилган. Натижада қадим шаҳарнинг 2-шаҳристонидан фақатгина шарқий ва ғарбий қисмларда кичик қолдиқлар сақланиб қолган, холос. 2-шаҳристоннинг шарқий қисмидаги қолдиқлари, Олмоссойга яқин бўлганлиги боис

тоғ жинслари қатламларини кузатиб, ўтмиш геологик даврларда уларнинг фацал ўзгаришларини ҳамда ён-атроф (куйи ва устки) қатламларда такрорланмайдиган ўзига хос белгиларга эга бўлган ва маълум бир birlikка мужассамлашган тоғ жинсларининг стратиграфик йиғиндисини тадқиқ қилади.

сел оқимлари таъсирида ювилган бўлса-да, маданий қатлам сақланган<sup>53</sup>.

2013 йилда 2-шахристоннинг мазкур қисмида олиб борилган археологик қазув ишлари давомида марказда жойлашган тепалиқда ўзига хос кўринишдаги диний иншоот қолдиқлари аниқланган. Тадқиқотчилар томонидан оташпарастрлар ибодатхонаси деб тахмин қилинган, ушбу иншоот 45x20 метр ўлчамдаги, баландлиги 9 метр бўлган тепалиқ кўринишида бўлган<sup>54</sup>.

2015 йилда олиб борилган қазилар ишлари давомида бир неча қурилиш даврларидан иборат муҳофазат девори очилган. Ушбу муҳофазат девори ёдгорлик ҳудудидаги урбанизация жараёнлари билан ҳамроҳанг боради. Маълум бўлишича, арк ҳудудида дастлабки даврда қурилган, муҳофазат девори қалинлиги 5 метр қалинликда бўлиб, хом ғиштдан терилган. Кейинги даврда ушбу муҳофазат девори ташқи ва ички томондан пахса қобиқ билан кучайтирилган. Аммо иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ва ташқи душман хавфи муҳофазат деворини қайта реконструкция қилиш эҳтиёжи туғилади. Шу мақсадда хом ғишتلардан қилинган девор юзаси текисланиб, ташқи томондан янги муҳофазат девори учун 0,75–1 метр қалинликдаги стилобат (тагкурси) тайёрланган. Тагкурси устида қалинлиги 10 метр бўлган, янги пахса девори бунёд этилган.

Бу даврда муҳофазат девори ички қисмида қолиб кетган ғишتلардан қилинган қадимги девор ўз аҳамиятини йўқотиб, ички йўлак вазифасида қолдирилган эни 5 метрлик ички йўлакдан сўнг асосий муҳофазат деворига параллел тарзда қалин-

<sup>53</sup> Анарбоев А., Мақсудов Ф., Кубаев С., Насриддинов Ш. Қирққужра – Фарғона водийсининг қадимги урбанизация марказларидан бири // «Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2018. – Б. 4–6.

<sup>54</sup> Анарбаев А., Баратов С., Саидов М., Кубаев С. Археологические исследования в городище Чильхуджра в 2013 гг. // Археологические исследования в Узбекистане 2013–2014 гг. – Самарканд., 2015.

лиги 6 метр бўлган яна бир мудофаа девори барпо қилинган. Мазкур мудофаа девори доимо таъмирлаб борилиб, ташқи томондан пахса қобик билан кучайтирилган.

2016 йилда ёдгорлик атрофида олиб борилган дала-қидирув кузатишлари давомида аркдан 1 км ғарбда, собиқ Йттифоқ даврида дала шийпони сифатида фойдаланиб келинган тепалиқда маданий қатламлар ва қурилиш қолдиқлари сақланиб қолганлиги аниқланган. Гарчи бугунги кунда ҳам бу ҳудудда боғ майдони жойлашган бўлса-да, тепалик атрофида Қирқхужра ёдгорлигида йиғиб олинган мил. ав. VI–IV асрларга оид сополлар комплексига хос сопол синиқлари йиғиб олинган. Якунда бу қисм маданий қатламлари, қадим шаҳарнинг ҳудуди мил. ав. VI–IV асрлардаёқ анчагина катта майдонни эгаллаганини кўрсатди.

2017 йилда археологик қазув ишлари ёдгорлик арки қуйи майдончасида олиб борилган. Ушбу қазув ишларидан кутилган асосий натижа, мудофаа деворининг тузилишига ойдинлик киритиш бўлган. Қазув учун танланган жой 2015–2016 йилги қазув ишлари натижасида очилган мудофаа деворининг ички томонида бўлиб, бу орқали аркнинг хос хусусияти шундаки, жой қуйи майдончанинг ўзига хос баландлашган қисми бўлиб, кўринишида бурж ёки кузатув минораси эканлиги эслатади. Қазуш ишлари якунида квадрат кўринишидаги буржнинг шарқий томони ва унга туташувчи икки қаторли мудофаа девори аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, Қирқхужра ҳудудининг аҳолиси томонидан дастлабки ўзлаштирилган қисми шарқий томони (шаҳристон–2) бўлиб, бу ҳудудда мил. ав. VI–IV асрларда кишилар истиқомат қилиб келган. Кейинги даврда шаҳар ҳудуди кенгайиб бориб, ғарбий қисмда арк устида маъмурий қисм қурилганлиги маълум бўлди.

Шаҳарнинг дастлабки даврда арки мудофаа девори билан ўралган бўлса, кейинги даврда шаҳристон қисми ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа девори учун дастлаб табиий

тупроқлардан баланд тепаликлар ҳосил қилиниб, сўнгра унинг устидан пахсадан девор қурилган.

Иккинчи шахристон марказида эса оташпа-растларнинг ўзига хос кўринишдаги ибодатхонаси қурилган. Очiq жойдаги ибодатхоналар Марказий Осиёнинг бир қанча худудларида қайд қилинган. Жумладан, Сурхондарё воҳасида Пшактепа<sup>55</sup>, Пачмактепа, Хоразм воҳасида Кўзалиқир ёдгорлик-ларида шу каби диний амаллар бажарилувчи иншоотлари қайд қилинган. Икки қаторли мудофаа деворини эса Афросиёб ёдгорлигининг иккинчи мудофаа деворида кўриш мумкин. Қисқа даврда олиб борилган қазилар ишлари якунига кўра, Поп тумани худудидаги Қирқхужра ёдгорлиги Фарғона водийсидаги энг қадимий шаҳарлардан бири эканлиги аниқланди<sup>56</sup>.

### **«СИРДАРЁ ХАЗИНАСИ» ЁХУД МУНЧОҚТЕПА ЁДГОРЛИГИ ХУСУСИДА**

Поп тумани худудида жойлашган Мунчоқтепа ёдгорлигидан топилган археологик топилдиқлар бутун Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тари-хидаги айрим саҳифаларига муҳим ойдинлик киритди. Ушбу ёдгорлик илк ўрта аср шаҳарларидан бири бўлгани аниқ. Бундай шаҳарлар номи одатда кўплаб ёзма манбаларда келтирилади. VII асрга оид Хитой манбаларида Фарғона водийсида «олти-та (6) катта ва юзга (100) яқин шаҳар бор», дейи-лади<sup>57</sup>. Араб географлари Истахрий ва Муқаддасий асарларида Фарғона водийсида жами 40 шаҳар

<sup>55</sup> Аскарлов А. Раскопки Пшактепе на юге Узбекистана // ИМКУ. 1982. Вып. 17. – С. 30–40.

<sup>56</sup> Анарбаев А., Максудов Ф., Кубаев С., Насриддинов Ш. Чильхуджра (Қыркхужра) – руины древнего города северо-западной Ферганы // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. А.Э.Бердимуродов умумий тахрири остида. 39-нашр. – Самарқанд. 2016. – Б. 89–97.

<sup>57</sup> Бичурин Н.Я. (Иякинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. – М.–Л., 1950А. – С. 319.

мавжудлиги кўрсатилган<sup>58</sup>. Улардаги маълумотларга кўра, ушбу шаҳарларда ҳаммаси бўлиб 300 000, кичик шаҳарчаларда жами 100 000 киши яшаган<sup>59</sup>. Археолог Б. Матбобоев тадқиқотлари натижаларига таяниб: «22 та шаҳарда ўртача 3000 дан ортиқ аҳоли бўлса, водий шаҳарларида 65–70 минг киши яшагани маълум бўлади. Умумий ҳисобда 250–300 мингга ташкил этади», деб ёзади<sup>60</sup>. «Кейинги Хан сулоласи тарихи»да «Фарғонада 300000 аҳоли яшайди», дейилган<sup>61</sup>. Бу маълумотлар Поп тумани ҳудудида ҳам аҳолиси кўп шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлганидан дарак бермоқда. Буни Поп шаҳри атрофидаги Баландтепа, Мунчоктепа («Айритом шаҳри»), Қирқхужра ёдгорликлари ва уларда топилган тарихий буюмлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Баландтепа ва Мунчоктепа ёдгорликларининг илк маротаба 1939 йили қазув ишлари Катта Фарғона канали қурилиши жараёнида ташкил этилган археологик қидирув ишларига тўғри келади<sup>62</sup>. Кейинроқ бу ёдгорликларни Наманган ўлкашунослик музейи ходимлари И. Маленков ва А. Шлезлар ўрганишган<sup>63</sup>. 1946–1948, 1950–1952 йиллари А.Н. Бернштам бошчилигидаги Помир – Фарғона экспедицияси ҳозирги Ш. Мирсултонова

<sup>58</sup> Большаков О. Г. Город в конце VII – начале XIII вв // Средневековой город Средней Азии. – Л., Наука, 1973. – С. 201–203.

<sup>59</sup> Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древние Ферганы / Тезисы докладов сессии, посвящ, итогам полевых археологических исследований 1972 года. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 89.

<sup>60</sup> Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларнинг тарихий таҳлили асосида). т. ф. д. дисс. – Самарқанд., 2009. – Б. 51–52.

<sup>61</sup> Бичурин Н.Я. (Иякинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. – М–Л., 1950А. – С. 186.

<sup>62</sup> Массон М.Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве Большого Ферганского канала // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. 4. – С. 53.

<sup>63</sup> Бернштам А.Н. Отчёт о работе по раскопкам Касана в 1948 г. Архив ИИМК РАН. – Ф35 Д158; Қаранг: Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Тошкент: Tafakkur, 2009. – С. 15.

номидаги фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган Мунчоқтепа, Айритом ва Баландтепа ёдгорликларига археологик қазув ишлари олиб борган. М.Э. Воронец Мунчоқтепада археологик тадқиқот ўтказган. Текширув натижаларига кўра, Баландтепа X–XI асрларга оид шаҳар харобаси экани аниқ бўлди<sup>64</sup>.

ЎзР ФА Археология институти ходими И. Аҳроров ҳам бу тарихий ёдгорликларда археологик қазув ишлари билан шуғулланди. 1964 йили Яҳё Ғуломов бошчилигида Фарғона археологик қидирув гуруҳи Мунчоқтепа ва Ғарқиз каби антик давр шаҳар харобаларини ўрганди<sup>65</sup>. 1983 йили М. Исомиддинов Баландтепада тадқиқот ишлари олиб боради<sup>66</sup> ва унинг Фарғона тарихи, маданиятини ўрганишдаги аҳамиятини сезиб, археолог Боқижон Матбобоевга бу ерда қазилар ишларини ўтказишни тавсия қилади.

Б. Матбобоев илк тадқиқот ишини Поп шаҳри тарихи билан боғлиқ Баландтепани ўрганишдан бошлайди. Ёдгорлик шакли тўртбурчак, баландлиги баъзи жойларда 13 метрга етади. Тадқиқотчи ёдгорликнинг учдан бир қисми ва аркнинг катта бўлагини Сирдарё ювиб кетганини аниқлайди. Сақланиб қолган қисми рельефидан унинг арклиги маълум бўлади. Хуллас, тадқиқотлар шаҳар қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлигини кўрсатди:

1. Арк – Баландтепанинг жануби-шарқий томонида жойлашган, ярмидан ортиқроғи ювилиб кетган.

2. Шаҳристон (ички шаҳар) – Баландтепанинг шимолий ва шимоли-ғарбий томонида. Унинг ши-

---

<sup>64</sup> Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка 1950 года по Наманганской области // Известия АН УзССР. Вып. 5. 1951. – С. 93–97; А.Н. Бернштам ҳам шундай хулосага келган.

<sup>65</sup> Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // История материальной культуры Узбекистана. – Ташкент., 1966. – С. 28–35.

<sup>66</sup> Исамиддинов М.Х. Разведочные работы в Наманганской области // Археологические открытия 1983 г. – М., 1985. – С. 531.

мол, ғарб ва жануб томонлари текисланиб кетган. Арк билан шахристон ўртасидаги қадимий хандак ўрнида чуқур жарлик пайдо бўлган.

3. Работ (ташқи шаҳар) – Баландтепанинг шимолий ва ғарбий тарафида. Маҳаллий аҳоли уни «Мунчоқтепа», «Айритом шаҳри», «Темир-қасқоқтепа» каби номлар билан ҳам атади. Шаҳарнинг бу қисмидан ўрта асрларга оид буюмлар топилган. Ҳозир йўқолиб бораётган бу тепанинг ўрнида «Аланга» номли хусусий ғишт ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритган.

3а. Шаҳарнинг бу қисми шартли равишда «шаҳар қабристони» (Мунчоқтепа) деб аталган.

Б. Матбобоев Поп тумани худудидаги Баландтепа ва Мунчоқтепа ёдгорликлари тарихини хитой манбаларида келтирилган Гуйшан ёки Гесай шаҳри билан боғлаш мумкин, деб тахмин қилади.

Антик даврга оид тарихий топилмалар воситасида арк ва ички шаҳар қисми аниқланди. Арк майдони (2,5 га) ва унинг мудофаа деворлари ўрни топилди. Арк ўрнида ундан ҳам кўхнароқ аҳоли яшаш манзили бўлгани хақида маълумотлар олинди<sup>67</sup>. Баландтепа антик ва ўрта асрларда Ғовасой суғориш деҳқончилиқ худуди ва бутун Шимолий Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларидан бири бўлгани унинг маҳобатида яққол кўриниб турибди. Шу сабабдан бу тарихий ёдгорлик қадимий Гуйшан (Гесай) шаҳрининг харобаси бўлиши мумкинлиги тўғрисида фаразлар пайдо бўлганди. Худди шу ўринга даъвогарлик қилаётган Мунчоқтепа (Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шовон қишлоғи) ва Баландтепа – Сирдарё ирмоқларининг дарёга қуйилиш ўрнида жойлашган. Ўртасидаги масофа ҳам узоқмас. Бу масалага кейинги тадқиқотлар албат-

<sup>67</sup> Матбабаев Б. Х. О возникновении и этапах развития города Пап (Боб) // Общественные науки в Узбекистане. 1994. № 8. – С. 59–63.



та аниқлик киритади<sup>68</sup>. Б. Матбобоев ҳам бу муаммо бўйича фақат фаразлар билан чекланади.

Ўзма манбаларда Поп шахрининг сомоний – қорахонийлар даври тарихига доир айрим хабарлар сақланиб қолган. Бироқ археологик ашёлар унчалик кўп эмас. Бунинг сабаби мазкур харобалардаги шу даврга тегишли моддий-маданий қолдиқларга кейинги 40–50 йил ичида аёвсиз зарар етказилгани ва уларнинг ҳалокатли қаровсиз аҳволда қолдирилишидир.

Маҳаллий аҳоли XX асрнинг 40–50 йилларида Поп шахрининг ўрта асрлардаги ўрнини «Айритом шахри» деб атаган. 1946–1948 йиллари «Айритом шахри»да қазув ишлари олиб борган А. Бернштам жуда катта ҳудудда мис, темир, сопол тошқоллар ва хумдон қолдиқларини топган. Шу асосда, у Мунчоқтепа–Айритом шахри харобаси металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик ҳунармандчилик маркази бўлиши мумкинлигини ёзган. Ўрта асрлар муарриҳи Муқаддасий Шимолӣ Фарғона (Воғизий) қишлоқ ва шаҳарлари баъзи ҳунармандчилик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашгани ҳақида хабар берган. Масалан, Тисханда – пахтали газмоллар, Зерканда – гуруч, Ранжандда – оёқ кийимлари ишлаб чиқарилар эди. Мунчоқтепа (Айритом шахри) аҳли балки темир буюмлари тайёрлашга ихтисослашгандир. Бунинг учун эски Попда ҳамма имкониятлар мавжуд бўлган. Бинобарин, темир ва бошқа маъдан конлари унинг яқинида жойлашганди<sup>69</sup>.

Қадимги фарғоналикларнинг кийимларини ўрганишда Мунчоқтепа қабристонидан олинган материаллар ҳам катта аҳамиятга эга. Гарчи, ушбу материаллар илк ўрта асрлар билан саналса-да, уларни атрофлича ўрганиш орқали антик давр-

<sup>68</sup> Матбобоев Б.Х. Фарғона қадимий шаҳарларини жойлашган ўрни муаммолари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. № 9. – Б. 81.

<sup>69</sup> Матбобоев Б. Қадимий Поп // Фан ва турмуш, 1/1998. – Б. 26–28.

даги аждодларимизнинг кийимлари ҳақида анча аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин<sup>70</sup>.

Археолог Б. Матбобоев томонидан очиб ўрғанилган мазкур Мунчоқтепа мозоридаги сағаналардан эркак, аёл ва болалар кийимларининг қолдиқлари ҳамда уларга чатилган турли хил тўқалар, тугмалар ҳам топилган. Ушбу қадимги кийимлар уларнинг қолдиқларини таъмирлаш натижасида ўша давр аҳолисининг кийимларининг бичими, нусхалари, қолаверса, маҳаллий аҳолининг хўжалик машғулоти ва турмуш тарзи ҳамда дафн билан боғлиқ урф-одатлари тўғрисида муҳим янгиликлар ҳам қўлга киритилди.

Мунчоқтепа материалларининг илмий таҳлили қадим фарғоналиклар кийимлари Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда яшаган бошқа этносларники билан умумий ҳамда маҳаллий (локал) хусусиятларга эгалигини кўрсатди. Яъни, мунчоқтепаликлар кийимларининг кўриниши Буюк Ипак йўли бўйидаги халқларнинг либосларидан унчалик фарқ қилмайди, бироқ айни вақтда кийимлардаги «ўйма чўнтак», унга қадалган мунчоқлар, махсус безакли тугмалар, банд ва турли туморчалар ҳамда кийимларни қимматбаҳо ипаклар билан безаш – бу мунчоқтепаликлар, яъни қадимги попликлар кийимларининг маҳаллий (локал) жиҳатларидир<sup>71</sup>.

Этнографик адабиётларда Ўрта Осиё халқлари кийимларининг тарихи ва эволюцияси ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Одатда этнографлар халқ кийимларини кўпроқ эркаклар, хотин-қизлар, болалар ҳамда маросим кийимлари каби турларга ажратиб ўрганадилар. Тадқиқотчилар таъкидлашича, ўтмишда аҳоли орасида бичими тўғри ва кенг, елкаси чоксиз кўйлақлар кенг тарқалган бўлиб, унинг ёқалари жияк билан безатилган. Енг-

---

<sup>70</sup> Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент., 2014. – Б. 130–133.

<sup>71</sup> Матбабаев Б. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент: Тафаккур. 2009. – Б. 130–133.

лари ҳам узун ва кенг, бўйи эса тиззадан пастга туширилган ҳолда тайёрланган. Рус тилидаги адабиётларда бу нусхадаги кўйлақлар «туниканусха» («туникаобразный») деб номланган.

Мунчоқтепаликларнинг кийимлари мажмуасида ҳам анъанавий «туниканусха» бичимидаги кўйлақлар катта ўрин эгаллайди. Таъкидлаш керакки, бу жойдан топилган кийимлар орасида мураккаб бичимдаги кийимлар ҳам топилган. Бу ҳолат қадимги попликларнинг кийимларининг экспорти билан изоҳланади. Эркакларни қадимий «туниканусха» бичимидаги анъанавий кийимлари бичими жиҳатидан аёлларникига жуда яқин туради. Бу факт, энг аввало ҳар икки жинс вакиллари кўйлақларининг қадимий асоси (негизи) бир бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Бироқ эркак ва хотин-қизларнинг қадимги кўйлақларидаги бундай бир хиллик иқтисодий ва маданий жараёнлар таъсирида доимо ўзгариб борган, ривожланиб янги элементлар билан бойиган ҳамда албатта табақалан (дифференциялаш)ган.

Элшунос олима О.А. Сухарева Ўрта Осиё халқларининг «туниканусха» бичимидаги анъанавий кийимлари тарихи ва эволюциясини ўрганиб, Фарғона водийси, Қирғизистон, Шарқий Туркистон ва Помир олди ҳудудларини ўз ичига олган маданий-тарихий зонада кийимлардаги табақаланиш жараёнида, энг аввало анъанавий кийимни жинсга қараб ажратилганлигини – эркаклар учун олди очик ҳолатдаги, хотин-қизлар учун эса олди ёпиқ бичимдаги кўйлақлар қадимги даврлардаёқ вужудга келганлигини кўрсатиб ўтган<sup>72</sup>.

1989 йилдаги қазиш ишларида дастлаб биринчи қабр очилганда III–V асрга оид сополлар, иккинчи қабрдан эса тўрт бурчакли махсус сопол идиш, археологлар тилида «остодон»лар топилган. Мунчоқтепа сағаналаридан бирида 47 та тобут то-

---

<sup>72</sup> Сухарева О.А. Опыт анализа покровов традиционной «туникаобразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – Москва., 1979. – С. 78–79.

пилган бўлиб, бу тобутлар 8 қават қилиб тахланган. Уларнинг 45 таси сараланган қамишлардан ясалган бўлиб, бу тобутларда ҳар хил ёшдаги эркаклар ва аёллар жасадининг қолдиқлари ётарди. Ана шу тобутлардан 22 тасинигина сақлаб қолишга муваффақ бўлинган, холос. Қамиш тобутлар ҳар бир марҳумга мос қилиб ясалган. Қолган иккитаси узунчоқ сават бўлиб, унда янги туғилган чақалоқлар дафн этилган.

Марҳумлар тобутларга уст-бошлар, қурол-яроғлари, зеби-зийнатлари ва асбоб-ускуналари билан қўйилган. Бундан ташқари ёнларига саватда озиқ-овқат, қўй ва ҳар хил парранда гўштлари қўйилган. Мевалардан шафтоли, ўрик, хурмо, гилос, ёнғоқ, хандон писта ва ерёнғоқлар мавжуд. Топилмалар ичидаги уч чаноқли пахта кўсаклари 1910 йилларда экилган пахта навини эслатади. Топилмалар орасида кулолчилик, тўқимачилик, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, ҳунармандчилик (10 минг донадан ортиқ ҳар хил мунчоқлар), пойабзал тикиш билан шуғулланилганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу сағаналар ноёб муҳандислик-қурувчилик иншоотлари намунасидир. Академик А. Асқаровнинг таъкидлашича, Попдаги сағаналар Марказий Осиёда кейинги 30–40 йил ичида аниқланган энг ноёб топилмалардир. Топилмаларни олиб, сақлаш ишларига нафақат Республика, балки хорижлик мутахассислар ҳам жалб этилган. Бу ишларда Россия, Буюк Британия, Австралия, Франция, Тожикистон мутахассислари ҳам қатнашган.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, Поп туманидаги Баландтепа, Мунчоқтепа (Айритом шаҳри), Қирқхужра сингари яна бир қанча ўтмиш ёдгорликларининг миллий тарбиявий ва маънавий аҳамияти юксак баҳоланиб, 1993 йили Поп тумани марказида тарихий буюм ва ашёларга бойлиги бўйича Фарғона водийсида ягона ва Республикада иккинчи ўринда турадиган «Археология музейи» бунёд этилди. Ўша йили унда сақланаётган та-

рихий топилдиклар жаҳоннинг бир нечта теле-радиокомпаниялари орқали томошабинларга намойиш қилинди. Япониялик олим Хата Сан Поп туманида ўн саккиз кун бўлиб, халқ санъати ва маданияти ҳақида ажойиб фильм ишлади. Унда қадимий ва ҳозирги Поп шахрининг тарихи тасвирланган. Изчил амалга ошириб борилаётган бундай тадқиқотлар ҳамда тадбирларнинг барчаси Поп тумани ўтмиши, унда истиқомат қилаётган қавмлар маданияти, тарихини ўрганиш борасида ишлар тобора қизғин паллага кириб бораётганидан хайрли нишонадир. Бироқ Поп археология музейини сақлаб қолинмади. Унинг фаолияти давом этмади. 2016 йилга қадар бирор тадбир ўтказилмади. Шу боис, бу музей ўз фаолиятини тўхтатди ва унинг экспонатлари Наманган ўлкашунослик музейига олиб кетилди.

## «ПОП ЁЗУВИ» ХУСУСИДА

Мунчоқтепа ёдгорлигидан топилган сопол идиш сиртида номаълум хатда ёзилган бир битик тасвирланган. Б. Матбобоев уни шартли равишда «Поп ёзуви» деб атади. У Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларидан топилган туркий ёзувларга ўхшаш анъанавий хусусиятларга эга. Унда учта белги чизилган эди. Иккинчи ва учинчи белгилар Фарғона ёзувларида учрамайди. Талас водийсидаги туркий ёзувларида эса бу белгилар бор. Талас битиклари Фарғона туркий хатларидан сўнг пайдо бўлиб, VIII аср ва ундан кейинги даврларга оиддир. Фарғона туркий ёзувларининг хусусиятлари Талас ёзувларида давом этган. Шу сабабдан Талас битиклари Сибирдаги туркий-рун битиги эмас, Фарғона водийси туркий ёзувларидан тарқалгани ҳақиқатга яқинроқ. Сибирдаги туркий-рун битиклари дастлаб Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган мазкур ёзувлардан тарқалганини Попдан топилган тарихий буюмлар ҳам тасдиқлаб турибди. Тарихий ашёлар ва улардаги ёзувлар камида VII–VIII асрларга тааллуқлидир.

Аммо бу ҳолат Фарғона водийсини этник, маданий ва сиёсий жиҳатдан унга ёндош бошқа худудлардан ажратиш учун асос бўлолмайди. Аксинча, кўҳна Турон заминидаги ижтимоий, маданий ва этник жараённинг бир қисми Фарғона водийсида ҳам фаол давом этганини ушбу далиллар аниқроқ кўрсатади. Поп ёзуви таҳлил қилинганда ўнг томондаги биринчи ойсимон белги қаттиқ «Й» товушини ифодалаши аниқ бўлди. Иккинчи белги анъанавий «Л» товуши белгисининг бошқачароқ шаклидир. Анъанавий туркий ёзувда бу белгининг пастдаги илгаги унинг юқори қисмида жойлашган бўлади ва бундай шакл Талас ёзувларига хосдир. Учинчи белги тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. У юмшоқ «Н», тўртинчиси қаттиқ «Н» товушини билдиради. Хуллас, ушбу топилган ёзув синчиклаб ўрганилганда, у «АЙИН ИН» деб ўқилиши маълум бўлди. «АЙИН» бирор шахснинг исми бўлса керак. «ИН» сўзи «пастқам, пастлик жой» маъносини билдириб, ўша шахс дафн қилинган қабрдир. «АЙ» ёки «ОЙ» сўзи билан бошланган ёзувлар кўплаб учрайди. Шомонийлик ва монийлик динида ой, қуёш, юлдузлар эътиқод рамзларини билдирган. Ота-боболаримиз фаровонлик, эзгулик тилаб уларга сиғинган. Шунинг учун туркий халқлар ижодиётида Ойсулук, Ойтўлди, Ойтуғди каби исмлар кўп учрайди. «Ўғузнома»да Ой хоқон, «Қутадғу билиг»даги (XI аср) донишманд Ойтўлди исмларига ўхшаб, мазкур «АЙИН»да ҳам шомонлик ва монийлик изларини кўрамиз<sup>73</sup>. Айрим қавмшунослар тарихда «Ойин» номли қабила бўлгани ҳақида ахборот беради. Ўзбек уруғлари таркибидаги аймақлардан бири ҳам «айинли» деб аталади. Муаррих Ҳасан Ато Абуший уларнинг қалин сокол қўйиб юргани тўғрисида ёзади. Шу боис баъзи олимлар уларни Кавказорти ёки Россия халқларига ўхшатадилар. Аммо Абуший фикрича, улар мўғул ирқиға ман-

<sup>73</sup> Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент, 2006. – Б. 36–37.

суб бўлган<sup>74</sup>. «Айин» деб аталувчи қабила Ўрта Осиё халқлари ва япон ҳамда Америка хиндуларининг шаклланишида иштирок этган. Антрополог Ж. Бирдзел Америка хиндулари шаклланишида мўғулийликдан ташқари европаликларга хос унсурлар ҳам борлигини таъкидлайди. Ж. Бирдзел бу унсурларни «амурликлар» деб атайди. Амур тоифаси, дейилганда «айин»лар назарда тутилмоқда<sup>75</sup>. Бошқа бир америкалик тадқиқотчи Лоринг Брейстнинг қарашларига кўра, «айин»лар 15 минг йил аввал Америкага бориб қолган илк осиелик қабилалардир. Шимолий Америкада яшовчи *сиу*, *ирокез* ва яна баъзи қабилалар «айин»лар авлоди ҳисобланади.<sup>76</sup> Илмий тадқиқотлар «айин» ва Осиёнинг яна бошқа қабилалари ҳам Беринг бўғози орқали «янги ерларга» ўтганини кўрсатмоқда. Қавмшунос Р. Кузеевнинг маълумотига кўра, бошқирдларнинг «ойли» уруғи ўзларининг тарихий келиб чиқишини Ўрта Осиёдаги Бошқарт тоғларига боғлар экан<sup>77</sup>. Б. Кармишевнинг таъкидлашича, «ойинни», «ойинли», «ойин», «айин» ва «ойли» номларининг негизида «ой» сўзи ётади. Шу уруғнинг тамғаси ярим ойга ўхшатилиб, тақа сифатида тасвирланган<sup>78</sup>.

Ойинларнинг тамғасида ой тасвирининг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тош асридан буён одамлар табиий офатлар билан тез-тез тўқнашиб тургани тарихдан маълум. Ибтидоий одамларнинг табиий ҳодисалар (зилзила, вулқон, чақмоқ, сел ва ҳоказолар) олдида ожизлиги уларда ғайритабиий кучлар тўғрисида тасаввур уйғотган. Бу ҳолат уларда ўсимлик, ҳайвон, тоғ,

<sup>74</sup> Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент, 1995. – Б. 185–186.

<sup>75</sup> Народы Америки. – Москва., 1956, 1 том. – С. 23.

<sup>76</sup> Умаров И. Ўрта Осиёда туркий халқларнинг этногенезиси (кўнғиротлар). Биринчи китоб. – Қарши, «Насаф», 2003. – Б. 20.

<sup>77</sup> Кузеев Р.Г. К этнической истории башкир в конце I – начале II тысячелетия н. Э. // Археология и этнография Башкирии. Т. 3. – Уфа, 1968. – С. 236.

<sup>78</sup> Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва., 1976. – С. 214.

дашт, қуёш, ой, юлдузларга сиғинишни келтириб чиқарган. Ибтидоий одамлар ўзлари эътиқод қила бошлаган нарсани уруғнинг ҳимоячиси, ҳомийси деб билган. Вақти келиб шаҳар, давлат ёки қабила иттифоқларига асос солганларида унга ўз маъбудлари исмини қўйганлар. Тарихда бунга мисол бўладиган воқеалар жуда кўп. Масалан, *Ашшур* қадимги Месопотамия, ҳозирги Ироқнинг шимоли-шарқда яшовчи семит-хуррит қабилаларининг маъбудиди. Маъбуд номи кейинроқ шаҳар, давлат ва унга сиғинувчи қабилаларнинг этник номига (оссурлар) айланган. Афина, Хет-ка Птах номи ҳам худди шундай илдизларга эгадир.<sup>79</sup>

Месопотамияликлар ўзларини ой авлодлари деб ҳисоблаган. Аммо ой қабилалари бу ерда шумер-хуррит қабилаларининг таъсирига учрайди. Улардаги «ой» номига шумер-хуррит тилидаги «унга мансуб» маъносини англатувчи «ин» қўшимчаси қўшилиб, «айин» сўзи ҳосил бўлган. Шумер ва хуррит қабилалари таъсирида ой қабилалари ўзларини «айин»лар деб атаётганлар. Шумер тилидаги ой маъносини англатувчи «наннар» сўзи шумерликларда ой худосининг исмига айланган. Кейинги тадқиқотларда туркийлар ва шумерларнинг тарихан ўзаро яқин боғланиши тўғрисидаги илмий фикрлар тобора қатъийроқ янграмоқда.

Милоддан аввалги III–II минг йилликларда турли сабаблар (очарчилик, урушлар, касалликлар, табиий офатлар) боис, шарққа силжиган айинларнинг бир қисми Турон ва Ҳиндистонда ўрнашган.<sup>80</sup> Вақт ўтиши билан улар Турондан Узоқ шарққа, у ердан «айну» номи остида Япон ороллари ҳамда Шимолий Американинг ғарбий соҳилларига бориб ўрнашганлар.

Милодий XI асрда Турон айинларидан ажралиб

---

<sup>79</sup> Хет-ка Птах қадимги Мисрнинг пойтахти, уни греклар Мемфис деб атаган. Унинг маъноси «Птаха худосининг қўрғони»дир. Хет-ка Птах грекчада «Айгуптос»дир. «Айгуптос»ни эса руслар «Египет» тарзида қабул қилган.

<sup>80</sup> Ҳинд халқи достони «Маҳабхарата»да айтилишича, Куру шоҳлари ой сулоласига мансуб бўлган.



чиққан гуруҳ Сирдарёнинг қуйи қисми ва Орол денгизи бўйларида яшаган ўғуз қабилалари билан бирга Днепр ва Волгабўйи томон силжиган. Уларнинг айрим тармоғи бошқирдлар билан аралашиб кетган. Айинлар ўзлари ўрнашган янги ҳудудларда қўшни қабилалар таъсирида анча ўзгарган. Аммо эл номи «айин»лигича қолаверди.

Турон заминига ислом дини кириб келгач, ойинлар ҳам бу динни қабул қилади. Ойга сиғиниш одатлари унутилган. Ой энди шу қабиланинг номи, белгиси ва тамғасида сақланиб қолган. Ойинларнинг бир қисми ўз тамғаси номи билан ойтамғали деб аталди. Ойтамғали уруғи, асосан, Зарафшон, Тошкент ва Фарғона водийсида яшаган. Ҳозир ҳам Самарқанднинг Нарпай, Оқдарё, Пойариқ; Жиззахнинг Фориш; Тошкентнинг Оққўрғон туманида Ойтамғали деб аталувчи қишлоқлар мавжуд. Наманган вилояти Поп туманининг Исковут қишлоғи аҳолиси ҳам ўзларини «ойтамғали турк» уруғига мансуб деб ҳисоблашади<sup>81</sup>. Тадқиқотчи В. Мошкова бу уруғ «йигирма тўрт ота» уруғининг «олти ота ой тамғали» қабиласига киришини таъкидлайди<sup>82</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар ойинларнинг жуда узоқ тарихга эга эканини кўрсатади. Ойинлар улкан ҳудудда кенг тарқалиб яшагани боис ўрнашган ҳудудлари табиати таъсирида антропологик қиёфаси ўзгарган. Олимлар уларни гоҳ мўғул, гоҳ кавказлик қиёфасида таърифлашига шу жиҳатлар сабабдир.

Араблардан аввалги даврлардаги ёзма манбаларда маълумотлар етарлича бўлмаса-да, археологик тадқиқотлар натижаларини уларга қўшганда, Шош ва қадимги Фарғона аҳолисининг асосини туркий этнос ташкил этганига унча шубҳа қолмайди. Бу ҳақда А. Якубовский шундай дейди:

---

<sup>81</sup> Дала материаллари. Маллаев Қурбонбой ота 74 ва Баратов Исомиддин 73 ёшли Исковут қишлоғи фуқаролари.

<sup>82</sup> Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен. Сборник «Труды институт истории и археология Туркистан». – Ташкент, 1959. – С. 147–148.

«Ҳар ҳолда, араблар VII–VIII асрларда Ўрта Осиёни истило қилишда фақат Балх билан Бадхиз атрофидаги турклар эмас, Фарғона турклари билан ҳам тўқнашдилар»<sup>83</sup>. Чуст тумани худудидаги Қизларбуви тарихий маскани бугунги кунда гавжум муқаддас зиёратгоҳлардан биридир. Айтишларича, Қизларбуви Попнинг Уйғур қишлоғидаги амалдорлардан бирининг қизи бўлган. У биринчилар қаторида ислом динини қабул қилиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин саҳобаларидан Абдурахмон ибн Авфни душманлар яралаганда уни даволаган.

Хуллас, Мунчоктепадан топилган «Поп ёзуви» бизни шунча қадимий ва қизиқарли тарихий воқеалар билан таништирди. Бу ҳудуд қадимдан туркий қавмларнинг азалий макони бўлганини кўрсатиб, янги-янги тадқиқотлар, мушоҳадалар учун йўл очди.

## ТОШ «ЎЧОҚ»ЛАР СИРИ ЁХУД ҚАДИМИЙ ҚУРУМ (МУҒ) ҚАБИЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Тангритоғнинг (ТяньШань) бир бўлаги Курама тизмасининг катта қисми Поп тумани худудида жойлашган. Ундаги Қамчиқ довони чўққилари бўйлаб юрсангиз, ажойиб манзара – тўйлардаги ош қилиш учун мўлжаллаган катта ўчоққа ўхшаш биноларни кўрасиз. Бу тош «ўчоқ»лар катта-катта тошлардан сувоқ қоришмаси қўлланмай, оғзи жануби-ғарб томонга қаратиб қурилган. Бу тошларни инсон кўтаришига ақл бовар қилмайди. Улар энг баланд чўққиларда қўл кучи билан қурилган. Ўз-ўзидан бу тош «ўчоқ»лар нима мақсадда қурилганини ўйлаб, бошингиз қотади.

Сўнгги йилларда Поп туманида кўпгина археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йили Чодак қишлоғи яқинидаги Эгрикул отасой бўйида қазилма ишлари олиб борилган.

<sup>83</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Тошкент., 1941, – Б. 7.

Бу ҳудудда полеолит даврига оид бўлган турли буюмлар топилган<sup>84</sup>.

Тарих дарсликлариди Фарғона ва Помир ҳудудларида мил. ав. VIII–VI асрларда кўчманчи сак қабилалари яшагани ёзилган. Поп туманининг шимолида жойлашган Курама тизмасидаги ёдгорликларни ўрганган Б. Литвинский бу ҳудудларда сакларнинг курумлар деб аталувчи қабилалари яшаганини таъкидлайди<sup>85</sup>. Географик номлар тадқиқотчиси С. Қораев тоғ ёнбағирларидан қулаб тушган харсангтошлар уюми – курум ёки ғурим, деб ёзади<sup>86</sup>. Аммо бу сўз саклар таркибидаги қабилани ҳам англатиши ҳақида ҳеч нима демайди. Шунингдек, «курум» сўзи туркий тилда «улкан», «буюк», «катта», «ғоят катта» маъносини англатган<sup>87</sup>. XIX аср хариталарида тумандаги Ғурумсарой қишлоғи «Курумсарой» деб ёзилган. «Курум» сўзи Поп шеvasида балки «ғурим»га айланиб қолгандир. Ҳозирги Тепакўрғон қишлоғи қабристонини ўрнида аввал тошдан бунёд этилган курумлар қабристонини бўлгани ривоят қилинади. Бу Поп тумани ҳудудида қачонлардир курумлар яшаганидан далолат берса керак. «Курум» сўзи Фарғона водийсидан ташқари Хитой ва унинг таркибидаги Шарқий Туркистон (ҳозирги Шянжонг-Уйғур мухтор ўлкаси) ҳудудида ҳам учрайди. Шарқий Туркистонда қадимда Курум («Кунлун») давлати бўлганини тасдиқлайдиган бир қанча маълумотлар мавжуд. Хитой манбаларида мил. ав. II–I минг йилликларда Тангритоғнинг шарқий қисми жанубида, ҳозирги Кумул–Турфон вилоятлари ҳудудида Кунлундаги хитойча «кун»

---

<sup>84</sup> Мирсоатова С.Т. Новый данные о позднем палеолите Ферганской долины // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзудидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 11.

<sup>85</sup> Литвинский Б. Курганы и Куруми Западной Фергани. – Москва, 1972. – С. 45.

<sup>86</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. –Тошкент., 1978. – Б. 188.

<sup>87</sup> Бан Гу. Ханнома. 24 тарихдаги Ўрта Осиёга доир материаллар–2 (араб алифбосидаги уйғур тилида). – Урумчи, 1994. – Б. 54.

иероглифи билан ёзилган Кунъу деган давлат номи учрайди. Сўнгра «кунъу» этноними «иъу»га (Ивирғул) ўзгарган<sup>88</sup>. Араблар VIII асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсидаги курумлар ерларини босиб олгач, уларни «муғлар» деб атаганлар. Марказий Осиёда зардуштийлик динига эътиқод қилувчи аҳоли ҳам муғлар деб аталган<sup>89</sup>. Кейинчалик исломдан олдинги даврга мансуб қадимий зардуштийликка оид тарихий обидалар Муғтепа, Муғ, Муғқалъа ёхуд Муғистон деб юритилган. Муаррих Ибрат ҳам: «Туркистон мамлакатларида бино бўлган эски харобалар бор, ани «муғний» иморати деб айтурлар. Муғ деб оташпараст Афросиёбдан қолган иморатлар бўлса керак», деган фикрларни ёзиб қолдирган<sup>90</sup>.

«Муғ» – «қалмуғ» сўзидан келиб чиққан, деган тахмин ҳам мавжуд. Бу ҳақда Э. Ҳайитбоев ўзининг «Пошшопирим қиссаси» номли мақоласида ёзади:

*«Маълум манбаларга қараганда, «Муғ» сўзи «Қалмуғ» сўзидан олинган, тоғли халқлар уни қисқартириб «муғ» тафсилида ишлатганлар, дейилади.*

*Бу ҳақда биринчи марта археологиянинг Туркистон тўғараги аъзолари (1890 йил 7 февралдаги Н. Жесинбоевнинг маълумоти) бўйича қабул қилинган баённомада кўрсатиб ўтилган. Унда айтилишича, «Муғ» халқ бўлган, улар маълум даврда Марказий Осиёда ҳукмронлик қилганлар. «Муғ»лар – қалмуқлар ҳукмронлиги даврини эслатувчи кўпгина ёдгорликлар мавжуддир. В.П. Наливкиннинг «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи», А.Д. Петровнинг «Сари-Қўрғон» қишлоғи яқинидаги «Муғтепа харобалари», Б. Зиминнинг «Қадимги Суғд тўғрисида*

---

<sup>88</sup> Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. – Новосибирск, 1981. – С. 161.

<sup>89</sup> Бу ҳақда қаранг: Брагинский И. С. Из истории таджикской народной поэзии. – Москва: Издательство АН, 1956; Авеста. Избранные гимны. – Душанбе.: Адиб, 1990; Зартустра. Учение огня. Гаты и молитвы. – Москва: Эксмо, 2007; Абулахатов Н., Ҳайдарова З., Азимов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. – Фарғона., 2009. – Б. 33.

<sup>90</sup> Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос тўплами. – Тошкент: Нихол. 1994. – Б. 275.

қисқача тарихий маълумот», расом Шербина-Крамеренконинг «Косонсойдаги Муғтепа деб аталган қўрғон харобалари», Н. Жесинбоевнинг «Муғ сўзи, қўрғонлар ва тош кампир» деган мақола ва хабарларида, Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибратнинг «Тарихи Фарғона» китобида етарли маълумотлар келтирилган. Жумладан, археология учун қизиқарли бўлган «Туркистондаги жойлар» мавзуда 1896 йилнинг 26 февралда археологларнинг Туркистон тўғараги аъзолари қабул қилган баённомада таъкидланишича: «Сирдарёнинг ўнг томонидаги жойларда «Муғ хоналар», «Муғ калла», «Муғ кўзачаси» топилган. Муғлар қадимий халқ бўлиб, оловга сўғинганлар, маъжусий бўлганлар. Улар араблар кириб келгунча шу ерда яшаганлар. Сўнгра Ибрат ёзганидек, «қалмоқлар қўлидан давлат арабларга ўтган»<sup>91</sup>.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Фарғона водийсига уюштирилган навбатдаги экспедицияларнинг бирида қадимшунос Б. Литвинский муғлар тўғрисида қўйидаги ривоятни келтиради:

«Айтишларича, қадим замонларда бетиним меҳнат қилиб кун кечирувчи одамларни муғлар деб аташган экан. Ана шундай муғлардан бири қўшни қишлоқдаги бир кекса кампирнинг гўзалликда тенгсиз соҳибжамол қизини севиб қолади ва у кампирнинг ҳузурига келиб, қизининг қўлини сўрайди. Кампир унинг таклифига рози бўлиб, «Майли болам, мен сенга қизимни бераман, лекин бир шарт билан. Шартим шуки, сен мен нимани айтсам шу ишни бажарасан. Бунинг эвазига мен ҳатто ҳар куни хизматингга яраша ҳақ ҳам тўлайман», деб йигит кўнглини тоғдай кўтариб юборади.

Муғ йигит учун бундан ҳам юксакроқ бахт йўқ эди. Кампир унга қизини турмушга бериб тошдан узун девор қуришни буюради. Кампир ҳар куни кун ботиши билан катта-катта харсангтошлардан девор қураётган муғнинг олдига келиб унга бир дона танга берган. Муғ эса ушбу тангани кампир-

<sup>91</sup> Хайитбоев Э. Пошшопирим қиссаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. № 19. 1997 йил, 9 май.

нинг қизи бўлмиш севимли хотинига берган. У «Менинг кўп тангам бўлади ва бу тангаларга хўжалик учун керакли бўлган барча нарсаларни сотиб олиб, бекаму кўст ҳаёт кечираман», деб ўйлар эди. Шу зайлда бир йил ўтиб, муғ девор қуришни тамомлаб, кампирдан сўнгги тангани олиб, уйига келади. У хотинидан эртаси куни бозор куни бўлгани учун харид қилишга тўпланган барча тангаларни олиб чиқишини айтади. Шунда хотини «қанақа тангалар» дея ҳайрон бўлади. Муғ эса хотинига жаҳл билан «Сенга бир йил мобайнида олиб келган тангаларни айтяпман», дея жавоб берган ва у тез орада фирибгар кампирнинг макрига алданганига ишонч ҳосил қилади. Маълум бўлишича, кампир бир дона танга билан уни йил бўйи қулдек ишлатган экан. Яъни, муғ уйга олиб келган тангани хотини ўша заҳоти онасига берган. Онаси эса шу тангани ҳар оқшом муғга хизмат ҳақи сифатида бериб келган. Ёлғончи хотин билан яшашга ва бундай хўрликларга чидай олмаган софдил муғ йигит ўз жонига қасд қилган экан»<sup>92</sup>.

Рус олими И.М. Дьяконовнинг фикрича, муғлар аслида Турондан келиб чиққан, кейинчалик Каспий денгизи жануброғида ҳамда Мидияда яшаганлар<sup>93</sup>. Бора-бора умуман зардуштийлик динининг билимдонлари, тарғиботчилари ҳамда маросимларни уюштирувчилар ҳам шу ном билан аталган. Қадимий аждодларимиз бўлмиш саклар, массагетлар, скифлар, бохтарлар, суғдийлар, хоразмийлар орасида муғлар алоҳида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишган. Улар «Авесто» дуолари, қасидалари, ривоятларни ёддан ёқимли қироат қилиш, ваъз айтиш, хаома деб аталадиган илоҳий май тайёрлаш ва сақлаш, маросимларни тартибли ўтказишда ибрат бўлганлар.

<sup>92</sup> Литвинский Б.А. Курумы // Археологи рассказывают. – Сталинобод, 1959. – С, 220.

<sup>93</sup> Дьяконов И.М. История Мидии с древнейших времен от конца IV в. до нашей эры. – М-Л., 1956, – С. 403.

## ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ФАРҒОНАНИНГ ТУРКИЙ АҲОЛИСИ ҲАҚИДА

Қадимги ва илк ўрта асрларда Фарғона водийси тарихига оид кўпчилик ёзма маълумотлар хитой манбаларида учрайди. Уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Хитойнинг 5 хонлик (907 – 979) давригача бўлган сулолалар тарихи («Эршиси ши»). 2. VII–XII асрларга оид тарихий асарлар («Тунгжян жиши бэнмуо», «Тунгдян», «Тайпин хуаньюй цзи»). 3. Фарғонага келган Хитой сайёҳлари Сюан Цзян (629–645), Хуйа Чао (VIII), Ду Хуан (VIII) сафарномалари. Биринчи гуруҳ манбалари рус, турк, француз, инглиз тилларига қисман таржима қилинган. Фарғона водийси тарихига оид маълумотлар жуда кам ўрганилган. Иккинчи ва учинчи гуруҳдан жой олган хитой манбалари деярли тадқиқ этилмаган.

Хитой манбаларида Фарғона водийси, жумладан, Поп тумани аҳолисининг бир қисми туркийзабон бўлгани таъкидланади. Уларда Фарғона водийсининг туркий аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари, этник тарихи, этнографияси, антропологик тузилиши, тили, дини, асосий машғулотлари сингари туркологияга оид қимматли маълумотлар мавжуд.

VIII асрда Фарғона водийсига келган Хуйа Чаонинг «Вангъу Тянчжу-гуо чжоан» («Ҳиндистондаги 5 та давлатга қилинган сафар») сафарномасида Фарғона давлатида кўрганларини қуйидагича ёзган: *«/114-б./Кангкия давлатидан шарқ тарафга юриб, Фарғона давлатига етиб келдик. Иккита ҳукмдор бор экан. Уларни ўртадан оқиб ўтадиган Фуча деб аталадиган катта дарё ажратиб туради. Дарёнинг жанубидаги ҳукмдор арабларга (Даши), унинг шимолидаги ҳукмдор туркларга итоат қилади. Бу мамлакатда туя, қўй, /115-б./ от боқилади, пахтадан турли матолар тайёрланади, тери ва пахта матоларидан тикилган*

кийимлар кийилади<sup>94</sup>, тандир нони кўп истеъмол қилинади. Тили ва сўзлашиш оҳанги бошқа давлат халқлариникидан фарқ қилади. Бу ерда будда динини билишмайди, будда ибодатхоналари ва роҳиблари йўқ.

Фарғонанинг (Бахэна) шарқий томонида бир давлат бор, Гудуо-гуо деб номланар экан. Ушбу давлат ҳукмдори этник жиҳатдан турклардан. Маҳаллий фуқаролар ярми ғуз, ярми турк экан. Заминида туя, эшак, қўй, от, қорамол, хачир боқилади, узум етиштирилади, жундан тўқилган турли гиламлар тайёрланади. Пахтадан тўқилган мато ва теридан кийим тикиб кийишади. Тили ва сўзлашиш оҳанги ярми тўҳорча, ярми туркча, ярми маҳаллий. Ҳукмдор ва унинг итоатидаги фуқаролар будда динига эътиқод қилишади. Уларда будда ибодатхоналари бор. Одамлар оз бўлса ҳам ибодатдан қолмайди. Мазкур давлат араблар назоратида, бироқ чет элликлар уни расмий давлат деб танишади. Унинг замини Хан мамлакатининг катта вилоятига тенг. Бу давлатдаги эркаклар соқоқолларини олдириб, аёллари соқларини ўстириб юришар экан.

Мазкур ғузлар давлатидан шимол сари юрилса Шимолий денгизга, ғарбга қараб юрилса Ғарбий денгизга, шарққа юрилса Хан давлатига бориш мумкин. [Гудуо] давлатининг шимолий томонидаги барча ҳудудларида турклар яшайди. Ушбу турклар будда динини билишмас ва уларда будда ибодатхо-

---

<sup>94</sup> Илк ўрта асрларга даврига мансуб бўлган Наманган вилояти Поп туманида топилган Мунчоктепа ёдгорлигидан VI асрга оид пахтадан тўқилган аёл кийими ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу кийимни топган археолог олим Б. Матбобоев, «камиш тобутдаги марҳума аёл бошига пахта матодан «ёстик» кўйилган. Унинг эғнида тўлалигича ипак матодан тикилган кўйлак сакланиб қолган. Кўйлак устидан кийган бошқа бир кийимнинг парчалари ҳам сакланиб қолган. У кўполроқ матодан тикилган устбош қолдиқлари (ҳозирги халатга ўхшаган) бўлса ажаб эмас. Кўйлакнинг энги узун, ҳатто марҳума бармоқларини ҳам ёпиб турибди. Кўйлак гулли матодан тикилган» деб ёзган (Матбобоев Б. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларнинг тарихий таҳлили асосида). т. ф. д. дисс. – Самарқанд.: ЎзР ФА АИ, 2009. – Б. 82.).



налари ҳамда роҳиблари йўқ. Тери, жун ва пахтадан юққа тўқилган матолардан тикилган кийим кийишади. Ҳайвонлар гўштини истеъмол қилишади. Деворлар билан ўралган қалъалар йўқ. Одамлар кигиздан қилинган уйларда яшайди, ўт-ўлан кетидан қувиб яйлов излайдилар, уйларини йиғиб ўзлари билан олиб юришади. Тили ва сўзлашиш оҳанги атрофдаги қўшни давлатда яшайдиганлардан фарқ қилади. Бу давлатда яшайдиганлар ҳийлани билмайди, яхшилик билан ёмонликни ажрата олмайди. Замини туя, эшак, от, қўй боқишга қулай»<sup>95</sup>.

Хитой манбаларида, Фарғона водийсининг VI–VIII асрлардаги маҳаллий халқи чуқур кўзли, серсоч экани таъкидланган<sup>96</sup>. Танг салтанати даврида яшаган сарой тарихчиси Ду Йу (734–812) «Тунгдянь» («Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни») номли асарида: «Бу мамлакатлардаги одамларнинг кўзлари чуқур, бурунлари қирра, сочлари қуюқ», дея олдинги маълумотларни такрорлайди<sup>97</sup>. Аммо Фарғонанинг эркаклари кейинчалик соч-соқолини олиб юришган. Бу ҳақда Хуйа Чао ўз эсдалигида: «Эркаклар соч-соқол қўймайди, аёллар сочларини боши устига тугиб юришни одат қилишган», деб ёзади. Бундай антропологик маълумотлар илк ўрта асрларда Фарғона аҳолиси туркий бўлганидан дарак беради.

Хитой манбаларида Фарғона туркий халқларининг оила билан боғлиқ никоҳ ва дафн маросимлари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар берилган. Бу маълумотлар араб, форс тилидаги манбаларда учрамайди. Шу сабабдан улар қимматли тарихий аҳамиятга эгадир. «Цзинг сулоласи тарихи»да қуйидаги маълумотларни кўриш мумкин:

<sup>95</sup> Қаранг: Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент, 2013. – Б. 103.

<sup>96</sup> Чин Шу, Фанг Шюанлинг. Уч подшоҳлик тазкираси. Урумчи, 2001. – Б. 22 (уйғур тилида)

<sup>97</sup> Тунгдянь (Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни) // Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент, 2013. – Б. 117–120).

«Урф-одатлари бўйича йигитлар уйланишларидан олдин бўлажак келинга тақийш учун совға сифатида юрак шаклидаги икки кўзли тилло узук билан билагузук юборади. Айни пайтда бўлажак қаллиғи ёнига уч нафар хизматкор қиз ёки ўзининг она-синглисини юбориб, уни синаб кўради. Эркаклар ўз вазифасини бажара олмаса, ажрашадилар. Никоҳсиз туғилган боланинг онаси нафратга маҳкум этилган»<sup>98</sup>. Фарғона ҳукмдорига Хитой императори ўз уруғидан бўлган бир қизни хотинликка юборган<sup>99</sup>. Илк ўрта асрларда ҳам Фарғона аҳолиси ўз одатларига кўра, аёлларини эъзозлаган. Аёллари ҳам эркакларининг айтганини билиб қилганлар<sup>100</sup>.

Илк ўрта асрлардаги Фарғона водийси ҳақида хитой манбаларида берилган юқоридаги маълумотларни араб манбалари ҳам тасдиқлайди: «Бу вилоят аҳолисини этник жиҳатдан туркий ва суғдийлар ташкил этади. Унинг таркибида бўлган Ўзганд шахрининг топономияси туркий илдизга эгалиги яққол кўринади»<sup>101</sup>.

Араб манбаларида Фарғонанинг этник таркиби ҳақида деярли маълумот учрамайди. Аммо ўша давр тангаларида номлар ва уларнинг ёзма манбаларда учраши баъзи хулосаларга келишга имкон беради. 335–344//946–956 йиллар Наср-обод мис тангаларининг орқа томонида «Амир ул-мўминин мавлоси амир Малик» деган ёзув

<sup>98</sup> Чин Шу, Фанг Шюанлинг. Уч подшоҳлик тазкираси. Урумчи, 2001. – Б. 142 (уйғур тилида).

<sup>99</sup> Қаранг: Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент, 2013. – Б. 116.

<sup>100</sup> Тунгдян (Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни) // Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент, 2013. – Б. 120.

<sup>101</sup> Араб географлари кутубхонаси: Bibliotheca geographorum. 2 pars. Ibn Haukal, Abu-l-Kasim an-Nasibi, Opus geographical., ed. M.J. de Goeje. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, Leiden. 1967.– p. 513; Яна қаранг: Мамадалиев Х.М. IX–XII асрларда Ўрта Осиёда этник ҳолат (араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида). т.ф.н. ...дисс. – Т.: ЎЗР ФА ТИ, 2010. – Б. 75.).

учрайди<sup>102</sup>. Е. Давидовичнинг фикрича, тегин унвони Малик туркий қавмга мансублигини кўрсатади<sup>103</sup>.

VII–VIII асрларга тааллуқли Фарғона тангаларида «хоқон» унвони<sup>104</sup> билан бирга, турк хоқонлиги тамғасига ўхшаш архар шакли тамға акс этган. Бу водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сурганига далолатдир. Мазкур тангаларнинг бир қисми ўртаси квадрат шаклида тешилган. Ўрта Осиёда бу тоифадаги тангалар Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга бир муддат қарам бўлиб қолган 650 йилларда зарб қилинган эди. Фарғонадаги хоқонлик сулоласи вакиллари худди шу пайтларда тангаларини Хитойга тақлидан ишлаганининг гувоҳи бўламиз. Бунгача Ғарбий Турк хоқонлигининг Фарғона ва Чоч худудида иконографик жиҳатдан ўхшаш тангалар зарб этилган. Тангалардаги тасвирлар уларнинг водийни бошқарган Ашина сулоласига тегишли эканини тасдиқлайди<sup>105</sup>. Шунингдек, асли фарғоналик Миср ихшидийлар сулоласи (935–969) ҳукмдори Туғуч ибн Чуқ ибн Йелтегин Ахшид ибн Фуран ибн Хагон шажарасида Бўрон, Бўри каби туркий исмлар билан бирга хоқонликка хос олий унвонларни эслатадиган Йелтегин, Хоқон сингари номлар ҳам учрайди<sup>106</sup>. Мазкур ахборотлар

---

<sup>102</sup> Давидович Е.А. Владетели Насрабада (нумизматическим данным). Краткие сообщения Института истории материальной культуры, вып. 61. – М, 1956. – С. 107–113; Кочнев Б.Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии, ч. 1. – История материальной культуры Узбекистана, вып. 14. – Ташкент, 1978. – С. 121–123; Яна қаранг: Мамадалиев Х.М. IX–XII асрларда Ўрта Осиёда этник ҳолат (араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида). т.ф.н. ...дисс. – Т.: ЎЗР ФА ТИ, 2010. – Б. 75.

<sup>103</sup> Давидович Е.А. Владетели Насрабада (нумизматическим данным). Краткие сообщения Института истории материальной культуры, вып. 61. – Москва, 1956. – С. 110.

<sup>104</sup> Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг воҳа ҳукмдорликларини бошқарув усулларига доир // Шарқшунослик, № 15. 2011. – Б. 66–67.

<sup>105</sup> Бобоёров Ғ. Ўша асар. Ўша жойда.

<sup>106</sup> Togan Z.V. Umumi Turk tarihine giris. 1. cilt. En eski deperlardin 16. asra kadar, 3.baski, 1981., Istanbul, -s. 178–179.

Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши Фарбий Турк хоқонлари хонадонига бориб тақалишига ҳеч шубҳа қолдирмайди.

Гарчи, Фарғонада ҳам Ашина сулоласи ҳукмронлиги қарор топган бўлса-да, хоқонлик бу ерни назоратда тутиш учун бошқа воситалардан фойдаланган кўринади. Масалан, *тархон* ёки *чўр* унвонли Фарғона ҳукмдорлари насаби хоқонга тўғридан-тўғри боғланмасдан, унга тобе бошқа бирор туркий қабилага мансуб бўлиши ҳам мумкин. А-14 рақамли суғдий ҳужжатда «Фарған тутуғи»<sup>107</sup>, VII–VIII асрларда зарб қилинган Фарғона тангаларида «Алп-хоқон тутуғи» жумлаларининг учраши<sup>108</sup> хоқонликнинг бу ерни бошқаришда ўз хонадони вакилларида кўра кўпроқ, ноиб вази-фасини бажарувчи тутуқлар хизматидан фойдалангани билан боғлиқ бўлса керак. Тутуқ унвони хоқонлик бошқарув тизимида ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўллангани эътиборга олинса, Фарғонада мамлакатни назоратда сақлаш учун тутуқлик хизмати жорий қилинган бўлиб чиқади. Бу фикримизни «Хоқон ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим»<sup>109</sup> мазмунидаги тутуқнинг бевосита хоқонга дахлдор амалдор бўлганини тасдиқлайдиган суғдий ҳужжат ҳам қувватлайди.

Хуллас, Хитой манбаларидаги маълумотлар археологик ва нумизматик топилмалар ҳамда бошқа ёзма манбалардаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилганда Фарғона водийсида илк ўрта асрларда туркий сулола бўлгани ва унинг ҳудудида бугунги ўзбек қавмининг аجدодлари яшагани яққол кўзга ташланиб туради.

<sup>107</sup> СДГМ – Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий вып. 2. Юридические документы и письма / чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – Москва, 1962. – С. 80–85.

<sup>108</sup> Смирнова О.И. Свадный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981, – С. 341

<sup>109</sup> СДГМ – Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий вып. 2. Юридические документы и письма / чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М., 1962. – С. 80–85.

## VIII–XIV АСРЛАРДА ПОП МУЗОФОТИ

715 йилда араб қўмондони Қутайба ибн Муслим ибн ал-Бахили (705–715) Фарғона водийсига ўз қўшини билан бостириб кирган. Жумладан, Поп тумани худудини ҳам босиб олган ва маҳаллий аҳолини ислом динига киришини тарғиб қилган. Бироқ 715 йилда ўз малаги Сулаймон ибн Абдулмалик (715–717) ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтаришда айбланиб, араб аскарлари томонидан ўлдирилган. Ҳозирда унинг қабри Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида жойлашган. Араблар Фарғона водийсини маҳаллий ҳукмдорлар ёрдамида бошқарганлар. Жумладан, Фарғонанинг маҳаллий ҳокимлари Алитарни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Фарғона водийси аҳолиси арабларга солиқ тўлаб турган. 739 йилда турклардан Арслон тархон Фарғонага бостириб келган. У 744 йилда Ахсикентни пойтахт қилган. 748 йилда Хитойнинг Танг империяси қўшинлари Фарғона томон қўшин тортган. Арслон тархон Танг империяси маликаси Хоига уйлангач, ўзаро тинчлик битимига келишилган. 771–772 йилда ҳалифа ал-Мансур (754–775) Фарғонага қўшин киритган ва ўз ҳокимини тайинлаган. Сомонийлар даврида ҳам пойтахт Ахсикент бўлган. Бу даврда водийда савдо-сотик анча ривожланган. Буни Мунчоқтепада топилган тангалардан ҳам кўриш мумкин. Аҳмад ибн Нух, Исмоил Сомоний, Исҳоқ Муҳаммад, Мансур Байҳақий, Мансур ибн Нух, Абдулмалик ибн Нух даврида Фарғона водийсида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тараққий қилган.

X аср охирларида Фарғона водийсига Қорахонийлар кириб келган. Бу даврда бутун Фарғона водийси каби Поп аҳолиси ҳам ислом динини қабул қилиб бўлган эди. Қорахонийлар Хўжандда ўз тангаларини зарб қилган. Бироқ Поп тумани худуди қорахонийлар ва сомонийлар ўртасидаги уруш майдонига айланган эди. Қорахонийлар ҳукмдорлари давлатни майда ҳокимликлар орқали

бошқарган бўлиб, улар орасида Поп туманида ҳам шундай ҳокимликлар бўлган эди. Хўжандда Наср бин Али ва унинг ўғли Наср ибн Аҳмад (1012 йилда вафот этган)лар ҳукмронлик қилган.

Ўрта асрлар Поп шаҳрида кенг кўламда савдосотиқ ишлари олиб борилганини тасдиқловчи ашёвий далиллардан бири танга-пуллар топилганидир. Шу кунгача улардан учтаси топилган. Бири илк ўрта асрлар, қолган иккитаси сомонийлар ва қорахонийлар даврига тааллуқлидир. 1950 йили Помир–Фарғона тадқиқот гуруҳи ишларида Поп туманидаги Мунчоктепа ва Оқтепа ёдгорликларидан саккизта мис танга топилган. Уларни М. Воронец ўрганган. Тангалардан иккитаси яхши сақланган, қолганига зарар етган. Ушбу тангаларни 1949 йили поплик деҳқон Муҳаммадамин Эрматов Ўзбекистон Фанлар академиясига келтирган. Тангалар сомоний ҳукмдор Исҳоқ Аҳмад (IX–X) ва қорахоний Жалолиддин Қодирхон ҳамда Муҳаммад Тўғрулбек (XII–XIII) даврига мансубдир<sup>110</sup>. Улар Ахсикент, Исфара ва Ўзгандда зарб қилинган. 1989 йили топилган ўттиз олтита танга ҳам сомонийлар томонидан зарб қилинган. Баландтепадан тўртта хитой тангаси ҳам чиққан. Уларнинг иккитаси «У-ШУ» туркумидаги ўртаси тешик тангалардир. Бироқ бу даврларда тарихий манбаларда Поп тарихига оид маълумотлар жуда кам сақланган. Ғарбий Фарғона водийсида хитой номи билан боғлиқ кўпгина жой номлари, ривоятлар мавжуд. Бироқ бу хитой номи ҳозирги Хитой Халқ Республикасидаги хитойлар билан боғлиқ эмас. Чунки ҳозирги хитойлар ўзларини хитой эмас, балки ханлар деб атайдилар. Водийдаги хитой номи эса бевосита 1137 йилда Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига кириб келган қорахитой қабилалари билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўрта Осиё ҳудудига турли тарихий даврларда шимолдан ва шарқдан кўплаб кўчманчи уруғ

<sup>110</sup> Давидович Е. А. Из области денежного обращения на территории Ферганы // Труды музея истории Узбекской ССР. Вып. II. 1954. – С. 39.

ва қабилалар кириб келган. Бу миграция жараёнларининг биринчи сабаби кўчманчиларнинг бой ўтроқ вилоятларга бўлган қизиқиши бўлса, иккинчи асосий сабаби кўчманчи қабилалар аҳолисининг кўпайиши ва чорва учун яйловларга бўлган талабнинг ортиши сабаб бўлган. Қабилалар ўртасидаги ўзаро урушларда мағлуб бўлганлари бошқа ҳудудга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Ана шундай қабилалардан бири дастлаб киданлар номи билан Мўғулистон ва шимолий Хитой ерларида кўчиб юрган, XII асрнинг I ярмида Шарқий Туркистон ва Мовароуннаҳрга кириб келиб ўз ҳукмронлигини ўрнатган қорахитойлардир. XI аср охиридан Хитойдаги Буюк Ляо давлати таназзулга учрай бошлайди ва 1125 йили журженлар томонидан тугатилган. Киданларнинг бир қисми Ғарбий Туркистонга қоракиданлар (қорахитойлар) номи билан кўчиб ўтган. Киданлар хони Элюй Даши (1124–1142) бир гуруҳ тарафдорлари билан шимолий ҳудудларга қочади. Сўнгра турли қабилалар жангчилари билан қўшинини тўлдириб, Ғарбга йўл олади ва илгарироқ бу ўлкаларга келиб жойлашган киданлар (16 минг оила) ёрдамида бутун Туркистонни эгаллайди. Қорахитойлар кейинчалик туркий халқлар таркибига хитой уруғи номи билан кирди. XVI асрда хитойларнинг бир қисми Шайбонийхон қўшини таркибига кирган. XVII асрда хитойларнинг катта гуруҳи қипчоқлар билан бирга хитой–қипчоқлар қабилавий иттифоқини тузган ва Ўрта Зарафшон воҳасига кўчиб ўтган. Бу қабилавий иттифоқ XIX аср ўраларигача давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ҳозир бу атама Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида жой номлари сифатида сақланиб қолган. Қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида ҳам қорахитой уруғлари бор. Озарбайжонлик олим Зиё Бунёдовнинг «Хоразмшоҳлар давлати» асарида «Қорахитой» номи билан Ўзбекистонда 28 та қишлоқ мавжуд эканлиги ёзилган. Поп туманида Хитойсой, Бочиний каби номлар ҳам учрайди. Улар асосан конлардан турли маъданлар топиш

ва чинни идишларга соз тупроқлар тайёрлаш, тошдан тепаликлар бунёд этиш билан ҳам машғул бўлишган.

1218–1227 йиллар давомида бутун Марказий Осиё каби Фарғона водийси ҳам мўғуллар империяси таркибида бўлган. Мўғулларнинг Фарғона водийсидаги ҳукмронликлари ҳақида ҳам манбаларда маълумотлар кам ҳисобланади. Улар водийга бостириб келишидан аввал Хоразмшоҳларнинг вакили Исмоил Ғарбий Фарғонада ҳоким бўлган. 1214 йилгача қорахитойлар ҳам Фарғона водийсини бошқарган. 1251 йилдаги мўғул қабилалари қурултойидан сўнг Фарғона водийси иккига ажралиб қолди. Чигатой улуси таркибига Шарқий Туркистон, Или водийси, Еттисув ва шимоли-шарқий Фарғона кирган бўлса, ғарбий Фарғона, жумладан, Поп тумани ҳудуди, Хўжанд қалъаси ҳам Олтин Ўрда таркибига киритилган. Чингизхон авлоди Чигатойнинг (1261–1266) набираси Алғуй ўз қўшини билан Ғарбий Фарғонага бостириб кирган.

Амир Темур (1336–1405) ва темурийлар даврида ҳам Фарғона водийси иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топган. Минг афсуски, ўрта асрларда Поп тумани тарихига оид бўлган маълумотлар тўлиқ ўрганилмаган.

## «БОБУРНОМА»ДА ПОП ҚЎРҒОНИ

Поп тумани ҳудудида ўрта асрларга тегишли археологик топилмалар жуда кам сақланган. Улар қадимшунос Б. Матбобоевнинг фикрича, асосан Мунчоқтепаннинг шимолидаги майдон ва Поп-Қўқон автомобиль йўлининг (Навбахор орқали) Сирдарё кўприги яқинидаги тепаликлардан («Тўйчи ўрда боғи» деб ҳам аталади) аниқланган. Шомозор қишлоғи чеккасидаги пойдевор қолдиқлари ҳам шу вақт билан белгиланиши мумкин. Бу даврларга оид тарихий буюм ва ашёлар камлигига қарамай, тасаввуримизни қўлғезма манбалар ёрдамида тўлдиришимиз мумкин. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) қала-



мига мансуб машхур «Бобурнома» асарида ҳам Поп қўрғони ҳақида қуйидаги маълумотларга дуч келамиз:

«Ул тарафдан мухолифлар ҳам бўлган черикларини йиғиб, Ахсига келдилар. Бу фурсатта Поп қўрғонини мени деб беркитдилар. Хоннинг<sup>111</sup> бир нима хаял юришидан мухолифлар Поп қўрғонини зўрлаб олдилар»<sup>112</sup>.

«Иброҳим сору ва Вайс Лоғарий бошлиқларини Ахси тарафиға сувдан ўтиб бориб эдилар. Поп қўрғони ва яна бир-икки қўрғон кирдилар»<sup>113</sup>.

«Ахсининг берк қўрғонларидан бири Поп қўрғонидир. Попликлар Поп қўрғонини беркитиб, бизга киши йиборибтурлар. Сайид Қосимни бир неча киши йиборибдир»<sup>114</sup>.

«Ахсининг юқориғи кентларининг тўғрисида ўтиб бориб Поп қўрғонига кирдилар.

Бир неча кундан кейин ғариб амри воқеа бўлди. Ул маҳалда Иброҳим Чорук тағойи, Аҳмад Қосим Кухбури, Қосим Хотини арғун, Шай Боязид била Ахсида эдилар. Бу мазкур бўлганларға икки юз ўбдон йигитни қўшиб ғофилликни бир кеча Поп қўрғонининг устига юборур. Сайид Қосим эҳтиёт қилмай ғофил ётқан экандур. Қўрғонга етиб, шоту қўйиб чиқиб дарвозани олиб пули равон соли (йили) етмиш-саксонга ўбдон яроқлик йигитлар кирганда Сайид Қосимга хабар бўлур, уйқулик, кўнакчан қўпиб беш-олти била қочди»<sup>115</sup>.

«Ушбу фурсатта Сайид Қосим Поп қўрғонида эди етиб келди. Ажаб бемаҳал келиш эди.»

Юқоридаги маълумотлардан Поп ўрта асрларда атрофи ўралган йирик шаҳар қўрғон ва Фарғона водийсининг муҳим стратегик марказларидан бири бўлгани кўринмоқда. Шу сабабли Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу қўрғонга ўз мулозими Сайид

<sup>111</sup> Тошкент ҳукмдори Маҳмудхон назарда тutilмоқда.

<sup>112</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарк, 2002, (336) – Б. 64.

<sup>113</sup> Бобурнома. – Б. 68.

<sup>114</sup> Бобурнома. – Б. 94.

<sup>115</sup> Бобурнома. –Б. 109, 110.

Қосимни ҳоким этиб тайинлаган. Аммо бу ҳоким бўшанг, дангаса бўлганини ёзади. Қўрғон аҳолиси Бобур тарафида туриб, у қийин вазиятда ҳам унга содиқ қолганини кўришимиз мумкин.

Баландтепанинг шимоли-ғарб тарафидаги пахта даласида 1994 йил ёз ойларида олиб борилган қазув ишлари пайтида беш юздан ортиқ тангадан иборат хазина топилди. Улар ҳижрий 1005–1008 йиллари (1596–1600) шайбонийлар даврида зарб қилинган. Бу тангалар «Бобурнома»да таърифланган шаҳар ҳаётининг кейинги ривожига ва Поп қўрғонида XVI–XVII асрларда ҳам савдо-сотик ҳамда ижтимоий ҳаёт қизғин давом этганидан далолат беради.

## СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАРДА ПОП ТУМАНИГА КИРИБ КЕЛГАН ЭТНИК ГУРУҲЛАР

Сўнги ўрта асрларда ҳам Фарғона водийси ва албатта Поп тумани ҳудудига ҳам турли қавмларнинг кўчиб келиши тўхтамаган. Кейинроқ келган қипчоқ, қорақалпоқ ва бошқа этник гуруҳлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Шулардан бири «**Поп қипчоқлари**»дир. Қадим турк уруғларидан бири бўлган қипчоқлар узок давом этган этник ва этнослараро жараёнларда ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ каби туркий халқларнинг шаклланишида фаол иштирок этган, улар таркибига сингиб кетган.

Мутахассислар қипчоқларнинг Фарғона водийсида пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар билдирадilar. Н. Аристов улар XVI аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибига Фарғона ҳудудига кириб келганини таъкидлайди<sup>116</sup>. В.П. Наливкин қипчоқларнинг катта гуруҳи Фарғонага XVIII асрда келиб ўрнашган, деб ҳисоблайди<sup>117</sup>. Таниқли элшунос олим К. Шониёзов бу жараённи янада аниқроқ сана – XVIII аср 20-йиллар

<sup>116</sup> Аристов Н.А. Опыт выяснения этнического состава киргиз-казаков Большой Орды и киргиз-казаков Большой Орды и кара-киргизов // Живая старина, 1894. вып. III-IV. – С. 432–433.

<sup>117</sup> Наливкин В.П. Краткая история Коканского ханства.... – С. 17.

охири ва 30-йиллар бошлари билан боғлайди. Унинг фикрича, қалмоқлар таъқибидан қочган қипчоқларнинг катта гуруҳи айнан шу даврда Шимолий Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашган<sup>118</sup>. Демак, қипчоқларнинг Фарғона ҳудудига келиши узоқ давом этиб, асрлар мобайнида юз берган. Эҳтимол, уларнинг баъзи гуруҳлари Шайбонийхон қўшинлари водийга кириб келгунича Поп туманида пайдо бўлгандир.

1926 йили собиқ Иттифоқ ҳудудида аҳоли рўйхатга олинган ҳужжатларда Фарғона водийсида қипчоқларнинг умумий сони 32974 кишини ташкил этган.<sup>119</sup> Улар асосан, водийнинг шимолий қисмидаги тоғ ва тоғолди минтақаларида тўп бўлиб яшаган.

Қипчоқлар бир неча майда аймақларга бўлинган. Бу уларнинг жойлашиш тартибида ҳам акс этган. Қипчоқларнинг ҳудудий жойлашуви-га уруғ-қабилавийчилик хусусиятларидан кўра, маҳаллий муҳит кўпроқ таъсир этган. XIX аср охири – XX аср бошларида қипчоқларнинг асосий қисми ўтроқлашган ва улар орасида ярим ўтроқ турмуш тарзини юритувчи гуруҳлари ҳам бор эди. Улар деҳқончилик билан бирга анъанавий чорва хўжалигини ҳам сақлаб қолганди. Ярим ўтроқ қипчоқлар, асосан, тоғ даралари ва тоғолди текисликларида ҳаёт кечирарди. Буткул ўтроқлашган қипчоқлар экинзорли воҳаларда яшаган. 1917 йилги маълумотга кўра, Фарғона водийсида фақатгина қипчоқлар яшовчи 84 та қишлоқ мавжуд бўлган<sup>120</sup>.

Поп қипчоқлари туманнинг Жарқўтон (ҳозирги Маданият қишлоғи), Зим, Чодакбоши, Қандаган, Хонобод, Ўрикли, Оқтепа, Кўксари, Сангсалок, Резак, Чоркесар, Мозор, Кўрнас қишлоқларида яшайди. Шўролар даврида Чоркесар қишлоғида

<sup>118</sup> Шаниязов К.Ш. Этнические истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 103.

<sup>119</sup> Ўша жойда. С. 14.

<sup>120</sup> Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской Республике, вып. VI. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г.

«Янги Чорва», Янгиобод қишлоғида «Қизил Чорва» деб номланган аҳолиси асосан қипчоқлардан иборат жамоа хўжаликлари тузилган. Поп қипчоқлари фарзандларига Яхшигул, Заргул исмларини кўпроқ қўйишган. Уларнинг шеваларида баъзи сўзлар Раҳмон–Рамон, Мариям–Марий, ёстиқ–жастик, йўқ–жўқ шаклида ишлатилади. 1950 йилда элшунос олим Ш. Иноғомов Чоркесар қипчоқлари орасида тадқиқот ўтказган. Бу ердаги қариялардан мўғул ҳукмдори Берка (1256–1266) даврида яратилган тақвим ҳақида маълумот олган. Унда Ҳулқар, Етти қароқчи, Катта айиқ каби ой номлари учрайди. Қипчоқлар улардан чорва боқишда фойдаланган ва улар «тўғол» деб аталган. Бу қозоқларда «тўғас» дейилади<sup>121</sup>.

**Поп қорақалпоқлари.** Сирдарёнинг ўрта оқишида яшаб турган қорақалпоқларнинг катта бир гуруҳи XVIII асрнинг ўттизинчи йилларида Фарғона водийсига кўчиб ўтган. Элшунос олима Л. Толстова қорақалпоқларнинг асосий қисми XVIII аср давомида водийга келган бўлса-да, кўчиш жараёни XIX аср бошларига қадар давом этган, деб ҳисоблайди<sup>122</sup>. Кўчиб ўтган қорақалпоқларнинг аксарияти водийнинг Сирдарё ва Қорадарё қирғоқларидаги ҳудудларига жойлашган. Андижондан Кўқонгача бўлган масофада ўтроқлашиб, ўзларининг қишлоқларини барпо этган. Ўша кезлари қорақалпоқларнинг бир қисми Марказий Фарғонада кенг тарқалганлиги боис, бу ерлар «Қорақалпоқ чўли» номини олган. В. Наливкин «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи» номли аса-рида ёзишча, қорақалпоқларнинг Сирдарё бўй-ларига яқин текислик ва тўқайзорлардаги қамиш босган ҳудудларда жойлашиши асосида уларнинг кўп асрлик ҳаётини кўникмалари ҳамда кўп ёқлама хўжалик юритиш анъаналари ётади. Қорақалпоқлар деҳқончилик, балиқчилик ва уй

<sup>121</sup> Инагамов Ш. И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганский долины в границах УзССР. –Т., 1955. – С. 65.

<sup>122</sup> Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины – Нукус, 1976. – С. 44

хунармандчилиги билан азалдан шуғулланиб келган. Улар қамишдан бўйра, сават, наMAT каби буюмлар тўкишда тенгсиз уста эди.

1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра, қорақалпоқларнинг Фарғона водийсидаги умумий сони 18520 нафарни ташкил этган<sup>123</sup>.

Поп қорақалпоқлари найман, манғит, жабу, уюрчи, кенагас каби жами бешта уруғдан ташкил топган. Тумандаги Қорақалпоқ, Янгичек, Кенагас, Кузнон, Чиғанок, Найман, Бешсари, Қўштепа, Хазан, Катта Бешсари каби қишлоқларнинг номлари қорақалпоқлар билан боғлиқдир. Кўплаб туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек, қозок, қорақалпоқлар таркибидаги «Найман» этноними луғавий маъноси «саккиз» сўзи билан боғлашади. Элшунос Н. Аристов фикрича, найман қабиласи Сибирдаги Найма дарёси номидан келиб чиққан. Аслида найманлар ўзбек, қозок, қирғиз, татар ва бошқа туркий халқларнинг таркибида ҳам бор. А. Гребенкин маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 70-йилларида ўзбек найманлари Зарафшон (63 қишлоқ), Фарғона ва Хоразм худудларида яшаган. Улар қўштамғали, садирбек ва увохтамғали деб аталган учта йирик уруғга бўлинган. Шунингдек, найманлар таркибига *ағран, айрончи, бадир, бия, боғоноли, болтали, бўқалай, бурунсов, жағалбайли, жетовон, житўнли, пўлатчи, сегизурув (саккизуруғ), саринайман, тўртўғул, тўрттамғали, ургуч, олтиота, украш, чанғали, чўмичли, қозоёқли, қоранайман, қорагадой, қорасийроқ, қарғали, қилтамғали, қўлтамғали* каби майда уруғлар ҳам кирган. Поп қорақалпоқлари фарзандларига илгари Эркин, Тўлқин, Серкавой, Ўрмон, Ўрол, Бўрон, Дайровой, Офтобой, Қизлар, Улжаной, Ёқубжон, Барчиной каби исмлар қўйишган.

Бугунги кунда қорақалпоқлар асосан Мингбулоқ ва Поп тумани (Қорақалпоқ чўли) худудларида яшайди. Улар ўзларини ўзбек ва тилини ўзбек тили деб биладилар<sup>124</sup>.

<sup>123</sup> Ўша жойда. С. 15.

<sup>124</sup> Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1996, – Б. 56

## ЧОДАК ХЎЖАЛАРИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Чодак – Ўзбекистоннинг қадимий ва табаррук гўшаларидан бири ҳисобланади. Бу масканда Мовароуннаҳрнинг машҳур алломалари туғилган. Нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (1485–1571) Чодакда дунёга келган. Бурҳониддин Марғиновичнинг амакиси Мавлоно Ҳусомиддин Чодакда яшаган. Бурҳониддин Марғинович бирмунча вақт Чодакда амакисиникида яшаб, ундан таълим олган. Бу ҳақда Муҳаммад Муфти Оҳангароний қуйидагиларни ёзган: «Махфий қолмасинким, Мавлономиз Лутфуллоҳ ҳазратлари ўша вақтларда араб ва ажамда «мухтаҳидлар кони» ва «орифлар сандиғи» деб аталган Фарғона диёридан дирлар. Тақво аҳли орасида бу диёр жуда машҳурдир. Ул ҳазратнинг туғилган жойлари Чодак бўлиб, у қадимий жойдир. Чодак Ахсикатдан беш фарсах узоқликда, унинг ғарб томонида, икки тоғ оралиғи ва дарё бўйида жойлашган.

Кўп машойихлар ва улуғ олимлар шу ерда камол топганлар ва дафн этилгандирлар. Сафед Булонда бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учраган бир гуруҳ тобезинлар<sup>125</sup> ҳам Чодакда дафн қилинган эканлар. Шайхулисломо ва соҳиби «Ҳидоя» Бурҳониддин ал-Марғинович ҳам шу жойда ўз амакиси ва устози бўлмиш Мавлоно Ҳусомиддин қошида зоҳирий илмларни ўргангандир»<sup>126</sup>.

Бухоро хонлиги тарихига доир манбаларда Чодак хўжаларига тегишли бирор маълумот учрамайди. Чодак қишлоғи тарихига оид тадқиқотларда ҳам бу масала очиқ қолган<sup>127</sup>. Қўқон 1709 йили

<sup>125</sup> Тобезинлар – «Тобезин» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «итоат, бўйсунуш» маъноларини билдиради. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни кўрган саҳобаларни танийдиган кишиларга нисбатан ишлатилган.

<sup>126</sup> Қаранг: Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб / Нашрга тайёрловчи ф.ф.д. Ш. Сироҷидинов. – Тошкент, 2002. – Б. 18

<sup>127</sup> Ўлмас Баҳромзода. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган, 2000. – Б. 22.

Бухоро хонлигидан ажралиб чиқиб, мазкур минтақада янги хонлик ташкил топганди. Ушбу янги давлатнинг асосчилари туманимиздаги Чодак хўжаларидир. Баъзи манбаларда улар нақшбандия тариқати намояндаси Мавлоно Лутфуллоҳ хўжа Чодакий, айримларида эса Махдуми Аъзам Косонийнинг ўгли Муҳаммадхўжа авлодлари дейилади<sup>128</sup>. Манбаларда таъкидланишича, улар Муҳаммад (с.а.в.) ёки унинг тўрт халифаси авлоди бўлгани учун Мовароуннаҳр ҳукмдорлари томонидан эъзозланиб, турли бож-хирожлардан озод қилинган экан. Аммо XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида юз берган сиёсий ва иқтисодий инқироз туфайли Бухоро хони Убайдуллахон ибн Субҳонқулихон (1702–1711) улардан солиқ олишга буйруқ беради. Чодак хўжалари эса солиқ тўламаслик учун хон буйруғига қарши исён кўтарганлар. Марказий ҳокимиятнинг заифлашиб қолганидан фойдаланиб, унга бўйсунишни хоҳламаганлар ва Шимолий Фарғона водийсида мустақил бошқарувни юзага келтирганлар. Ҳозирда тарихчиларимиз томонидан Қўқон хонлигининг асосчилари деб эътироф этаётган ўзбекларнинг минг уруғи вакиллари аслида Чодак хўжаларидан ҳокимиятни тортиб олганлар.

Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Мирзо Олим Махдум ҳожининг «Тарихи Туркистон», Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асарларида минг уруғи етакчиларининг хўжалар ва тасаввуф аҳли билан мустаҳкам алоқалар ўрнатгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу уруғнинг кекса вакили Чамашбий<sup>129</sup> XVI асрда Мовароуннаҳрдаги нақшбандия тариқатининг таниқли муршиди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга мурид бўлган экан<sup>130</sup>. «Тарихи Азизий» асарида

<sup>128</sup> Воҳидов Ш. Х. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Т. ф. д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациясидан. – Тошкент, 1999. – Б. 16.

<sup>129</sup> Чамашбий – Шохрухбий аждодларидан бири.

<sup>130</sup> Muhammad Hakim Khan. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. ILCAA 2006.Tokyo. – P. 1.

ёзилишича, Мавлоно Лутфуллоҳ унинг белига камар боғлаб, бу уруғ вакиллари келажакда тахтга ўтириб, ҳукмдорликка эга бўлишини башорат қилибди<sup>131</sup>. Бу маълумотларни жуда ишончли, деб бўлмайди, албатта. Чунки бошқа манбаларда Чодак хўжалари ва ҳокимиятни эгаллаб олган минглар ўртасида кечган кескин курашлар тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди.

Шундай қилиб, Чодак хўжалари ҳокимияти узокқа бормайди. Бу пайтларда ҳали ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнида кичик-кичик қишлоқлар бўлган экан<sup>132</sup>. «Тепакўрғон», «Сарой», «Чинкат» қишлоқларида яшовчи минг уруғи вакиллари ҳокимиятни ўз қўлларига олишга бел боғлайди. Бу ҳақда Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли шундай ёзади: «Ушбу қишлоқ халқлари жамъ бўлиб, Шоҳруххонни хон этиб кўтарайлик, Чодакдаги хўжаларга хат ёзиб, уларнинг олдига бориб, улардан бирига ўз тарафимиздан бир қизни унаштириб чақирайлик...

...Чодак хўжаларидан қирқтаси келинни олиб кетгани келиб, уларни бир хонада кечаси ўлдириб, ... ўзбеклар дарҳол жамъ бўлиб, дарёдан ўтиб, Шоҳруххон бирла туғ ва байроқ қилишиб, ... Чодакни ўзларига тобе қилиб, унинг таъсиридаги Чуст ва Наманганнинг обод бўлган ерларини эгаллаб, хон овозасини етказдилар»<sup>133</sup>. Аммо яна шуни алоҳида таъкидлаш зарур, ислом шариати қоидаларига қаттиқ риоя этувчи аҳоли ўз пирлари даражасидаги хўжаларга нисбатан бундай ғалаён кўтаришига ҳам ишониниш қийин. Наманганлик марҳум тарихчи олим Йўлчи Қосимов Қўқон хонлиги дастлаб Поп тумани ҳудудида ташкил топган деб ҳисоблайди.

<sup>131</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (бундан кейин – ЎзР ФА ШИ) қўлёзма, инв. № 11108. 1196 – 120а арақ.

<sup>132</sup> Мулло Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992. – 148 б.

<sup>133</sup> Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли. Мукаммали тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ, № 5971. 15–16-арақлар.



Бизнингча ҳам 1709–1710 йиллари Чуст ва Наманган Чодак хўжалари тасарруфида бўлган.

Минг сулоласи вакиллари дастлабки вақтларда халқ орасида катта таъсир кучига эга Чодак хўжалари билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шунинг учун Қўқон хонлиги асосчиси Шохрухбий оталиқ (1709–1721) ва унинг ворислари хўжалар ҳамда Махдуми Аъзам зурриётлари қизларига уйланиб улар билан қариндош бўлишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Шохрухбийнинг завжаси Хайруннисо ойим Чодак хўжаларидан бири Хожа Абдурахмоннинг қизи бўлган<sup>134</sup>. Бу ҳолат Қўқоннинг кейинги ҳукмдорлари даври хонлик сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қўқон хонлари Абдурахимхон (1721–1733) ва Абдукаримбий (1733–1750) ва Эрдона (1751–1763)ларнинг хотини ҳисобланмиш Ойчучук ойимни Хўжа Исҳоқ Валининг авлоди бўлиб, Чодак хўжаларидан бирининг қизи бўлган. Кейинчалик у Хўжанд шайхулисломни Эшон Ортиқхўжага турмушга чиққан. Бу никоҳдан Эшон Ҳаким тўра номли ўғли туғилган. У Қўқоннинг машҳур муаррихларидан Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг бобоси эди. Ойчучук ойимнинг Абдурахимбий билан бўлган биринчи никоҳидан Ой Жаҳон ойим (Кенагасбегим) номли қизи қолган бўлиб, уни қайноғаси Қўқон хони Абдурахмонбий (1750–1751) никоҳига берган<sup>135</sup>. Уларнинг никоҳидан Қўқон ҳукмдори Норбўтабий (1763–1798) туғилган. Эшон Ҳаким тўранинг ўғли Маъсумхон тўра Умархоннинг синглиси Офтоб ойимга уйланади ва уларнинг никоҳидан Муҳаммад Ҳакимхон тўра (1783–1844) дунёга келган.

Чодак хўжаларининг кейинги тақдири ҳақида Қўқон хонлиги муаррихларидан Муҳаммад Ҳакимхон тўра «Мунтахаб ут-таворих» асарида маълумот

<sup>134</sup> Муҳаммад Яхёхон Хўқандий. Хўқанди Латиф маноқиб. Тазкира. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018. – Б. 448.

<sup>135</sup> Бейсимбиев Т. К. Духовенства в политической жизни Кокандского ханства в XVIII – XIX веках (по некоторым кокандской историографии) // Духовенства и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востока в период феодализма. – Москва, 1985. – С. 37 – 38.

берган. Қўқон ҳукмдорлари Эрдона ва Норбўтабий даврларида мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида Ирисқулибий<sup>136</sup> деган шахс муҳим ўрин тутгани манбаларда акс этган<sup>137</sup>. Фақат «Мунтахаб ут-таворих»да Ирисқулибийнинг отаси Дўстқулибий Чодак хўжаларидан экани тўғрисида ахборот берган<sup>138</sup>. Япониялик тадқиқотчи Я. Квахара Ирисқулибийни юқори мавқега эга бўлган амирлардан дейди<sup>139</sup>. Норбўтабий Ирисқулибийнинг укаси Имомқулибийнинг қизи Мингойимни никоҳига олгани масалага бирмунча ойдинлик киритади. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг таъкидлашича, Чодак хўжаларидан Ирисқулибий ва Имомқулибий Муҳаммад (с.а.в.)га она тарафдан боғланади<sup>140</sup>. Чодак хўжалари хонлик давлат бошқарувида муҳим ўрин эгаллаш мақсадида Қўқон хонлари билан қариндош бўлишга уринишган. Аммо улар хонликда эътиборли диний-ижтимоий мавқега эга бўлмаганлар ва бу ҳақда умуман маълумотлар етиб келмаган.

Хулоса шуки, «Чодак хўжалари»нинг Ўзбекистон тарихидаги ўрни ҳозиргача тадқиқ этилмаган масалалардан бири бўлиб турибди. Ушбу мухтасаргина тадқиқотларимиздаёқ Қўқон хонлиги ташкил топиши ва ундаги кейинги сиёсий жараёнларда ҳам Чодак хўжаларининг фаол иштироки мавжудлиги ҳамда бу мавзу келажакда албатта илмий ўрганилиши зурурлиги кўриниб қолди.

<sup>136</sup> «Мунтахаб ут-таворих» асарининг баъзи саҳифаларида Идрисқулибий деб қайд этилган (Маҳмудов Ш. Маҳдуми Аъзам авлодларининг Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни // Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент., 2007. – Б. 81).

<sup>137</sup> Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol. II. Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. – Tokyo : ILCAA 2006. – P. 13.

<sup>138</sup> Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. ЎЗР ФА ШИ, № 594. 239а.

<sup>139</sup> Квахара Я. Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2001 йил 25 апрель. – Б. 20–21.

<sup>140</sup> Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. ЎЗР ФА ШИ, № 594. 239а.

## «ГУРУМСАРОЙ ЖАНГИ»

Гурумсарой Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий қишлоқлардан бири. Қўқон хонлиги тарихига оид қўлёзма манбаларда у *Маҳрамсарой*, *Маҳрамсарон*, *Хуррамсарой*, *Гурумсарой* шаклида учрайди.

XVIII аср ўрталарида Қўқон хонлиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётида Гурумсарой қишлоғининг мавқеи юқори бўлган. Ушбу қишлоқдан бир нечта тарихий шахслар чиққан. Улардан бири Гурумсарой ҳокими Ўтаб баковул эди. У давлат амалдорлари ва ҳарбийлар орасида катта нуфузга эга бўлган. Унинг кўпгина ер-мулклари, Қўқон шаҳри яқинида йирик боғ-роғлари бор эди. Ўтаб баковул дастлабки даврлардан оқ Қўқон хонлигини мустаҳкамлашда шижоат кўрсатади. Халқ тинчлигини таъминлаш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширади. Муаррих Худоёрзода «Анжум аттаворих» асарида бу тўғрида шундай дейди:

*«Ўша замонда<sup>141</sup> қипчоқия қавмига мансуб бир гуруҳ бош кўтариб фасод ва йўлтўсарлик қилиб, тижоратчи ва савдогарлар карвонларини талаб, кўп озор етказа бошладилар. Улар Шиғай тўра деган бир кимсани ўзларига бошлиқ қилиб, тоғлар ичида яшириниб қулай фурсат топиб, яширин йўллар орқали келиб қишлоқларни талон-тороғ ва хароб этиб аҳолига кўп ташвиш ва тазйиқлар етказдилар. Наманган ҳокими Абдуллоҳ додхоҳ ва унинг ноиби Хуррамсарой ҳокими Ўтаббой баковул бир тадбир ишлатиб, шу қавмдан қирқ нафар бошлиқларини қўлга олиб, бир неча кун ўз хизматларида ушлаб, яши тўнлар билан кўнгил ва хотирларини тинчлатиб уларнинг қароргоҳлари ва унга олиб борадиган йўлларни билиб олдилар. Сўнгра ўша ҳаромзодаларнинг барчасини қўлга туширдилар. Бирор киши қутулиб кетолмади. Бўйинларига оғир занжирларни солиб салтанат пойтахтига юбордилар. Абдукаримхон шариф шарият ҳукмларига*

<sup>141</sup> Абдукаримхон (1733–1750) даврида.

биноан уларни вилоятларга жўнатиб, катта йўлларда ибрат учун баланд дорларга осиб жазолади. Муслмонлар ва тожирлар бу қавмнинг ёмонлигидан қутулиб шукроналар айтдилар»<sup>142</sup>.

Ўтаб баковул 1745–1749 йиллари Шарқий Туркистон ҳудудидан Қўқон хонлигига бостириб келган кўп сонли кўчманчи жунғорлар<sup>143</sup> билан жангларда фаол қатнашган.

Жунғор хонлиги (1635–1758) ҳозирги Шарқий Туркистон ҳудудида ташкил топган. Жунғор хони Цэван-Доржи-Намжи 1745 йилнинг ноябрь ойида Қўқон хонлигига ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётган саркардаси Септенга ҳарбий кўмак жўнатади. У хонликнинг шимолий чегарасидан бостириб кириб, Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллаб, Қўқон шаҳрига ҳужум қилади<sup>144</sup>.

Қўқон ҳукмдори Абдукаримхон (1721–1753) Септен кўшинига қарши Қипчоқбачча бошчилигидаги Қўқон кўшинини юборади. Аммо жангда Қўқон кўшини енгилди ва саркарда Қипчоқбачча ўлдирилади. Натижада жунғорлар кўшини Қўқонга яқинлашиб, уни қамал қилади. Қалтис вазиятда қолган Абдукаримхон Ўратепа ҳокими Фозилбий ибн Содикбийдан ёрдам сўрашга мажбур бўлган<sup>145</sup>. Фозилбий аскарлари билан бирлашган Қўқон кўшини қалмиқлар устидан ғалаба қозонади ва Қўқон қамалдан озод этилади<sup>146</sup>. 1746 йилда Фарғона водийсига ҳужум уюштирган жунғорлардан Ўш, Андижон, Марғилон шаҳарлари

<sup>142</sup> Худоёрзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Шарқ. 2009. – Б. 83–84.

<sup>143</sup> Жунғорлар – баъзи тарихий манбаларда қалмиқ ёки қалмоқлар деб аталган.

<sup>144</sup> Мирза Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А. Мағзоиев, М.Усмонова. – Тошкент, 1995. – Б. 16; ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 1314. 15-варақ.

<sup>145</sup> Ансоб ус-салотин... ўша жойда.

<sup>146</sup> Мирзо Олим Мушрифнинг ёзишича, қўқонликлар хийла ишлатиб, гўё сулҳ мақсадида қалмиқлар йўлбошчиларини таклиф қилганлар ҳамда уларни қатл этганлар. Йўлбошчилардан ажралиб саросимага тушиб қолган қалмиқлар Қўқон шаҳридан чекинишга мажбур бўлган. (Ансоб ус-салотин ... ўша жойда.)

тўла қайтариб олинади. Жунғорларнинг қайта ҳужум қилишининг олдини олиш мақсадида улар билан битим тузилади.

Жунғорлар ҳужуми, ички беқарорлик, тартибсизликлар мамлакат иқтисодига катта зарар етказган бўлишига қарамай, Абдукаримхон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолади.

Ўтаб баковул ушбу жангларда фаол қатнашган саркардалардан бири эди. Унинг Қўқондаги боғи атрофига жангда ҳалок бўлган аскарлар кўмилган. Бу қабристон кейинчалик Қўқон хонлари дафн этиладиган «Даҳмаи шоҳон» номи билан юритилган<sup>147</sup>. В. Наливкин ёзишича, Норбўтабийни (1763–1798) Абдулла қушбеги, Ўтаб баковул ва яна бир нечта амалдор тахтга кўтарган<sup>148</sup>. Бу 1763 йили Қўқон хонлигининг марказий ҳокимиятида Абдулла қушбеги ва Ўтаб баковулнинг мавқеи ниҳоятда юқори бўлганини кўрсатади. Норбўтабий ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Чуст, Наманган вилоятларида унга қарши муҳолафат юзага келади ва у муҳолифларига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлади<sup>149</sup>.

Кўпгина тарихчилар Норбўтабий даврида савдо маҳсулотларининг арзонлиги ва савдогарлар учун қулай шароит яратилганини ҳикоя қилади. Савдо-сотиқнинг яхши йўлга қўйилгани, осойишта хўжалик фаолияти, арзончилик мамлакатнинг тинчлигидан далолат эди. Ўша пайтларда Ўтаб баковул Ғурумсаройни кенгайтириб, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатида машҳур қилган.

Норбўтабий ҳам хонлик ҳудудини кенгайтиришга уринади. Шу мақсадда Тошкентга ҳам ҳу-

---

<sup>147</sup> Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жаҳоннома // ЎзР ФА ШИ, № 9495. – 25 varaқ.

<sup>148</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казан, 1885, – С. 68.

<sup>149</sup> Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. ILCIA 2006.Tokyo. – P. 19.; ЎзР ФА ШИ, № 594. – Б. 2266.

жум қилади, аммо муваффақиятсизликка учрайди. Ушбу юришларда Ўтаб баковул ҳам иштирок этган бўлиши мумкин. Бироқ хоннинг ушбу садоқатли ходимининг кейинги тақдири ҳозирча бизга номаълумлигича қолмоқда.

Норбўтабийнинг ўғли Олимхон (1798–1810) мамлакат иқтисодини мустаҳкамлаш мақсадида камбағал ҳамда қаландарларга ер ва чорва ажратиб бериб,<sup>150</sup> аҳолининг қуйи қатлами орасида катта обрў қозонади. Тарихда «Ғурумсарой жанги» деб ном олган жанг айнан унинг даврида юз берган. «Ғурумсарой жанги» тўғрисида Қўқон хонлигининг барча муаррихлари асарларида маълумот берилган<sup>151</sup>. Муаллифлар жанг жараёнини баён қилишда бошқаларда келтирилган тафсилотларни такрорламаслик учун янги маълумотларни қўшиб ёзади. Ушбу жангнинг тафсилоти қуйидагичадир.

Шайх Ҳованд Тохур авлодларидан Юнусхўжа (1784–1801) Тошкентнинг Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаси ҳокимлари устидан ғалаба қозониб, Тошкент волийси бўлиб олади<sup>152</sup>. Бу вақтда Қўқон хони Олимхон Тошкентни хонлик таркибига қўшиб олишни мўлжаллаб юрганди. Шу мақсадда, Олимхон Хўжанд ҳокими Хонхўжани хонлик қўшинига лашкарбоши этиб, Тошкентга йўллайди. Буни эшитган Юнусхўжа жанубий Қозоғистондаги қозок бийлари билан бирлашиб, 20 000 аскар тўплайди. Қизғин жангда Хонхўжа асир олиниб, 70 ёшида қатл этилади. Енгилган қўшини Қўқонга чекинади<sup>153</sup>. Хонхўжанинг ўлдирилиши Олимхон ҳамда Хонхўжанинг ўғиллари Юсуф Алихўжа ва Юнус

---

<sup>150</sup> Мулло Олим Мушриф. Тарихи Туркистон. – Қарши, 1992. – Б. 22.

<sup>151</sup> Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий. Тарихи жадида Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 3586 варақ; Ниёз Муҳаммад Хўқондий. Тарихи Шохрухий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1787 – 4856: Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи Жаҳонномаи. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9495 – 420а –б варақлар

<sup>152</sup> Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Шарк. 2009. 446–48а варақлар.

<sup>153</sup> Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб уг-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 594, – 242а варақ.

Алихўжани ҳам чуқур изтиробга солади. Жангда кўп қариндошларидан айрилган хўжандликлар ҳам азият чекиб, жуда аламзада ҳолга келади. Бу кейинроқ юз берган «Ғурумсарой жанги»да хўжандликларга ўз қариндошлари қасосини олиш учун қаттиқ жанг олиб боришига туртки беради.

Кўқон қўшинининг Тошкентдаги мағлубияти аҳоли орасида Олимхоннинг обрўи тушиб кетиши ва вилоят ҳокимларининг унга бўйсунмай қўйишларига олиб келади. Улардан бири Чуст ҳокими Бузургхўжа бўлиб, у Мавлоно Лутфуллох хўжа авлоди ва Норбўтабийнинг куёви эди. Бузургхўжа Олимхонга бўйсуниб ва бож тўлашдан бош тортади.

Олимхон Бузургхўжани тиз чўктириш учун Чустга қўшин юборади. Бундан хабар топган Бузургхўжа Чустдан чиқиб, Поп қўрғони яқинидаги Хўжаобод қишлоғида унга рўпара бўлади. Муҳаммад Ҳакимхон тўра бу жангни шундай тасвирлайди: «Амир Олимхон катта қўшин тўплаб, Чуст томонга қараб юрди. Байт:

*Фатҳ нусрат пешу нас, авни Илоҳи раҳбар,  
Асли давлат зери ром, чатри зафар балойи сар.  
(Мазмуни:*

*Кетма-кет ғалабалар, илоҳий йўлбошчи,  
Давлат оти оёғи остида, зафар соябони бош  
устида.)*

Бир қанча йўлларни босиб ўтгунча Ғурумсарой мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан қўзғалиб, Машҳад<sup>154</sup> мавзесида қўшилади. Бузургхожа эшон бу хабарни эшитиб, катта қўшин билан амир Олимхон келиб тушган тарафга қараб йўналди ва мазкур мавзе яқинига етиб борди. Ўша кечаси ҳар иккала жанг талаб лашкар бир бирини йўқотмоқ қасдида жанг тайёргарлигини кўришди. Шарқ қуёши зангори осмон уфқидан бу можароларга тўла олам узра намоён бўлгач ва қоронғу тун ўз ниҳоясига етгач, икки лашкар денгизи тўлқиндек мавжланиб,

<sup>154</sup> Хўжаобод.

бир-бири қаршисида саф тортишди. Жон қасдини қилувчи довораклар жангга киришиб, уруш майдонида мардоналик намуналарини кўрсатишди. Тонгдан пешингача жангу жадал шу тариқа давом этди. Пешиндан сўнг Бузургхожа лашкари юрагига қўрқув йўл топиб,

Саббадор намоёд жамоли кор дуруст,  
Дар об сурати жужбон дуруст нанамояд.

(Мазмуни:

Кўчирма олувчи иш жамолини тўғри чизади,  
Сувда сурат қимирлаб, яхши кўринмайди.)

Ва яна бир марта амир Олимхон устига ташланди ва ҳар икки қон оқизувчи лашкар қайтадан устма-уст чирмашдилар. Шундай қиёмат қўпдики, Исрофил сурнайининг<sup>155</sup> шовқини эшитилмай қолди, осмону фалак сари чангу тўзон қуюни шундай ўрлаган эдики, фалакдаги малакларнинг кўзларини очдирмасди. Ота ўғлининг ҳолидан хабар топмас, оға-инилар бир-бирини таний олмасдилар. Шундай жанг рўй берган эдики, ажал найзаси шошиб қолганидан биринчи бўлиб, қай томонга боришни билмай гаранг ҳолатда ёшу қарини бир хил нарҳда сотар, ботирлар қонидан жанггоҳ рўмоний ёқут рангига кирган эди. Қитъа:

Дами найи рўйин дар омад ба авж,

Ями ҳарб гардид аз хун ба мавж

Япон қуръони жанги андохтанд

Ба мардонаги теги кин сохтанд.

(Мазмуни:

Руҳдан ясалган най овози етди осмонга,

Жанг майдони мавж урди тўлиб қонга.

Баҳодирлар жанг қуръасин ташлашди,

Мардоналик ила кин қиличин ясашди.)

Анча уруш ва жанглардан сўнг амир Олимхоннинг бахт юлдузи балқиб чиқиб, Бузургхожа юлдузи

<sup>155</sup> Исрофил сурнайи – Ислом дини ақидаларига кўра, қиёмат кун Исрофил номли фаришта қаттиқ сурнай чалиб, унинг овозидан ўликлар тирилиб, бир ерга йиғиладилар.



қуйи томонга сўнди. Хожа қочишини ихтиёр этиб шу қочганча Чуст шаҳрига келиб кирди. У ердан эса қанча дард ва ҳасрат ичида молу мулкидан кўнгил узганча бир неча кишиси билан Кўҳистонга<sup>156</sup> қочди. Амир Олимхон эса фатҳу нусрат билан Чуст вилоятини бирга тобе ерлари билан эгаллаб, ўз томонидан ҳоким тайинлади ва бахту давлат билан Хўқанд тараф қайтди<sup>157</sup>.

Бузурғхўжа қирғизлар орасига қочиб бориб, у ердан Тошкент ҳокими Юнусхўжага элчи ва мактуб юборди. Кўқонни босиб олиши учун унга ёрдам беришни ваъда қилди. Аммо уринишлари бе-самар бўлди. Кейинчалик уни Олимхон ҳузурига тутиб келтиришди ва у қатл этилди<sup>158</sup>.

Тошкент беклиги билан чегарадош бўлгани учун Ғурумсаройда хонликнинг чегара кўшини турган ва шунга яраша ҳарбий қурооллар ҳам сақланган. Тошкент ҳокими Юнусхўжа 1800 йили ўғиллари Муҳаммадхўжа, Хонхўжа, Ҳошимхўжа, Султонхўжа ва Ҳомидхўжани Тошкент атрофидаги қалъаларга ҳоким этиб тайинлайди. У амирлар билан маслаҳатлашмай ва шаҳар ақобирлар машваратисиз, кўчманчи қабилалар қутқусига учиб, 20 000 жангчи билан Кўқонга юриш бошлайди. Ҳарбий ҳаракат бошлашидан олдин Олимхонга элчи юбориб: «*Фарғона мамлакати даввоси билан Наманган ноҳияси орқали йўлга чиқмоқдаман*», деб хат юборади. Бир тарафдан у Кўқоннинг Олимхондан норози ҳокимлари ёрдамига ҳам кўз тиккан эди.

Олимхон Тошкент лашкарининг хонлик чегарасига яқинлашиб келаётганидан хабар топгач, Хўжанд ҳокими Ражаб қушбегига Кўқон кўшинининг асосий кучлари етиб боргунча, душ-

<sup>156</sup> Кўҳистон – бу ерда Кўҳистон бугунги Тожикистоннинг шимолида жойлашган тоғлар, Қоратегин, Ғарм, Дарвоз ва бошқалар кирган.

<sup>157</sup> Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Х. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д.Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 56.

<sup>158</sup> Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона... –28а.

маннинг йўлини тўсиб туришни буюради. Хўжанд қўшини орасида Хонхўжанинг ўғиллари Юсуф Алихўжа ва Юнус Алихўжалар ҳам бор эди. Ражаб қушбеги қўшини Сирдарёнинг ўнг соҳилига ўтади ва тунда Самгар, Қамишқўрғон орқали эртаси куни Ғурумсаройга етиб келади. Бу ҳақда Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» аса-рида шундай ёзилган: «Ражаб девонбеги воқеадан хабар топгач, Хўжандни холи ташлаб, лашкари билан тез суръатда кечасиёқ йўлга тушиб, бир оқшом ичида дарёдин ўтиб олди ва ўзини Ғурумсарой мавзесига етказди. Ўша вақтда Хонхўжанинг катта ўғиллари Юсуф Алихўжа ва Юнус Алихўжа қачон бўлса ҳам отаси қони учун ўч олиш мақсадида ўтирган бўлиб, булар ҳам ана шундай қасосли дамлар етишганидан фурсатни ғанимат санаб, тезликда барча амирлардан олдинроқ жанг майдонига етиб бордилар. **Мисра:** Ғофил машав ба кор ки фурсат ғанимат аст (Ишдан ғафлатда қолма, фурсат ғанимат эрур). Ака-укалар пайт пойлаб турган маҳал Юнусхўжанинг Ашт мавзеидан кўчиб, Ғурумсарой мавзеига тушмоқчи бўлган вақти эди»<sup>159</sup>.

Бу вақтда Юнусхўжа ўз қўшини билан Курама тизмаси йўли орқали Чодак дарасидан ўтиб, Аштга келган эди. Унинг қўшинида Тошкентнинг машҳур лашкарбошилари Салимсоқ тўра, Бобохон тўра, Одил тўра ва Рустам тўралар бўлиб, улар қўшиннинг энг моҳир жангчилари эди<sup>160</sup>. Юнусхўжа Аштда қолмасдан Ғурумсаройда тунамоқчи бўлади. Шу мақсадда Ғурумсарой яқинидаги Қўшҳовуз деб аталган жойга етиб боради. Аммо кутилмаганда уларга Ражаб қушбеги бошчилигидаги Қўқон қўшини қўққисдан ҳужум қилади. Бундай ҳамлани Юнусхўжа ва унинг

---

<sup>159</sup> Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 282.

<sup>160</sup> Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳ Хўжа ва унинг «Тарихи жадиди Тошканд» асари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2007. – Б. 90 – 91.

қўшини кутмаганди<sup>161</sup>. Айни вақтда Сирдарёнинг сўл қирғоғида Ғурумсаройнинг қаршисида Олимхоннинг илғор ҳарбий қисми пайдо бўлади. Ражаб қушбеги Қўқоннинг оқ яловини кўтарган отлиқ туғбеги атрофига 50 ўқчини жойлаштириб, Юнусхўжа отлиқларининг яловга қилган ҳужумини қайтаради. Ражаб қушбеги отлиқларининг қарши ҳужуми рақиб қўшини сафларини тўзитиб юборади. Бу жангда Ғурумсаройнинг янги ҳокими Сўфи Алихўжа Мирасад<sup>162</sup> бошчилигидаги Ғурумсарой, Тепакўрғон ва пунгонликлардан иборат қўшин ҳам фаол иштирок этади. Уларнинг аёллари ва болалари ҳамда қишлоқ қариялари Ғурумсарой кулоллари ясаган идишларда жангчиларга сув ташиб туришган. Жангда Қўқон қўшини катта жасорат кўрсатади ва ҳарбий ҳийла ҳам ишлатилади. Ўрта Осиёда тарқалган қадимий анъаналарга кўра, жанг қилаётган томонлардан бирининг байроғи қўлга киритилса ёки байроқдор чекинса, ўша тараф қўшини мағлубиятга учраётганини англатарди. Асосий кучлар етиб келгунча мавжуд вазиятни сақлаб қолиш мақсадида ҳийла йўлини тутган Ражаб қушбеги Қўқон қўшини байроқдори отининг оёқларини тушовлаб ташлайди<sup>163</sup>. Муҳаммад Ҳақимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» асарида: *«Хўқандлик аскарлар чану сўл томондан чиқиб, бўри ўзини қўйлар галасига урган каби шовқин кўтарганча душман устига ташландилар. Юнусхўжа Хўқанд лашкари дарёдан ўтиб, у билан шу ерда уруш қилишини хаёлининг бир бурчагига ҳам келтирмаган эди. Аммо қараса, бу ҳол рўй бериб турибди. Шунда бу янглиғ кутилмаган воқеа юз берганини кўриб, бошидаги банг нашаси бир*

<sup>161</sup> Муҳаммад Ҳақимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих // ЎЗР ФА ШИ кўлёмаси, инв. № 594. – 2456 варак.

<sup>162</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. – Тошкент: Шарк, 2003, – Б. 100.

<sup>163</sup> Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70 йилларига). Т.ф. н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациядан. – Тошкент: ЎзР ТИ, 2005, – Б. 36.

газ нарироққа учиб кетди. Мисраъ: Ва он жумла хаёлҳо ба як дам бигурех (Жумладан, хаёллар бир дамда учиб кетди). Ҳамиша ҳам чалпак ейиш имкони туғиладиган тўй бўлавермаслигига ишонч ҳосил қилиб, ноилож тақдир тақозосига бўйсунганча жангга киришди ва ҳар икки лашкар денгиз каби тўлқинланиб, бир-бири устига ташланди. Ботирлар қонидан Сайхун дарёси анор гулидек қизарди ва жанг майдони тупроғи хинога бўялди. Анча уруш-сўқишлардан сўнг зафар насими амир Олимхон томонидан эсиб, Юнусхўжа молу асбоб, сипоҳу хазинасини ташлаб, юрагида неча доғу ҳасрат билан қочиш қарорини ихтиёр айлади»<sup>164</sup>.

Оқибатда Тошкент қўшини ҳар қанча ҳаракат қилишига қарамай, Қўқон қўшини чекинмади. Тез орада Олимхон асосий кучлар билан етиб келди ва Тошкент қўшини мағлуб этилди<sup>165</sup>. Бу ҳақда манбаларда: «Ул фалокатга тўла ҳалокат майдонидан не-не меҳнату машаққатлар гирдобиди бешолти нафар маҳрамлари билан бирга зўрға қутулиб чиқиб, Тошканд томонга қараб қочди. Шошилинч равишда ўз қароргоҳига етиб олди ва шундан сўнг оғир бир касалга чалинди: Байт:

*Доми шайтон аст домидир, дона нафс лаззати,  
Мурғи дилро ҳирси дона зуд дар дом афканад.*

*(Мазмуни:*

*Тубанлик шайтон домидир, дона нафс лаззати,  
Дил қўшини дона ҳирси тез тузоққа туширди.)*

Амир Олимхон эса қувлаб бориб, Тошканд қўшинидан бир бўлагини ўлдирди, анчасини асир олдилар. Амир Олимхон бу катта ғалабани ғайбий атолардан бирига йўйиб, улуғ фатҳ шукронасини адо этди. Ўша куниси Юнус Алихожа ва Юсуф Алихожа ҳамда Ражаб девонбегининг тожик амирлари

<sup>164</sup> Мухаммад Ҳақимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Х. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 283.

<sup>165</sup> Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 27-28.

мардлик намунасини кўрсатдилар. Шу билан амир Олимхон қатл ва ғарот ишидан тинчигач, музаффар ва мансур дарёдан кечиб ўтиб, Хўқанд тарафга қайтиб кетди. Ўз қароргоҳига келиб тушди. Бир неча кун давомида йўл ҳордиғини чиқарди. Юнусхўжа бангининг қочгани таъриhini Мулло Муҳаммад Ғози раис<sup>166</sup> жуда яхши айтган ва таърих ушбудир:

Дар дашти Ғурумсарой амири сафдар,  
Юнуси ҳира сар ажаб разм анчхт,  
Бигирифи сари душману нарихаш чуфт,  
«Банги ба кунаш нигоҳ покарда гурехт».

(Мазмуни:

Ғурумсарой даштида лашкар амири,  
Боши ҳира Юнус ажаб уруш бошлади,  
Душман бошин олди-ю, таърихин деди:  
«Банги кетдию, орқасига қарамай қочди»<sup>167</sup>.)

Юнусхўжа амирлари тоғлар орқали Еттибўйноқ йўли билан Шоҳидон<sup>168</sup>, Намаданак<sup>169</sup>, Фаркент<sup>170</sup> қишлоқларига бориб, у ердан Қурама ва Қанжиғали қалъасига ўтди. Сўнгра Қамар йўли билан Абдуллахўжа роботига келиб Юнусхўжа билан бирлашиб, Бешёғоч дарвозасидан Тошкентга кириб борди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Юнусхўжа касалликдан вафот этди.

Бу жангда Қўқон қўшинида янги тузилган 50 та аскардан иборат «туғбеги» деб номланган ҳарбий гуруҳ алоҳида жонбозлик кўрсатади<sup>171</sup>.

<sup>166</sup> Раис – бошлиқ, унинг вазифаси диний амалдор сифатида бозорлардаги нарх-наво, тарозиларнинг тўғрилиги, диний тартиб ва низомларнинг назоратидан иборат эди

<sup>167</sup> Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Х. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 283.

<sup>168</sup> Шоҳидон – Тожикистон Республикаси Ашт яқинидаги қишлоқ.

<sup>169</sup> Намданак – ҳозирги Тошкент вилояти Паркент тумани худудидаги қишлоқ.

<sup>170</sup> Фаркент – бу ҳозирги Паркент шаҳарчаси.

<sup>171</sup> Бейсимбиев Т. К. Тарихий Шахрухи» как исторический источник... – С. 14.

Олимхон катта ўлжа ва кўплаб асирларни қўлга киритиб, жасорати ва тадбиркорлиги учун Ражаб кушбегини мукофотлайди<sup>172</sup>. Олимхон қўшинга бир оз дам бериб, 1808–1809 йиллардаги жангларда кўп аскар йўқотган ва қурол-аслаҳасининг асосий қисмини қўлдан бой бериб, кучсизланиб қолган Тошкент ҳокими устига юриш бошлайди. Айнан шу икки ҳолат Олимхон ғалабасини таъминлайди. Дастлаб Қурама атрофи эгалланади ва Олимхон Керовчи қалъасини қўлга киритгач, ўн икки минглик қўшинни Тошкент атрофини талаш ва талон-торож қилиш учун юборади. Қўшин беҳисоб ўлжалар билан бирга Тошкентнинг муҳим қалъаларидан бири Ниёзбекни ҳам қўлга киритади.

Фурумсарой тарихидан бошқа жанглар ҳам ўрин олган. 1842 йили Бухоро амири Насруллоҳ Баҳодурхон Қўқонни босиб олгач, Иброҳим Хаёлни бухороликларга йўлбошчи ва Бухоронинг Қўқондаги волийси этиб тайинлайди. Аммо қўқонликлар бундан норози бўлиб, бухороликларга қарши Шералихон бошчилигида кўзғолон кўтаради. Муҳаммад Ҳакимхон тўра: «Шерали хонлик тахтини тортиб олиш учун Наманган вилояти, Тўрақўрғон, Косон, Ахси, Чортоғ ва Фурумсарой шаҳарларини забт этади. Аҳоли Шералихонни хурсандчилик билан кутиб олади», деб ёзади<sup>173</sup>. Бухоро ва Тошкент қўшини Қўқоннинг янги ҳокими Шералихонни тан олмай Қўқон хонлигига бостириб киради. Муҳаммад Шариф парвоначи ва Гадейбой парвоначи бошчилигидаги Тошкент қўшини Сирдарёнинг чап соҳилига, яъни ҳозирги Поп туманининг Фурумсарой, Тепақўрғон, Қирчин, Пунгон қишлоқлари атрофига келиб жойлашади. Шералихон Муҳаммад Назарбек бошчилигида харбий гуруҳ тузиб, Чуст ва Фурумсаройдаги Тошкент ҳамда Чаманди раҳбарлигида Абдурахимбек

<sup>172</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9 том. – Тошкент, 2004. – Б. 246.

<sup>173</sup> Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. ЎЗР ФА ШИ. № 594. – Б. 402а, 403а.

қипчоқ лашкари билан Конибодомда турган Бухоро қўшинига қарши жангчилар юборади. Бухоро қўшини устидан ғалаба қозонилган бўлса-да, Ғурумсаройдаги жангда Қўқон аскарлари мағлубиятга учрайди<sup>174</sup>.

Шу тариқа Ғурумсарой қишлоғи ўзига хос кулличилигидан ташқари, Ўзбекистон тарихи саҳифаларида «кўп жанг кўрган» масканлардан бири сифатида ҳам машҳурдир.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА ПОП ТУМАНИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Қўқон хонлиги Марказий Осиёда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақкам давлатга айланган. Айниқса, Олимхон (1798–1810), Умархон (1810–1822) ва Муҳаммад Алихон (1822–1842) ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудуди анча кенгайди. Фарғона водийси, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Ясси, Туркистон, Чимкент, Авлиё ота, Жамбул (Жанубий Қозоғистон), Қирғизистон, Тожикистоннинг Қоратегин, Дарвоз вилоятлари хонлик таркибига киритилди.

Қўқон хонлиги ташкил топганидан бошлаб, Фарғона водийсида ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида сезиларли ўзгаришлар юз берди. XVIII асрда Бухоро хонлигидаги сиёсий-иқтисодий тангликлар, ўзаро урушлар кучайиши, Самарқанд ва унинг атрофида чигирткалар кўпайиб, экинлар пайҳон қилиниши туфайли Самарқанд аҳолисининг бир қисми Бухоро, Термиз ҳамда Фарғона водийсига кўчиб кетади<sup>175</sup>. Поп туманидаги Исковут ва Тўда қишлоғи аҳолиси ҳам ўша пайтлари Самарқанднинг Нурота туманидан бу ерларга келиб қолган. Кексалар ўзларининг барқут ва чимбой уруғидан эканини ривоят қилишади<sup>176</sup>. Шунингдек, 1759 йилда Хитойнинг

<sup>174</sup> Бобобеков Б. Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: 1996. – Б. 52.

<sup>175</sup> Бейсембиев Т. К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. – Алма-ата: Наука, 1987. – С.10.

<sup>176</sup> Шарипов О. Ўзбек тилининг Поп шеvasи. Ф. ф. к. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1962. – Б. 10.

манжур ҳукумати кўшини Шарқий Туркистонни босиб олгач, бу ўлкадан минглаб оилалар Қўқон хонлигига кўчиб келади<sup>177</sup>. Поп туманидаги Уйғур, Уйғурсой қишлоғи ҳамда Ғурумсаройдаги Охунлар мазори ўтмиши шу тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хонликда хонга тегишли ерлар, амалдорлар ва халқ ихтиёридаги хусусий ерлар, пайғамбар ва тўрт халифа авлодлари, масжид, мадраса, мактабга қарашли вақф ерлари мавжуд эди.

Вақф мулклари мазкур туманда ҳам мавжуд бўлган. Қуйи Чодак қишлоғидаги Мулло Боҳу охунд мадрасасига тегишли ерлар, Чодак, Хонобод атрофи ва Чоркесардаги Ҳазрати Имом Зайнул Обидин мақбараларига тегишли вақф ерлар шулар жумласидан эди. Сирдарё бўйида яшовчи аҳоли дарё бўйларидаги тўқайлар, дарё сувининг камайиб бориши натижасида юзага чиқиб қолган ерларни ўзлаштириб, хонга солиқ тўламасдан экин экишган. Қоидага кўра, бу жойларга эгалик қилган қишлоқ аҳолиси уларни ўзлариники деб эълон қилган. Бундан вазиятда хон шариат қонунларини яхши билган қозини уларнинг олдига юборган<sup>178</sup>. Қози уларга бу ерлар хонлик, яъни давлатга тегишли экани ҳамда улардан олинган ҳосилнинг қонуний белгиланган бир қисми давлат хазинасига тўланиши кераклигини тушунтириб берган. Бундай ўзлаштирилган ерларга Сирдарё бўйларида жойлашган Поп, Санг, Тўда, Уйғур, Марғузур, Ғурумсарой, Тепакўрғон, Қирчин, Пунгон қишлоқлари этагидаги тўқайлар ҳам кирган. Улар хон томонидан маҳаллий аҳолига ижарага берилган. Қўқон хонлиги архивида қуйидаги маълумотлар берилган: *«Тепакўрғон ороли, Қирчин ороли, Пунгон ороли, Марғузур этагидаги Шермуҳаммад ороли, Чақиртўқай оролини ижарага олган маҳаллий деҳқонлар, хоннинг вакили Дўстқули саркорга закот тўлаган. Уларнинг бир*

<sup>177</sup> Тарихи Бадахшони. изд. Л. Болдилов. – Л., 1965. – С. 6.

<sup>178</sup> Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С. 206 – 208.



йиллик закоти 68 танга белгиланган»<sup>179</sup>. Санг ва Поп қишлоқлари этагидаги тўқай ва Сирдарёдаги ороллар эгалари ҳам шу тарзда закот тўлаган. Тўқайлар ҳақида Тепақўрғон қишлоғи қариялари шундай дейишади: «У пайтларда Сирдарё катта эди. Тўқайларда асосан тўронғил, сувтол, юлғун каби дарахт ва буталар ўсарди. Тўқайда ёввойи чўчка (тўнғиз), эчкиэмар, тустовук, бўри, чиябўри каби ҳайвонлар кўп эди. Ёввойи чўчқанинг гўшти мусулмонлар учун ҳаром ҳисоблангани учун одамлар уни овламас эдилар. Руслар бостириб келгач, чўчқалар ёппасига овланди. Баъзи маҳаллий амалдор кишилар русларга чўчка овлаб, зиёфат қилиб бериб турли амалларга эга бўлганлар. Шунинг учун бу ҳайвон бора-бора қирилиб кетган. Сирдарё оқими дарё ўртасида табиий равишда кичик-кичик оролчалар пайдо қилган. Уларни маҳаллий аҳоли «қайрон» деб атаган. Бу қайронларда турли саксовул, янтоқ каби ўсимлик ва буталар кўпайиб чакалакзор, ҳатто тўқайлар вужудга келган. Қайронлар сугир, қўй, от, эшаклар учун яйлов ва зифасини ўтаган. Дарё бўйида яшовчи қишлоқ аҳли эрта баҳорда молларини шу қайронларга қўйиб юбориб, кеч кузгача хабар олиб юриб, қиш кириши билан қишлоққа олиб кетган. Баъзи ҳайвонлар ёввойи бўлиб кетган. Хон саркорлари бу қишлоқлар аҳолисидан саксовул, янтоқ сотиб олган. Бир боғлам саксовул ва янтоқ 50 танга турган<sup>180</sup>.

XIX асрнинг бошларидан Қўқон хонлигида ер мулклари, чорва яйловлари, савдо-сотик ишлари хон ва йирик амалдорлар қўлида бўлган. Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст, Тошкент, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби йирик шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланиб, Қўқон хонлигининг иқтисодий тараққиёти ва сиёсий ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Иқтисодий

<sup>179</sup> Қаранг: Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 22

<sup>180</sup> Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Ташкент: Фан, 1973. – С.35.

юксалиш, сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, ўлкада шаҳарлар ривожини учун Россия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон каби қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Мамлакатнинг савдо алоқалари тараққий этишида Поп тумани худудидан ўтган карвон йўлларининг ўрни ҳам катта эди. Карвонлар Сирдарёдай йирик дарёни кечиб ўтишига тўғри келган. 1812 йили бу ерга келган Ф. Назаров Сирдарё кечувида 5 та от қўшилган 70 та туяни сиғдирадиган катта кема-паромни кўрган. Бу музофотларда 1871 йили бўлган Н. Аристов Сирдарёнинг чап соҳили билан Наманган ўлкаси аҳли кўп сонли кечувларда қайиқ ва паромлар орқали боғланади, деб ёзади<sup>181</sup>. Қўқон хонлари Сирдарёдаги бу паром ва кечувларни назорат қилиш вазифасини махсус саркорларга топширган. Улар йўловчини Сирдарёдан паромда олиб ўтгани учун «ўтиш пули» – паттахона солиғини жорий этган. Ушбу паттахоналарда жами 14502 рубл фойда олинган. Ғурумсарой, Тепақўрғон, Пунгон, Санг, Тўдадаги паром ҳамда кечувлар ҳам ижарага берилган<sup>182</sup>.

Хонлик даврида туманнинг маданий ҳаёти ҳам ривожланган. Чодак ва Уйғур қишлоғида мадрасалар бўлиб, уларнинг фаолияти ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Хонликда Риштон кулолчилик мактабидан кейин Ғурумсарой кулолчилик мактаби машҳур бўлган. Унга шу қишлоқлик Уста Кулол Кухий асос солган<sup>183</sup>. Унинг авлодларидан бири Мулло Шермуҳаммад Муҳаммад Мурод ўғли эл орасида «кулол домла», «товоқчи қори» номлари билан машҳур бўлган. У инсон 1890 йилда Поп тумани Ғурумсарой қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб Ғурумсарой масжидидаги имом домладан савод чиқариб, кейин Қўқонга келиб, бир муддат

<sup>181</sup> Аристов Н. Наманганский округ Кокандского ханства // Материалы для статистический Туркестана. – СПб., 1873. – С. 146.

<sup>182</sup> Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи... – Б. 136–137.

<sup>183</sup> Ўзбекистон санъати. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 62–64.

Жоме мадрасасида таълим олган. Оталари вафот этгач, Ғурумсаройга қайтишга мажбур бўлган. Мулло Шермуҳаммад Тошхон исмли сингиллари билан ёлғиз яшаб, оталаридан мерос қолган кулолчилик билан шуғулланганлар. Кейинчалик сингилларини бир намозхон кишига узатиб, Қўқонга келиб, таҳсилни давом эттирганлар. Кулолчиликни ташлаб, Жоме масжидида имомлик қилганлар. У киши ҳақида, Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий шундай ёзган: «Бўйлари ўртадан баландроқ, оқ юзли, ўзларига ярашган оқ саллали, одоб-тавозели, шу билан бирга, қатъиятли, чўнткесар зот эдилар. Тақдир тақазоси билан бир қанча муддат Қўқондаги Тароқчилик маҳалласида истиқомат қилиб турганларида кўришга муяссар бўлганмиз. У пайтда ёш бўлганимиз учун суҳбатларини ололмаганмиз. Аммо, у кишига салом беришга ишқибоз эдик. Кулол домла илмий фаолиятлари доираси кенг бўлиб, айниқса, тафсир ва фикҳ борасида кучли эдилар. У кишини кўрган замондошлари ва авлодлари эътирофларига кўра, домладан фатво, ривоят олиш, масала ечимини топиш учун Ўрта Осиёнинг турли жойларидан аҳли илмлар келиб турар, шу жумладан, Зиёвуддин қори Эшон Бобохон ўғиллари ҳам бирор фикҳий масала ечими баҳонасида зиёрат қилиб кетар эканлар. Набираларининг сўзларига кўра, тошкентлик Саидкарим қори, Ҳожи домла Ҳиндистоний ҳазратлари ҳам иштирок этган бир анжуманда Кулол домла бир қанча сураларни тафсир қилиб бериб, бир уй одамни йиғлатган эканлар. Воизликда ҳам нуктадон бўлганликлари нақл этилади. Асосий тирикчилик манбалари кулолчилик эди. У киши санъат йўналишида эмас, балки кенг халқ истеъмол буюмлари: коса, товоқ, пиёла, хум, хумча, хурма, лапақ, кўза, обдаста, тандир, сопол қувур, тарнов тайёрлаш бўйича иш олиб борардилар. Тайёр маҳсулотларни ўғиллари бозорга олиб чиқиб сотиб келганлар. Илмда ҳам шогирдлари кўп эди. Фарғона водийси ва Тошкентнинг кўпгина илм аҳиллари у кишини ўзларига устоз деб билар эдилар. Марҳум аҳли илмлардан Нуъмонхон тўра, Нас-

риддин охунд, Мубашширхон қори ҳамда ҳозирда ҳаёт машҳур аҳли илмлардан Хуйруллохон қори домла, Ҳошимхон қори домла, шаҳримиз (Кўқон) нинг бош имом-хатиблари Абдулмажидхон ҳожи у кишининг истеъдодли шогирдлари эдилар.

Мулло Шермуҳаммад 1983 йилда тўқсон уч ёшда вафот этдилар. Жаноза намозларини Пиримқули маҳзум ўқидилар. Катта издиҳом билан катта қабристонга дафн этилдилар. Ўғил фарзандлари:

1. Абдулҳамид маҳзум хунарманд, вафотлари 1996 й.

2. Абдулҳафиз маҳзум аллома, имом, кулол, вафотлари 2008 й.

3. Абдулмажид хунарманд, вафотлари 2007 й.

4. Абдуолим савдо ходими, имом, аллома, вафотлари 2010 й. Қариндошлари Абдулатиф Турдалиев филология фанлари номзоди бўлиб, 1989 йилдан бери Кўқондаги Адабиёт музейида фаолият олиб бормоқда»<sup>184</sup>. Ғурумсаройлик уста кулол Сотимов ҳам машҳур инсонлардан биридир.

Ғурумсарой кулолчилик маҳсулотлари кўк ва оқ сут ранглар қўлланиши билан бошқалардан фарқ қилади. Бу мактаб кулоллари Мақсудали кулол Туропов ва Маҳмуд кулол Раҳимовлар тайёрлаган диаметри ярим метр келадиган маҳаллий лаганлар ва қўшқулоқлар бугунги кунда Европа ҳамда Америка музейларида сақланмоқда. Маҳмуд кулол Раҳимов 1928 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. 1993 йилда 65 ёшда вафот этган. Мақсудали кулол Туропов эса 1932 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. Уларнинг ишларини ҳозирда Ваҳобжон Буваев давом эттирмоқда. «Сутли масжид», «Сирли масжид» деб ном олган Абдурахмонбой масжиди ҳам Ғурумсарой қишлоғида бунёд этилган. Санъатшунос Толибжон Аҳмадалиев у тўғрида: «Бу масжидда «сирли» сўзи кошинга нисбатан эмас, маҳаллий аҳоли тилида мойбўёқ билан ишланган нақшларга нисбатан айтилган. Бу масжид нақшларининг соддалиги ва

<sup>184</sup> Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқандий латиф маноклиби (Тазкира). – Тошкент: Movarounnahr, 2018. – Б. 295–297.

ойдинлиги билан Ўрта Осиёдаги бошқа «сирли масжид»лардан ажралиб турган», деб ёзади<sup>185</sup>.

Фарғона водийсида энг қадимги мадрасалардан бири 1578 йилда қурилган Чодак мадрасасидир<sup>186</sup>. У Чодак қишлоғининг бозори яқинида жойлашган. 1888 йили мадрасада 19 нафар талаба ўқиган ва уларга бир нафар мударрис дарс берган<sup>187</sup>.

Одатда мадраса қурдирган шахс мадрасани таъмирлаш, ходимлар ва талабаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида вақф мулки ҳам ажратар ва у қози томонидан вақфнома шаклида расмийлаштирилар эди. Архивда Чодак мадрасасининг вақфномаси сақланмаган, лекин мадрасанинг вақф ерлари тўғрисидаги айрим ҳужжатлар мавжуд. Шунинг учун мадраса тарихига оид бу ҳужжатларнинг муҳимлигини инобатга олиб, улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Чодак мадрасасини қурдирган номаълум шахс аслида йирик ер эгаси бўлган. У Ашт туманидаги Пнук қишлоғида<sup>188</sup> ўзига тегишли бўлган ерларини мадрасага вақф қилади. Фарғона водийсидаги дастлабки мадрасалардан бири Чодакда бунёд этилгани бежиз эмас.

Бухорода катта мулкка эга Жўйбор хўжалари хонга қанчалик кучли таъсир кўрсатган бўлса, Қўқон хонлигида Чодак хўжалари шундай нуфуз ва мартабага эга эдилар. Бироқ ўша одам Чодак хўжаларидан бири бўлса керак, деган гумондаммиз.

---

<sup>185</sup> Ахмадалиев Т. Сирли масжид сирлари // Санъат журнали. №4. 2001. – Б. 26 – 28.

<sup>186</sup> Тадқиқотчи Г. Мардонова фикрича, Чодак мадрасаси 1915 йилда Саиджалолхўжа Исматилло қори ўз маблағига қурилган, деб ёзилган (Мардонова Г. Истиқлолдан яшнаётган юрт. – Тошкент: Ниҳол, 2011. – Б. 42). Аммо бу янглиш фикр ҳисобланади.

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан кейин – ЎзР МДА). 19-ф., 1-р., 12206-иш, 145-варақ.

<sup>188</sup> Ҳозир бу жой Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти ҳудудида жойлашган.

Шундай қилиб, бу вақф ерлари аввал Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган. Кейин Қўқон хонлари мадрасанинг мутаваллисига вақф ерлари ҳосилини назорат қилишга рухсат берган. Қўқон хони Маллахон (1858–1862) ҳам мадраса раҳбарларига шундай ёрлик берган. Лекин шундан кейин Худоёрхон мадраса вақф ерларидан даромад олиш учун мутаваллига ёрлик бермаган. Бунга Худоёрхоннинг Маллахонга нисбатан салбий муносабати сабаб бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, 1858 йили Худоёрхон сиёсатидан норози бўлган халққа Маллахон раҳбарлик қилади ва ҳокимиятни ўз қўлига олади. Худоёрхон Бухорога қочишга мажбур бўлади. Маллахон эса ислохотлар ўтказиб, мамлакатда тинчлик ўрнатишга эътибор қаратиб, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлайди. Маллахон ўзини қўллаб-қувватлаган Чодак руҳонийларига имтиёзлар беради ва Чодак мадрасаси вақф ерларини солиқлардан озод қилади. 1862 йили Маллахон ўлдирилгач, 1863 йил Худоёрхон яна Қўқон тахтига кўтарилади. Бироқ у мадраса вақф мулкларини солиқлардан озод қилмайди ва Маллахон берган васиқани ҳам тасдиқламайди. Айнан Чодак уломаларининг Маллахон билан илиқ муносабатлари, Худоёрхоннинг мадрасани вақф ерларидан тушадиган маблағдан маҳрум қилишига сабаб бўлган.

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, оқ подшо ҳукумати маҳаллий халқ урф-одатлари, шариат қонунлари билан ҳисоблашмай, турли баҳоналар билан вақф ерларини давлат мулкига айлантириб, ер солиғини жорий қилади. Подшо ҳукумати Туркистондаги ер-сув масалалари тўғрисидаги қарор ва қонунларида вақф ерларини давлат ерларига айлантириш ва ижарадорлардан солиқ ундириш йўлини тутган эди. Вақф ерларига нисбатан қўлланилган сиёсат 1886 йил 12 июнда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган ахборотлар Чодак мад-

расаси Худоёрхоннинг иккинчи маротаба тахтга ўтириши ва 1876 йилда Россияси империяси қўшинлари томонидан Наманган босиб олинганидан кейин Пнук қишлоғидаги вақф ерлари даромадидан ажралиб қолганини кўрсатмоқда. Шундан сўнг мадраса алоҳида даромад манбаи бўлмаган. Шунга қарамай, мадраса подшо маъмурлари томонидан рўйхатга олинган ва фаолияти назорат қилиб турилган. Унда 1889 йилгача машғулотлар олиб борилган. Мадрасада 1888 йили 19 нафар талаба сабоқ олган ва 54 рубль даромади бўлган. Бу даромад эҳтимол, ердан ташқари дўкон, тегирмон каби савдо ишларидан тушиб турган вақф маблағи бўлиши мумкин.

XIX асрнинг тўртинчи чорагида (1878–1900) 54 рублнинг қиймати анча баланд эди. Ўша даврда товар маҳсулотларининг нархи барқарор бўлган ёки кам ўзгарган. Шуни ҳисобга олиб, XIX асрнинг 70–90 йилларига тегишли Наманган бўйича айрим товарларнинг нархини келтиришни лозим топдик.

Архив ҳужжатларилан бирида 1877 йилда Наманган уездида қўйнинг ўртача нархи 5 рубль, ҳўкизнинг баҳоси – 8 рубль, сигирники – 8 рубль, деб кўрсатилади<sup>189</sup>. 1883 йилдаги маълумотга кўра, Наманган уездида 1 пуд (16 кг) буғдой 70 копеек, ун – 80 копеек, арпа – 65 копеек, гуруч – 1 рубль 10 копеек, жўхори – 60 копеек, 1 пуд мол гўшти – 1 рубль 80 копеек, қўй гўшти – 1 рубль 20 копеек бўлган<sup>190</sup>.

Демак, Чодак мадрасасининг 1888 йилдаги вақф мулкидан тушган даромади нисбатан оз бўлса ҳам, анча қийматга эга бўлган. Мадраса талабалари ва мударрислари сони, одатда, унинг умумий даромади миқдорига ҳам боғлиқ эди<sup>191</sup>.

Чодак мадрасаси мажмуасига кирадиган мас-

<sup>189</sup> ЎзР МДА. 19-ф., 1-р., 12206-иш, 145-варақ

<sup>190</sup> ЎзР МДА. 19-ф., 1-р., 28456-иш, 11-14-варақ

<sup>191</sup> Алимов И. XVI–XVIII асрларда Наманган беқлигидаги мадраса, қорихона ва мактаблар тарихидан // O'ZBEKISTON TARIXI. 4-сон. 2010. – Б. 4–6.

жид сақланиб қолган. Масжид тўғри бурчакли тарҳда (37x11,2 м) бўлиб, кўндаланг ёйилган композициядан иборат. Унинг тўғри бурчакли устунли хонаси уч томонли айвон билан мутаносиб қурилган. Хом ғиштдан ишланган қўш синчли бинонинг пойдевори тошдан терилган. Устунли-тўсинли конструкция масжид томининг текис бўлишига хизмат қилган. Намоз ўқишга мўлжалланган бу бинонинг безакли пардози уни монументал меъморчиликнинг нодир ёдгорликлари қаторига қўяди<sup>192</sup>. Турли кўринишдаги устунлар, ганчдан ўймакорлик билан деворга ишланган нақшли лавҳалар, хона ва айвоннинг гул солинган шифти катта бадий қимматга эга бўлиб, Фарғона водийсига хос ягона кўринишни вужудга келтиради. Ушбу мадраса бебаҳо ёдгорлик сифатида эътироф этилиб, 1992 йили 8 декабрда Саиджалолхўжа номи берилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиб, рўйхатдан ўтган. Саиджалолхўжа ушбу мадрасани 1905 йилда қайта таъмирлаган.

Чодакдаги Бой Ҳамадоний мақбараси икки хонали, номутаносиб тарҳли ўзига хос бинодир. У XIX асрда Ҳожи Юсуфнинг қабри устига тикланган (Ривоятларга кўра Ҳожи Юсуф Фарғона водийсига Ҳамадондан келиб қолган). Бино тепалик устига қурилган, қуйи йўлдан унинг ихчамгина қораси кўзга ташланади. Асосий кириладиган томонга шарққа қаратиб улкан пештоқ қурилган. Унинг орқасида тўғри бурчакли тарҳда қурилган гўрхона (6x13,2 м) бўлиб, у жануб томондан иккита катта дераза билан ёритилган. Умумий кўриниш жануб томонга қараган пастак айвондан иборат зиёратхона билан яқунланади. Ёғочдан баланд қилиб ишланган арақи сарровли уч равоқли айвон гўрхонага жануб томондан соя ташлаб турарди. Пештоқнинг шимолий бурчагига ўрнатилган безак-гумбаз мезана композициясининг номутаносиблигини кучайтиради. Бино ичида уч поғонали пойзамин ички

<sup>192</sup> Нозилов Д. А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 451.



томонга қараб баландлаб боради, бу эса йўлни ўтишни енгиллаштиради. Энг юқоридаги поғонада равоқли мақбара бор.

Кираверишда ганчга ўймакорлик билан ишланган ва новвотранг бўёқлар билан тўлдирилган гириҳ нақшлар, пештоқда нур ўйноқилигини ҳосил қиладиган икки қатор юзароқ меҳробий равоқлар мақбаранинг оддийгина безакларини ташкил этади.

Бой Ҳамадоний мақбарасини яратган меъморлар монументал қўламларнинг одатдан ташқари уйғунлигини топиб, замин сатҳини комплекснинг асосий қисми бўлган сағанага қараб кўтара бориш ва пухта ўйланган мутаносиблик асосида тантанавор муҳит яратишга муваффақ бўлганлар. Мақбара ўзининг ана шу жиҳатлари билан шу хилдаги бошқа ёдгорликлардан алоҳида ажралиб туради.

Кўқон адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган Ғозий Пунгоний ҳақида Фазлий Наманганий «Мажмуаи шоирон» асарида маълумот беради. Унда «ота-бобоси бу остона тупроғига, соҳибқирон даргоҳига қадрдон», деб таърифланган. Фазлий шоир Ғозийни атоқли сўз устаси сифатида тавсиф қилади:

*Ба алом буд дар илму фан,  
Гузашт аз жаҳон, монанд из вай сухан,  
Чу Ғозийни дар корзари сухан,  
Ба тиғи забон буд-лашкаршикан,  
Сафар кард аз олами бемадор,  
Ғазал манд аз у дар жаҳон ёдгор,  
Зи файзи сухан гураш обод бод,  
Ки аз дўстон руҳи у шод бод.*

#### **Таржимаси:**

*Илму фанда дунёда машҳур,  
Жаҳонда ўтдию, қолдирди сўзлар,  
Майдонда Ғозийки сўзим жанг қилди,  
Тили тиғи билан сафларни тилди,*

*Бемадор оламдан қилди-ю сафар,  
Ёдгор бўлиб қолди ундан ғазаллар,  
Сўзи файзидан қабри обод бўлсин,  
Дўстларидан унинг руҳи шод бўлсин.*

Бу сатрлар Фазлий Наманганийнинг «Мажмуа-йи шоирон» асари ёзилмасдан аввал Ғозийнинг вафот этганини кўрсатади. Тахминимизча, Ғозий Пунгоний 1818 йилда вафот этган<sup>193</sup>.

XVIII–XIX аср ўрталарида ҳозирги Поп тумани ҳудудида кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ушбу соҳада бутун Қўқон хонлигидаги жараёнларни ўз тараққиётида акс эттиради. Уларни ўрганиш Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит тўғрисидаги билимларимизни бойитиш учун жуда фойдалидир.

## **РОССИЯ САЛТАНАТИ ИСТИБДОДИ ДАВРИДА ПОП МУЗОФОТИ**

Пўлатхон ва Насриддинхон кўзғолонини бостириш баҳонасида 1875–1876 йиллари Россия империяси кўшинлари Қўқон хонлигига бостириб кирди. 1876 йилнинг 19 февralида Россия императори Александр II фармонида биноан Қўқон хонлиги тугатилди. Унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил қилиниб, у уезд ва бўлисларга (волость) бўлинди. Император фармонида қуйидаги бандлар ҳам бор эди:

*«Туркистон ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ахборотида биноан жорий йил февраль ойининг 19-кунидан бошлаб...*

*1. Рус қўшинлари томонидан забт этилган, 1875 йилга қадар Қўқон хонлигини ташкил этган ҳудудлар империя таркибига киритилсин ва ушбу ҳудуд Фарғона вилояти деб юритилсин»<sup>194</sup>.*

Фарғона вилоятида янги ҳарбий бошқарув тартиби жорий қилинди. Вилоятлар уездларга, уезд-

<sup>193</sup> Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган, 2007. – Б. 49–50.

<sup>194</sup> ЎЗР МДА И-715, 1-йиғма жилд, 66-иш, 371-варак.

лар эса волостларга, волост қишлоқ жамоаларига бўлинди. Қишлоқ жамоаси маҳаллий халқ вакиллари томонидан бошқарилиши сақланиб қолди<sup>195</sup>. 1876 йили 6 апрелда Чуст уезди ташкил этилиб, унинг таркибига саккизта бўлис (волость) ва олти иккита қишлоқ оқсоқоллиги киритилди<sup>196</sup>. Унинг майдони Косонсойнинг чап соҳилидан Тожикистоннинг ҳозирги Ашт туманигача эди ва Поп ҳамда Чодак бўлислари (волость) ҳам унга қарашли бўлган.

Поп бўлиси таркибида 4 та қишлоқ жамоаси йиғини ва 12 та қишлоқ оқсоқоллиги бўлган:

Бўлис (Волость)	Қишлоқ жамоаси йиғини номи	Қишлоқ оқсоқоллиги
ПОП БЎЛИСИ	САНГ	САНГ
		ТЎДА
	ХЎЖОБОД	ГАДОЙТОПМАС
		ХЎЖОБОД
		КЕЛАЧИ
		ЧОРТОҚ
	ПОП	УЧБЎЛАР
		ПОП
		ПОПТЎҚАЙ
		УЛТАРМА
	УЙҒУР	УЙҒУР
		МАРҒУЗОР

Чодак бўлиси 7 та қишлоқ жамоаси йиғини ва 13 та қишлоқ оқсоқоллигидан иборат эди:

<sup>195</sup> ЎзР МДА ф. И-19,1-йиғма жилд, 5967-иш, 3-варақ.

<sup>196</sup> ЎзР МДА ф. И-1. 6-йиғма жилд, 8493-иш, 59-61 варақ.

Бўлис (Волость)	Қишлоқ жамоаси йиғини номи	Қишлоқ оқсоқоллиги
<b>ЧОДАК БЎЛИСИ</b>	ЮҚОРИ ЧОДАК	ЮҚОРИ ЧОДАК МОЗОРҚИШЛОҚ
	ҚУЙИ ЧОДАК	ҚУЙИ ЧОДАК
	ХОНОБОД	РЕЗАК
		ҚАНДАГАН
		ХОНОБОД
		САНГСУЛОҚ
	ЧОРКЕСАР	ЧОРКЕСАР
		БУГАЧ
	ҒУРУМСАРОЙ	ҒУРУМСАРОЙ
	ТЕПАҚЎРҒОН	ТЕПАҚЎРҒОН
		ҚИРЧИНҚЎРҒОН
ПУНҒОН	ПУНҒОН	

Туркистон генерал-губернатори буйруғига биноан 1897 йилда Чуст ва Наманган уездлари бирлаштирилди.

Маълумки, қишлоқ жамоаси ибтидоий даврлардан буён мавжуд бўлган. У ижтимоий заруратлар заминида вужудга келади. Қишлоқ жамоаси аъзолари бир-бирларини яқиндан танийдилар ва деярли ҳар куни мулоқотда бўлиб, ўзаро муносабатга киришадилар. Жамоа тизими асрлар синовидан эсон-омон ўтиб келган ва такомиллашиб борган. Қишлоқ жамоаси деҳқонлари **томорқа**, **ҳаят** ва **дала ерлари** туридаги мулкларга эга бўлган.

**Томорқа** ҳовлининг орқаси, олди ё уй ёнида бўлиб, унга пиёз, сабзи, кўкат ва гул каби турли экинлар экилган.

**Ҳаят** ҳовлидан бўлак, деҳқоннинг ўзи очган ердир. Ҳаят ерларида буғдой, мевали дарахтлар, беда сингари экинлар етиштирилган.

Дала ерлари давлатга қарашли ерлар ва дехқон унда ижара асосида меҳнат қилган. Бу ерларда кўпроқ пахта, буғдой экилган.

Рус олими Миддендорф: «Оқсоқоллик Фарғона водийсида ижтимоий марказ ҳисобланади. Унинг атрофида ҳамма жамоа бошқаруви айланиб юради, бунинг устига у ажойиб ташкил этилган», деб ёзган эди<sup>197</sup>. Қўқон хонлигида хон ва беклар қишлоқ жамоасини амин ёки оқсоқоллар воситасида бошқарган. Улар шаҳар ёки катта қишлоқлар саркорларига бўйсунган ва солиқ йиғиш ишлари ҳамда давлатнинг бошқа топшириқлари бажарилишини таъминлаган<sup>198</sup>. Оқсоқолларни халқ сайлаган ва бек тасдиқлаган<sup>199</sup>. Шунингдек, қишлоқларда «раис»лар ҳам бўлган. Улар аҳолининг намоз ўқиш учун масжидга бориши, Қуръон ўқиш ва диний урф-одатларга риоя этиш ишларини назорат қилган. Раис зарурат туғилганда имом, қози билан бирга оилавий чигал муаммоларни ҳал этишда ҳам иштирок этган<sup>200</sup>. Қишлоқдаги саркорларни бек тайинлаган. Унинг вазифаси мироб кўмагида қишлоқ аҳолисининг рўйхатини тузиш, солиқ йиғиш вазифаларини бажарган<sup>201</sup>.

Туркистон ўлкасида Россия империяси ҳукумати бошқаруви жорий қилинган, раис ва саркор мансаблари бекор қилинади. Чунки бу мансаб эгалари уларнинг манфаатларига фақат зарар келтирар эди.

Россия империяси истилочилари қишлоқ жамоаси – оқсоқоллик бошқарувини ҳам бекор қилишга уриниб кўрдилар. Аммо уларнинг нияти амалга ошмади. Бу воқеа ҳақида А.Д. Мид-

<sup>197</sup> Миддендорф А. Д. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 170–171.

<sup>198</sup> Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Тошкент, 1974. – С. 240.

<sup>199</sup> Проект положения об управлении в Семиреченской и Сирдарьинской областях. – СПб., Б. И. 1867. – С. 151.

<sup>200</sup> Пален П. К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Сельская управления русски и туземцев. – СПб. 1910, – С. 45.

<sup>201</sup> Пален П. К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Сельская управления русски и туземцев. – СПб. 1910, – С. 45.

дендорф: «Қишлоқларни Россиядаги каби деҳқонлар қишлоқларини бирлаштириб бошқармоқчи бўлишди. Аммо ўша заҳотиёқ бундай бошқарувдан воз кечишга мажбур бўлдилар. Чунки бу тадбир халқнинг нозилигига олиб келди. Оқибатда ҳаммасини аввалгидек қолдиришдан ўзга чора қолмади», деб ёзади<sup>202</sup>. Ушбу маълумотлардан асрлар давомида шаклланиб келган қишлоқ жамоаси ва уни бошқариш тартиби узоқ тарихий даврлар синовидан ўтгани, уни бекор қилиш жамиятга фақат зарар келтиришини тушуниб олиш қийин эмас.

Мустамлакачилик тизими раҳбарлари қишлоқларга ўзларининг манфаатлари учун хизмат қиладиган оқсоқолларни тайинлаш ёки сайлашга иштасарди. Аммо Поп тумани аҳолиси уч йилга сайланадиган оқсоқол вазифасига унга муносиб ўзларининг номзодини сайлашга ҳаракат қилган. 1905 йил баҳоридаги оқсоқоллар сайловида халқ ўзлари сайлаган оқсоқолни бу ишга масъул юқори раҳбарлар рад этгани учун ғалаён бошлайди. Мазкур ҳодиса архив ҳужжатлари саҳифаларида муҳрланиб қолган:

«1905 йилнинг баҳорида Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларидаги каби Тепақўрғон аҳли ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, сира кўрқмай чор маъмурлари ва улар билан боғланган маҳаллий амалдорларга қарши чиқа бошлади. Тепақўрғоннинг 151 ҳамда қўшни Қирчин қишлоғидан 85 хонадон вакили Тепақўрғон қишлоқ жамоа оқсоқолини сайлаш вақтида қуйидаги воқеалар рўй берган. Шу йилнинг 6 февралда Ғурумсарой қишлоғида ўтказилган йиғилишда маъмурлар уезд маъмуриятига маъқул бўлиб қолган қишлоқ оқсоқоли Мирзакарим Раҳимовни сайлатишга уриниб кўрдилар. Раҳимов аҳолини ҳар хил қийноқларга солиб ва талаб, кўпчиликнинг жонига теккан киши эди. Бироқ Чодак бўлиси ҳокими Исматилла Ходжаев ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам мажлисда Эгамберди Ҳусанбоев деган деҳқон киши бир овоздан сайланди. Ҳолбуки,

<sup>202</sup> Миддендорф А.Д. Очерки Ферганской долины. – Спб. 1882. – С. 176–177.

бундан бир неча йил аввал ҳукумат маъмурлари уни «ишониб бўлмайдиган» киши деб қишлоқ оқсоқоли лавозимидан олиб ташлаган эди. Ҳукумат маъмурлари уни қишлоқ оқсоқоли қилиб тасдиқлашни истамади ва яна ўша Чодак бўлиси ҳокимига қишлоқ мажлисини янгидан чақириб, қайта сайлов ўтказишни топширди. Аммо Фарғона ҳарбий губернаторининг топшириғига биноан, чиновник<sup>203</sup> Пишевич бу аҳволни суриштириб ёзган баённомасида айтилишича: «Халойиқ сайлов ўтказишдан бош тортиб, Мирзакарим (Раҳимов)нинг оқсоқсол бўлишини истамаймиз дейди. Ўзимиз бир овоздан сайлаган Эгамберди Хусанбоевни шу лавозимда қолдириб, тасдиқлашни талаб қиламиз ва бу хусусда бўлис ҳокимидан участка приставига маълум қилишни сўраймиз», деб туриб олади. Шундан сўнг бўлис ҳокими участка пристави штабс-капитан Богаевский ҳузурига бориб, «16 февралда иккинчи марта ўтказилган сайловда Мирзакарим Раҳимов қишлоқ оқсоқоли лавозимига бир овоздан сайланди», деб айтди. Маълумки, Мирзакарим бошқаларга ёқиб қолган илгариги оқсоқолнинг ўзи эди.

Тепакўрғон ва Қирчин қишлоқларининг аҳолиси бу қаллобликни эшитиб қолиб ва жамоа аҳолисидан жуда кўп киши тўпланиб, участка пристави олдига ўз шикоятларини айтиш учун йўл олишди. Наманган уезди бошлиғининг 24 февралда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига юборган рапортида шу воқеа қуйидагича тасвирланади: «20 февралда Богаевский уйининг олдига «300 кишидан иборат оломон» тўпланиб келди. Пристав «оломон бўлиб келиш қатъиян тақиқланади», шу сабабли сизлар дарҳол тарқалиб, уйларингизга кетишларингиз керак, деб эълон қилди. Шундан сўнг «халойиқ шовқин сола бошлади», энди биз Намангандаги уезд ҳокими олдига борамиз, деган бақириб айтилган товушлар эшитилди. Пристав уларга, тарқалинглар, деб иккинчи марта таклиф қилди... Халойиқ тарқалмади. Пристав халойиқнинг тарқалишини яна

<sup>203</sup> Кичик амалдор.

қатъий талаб қилди. Шундан сўнг Усмонали деган киши «ур» деб қичқириб, пристав олдига кела бошлади. Халойиқ ҳам унинг орқасидан келаверди. Шу вақт пристав етиб келган йигитлари, Олмос бўлиси ҳокими ва унинг маҳкамаси олдида тасодифан тўпланиб қолган одамлар ёрдамида халойиқни қамчилаб, бир оз чекинтиришга муваффақ бўлди. Бироқ «халойиқнинг авзойи бузуқлиги кўриниб тургани» сабабли пристав осмонга қаратаб икки марта ўқ узди. Фақат шундан кейингина «оломон» тарқалди, лекин ўз уйларига қайтмай, Чуст ва Наманган томон йўл олди. Кейин уезд ҳокими олган маълумотларда айтилишича, «оломон Наманган томон йўл олиб, Чуст шаҳрига етиб келди». Халойиқ 21 февралда Наманганга етиб келган. Бу ерда халойиқни тарқатиб юбориш учун унинг раҳнамолари бўлган 5 киши, шу жумладан, Усмонали қамоққа олинди. Аммо охир-оқибат ўзлари сайламоқчи бўлган Эгамберди Хусанбоевни оқсоқол қилиб сайлашга эришганлар<sup>204</sup>.

Россия империяси аскарлари томонидан Қўқон хонлиги ҳудудининг босиб олиниши вақтида кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар вайрон этилди, гуллаб-яшнаган экинзорлар ва боғу роғлар пайҳон қилинди. Оқибатда хонлик аҳолиси қашшоқ ҳолатга тушиб қолди. Бу иқтисодий тангликдан ташқари, аҳоли табиий офатларга ҳам чидашга мажбур эди. 1878 йилнинг 4, 10, 19 июнь кунлари Наманган ва Чуст уездларида кучли дўл ёққанидан ҳатто кўприклар бузилиб кетган<sup>205</sup>. 1883 йил 18 июндаги сел тошқинидан Поп тумани халқи катта зарар кўрган<sup>206</sup>. Бундай оғир талафотларни бошдан кечирган туман аҳолиси анъанавий ҳашар<sup>207</sup> йўли

<sup>204</sup> ЎзР МДА Ф-19, 1-иш, 11575-йиғма жилд, 12, 19, 39 варақлар

<sup>205</sup> Миддендорф А.Д. Очерки Ферганской долины. – Спб. 1882. – С. 267.

<sup>206</sup> ЎзР МДА Ф-19, 1-иш, 11575-йиғма жилд, 12, 19, 39 варақлар

<sup>207</sup> Ҳашар – арабча сўз бўлиб, бирор ишни бажариш учун йигилиш, қалъа ва бошқа қурилиш ишларига одамларни сафарбар қилиш демақдир. Ҳашарда қилинган меҳнат учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди ва берилмайди.



билан турмуш тарзини бир маромга келтиришга ҳаракат қилганлар.

Шундай қилиб, Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга қарши Поп туманида халқ норозилигининг очикдан-очик кучайиши кейинчалик бутун минтақага ёйилган умумхалқ миллий озодлик ҳаракатига туртки бўлган. Ўлкада миллий ўзликни англаш туйғуси шакллана бошлаган.

## 1916 ЙИЛГИ ПОПДАГИ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ ЁХУД ЧОДАК ҚЎЗҒОЛОНИ

Биринчи жаҳон уруши давом этиб турган бир вақтда Россия империяси императори Николай II имзоси билан 1916 йил 25 июнда «Империядаги бегона аҳоли эркакларини ҳаракатдаги армия турган туманларда мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ҳамда давлат мудофааси учун зарур бўлган ҳар қандай ишларга жалб қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди<sup>208</sup>. Ушбу фармонга мувофиқ Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспий-орти вилоятларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишилар мардикорликка сафарбар этиладиган бўлди. Бу фармон бутун ўлка аҳолисини ларзага солди. Чунки мардикорлика асосан эр кишилар олиниши керак эди. Агар улар кетса, аёллар ва болалар боқувчисиз, даладаги экинлар ҳосили йиғиштирилмай қолар эди. Шунга қарамай, подшо ҳукумати вакиллари фармоннинг дарҳол амалга оширилишини талаб қилган. Оқибатда, сабр косаси тўлиб-тошган халқ қўзғолон кўтаришдан бошқа иложи қолмади. Дастлаб 1916 йил 4 июлда Хўжандда, 5 июлда эса Самарқанд вилоятининг Ангоб, Ургут, Сиёб, Хўжа Аҳроп сингари қишлоқларида, 9 июлда Андижон ва Наманганда, 10 июлда Марғилонда, 11 июлда Тошкент ва бошқа худудларда қўзғолонлар кўтарилди. Бун-

<sup>208</sup> Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник архивных документов, – Москва., 1960. – С. 25.

дай қўзғолонлар 13 – 15 июль кунлари Поп, Чодак, Уйғур, Санг, Хўжаобод, Чоркесар каби қишлоқларда ҳам авж олади. Қўзғолончилар мардикорликка олинадиганлар рўйхатларини тортиб олиб, оқсоқолларни калтаклайди. Айниқса, 15 июлда Чодак қишлоғида кўтарилган қўзғолон қизғин тус олган. Бу ҳақда тарихчи Ж. Исмоилова қуйидагича ёзади: «Наманган уездига қўзғолонлар бир-бирига занжирдек уланиб кетган эди. Июль ойининг биринчи ярмида Чодак волости бошқарувчиси Муллағози Худойбердиев Чодак участкаси приставидан эркакларнинг рўйхатини тузиш ҳақида буйруқ олган эди. Волость бошқарувчиси эса эликбоши ва оқсоқолларга ҳам шундай буйруқ берган. Аҳоли рўйхат тузилишидан норози бўлиб, бу ишда волость бошқарувчиси ва оқсоқолларни айбдор деб ҳисоблади.

14 июль куну Муллағози Худойбердиев Чодак қишлоғи оқсоқоли Мирзаумид Мирзаражабовни ўз ҳузурига чақириб, Чодак қишлоғида баъзи бир одамлар волость бошқарувчиси ва оқсоқолни ўлдирмоқчи эканликлари, бу ҳақда бир киши хуфия равишда хабар бергани, бу ҳаракатнинг бошловчилари эса Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Насриддинқори Муҳаммадамин Ходжаев ва Ваққосхон Мадалиқориев экани ва қўзғолон 15 ёки 18 июлга мўлжалланганини айтди<sup>209</sup>.

Ҳақиқатан ҳам 15 июль куну эрта билан оқсоқол Ражабовнинг уйини кимдир тақиллатади. Эшикни очган оқсоқолнинг ишчиси Бўрибой Исомиддинов эликбоши Холмирза Холматов ва майдондаги катта оломон тўдасини кўради. Эликбоши Холмирза Холматов ундан оқсоқолни чақирини талаб қилади. Оқсоқол йўқ, деб рад жавобини олгач, эликбоши оломон билан уйга бостириб кирганда, оқсоқол яширинишга улгурган эди. Шундан сўнг оломон волость бошқарувчисининг уйига келиб шовқин сола бошлайди. Волость бошқарувчиси Муллағози Худойбердиев хотини Ҳурматбиби Йўлдошбоева

<sup>209</sup> Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 367-иш, 4-б.

билан қочиб, қўшниси Муллажон Бобожоновнинг деворидан ошиб тушади. Шу вақт қўшнининг синглиси Асалбиби Мирзаулуғова девор устига чиқиб олиб, оломонга волость бошқарувчиси уларнинг ҳовлисида эканини айтиб берган. Волость бошқарувчисининг қариндошлари йиғлаб, ундан волость бошқарувчисининг қаердалигини айтмаслигини илтимос қилишади. Лекин Асалбиби «қипчоқни аяманглар, чунки у болаларимизни рўйхатга киргизди», деб бақиради. Бунни эшитган оломон Бобожоновнинг ҳовлисига йиғила бошлайди. Шунда Худойбердиев яна девордан ўз уйига ошиб тушади. Бунни кўрган оломон унинг орқасидан уйига бостириб кириб, волость бошқарувчисини дўппослай кетади. Биринчи бўлиб Жилибой Каримбоев, кейин Туйғун Ниёзматов ҳамда Абдусамат Абдураимбоевлар кирдилар. Улар волость бошқарувчисини дўппослаб, кўчага олиб чиқдилар ва оломонга топширдилар<sup>210</sup>.

Қоровул Ниёзбой Ашурбоевнинг гувоҳлик беришича, 15 июль куни эрта билан Юқори Чодак оқсоқоллигига номзод Нажмиддин Жалолов уни ўз олдига чақириб, одамларни тўплашни буюрган. Ашурбоев бундан бош тортади. Бир неча вақтдан сўнг у кўчага чиққанда, у ёқдан-бу ёққа чопиб одамларни масжидга чақираётган Фиёс Зайлиевни кўради. Соат 10 ларда масжидга борган Ашурбоев у ерда катта оломонга дуч келади. Уларга Мулламирзамахсум Шокиров, Насриддинқори Ходжаев, Иброҳим Азизмуҳамедов, Мулламурод Мадиёров, Абдураим Жалилов ва бошқалар бошчилик қилаётган эди<sup>211</sup>. Кўзғолондан сўнг унинг иштирокчиларидан Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Абдусамат Абдураимов, Наби Шодибоев, Абдусаттор Абдураимов, Юнусполвон Машарипов, Шарип Изминов, Саид Тошполвонов, Мадамин Мирзиёев, Муҳиддин Сараев, Нажмиддин Жалолов, Шамат Тошбоев, Дадахон Саиджалилов, Муяссар Нигматов, Маражаб

<sup>210</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 367-иш, 6-б.

<sup>211</sup> Ўша жойда. 7-б.

Маниёзов, Асалбиби Мирзаулуғова, Гулшанбиби Бобожонова, Норбиби Устарозиқова, Бобохўжа Азизходжаев, жами 90 киши ҳибсга олиниб, Туркистон ҳарбий округи судига топширилади»<sup>212</sup>.

Ҳибсга олинган 90 кишининг иши 1916 йил 14 октябрь куни берилган бўлса ҳам суд 18 ноябрда ҳукм эълон қилган. Прокурор қўзғатган «жиной иш»да улар қуйидагича айбланган:

Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Насриддинқори Муҳаммадамин Ходжаев ва Ваққосхон Мадалиқориев Чодак қишлоғининг оқсоқоли Мирражабовни ва волость бошқарувчиси Муллағози Худойбердиевни мардикорликка олинувчилар рўйхатини тузганликда айблаб, жазоламоқчи бўлишган. Оломон Жилибой Каримбоев, Турғун Ниёзматов, Наби Шодибоевлар бошчилигида волость бошлиғи Худойбердиевнинг уйига бостириб кирган. Оломоннинг олдинги сафларида Жилибой Каримбоев, Турғун Ниёзматов, Наби Шодибоев, Абдусаттор Абдураимов, Йўлдошбой Ниёзматов, Тўхтаназар Исломбоев, Юнус полвон Миршарипов, Шариф Аминов, Йўлдош Аширматов, Саид Тошполвонов, Мадамин Мирзиёев, Муҳитдин Сараев, Ваққосхон Мадалиқориев кабилар турган. Улар волость бошлиғига ташланиб ўқ узганлар, оломон бир нечта эликбошиларга ҳам ташланган. Улар Шамат Тошбоев, Муяссар Нигматов, Холмат Дўстматов, Абдулқосим Мадазимов ва бошқалар эди.

Ҳибсга олинганлар: Жилибой Каримбоев (45 ёш), Туйғун Ниёзматов (55 ёш), Абдусамад Абдураимов (31 ёш), Наби Шодибоев (55 ёш), Абдусаттор Абдураимов (36 ёш), Йўлдош Ниёзматов (28 ёш), Тўхтаназар Арслонбоев (32 ёш), Тоирбой Худоев (58 ёш), Раҳимбой Шодибоев (67 ёш), Холмирза Холматов (46 ёш), Лочин Шарипов (17 ёш) ва ҳоказо<sup>213</sup>.

<sup>212</sup> Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий-озодлик курашлари (1916 йил қўзғолони мисолида). – Тошкент.: Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003. – Б. 65–67.

<sup>213</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (723), 1-рўйхат, 367-иш, 9-б.

Ушбу маълумотда кўзғолончиларнинг ёши 17–80 ёш орасида бўлганини кўриш мумкин. Бу ҳолат ҳукуматга қарши кўзғолонда ёшидан қатъи назар, барча маҳаллий аҳоли вакиллари бош кўтарганидан далолат беради. Уларнинг орасидаги Гулшанбиби Бобожонова, Норбиби Розикова ва Асалбиби Мирзаулуғова сингари хотин-қизлар ҳам судга берилди. Ҳарбий суд генерал-майор Абрамов раислигида олиб борилди. Суд аъзолари эса полковник Блинов ва подполковник Доброохотовдан иборат бўлди.

Суд бир неча кун давом этди ҳамда Абдусамад Абдураимов, Гиёс Зайлиев, Жилибой Каримбоев, Мулла Сирож Маъзумов, Наби Шодибоев, Асалбиби Мирзаулуғова ва бошқалар, жами 22 кишининг мол-мулкини мусодара қилиш ва уларни осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо суд мансабдор шахслар фавқулодда ўлдирилганини ҳисобга олиб, айбланувчиларга нисбатан ўлим жазосини юмшатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилган. Абдусаттор Абдураимов, Аширмат Раимдевов, Ваққосхон Мадалиқориев, Ғайбуллаҳўжа Дарвозов, Эргашуста Рўзиев, Соибхўжа Назарходжаев, Саид Тошбоев ва Йўлдош Аширматов ўлим жазосидан озод қилиниб, 10 йиллик сургунга алмаштирилди<sup>214</sup>.

Нормирза Носиров, Саидахмадхўжа Дониёров, Холмирза Холматов ва Тоҳир Худоёровлар 4 йил муддатга каттиқ режимли қамоққа ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм чиқарилди. Асалбиби Мирзаулуғова 1 йил қамоқ жазосига маҳкум этилди<sup>215</sup>.

Кўзғолончилар эллиқбоши М. Аминовнинг уйи ва боғини хонавайрон қилиб ташлаган. Унинг 15 минг сўм пули ва 10 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатлари ҳамда 10 минг сўмлик уй жиҳозлари, асбоб-ускуналари ва моллари йўқ қилинган. Эллиқбоши Ўш шаҳрига қочиб қутулган.

<sup>214</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (723), 1-рўйхат, 367-иш, 1-б.

<sup>215</sup> Ўша жойда.

Россия империяси ҳукумати Туркистон ўлкасида кўтарилган кўзғолонларни бостириш учун 14 батальон, 33 казак ҳарбий қисми, 42 тўп ва 69 пулемёт жўнатган. Кўзғолон қатнашчилардан уч мингдан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 киши ўлимга ҳукм қилинган. Аммо вазиятни кескинлаштирмаслик учун улардан 51 нафари қатл этилиб, қолгани Сибирга сургун қилинган. Натижада 1916 йил 18 сентябрда мардикорлар ортилган биринчи эшелон Поп туманидан Наманган шаҳридан жўнатилади. Халқнинг мардикорликка олиб кетилган яқин кишиларга бўлган соғинчи, бу давр ҳаёти «Ёр-ёр», «Алла» каби қўшиқларида ўз ифодасини топган:

*«Ранги-рўйим сариқлиги-я,  
Интизорлик доғидир болам, алла.  
Интизорлик торта-торта,  
Танда тоқат, жонда роҳат қолмади.  
Ўтирибман, турарга ҳолим қолмади,  
Сарғайиб мен учарга ҳолим қолмади, алла.  
Мен ғариб бўлдим, десам,  
Барча ғариб бўлган экан, алла.  
Кўнглим ғариб болам, алла,  
Кийиб турган тўним ғариб,  
Жоним болам, алла-ё алла.»<sup>216</sup>*

Хуллас, Поп ва Чодак уездларида ҳам бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби мустабид ҳукумат ва император фармониға қарши курашларда халқ оммаси фаол қатнашиб, Россия империяси ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини ағда-риб ташлашға бел боғлаган эди.

---

<sup>216</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар (иккинчи китоб). – Наманган, 1997. – Б. 38.

## ПОП ТУМАНИДА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

1917 йилдаги февраль ва октябрь инқилоби моҳиятини Туркистон маҳаллий аҳолисининг кўпчилиги қисми тўла тушуниб етмай, бу ўзгаришлар натижасида миллий озодликка эришишни умид қилган эдилар. Уларнинг атиги 72 кун яшаган Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаганларининг сабаби шунда эди. Бироқ аҳолининг бу умиди ҳам пучга чиқди. Туркистон мухторияти вакиллари ва унинг раҳбарлари большевикларнинг Шўро ҳукумати ҳарбий қисмлари томонидан шафқатсиз йўқ қилиб ташланди. Аммо ноҳақлик ва зулмга қарши халқ истиқлол учун тинмай ҳаракат қилди. 1918–1924 йиллар давомида бутун Фарғона водийсини қамраб олган истиқлолчилик ҳаракати Поп тумани ҳудудида ҳам юз берганди. Ушбу жараён собиқ Иттифоқ даврида «босмачилик ҳаракати» деб аталди. Бу ибора ҳатто мустақиллик йилларида ҳам айрим тадқиқотчилар асарларида учрайди. Масалан, шундай муаллифлардан бири Ш. Иномов: «1918–1922 йилларда Фарғона водийсида «босмачилар» бош кўтарган даврда Попда «босмачи» гуруҳлари чиқмаган бўлса ҳам айрим бойлар Раҳмонқул, Ҳайит ва Отажон қўрбошиларни қўллаб-қувватлаб турганлар. «Ўз-ўзини ҳимоя қилиш отряди»нинг комиссари Арслон Ҳошимов, Кимсанбой Раҳималиевларнинг қўрбоши гуруҳлари томонидан ўлдирилиши ва гарнизон пунктига ўт қўйилишида бойларнинг бевосита иштироки бўлган эди»<sup>217</sup>, дейди. Санглик марҳум тарихчи Анорбой Каримқулов эса бир ўринда: «Истиқлолчилар ҳаракатининг кўп йиллик қуролли қаршилиги халқнинг ҳуррият ва мустақилликка бўлган интилишидан далолат бериб, унинг тарихига дард-аламли ва мардлик саҳифалари бўлиб кирди», деб ёзади. Сўнгра фикрини: «Тўхта Назар, Жума қўрбоши, Отажон қўрбоши, Ҳайит қўрбоши каби бир тўда

<sup>217</sup> Иномов Ш. Попим – саховатли юртим. – Наманган, 1996. – Б. 14.

босқинчиларни миллий-озодлик курашчиларининг муқаддас номлари билан аралаштирмаслик керак», дея давом эттиради<sup>218</sup>. Босмачилик мохияти ва унинг вужудга келиши сабаблари, босмачилар ким экани ҳақида Исковутда таваллуд топган таниқли давлат арбоби И. Хидиралиев ўз асарларида таъриф берган. Унинг 1923 йилда Москвадаги «Военная мысль и революция» («Ҳарбий тафаккур ва инқилоб») журналида эълон қилинган «Босмачилик ва Фарғона халқ хўжалиги» номли катта мақоласида босмачилик мазмуни шундай изоҳланади: «Босмачилик – инқилобгача ҳам мавжуд бўлган. Улар ўзларига шахсий бойлик орттиришни мақсад қилиб қўйган талончи тўдалардир. 1917 йили пахтачилик ҳосили бирданига пасайиб, 1916 йилдаги 348 минг десятинадан 248 минг десятинага тушиб қолган, дон келтириш камайганда талончилик ҳаракати оч ва ишсиз унсурлар ҳамда урушдан қайтаётганлар, шунингдек, арзон-гаров қурол сотиш эвазига кучайди. Иккинчи томондан, мулкдор синф ҳам қурол сотиб олди. 1917 йил охирида ташкил бўлган Қўқон мухторияти қуролли отрядларга муҳтожлиги туфайли босқинчи тўдаларни ҳам эътироф этиб, барча қуролли кишиларга афв эълон қилди ва ҳаммани «миллий қўшин» сафига чақирди. Шундай қилиб, 1918 йилнинг бошига келиб Қўқон шаҳрида таклиф этилган қуролли одамлар ва қисман сотиб олинган қурол эвазига 2000 атрофида қуролланган одам тўпланди. Жинояти учун сургунда бўлган Эргаш мазкур қўшиннинг қўмондони қилиб тайинланди. Ўрис офицерлари ёрдамида баъзи бир ташкилий ишлар қилинди ва ҳарбий ишни ўрганиш машғулотини ўтказилди. Февралнинг бошида буржуа мухтор ҳукумати тугатилди... Бутун 1918 йил давомида ҳамда 1919 йилнинг майигача босмачилик ҳаракати ривожланди. Бу хўжалик вайронгарчилигининг чуқурлашуви, империалистик уруш қатнашчиларининг қурол сотиши кучаяви, 1918 йил баҳори ва ёзида босмачиларга қарши ку-

<sup>218</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. (Иккинчи китоб). – Наманган, 1997. – Б. 39–41.



раш учун қурол бўлмагани, 1918–1919 йилнинг кузи ва қишида нотўғри кураш олиб борилгани билан боғлиқ эди. 1919 йили 15000–20000 киши атрофида босмачи бор эди»<sup>219</sup>.

1923 йил 9–12 июнда Москвада миллий республикалар ва вилоятларнинг масъул ходимлари билан тўртинчи кенгаш бўлиб ўтади. Унда сўзга чиққан И. Хидиралиев «ҳар бир қуролли босмачи ўзини миллий озодлик, ислом ва дин ҳимоячиси деб ҳисоблаб иш тутаётгани»ни алоҳида таъкидлаб ўтганди<sup>220</sup>.

Фарғона водийсида олиб борилган истиқлолчилик ҳаракатлари бошлиқлари Поп тумани ҳудудидан ҳам чиққан. Бу ҳақда архив ҳужжатларида ҳам маълумотлар учрайди: «Наманган уездигаги машҳур қўрбошилардан бири Умар Чоли бўлиб, у 1918 йилнинг эрта кўкламидаёқ истиқлолчилик ҳаракатига асос солган ботир мубориз-пахлавонлардан бири эди. Умар Али Бўтабоев – Умар Чоли қўрбоши Поп волостининг Тўда қишлоғидан бўлиб, у Мирза Умар қўрбошининг энг яқин ҳамкори ҳисобланган. 1923 йил 20 февралда Найман волостининг Камар қишлоғида қўлга олинди»<sup>221</sup>. Ушбу ҳаракат етакчиларидан Аштнинг Ашоба қишлоғидан бўлган Раҳмонқулибек йигитлари Поп ҳудудида «большевик»ларга қарши кураш олиб борган<sup>222</sup>.

Хуллас, Россия империясининг Туркистонда олиб борган тажовузкорона сиёсати, миллий масалаларни менсимаслик ва уни чеклаш, ўлкада юз

---

<sup>219</sup> Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 285–286.

<sup>220</sup> Зиёева Д.Х. Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 12.

<sup>221</sup> Фарғона ВДА 435-фонд, 1-рўйхат, 218-иш, 151-варақ: Ражабов К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий босқичлари. т. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясидан. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 1994, – Б. 145.

<sup>222</sup> Қаранг: Ражабов К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий босқичлари. т. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясидан. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 1994, – Б. 145.

берган ҳарбий ҳаракатлар, озиқ-овқат танқислиги ҳамда аҳолининг қаҳатчиликка рўпара қилиниши каби яна бир қанча ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг йиғилиб бориши истиклолчилик ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлганди. Бу ҳол Поп тумани аҳолисини ҳам четлаб ўтмади.

## ПОП ТУМАНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Поп тумани дастлаб 1926 йил 28 сентябрда Фарғона округи таркибида ташкил топган. 1930 йилда Чуст тумани билан бирлаштирилиб, Чуст-Поп тумани номи билан аталган. 1933 йили Чуст туманидан ажралиб, ҳозирга қадар Поп тумани деб келинмоқда. Ушбу туман дастлаб 1947 йилдан Наманган вилояти таркибига, 1960 йил январидан Фарғона вилояти таркибига киритилган. 1967 йил декабридан яна Наманган вилоятининг туманларидан бирига айлантирилган<sup>223</sup>.

1931 йилнинг июнь ойида собиқ ЎзССР Олий Совети Президиуми Марказий қўмитаси Чуст-Поп районини икки мустақил районга бўлиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар таъкидланган:

– «Чуст-Поп райони ҳудуди ҳаддан ташқари катта майдонни эгаллаши ва аҳоли яшаш пунктлари оралиқ масофалари узоқ эканлигини ҳисобга олиб районни икки мустақил районга (Чуст ва Поп районларига) ажратиш лозим деб ҳисоблансин ва СССР Олий Совети Марказий Ижроия қўмитасидан ушбу қарорни тасдиқлаш сўралсин».

Чуст-Поп райони қуйидагича тақсимлансин:

1. Чуст райони – маркази Чуст шаҳри
2. Поп райони – маркази Поп посёлкаси.<sup>224</sup>

Поп тумани – Фарғона водийсининг 41 даража шимолий кенглигида, 71 даража шарқий узунлигида, Наманган вилоятининг шимоли-ғарбий қисмида, Қурама тоғ тизмаларининг жанубий ён-

<sup>223</sup> Иномов Ш. Попим – саховатли юртим. – Наманган, 1996. – Б. 15.

<sup>224</sup> ЎзР МДА 86-фонд, 1-р, 6728-дело, 149–150 варақ.

бағирлари ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган. Туман шимолдан жанубга томон Чотқол, Қурама тоғ тизмаларидан Марказий Фарғона текисликларигача бўлган кенгликни эгаллаб туради. Шимолдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, жанубдан Фарғона вилоятининг Бувайда ҳамда Данғара туманлари, ғарбдан Тожикистон Республикасининг Сўғд (Хўжанд) вилояти Ашт тумани, шимоли-ғарбдан Тошкент вилояти Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманлари, шарқдан Наманган вилояти Чуст ва Мингбулоқ туманлари билан чегарадошдир. Поп тумани ҳудуди 2941 кв. км. бўлиб, жаҳон мамлакатларидан Андорра, Ватикан, Гибралтар, Лихтейнштейн, Монако, Сан-Марино, Мальдив, Баҳрайн, Сингапур, Барбадос, Гренада, Панама каби давлатлардан бир неча мараптаба каттадир. Унинг узунлиги 334 км.

Поп тумани Наманган вилояти майдонининг 43 %, аҳолисининг 9 % ва яйловларининг асосий қисмини ташкил этади<sup>225</sup>. Аҳолиси 219,7 минг (2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра) кишини ташкил этади. Ҳозир туманда 1 шаҳар (1984 йилдан Поп), 5 шаҳарча (Навбахор, Олтинкон, Халқобод, Уйғурсой, Чоркесар), 10 та қишлоқ фуқаролик йиғини (Мамажон Тошматов номли, Мелиқўзи Умрзоқов номли, Маданият, Найман, Поп, Чодак, Янгиҳаёт, Уйғур, Пунгон, Пахтаобод)

Поп тумани аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат. Туманда тожик, рус, татар, украин, қирғиз, уйғур каби яна бир қанча миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв. км га 58 киши. Шаҳар аҳолиси 125,5 минг, қишлоқ аҳолиси 94,2 минг киши (2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра).

---

<sup>225</sup> ЎЗМЭ. 6-жилд, – Тошкент: 2004, – 144.

## ПОП ТУМАНИ ҲУДУДИНИНГ СУҒОРИЛИШИ ТАРИХИДАН

Қадимдан одамлар дастлаб деҳқончилик учун қулай ва унумдор ерларни ўзлаштиришга ҳаракат қилгани маълум. Бу ҳолат суғорув деҳқончилиги тарихида яққол кўзга ташланади. Аввал албатта, дарё ва сой ҳавзаларидаги осонлик билан сув чиқариш мумкин бўлган ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинган. Шунинг учун, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида мил. ав. иккинчи минг йилликнинг биринчи ярмида илк суғорма деҳқончиликка асос солинган, деган фикрни айта оламиз. Республиканинг қолган ҳудудлари, жумладан, Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда кечикиброқ йўлга қўйилган.

Поп тумани Фарғона водийсининг деҳқончилик учун энг қулай минтақаларидан бирида жойлашган. Унинг ҳудудидаги Тангритоғ (Тяньшань) тоғидан оқиб тушувчи Чодаксой, Резаксой, Ғовасой каби бир қанча сойларнинг адир орти қисмидаги ҳавзалари ҳамда Сирдарёнинг чап қирғоғидаги Қорақалпоқ чўлининг бир қисмида деҳқончилик учун табиий қулай шароит мавжуд. Археологик ва полеогеографик кузатишлардан юқорида келтирилган сойларнинг қўйи дельта қисми эмас, балки адир орти юқори қисмидаги ерлар аввал ўзлаштирилгани аниқ бўлмоқда. Бунга аввало сойларнинг адирлар орасидаги оқим ўзани бўйлаб асрлар давомида воҳа ёки кичик воҳаларни табиий ҳолда шакллантириши сабабдир. Деҳқончилик учун бундай қулай майдонлар қадимги деҳқон-ирригаторларга катта имкониятлар туғдириб, уларнинг мушкулани осонлаштирган. Бу жойларда сувнинг мунтазам оқиб туриши, айниқса, экин ерларини суғориш ишларида анчагина енгилликларни юзага келтирган. Иккинчидан, адир ортидаги кичик воҳаларда баҳор ойларида юз берадиган тошқинлардан сақланиш осонроқ бўлган

ва экин ерларнинг текисликдаги қуйи қисмидаги ерларга нисбатан камроқ зарар кўрган<sup>226</sup>.

Археолог Б. Латинин Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилик тарихини уч босқичга ажратган:

**Биринчи босқич**, мил. ав. XI минг йилликнинг охирлари ва мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бу даврда майда дарёларнинг ботқоқлашган адоқлари ва баҳорда сув оқиб, сўнг қуриб қоладиган муваққат тоғ сойларининг этак қисмларида биринчи марта энг оддий усулда суғорилиб деҳқончилик қиладиган майда воҳалар пайдо бўлгани аниқланган.

**Иккинчи босқич**, мил. ав. I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошланади ва бир неча аср давом этади. Бу даврда сунъий суғоришнинг илк тузилмалари пайдо бўлган. Бироқ лиман усули<sup>227</sup> дан ҳали тўла воз кечилмаган, экин майдонлари кенгайган. Тошқин пайтлари дарёлардан шохланиб чиққан табиий оқим ўзанлари секин-аста тозаланиши ва ундан суғориш учун фойдаланиш натижасида унча катта бўлмаган илк сунъий ариқлар шаклланган.

**Учинчи босқич**, водийда росмана ариқлар қазилиб, янги экин майдонлари ўзлаштирилади. Фақат Фарғона водийсига хос бўлган «панжа отган» ёки «елпиғичсимон» суғориш усули ривожланади. Энди олдинги босқичда ўзлаштирилиб, вақтинча суғорилган баландликдаги ерлардан воз кечилади. Текисликдаги ерларни ўзлаштириш ва уларни сув билан таъминлаш учун оддий тўғонлар

---

<sup>226</sup> Анарбоев А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Академик Яхё Ғуломов номидаги Республика илмий семенарининг «Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар» мавзусидаги 37-йигилиши материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 7.

<sup>227</sup> Лиман усулида суғориш, лиман суғориш – ерни эрта баҳорда эриган қор ва дарёларнинг тошқин сувларини лиманларга тутиб қолиш билан бир марта бостириб суғориш. Экинлар етиштириш учун тупроқда етарли нам тўплаш мақсадларида ўтказилади.

қуриш бошланади. Водий ва албатта, Поп тумани деҳқончилиги, сунъий суғориш тизими ўрта асрларда гуркираб ривожланади<sup>228</sup>.

Хоразмда катта, ўртача ва кичик ариқлар барчаси «ёп» деб аталади<sup>229</sup>. Фарғона водийсида сунъий сув ўзанларининг ҳаммаси «ариқ» дейилган<sup>230</sup>. Йирик катта каналлар «сой» ҳам деб юритилган. Қўқон хонлиги даврида қазилган Андижонсой, Шахрихонсойларнинг «сой» дейилишига, уларнинг табиий ўрни, ҳажми ҳамда оқимининг тезлиги табиий тоғ сойлариникига ўхшашлигидадир. Ҳозир ҳақиқатан, бу икки сойнинг бош қисми пайдо бўлгандан буён ювилиб ва кенгайиб, уларнинг нишаби (бирор юзани қиялик даражаси) 10–12 км гача Қорадарёники билан баробарлашиб қолган<sup>231</sup>.

Фарғона водийсининг ғарб томонлари, яъни Қурама тоғ ёнбағирларидаги дарё ва булоқлардан суғориладиган Поп атрофи қишлоқларида бир «тегирмон» сув ҳеч қандай бўлакка тақсимланмасдан, аксинча унинг оққан вақтига қараб ўлчанган. Бу ерларда бир «тегирмон» сувнинг бир соат давомида оққан қисми «чакса», икки соат оқса «икки чакса» деб ўлчанган ва шу тартибда экин суғориш учун тақсимланган<sup>232</sup>.

Сувга камчил тармоқларда сув бўлгичлар ҳам анча мураккаб бўлган. Поп атрофи қишлоқларида ўртаси «бир қулоқ» ёки «бир даҳана» сувга мослаштириб ўйилган махсус ёғоч қолип ишлатил-

<sup>228</sup> Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы. КСИИМК. 1956. вып. 64. – С. 16.

<sup>229</sup> Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент.. 1959. – Б. 255–256.

<sup>230</sup> «Ариқ» – туркча сўздир, қаранг: Радлов В.В. Опыт словаря тюрских наречий. Т.1. ч.1. СПб. 1893. – С. 269.

<sup>231</sup> ЎзР МДА, ф. 1. р. 14, 685-иш, 461-варақ.

<sup>232</sup> ЎзР МДА ф. 19. р. 1. 3194-иш: 68-варақ. Баъзи туманларда ҳар қандай ариқдаги сувнинг 1–2 соатда оққани «чакса» деб ўлчанган. Унинг ярми «нимчакса» ва ҳ.к. (Юферев В.И., Мостицкий Н.В. Очерки по водопользованию в Средней Азии. – Москва, 1926. – С. 57.)

ган. Қайси ариққа сув тақсимланса, қолипни ўша ариқнинг бошига олиб бориб ўрнатганлар<sup>233</sup>.

Сув энг танқис бўлган Чуст, Поп атрофларида «чакоба» ва «сизоба»ларга ҳам хондан тегишли хужжат бўлар эди. Шунинг учун ҳам Чуст уезди бошлиғи 1883 йили ҳарбий губернаторга юборган бир хатида бу ерда «сувнинг қиммати олтинга баробардир», деб ёзган эди<sup>234</sup>.

1923 йилнинг 9 августида Наманган уезди Поп волости марказида волость ерларининг сув билан таъминланишини тартибга солиш ҳақида йиғилиш бўлиб ўтади. Унда асосан, Ғовасой ҳавзасидаги суғориладиган ерлар ҳақида сўз боради. Ғовасой – Тяньшаннинг Қурама тизмасидаги қорлар эришидан юзага келган Чуқурсой, Синтош, Сурпатош, Одамтош, Қайнартепа, Терссой, Қўчқорота, Ярмагиз ва Ўрикли каби булоқли сойчаларнинг қўшилиши натижасида вужудга келган. Ушбу сой Ғова, Чумкан, Ғовасой каби номлар билан аталган. Сой суви Олмос, Чуст, Варзик, Поп воҳаларини суғорган.

1914 йилда Барджей гидрометрик станция маълумотига кўра, Ғовасойнинг шу йили 28 январда 0, 110 куб.сажень<sup>235</sup>, 28 май куни 2, 530 куб.сажень ҳажмида бўлган.

Попнинг маҳаллий аҳолиси томонидан Ғовасой суви қуйидагича тақсимланган: **1 сув – 24 соат** (бир кеча-кундуз)

**1 шишак – 6 соат**

**1 нимчак – 3 соат**

**1 чакса – 1 соат 30 дақиқа**

**100 пайса – 45 дақиқа**

**50 пайса – 22 дақиқа<sup>236</sup>.**

<sup>233</sup> Жалилов С., Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг ирригация техникаси тарихидан. – Тошкент., 2006. – Б. 29.

<sup>234</sup> Жалилов С., Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг ирригация техникаси тарихидан. – Тошкент., 2006. – Б. 38.

<sup>235</sup> Сажень – уч газ ёки 2,134 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

<sup>236</sup> Фарғона вилоят давлат архиви. 121-фонд, 2-папка, 30-йиғма жилд, 46-варақ.

Олмос сойидан келадиган беш лагардон (500 литр чамасидир) сув Поп, Уйғур, Марғузор, Хўжаобод, Келачи, Пилол қишлоқларига бўлинарди. Ғовасойдан келадиган сув шартли бўлиб, унга ишонч йўқ эди. Сув «сотиларди» ёки «сотиб олинарди». Бир ариқ сувнинг бир кунлиги «бутун сув» деб аталса-да, лекин бирорта оддий ёки ўрта ҳол деҳқон унга эга эмас эди. Ҳар бир ариқда бойларнинг 5–6 тадан «бутун сув»и бўлиб, ҳафта ичида деҳқонлар бир ярим-икки кунгина сувдан фойдаланарди. Умуман олганда, Поп туманида сув, айниқса, ёз пайтларида қон билан баробар эди. Сув кураш, можаро ва қонли воқеалар келиб чиқишига сабабчи бўлган. Жуда кўп деҳқонлар, ерсиз батрақлар ердан қор кетиши билан хуржунни елкага ташлаб, азбаройи тирикчилик учун Тошкент томонларга йўл олган<sup>237</sup>.

Шу боис, туманда суғориш тармоқларини тезкорлик билан қуриш ҳаракатига тушганлар. 1936 йили Поп тумани аҳли Ғовасойда 12 км.ли Поп сув ариғини қазидилар. Бу ариқ Исковут, Келачи, Хўжаобод қишлоқларини сув билан таъминлаган. Шу йилларда Чодаксойдан Ғурумсаройга ҳам ариқ ковланиб, сув олиб келинган. 1938 йил март ойида сув танқислиги энг кўп сезилган Поп тумани деҳқонлари ташаббус кўрсатиб, давлатдан ҳеч қандай маблағ ёки ёрдам олмай, ўн кун ичида ўз қўл кучлари билан 15 км.ли Анҳор ариғини қазийдилар. Чодаксойдан сув олувчи бу ариқ туман ҳудудида бўш ётган 1000 гектар ерни суғориш имконини берган. Ушбу ҳашарда фаол иштирок этган ғурумсаройлик Мамажон Раҳимов 500 нафар ёш йигит билан икки ҳафтада Чодаксойдан Ғурумсарой даштларигача чўзилган 15 км.ли ариқ қазилган. Бу қазув ишларини ўша вақтдаги Республика раҳбарларидан бири Усмон Юсупов ҳам келиб кўрган. 1939 йили бу ёшлар Найман ерларида ҳам ариқ қазилган. Поплик кекса мироблардан Назар ота Раҳимов, Абдурахмон ота

---

<sup>237</sup> Иномов Ш. Полим – саховатли юртим. Наманган. 1996. – Б. 11.



Неъматуллаев, Мадрайим ота Маҳкамов 1938 йилдаги қаттиқ сув танқислиги ҳақида шундай ҳикоя қиладилар:

«1938 йилдаги қурғоқчиликдан экинларимиз қуриб кетди. Сув камчилиги, айниқса, ғурумсаройликлар учун қаттиқ сезилди. Ўша вақтда водийни айланиб юрган Йўлдош ота Охунбобоев Ғурумсарой қишлоғига етиб келганида ҳовуз атрофида қатор турган одамларга кўзи тушди. Машинани тўхта-тиб, салом берди, ҳол-аҳвол сўради. Пақир кўтарган жиккаккина қариядан ичиш учун бир пиёла сув сўради. Қария хижолат бўлиб: «Бу сувни Сизга беролмаймиз, ота, қайнатмагунча ичиб бўлмайди, сал кутсангиз, уйдан яхна чой келтираман», деди. Йўлдош отанинг қошлари чимирилиб, шошиб юриб келди-да, хазон босган ҳовузга кўз ташлади. Бир коса сувни олди-да, уни рўмолчаси устидан сиздириб ўтказди, сўнгра туман марказига қараб кетди ва раҳбарларга дарҳол мажлис чақириш ва унга барча миробларни ҳам таклиф этишни айтди. Йиғилишда ота сўз олиб, шундай деди: «Биродарлар, ғурумсаройликлар қандай сув ичаётганларидан хабарларинг борми? Қишлоқ ҳовузи баҳордан бери сув кўрмаган, қуртлаб кетган. Қандай бўлмасин қишлоққа сув келтириш чорасини кўринглар»<sup>238</sup>.

Сўзга чиққанлардан бири қудуқ қазишни, бошқа бировлар эса Марғузор ариғини давом эттиришни таклиф қилди. Шунда Назар ота сўзга чиқиб, қудуқ ва Марғузор ариғини кенгайтириш билан иш битмаслигини айтади. Чунки Ғовасойда сув йўқ, уни димлаган билан Ғурумсаройга сув етиб келмайди. Шунинг учун Йўлдош ота қўллаб-қувватласалар, Чодаксойдан сув келтириш учун янги ариқ қазисак, дейди. Бу таклиф отага ҳам, бошқа миробларга ҳам маъқул тушади. Шу тариқа ариқ қазишга тайёргарлик бошланиб кетади. Похол, сомон, чим, майда тош ва бошқаларни тўплашга киришилди. Шу куниёқ Йўлдош ота Назар ота билан бирга бориб, ариқ

<sup>238</sup> Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиши тарихидан. 1988. – Б. 63 – 64.

Ўзанини ва чим кўчирадиган ерларни кўздан кечирди, маслаҳатларини берди. 1939 йилда туман меҳнаткашларининг ташаббуси билан 10 км.ли Лангар канали қуриб битказилади. Натижада 600 гектар майдонда янги экинзор пайдо бўлади.

1939 йил баҳорида қир ва тепаликлар, харсанг-тошлар орасидан ўтган эски ариқ ўзани ўрнига аввал тош ётқизилди ва иккала қирғоғи девор қилинди. Тошлар устига чим қўйилди, унинг усти сомон ва похол аралаштирилган лой билан суваб юборилди. Жўшқин меҳнат ва кўтаринки кайфи-ят билан Чодаксойдан сув олувчи канал юзага келди. Ариқ қазишда тошлардан фойдаланилгани учун уни халқ «Тошарик» деб ҳам атади. Натижада, аҳоли ичимлик сув билан таъминланди, экин майдонлари кенгайди ва шу йили ҳосилдорлик ҳам анча ортди.

Поплик деҳқонлар бошлаб берган бу ташаббус бутун Ўзбекистонда катта сув учун кураш ҳаракатини юзага келтирди. Тез орада бу ташаббус ва тажриба асосида халқнинг ғайрати сўнмай туриб, 32 км.ли Лоғон канали қазилди<sup>239</sup>. 1939 йили Таначи буқа (Тошкент вилояти), Катта Зарафшон (Самарқанд вилояти), Майёб (Қорақалпоғистон), Бўзсув-Қипчоқ (Хоразм вилояти) каби бир нечта канал қазилди. Республика бўйича жами 103 минг гектар сувсиз ер ўзлаштирилди. 450 км узунликдаги 46 та канал қазилди<sup>240</sup>.

1940 йилда Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмидаги ерлар, боғларда сув тақчиллиги сезилди. Шу боис, Шимолий Фарғона канали қурилишига қўл урилган. Поп тумани худудидан ўтган Шимолий Фарғона канали ҳашар йўли билан 1940 йилнинг 18 февралидан то 23 июлига қадар қурилиш ишлари амалга оширилган. Каналнинг бошланиш қисмини 60 километрлик Янгиариқ (1820) ва Розенбах (1890) каналлари асос бўлиб ҳизмат қилган. Ушбу каналнинг 60 километрлик

<sup>239</sup> Правда Востока. 1 апрель. 1939 г.

<sup>240</sup> История Узбекской ССР. Т. 4. Тошкент, 1968. С. 30.

қисми Тожикистон Республикасидан ўтган. Унинг узунлиги 160 километр бўлиб, Наманган вилоятининг Наманган, Уйчи, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Чуст, Поп ва Тожикистоннинг Ашт туманларидаги 69318 гектар майдонларига сув етказиб беради. Канал 20 йил мобанида чап қирғоқларидаги ўпирилишлар ниҳоясига етказилиб 1960 йилга келибгина уни тўла жиловлаб олинган. Ушбу канал қурилишида жами 23 400 нафар ўзбекистонлик ва тожикистонлик ҳашарчилар иштирок қилганлар<sup>241</sup>. Ҳозирда каналнинг бошидан охиригача 370 та гидротехник иншоот, 231 та даҳана (сув ўтадиган қисқа тор ўзан), 13 та дюкер<sup>242</sup>, 4 та акведук<sup>243</sup>, 8 та ташлама, кўплаб кўприклар ва бошқа иншоотлар бунёд этилган<sup>244</sup>.

Шимолий Фарғона канали 42000 гектар ернинг сув таъминотини яхшилабгина қолмай, қўшимча 19 000 гектар янги экин майдонини ўзлаштиришга имкон берди<sup>245</sup>.

Шимолий Фарғона канали қурилгандан сўнг, унинг атрофида янги жамоа хўжаликлари, шаҳарча ҳамда қишлоқлар вужудга келди. Поп тумани ҳудудида Янгиер, Янгикелачи, Гулбаҳор,

---

<sup>241</sup> Ўзбекистон комсомоли (Ўзбекистон комсомоли тарихидан очерклар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – Б. 194.

<sup>242</sup> Дюкер – немис тилида Duker сўзидан олинган бўлиб, «қаунама» деган маънони билдиради. Канал сувини дарё ёки бошқа канал ўзани чуқур водий, йўл ва шартли тўсиқлар билан кесишган жойдан ўтказиш учун ётқизиладиган қувур шаклидаги босимли сув ўтказгич. Каналдаги сув сатҳи кесиб ўтиладиган тўсиқ сатҳига яқин бўлган ва акведук орқали сувни ўтказиш мумкин бўлмаган холларда қўлланилади.

<sup>243</sup> Акведук – сув ўтказгич-кўприк бўлиб, канал, йўл, жарлар устидан ўтказиладиган нов ёки қувурдан иборат кўприксимон, эстакада кўринишидаги сув ўтказувчи иншоот.

<sup>244</sup> Шарофиддинов М.М. Наманган вилоятида сув ирригация тизими ва суғориш иншоотларининг шаклланиши // «Фарғона водийси тарихининг долзарб масалалари» мавзудаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган., 2018. – Б. 300-301.

<sup>245</sup> Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган., 1995. – Б. 79.

Янгихўжаобод, Янгиобод, Янгиқишлоқ, Каналости, Каналусти каби қишлоқ ва манзиллар пайдо бўлди<sup>246</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона водийсида амалга оширилган халқ қурилиши иншоотларидан бири Чуст канали (Ғарбий канал) бўлиб, унинг барпо этилишида Поп аҳолиси ҳам фаол қатнашди. Ушбу канал Чуст ва Косонсой туманлари ҳамда Қирғизистоннинг Олабуқа тумани худудининг бир қисмини кесиб ўтади. Узунлиги – 34,73 км. 1942 йилда Чуст канали қурилиши ҳақидаги хабарни эшитган Поп тумани аҳолиси худди Чуст ва Косонсой деҳқонлари каби оёққа туради. Уйғур қишлоғидан Низом Мирнўмонов бу воқеа тўғрисида шундай деганди: *«Чуст канали бу халқ қурилиши... Буни кўпчилик қуради. Унда иштирок этишни мен ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман. Агар канал битказилса, янги ерлар суғорилади. Бу эса бизнинг ҳозирги ва келгусидаги нонимиз ва пахтамиз бўлади. Биз кўпроқ дон ва пахта этиштирсак, Ватанимизга шунча мадад берган бўламиз».*

Чуст канали қурилишида туб аҳоли билан елкама-елка Косонсой, Поп ва Тўрақўрғон туман меҳнаткашлари ҳам иштирок этган. Поп туманидан бу ҳашарда 1500 киши қатнашиши керак эди. 1942 йилнинг 15 январь куни канал трассада оммавий ер қазиш ишлари бошланди. Шу куни 5000 киши ишлаган. Лангар ариғини қазиб Ўзбекистонда катта сув учун кураш ҳаракатига асос солган поплик ҳашарчилар ишни биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Белгиланган тақсимотга кўра, Поп тумани ишчилари каналнинг 9 км узунликдаги қисмини қазиши керак эди. Канал қурилишига 34 жамоа хўжалигидан 1000 дан ортиқ киши юборилган. Улар қазиш ишининг ўзларига ажратилган қисмини ўн кунда тугатади.

---

<sup>246</sup> Асанов Г.Р. Сельское расселение Наманганской области (Экономико-географическое исследование). – Тошкент: Фан., 1975. – С. 42.

66 минг кубометр тупроқ қазиб, белгиланган режани биринчи бўлиб бажарадилар<sup>247</sup>.

1957 йида қурилган Охунбобоев номли канал Мингбулоқ, қисман Поп, Тўрақўрғон ва Наманган туманларига қарашли 38 минг гектар ерга сув олиб келган.

1972 йил охирида Марказий Фарғона даштида катта ер ўзлаштириш ва у ерда янги шаҳарча қуриб, боғ-роғлар яратишга 20 млн сўм маблағ ажратилади. 1973–1975 йиллар давомида «Аччиққўл» массиви ўзлаштирилиб, ўрнида Навбахор шаҳарчаси бунёд этилади. Бу борада кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Туманнинг табиий-географик жойлашуви шундайки, бу ўлкада худди пурвиқор Алп тоғларидаги каби яйловлар ҳамда жазирама Саҳройи кабир каби саҳролар ҳам мавжуддир. Сувни исроф қилмаслик ҳозирги авлоднинг бурчидир. Айниқса, сув ҳавзалари тозалигини сақлаш ҳамisha ҳамманинг эътиборида бўлиши лозим. Сув ресурслари туман ҳаётининг барча соҳалари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, саноат ва маиший-коммунал заруратлар, чорва соҳасини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларни тоза сақлаш, ободончилик ишларини амалга ошириш учун ва аҳолининг ҳордиқ чиқариш объекти сифатида беқиёс аҳамиятга эгадир. Бироқ ҳамisha ҳам табиатнинг бу бебаҳо неъматига етавермаймиз...

1993 йили янги Поп канали қурилиши бошланди. Узунлиги 30 км бўлган бу канал ҳозирги Поп туманидаги Гулбахор қишлоғининг шимолидаги ва Чодак қишлоғининг жанубидаги бўш ётган ерларга сув етказиб беради. Ушбу каналга Қурама тоғ тизмаларидан келадиган сув манбаларидан ташқари, Марғузор қишлоғи яқинида Сирдарёдан сувни бу каналга етказиб берадиган учта кўтармадан иборат насос станцияси қурилиши

<sup>247</sup> Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент: Фан. 1983. – Б. 20–23.

бошланган эди. Ушбу насос жами 32,84 куб. м сувни 76,13 метр баландликка чиқариб, Поп каналига узатиши керак эди. Аммо бу насос қурилиши 1996 йилда тўхтаб қолди. Ваҳоланки, бу каналнинг қурилиши Республика миқёсида аҳамиятга эга эди. 1998 йил 29 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «1998–2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида» қароридан Поп туманидаги бўш ётган ерларни ўзлаштириш ва уларни суғориш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилинди. Унда «Наманганстрой» трестининг Зокиржон Мўйсиналиев бошлиқ Поп 2-механизациялашган кўчма жамланмаси, Наманган вилоят сув қурилиши трестлари иш бошлади. Марғузур сув насос станцияси қурилиши муносабати билан 1998 йили 16 та хўжалик кўчирилди. Бироқ Поп машина канали қурилиши ниҳоясига етмай қолди.

Поп тумани ҳудуди суғорилиш тизимини яхшилаш ишлари шу тариқа бугунги мустақиллигимиз даврида ҳам муваффақият билан давом эттирилмоқда. Туман ҳудудининг катта қисми чўл ва адир зоналаридан иборат бўлгани суғориш, ирригация ва мелиорация тизимларида замонавий техника ва лойиҳалардан унумли фойдаланишимизни тақозо этади.

## **ПОП ТУМАНИДА ЖАМОАЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ**

XX асрнинг 20–30-йилларида большевикларнинг зўравонлик йўли билан мамлакатда янги ишлаб чиқариш тизими – жамоалаштириш тартибини жорий қилиши Ўзбекистон деҳқонлари тарихига фожиавий саҳифалар сифатида ёзилди. Собиқ Совет давлати ҳудудида жамоалаштириш жараёни «шиддатли ҳужум ва сиқувга олиш»дан иборат кескин зўравонлик усуллари воситасида амалга оширилди. Бу пайтда қонунчилик жуда

қўпол равишда бузилди ва бу ҳаракатни танқид қилган ё қўллаб-қувватламаган жамиятнинг эркин фикрли вакиллари «қулоқ» сифатида аёвсиз қатағон қилинди, турли жазоларга тортилди. Қишлоқ ва овуллар аҳолиси кўпинча сургун қилиш, ер-сув, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидан маҳрум этилиш орқали қўрқитилиб, жамоа хўжаликларига «киритиларди». Мамлакатда қишлоқ хўжалигига дахлдор барча нарса умумжамоа мулкига айлантирилди<sup>248</sup>. Бундай жамоалаштириш жараёни Поп туманида ҳам юз берганди.

1925–1930 йиллар давомида Поп туманида бир неча майда колхозлар (коллектив хўжаликлари) ташкил қилинган. 1928 йили Пунгон қишлоғида «Ишчи» ва Акмал Икромов номли иккита кичик колхозлар тузилган. Йўлдош полвон Қурбонов раҳбарлигидаги «Ишчи» колхози 110 гектар ерга чигит экиб 9-10, «Акмал Икромов» номли колхоз 150 гектар майдондан гектарига 12 центнер пахта ҳосили олган. 1933 йили бу икки колхоз бирлаштирилиб, собиқ «Ленин» колхозига айлантирилган. Унга Йўлдош полвон Қурбонов раис бўлган. 1931 йилда Ғурумсарой қишлоғида «Жамият» колхози тузилиб, унинг майдони 350 гектар ерни ташкил қилган. Унга дастлаб Одилжон Фозилов, 1938 йилда эса Акбарали Тошматов раис этиб тайинланади.

1932 йили Қирчин қишлоғида «Қизил Ғайрат» колхози (ери 120 га) ташкил этилади. Унга Зайниддин Турсунов раис бўлган. Шу йили Янгичек қишлоғида «Пахтаобод» номли жамоа хўжалиги (ери 80 га) тузилган. Жамоага Маҳкам бува Қобилов раислик қилган. 1933 йилда Тепакўрғон қишлоғида «Ворошилов» колхози тузилиб (ери 200 га), унга Абдулла Ғойназаров узоқ йиллар раислик қилади. Уша йили яна Янгичек қишлоғи яқинида «Коммуна» колхози тузилган, раиси Холмат Нишонов эди.

<sup>248</sup> Ўзбекистон МДА. 58-фонд, 1-рўйхат, 4400-иш, 286-варак.

№	Колхоз номи	Қаерда ва қачон ташкил топган	май-дони	Колхоз раҳбари
1	«Ишчи»	Пунгон, 1928	110 гектар	Йўлдош полвон Қурбонов
2	Акмал Икромов номли	Пунгон, 1928	150 гектар	-
3	«Жамият»	Фурумсарой, 1931	350 гектар	Одилжон Фозилов, 1938 йилдан Акбарали Тошматов
4	«Қизил Ғайрат»	Қирчин, 1932	120 гектар	Зайниддин Турсунов
5	«Пахта- обод»	Янгичек, 1932	80 гектар	Маҳкам бува Қобилов
6	Воро- шилов номли	Тепакўрғон, 1933	200 гектар	Абдулла Ғойназаров
7	«Комму- на»	Янгичек, 1933	80 гектар	Холмат Нишонов
8	«Янги талаб»	Қирчин, 1933	80 гектар	Турғун Мўминов



XX асрнинг 20–30-йилларида Поп тумани худудида ҳам «Қўшчи союзи» ва артел<sup>249</sup>лар ташкил этилган. 1924 йилнинг баҳорида Попдаги Рустамалибойнинг бозорбошидаги ҳовлисида маҳкама ташкил қилинган. Поп бўлиси раҳбари исковутлик Зияжон Ҳусайинов артеллар ташкил этилишини эълон қилган. Шу йили Попда «Инқилоб» номли артель ташкил этилиб, унга Шокир Мадраҳимов (1873 йилда туғилган бўлиб 1963 йилда 90 ёшида вафот этган) раис қилиб сайланган. Шунингдек, «8 март» номли артели тузилиб, унга асосан аёллар қўшилган. Кейинчалик бу артел «Инқилоб артелига қўшиб юборилган. 1925–1927 йилларда «Қўшчи союзи»га Мулла Бадал Мирбобоев бошчилик қилган. 1922 йилда Сангда, Сирдарё бўйида 40 га яқин деҳқонлардан иборат «Қизил куч» ва Охунбобоев номли иккита артель тузилган. «Қизил куч»га Дамин сўфи Ниёзов, Охунбобоев артелига эса Пирмат Нурматов раҳбарлик қилган. Уларга ҳатто тракторлар ҳам берилган. 1929 йилда бу икки артель бирлаштирилиб «Бирлашган Сирдарё» колхозига айлантирилган<sup>250</sup>. Тўда қишлоғида 1928

---

<sup>249</sup> Артель – фуқароларнинг биргаликда хўжалик фаолияти юритиш мақсадларида тузган ихтиёрий уюшма шаклларида бири. Аксарият ҳолларда артель атамаси меҳнат жараёнларини биргаликда бажариш учун тузилган ширкатларда (балиқ овлаш, қишлоқ хўжалиги, бадий хунармандчилик артеллари) ёки ўз аъзолари меҳнатини умумлаштирмай, қисман ишлаб чиқариш воситаларига эгалликни бирлаштирувчи уюшмаларга нисбатан қўлланилади. Собиқ Иттифоқ даврида яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи товар ишлаб чиқарувчилар хўжаликлари (хунармандлар, косиблар ва бошқалар). XX асрнинг 20-йилларининг бошларидан ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш асосида социалистик хўжалик юритиш йўлига ўтказилган ва қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, балиқчилик артеллари каби жамоа хўжаликлари тузилган эди. Уларнинг ишлаб чиқариш режалари давлат халқ хўжалиги режасига киритилар эди. 80-йиллар охирида яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга доир қонунлар қабул қилинган, бундай артеллар ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳозир балиқ овлаш, олтин излаш, қасаначилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида қисман артеллар сақланиб қолган.

<sup>250</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. (Иккинчи китоб). – Наманган, 1997. – Б. 50–51.

йил февралида «Тўда пахта» артели ташкил этилган. Бу артель кенгайиб қишлоқдаги энг йирик колхозга айланган. Кейинчалик «Янги қадам» колхози ташкил этилган ва 1934 йилда бу икки колхоз бирлашиб «Правда» колхозига айлантирилган<sup>251</sup>.

Жамоалаштиришга қарши оммавий халқ ҳаракатлари ҳам юз берган. Собиқ Иттифоқнинг расмий Давлат сиёсий бошқармаси бўлимининг (ОГПУ) 3-сон тезкор маълумотномасидаги «Оммавий чиқишлар ва террор» (1930 йил) деб номланган иловасида Поп тумани худудида жамоалаштиришга қарши юз берган халқ ҳаракатлари қайд этилган. Унда қуйидагилар ёзилган: «Чуст тумани Мозор қишлоқ совети аҳолисидан 300 киши жамоалаштиришга қарши чиқиб, «аввал саводни чиқариш керак, сўнгра колхоз қуриш керак» деган талаб билан чиққанлар. Бу жойда ҳозир бўлган «райижроком» раиси Сурибеков томонидан истак ва талаблар асосида чиқишда иштирок этган бир неча камбағаллар қамоққа олинган. Бу эса оломонни жунбишга келтирган ва улар тўғри район марказига йўл олган. Аҳолини тинчлантириш учун у жойга комиссия ва ГПУнинг райондаги вакили юборилган. Қамоққа олинган камбағаллар дарҳол озод этилган. Оломон қамоққа олинганлардан вакиллар сайлаган, улар 20 февралда маҳаллий ҳукуматдагиларнинг колхозга киришга мажбур қилаётганлари учун шикоят билан Кўқон томон йўл олишган.

Йўлда мозорликларга хонободликлардан 100 киши қўшилган ва оломон 500 кишига етган. 20 февралда оломон Ғурумсарой қишлоғида тунаб қолган. Бу қишлоқ ҳам ана шундай кайфиятда бўлган. Натижада Ғурумсарой ва унинг атрофидаги аҳоли қўшилиб оломон 3500 кишини ташкил қилган. Оломон турган жойга «сиёсий бешлик» етиб келган. Ўта нафрат ва ғазабга келган оломон камбағалларни озод қилиш, жамоалаштиришни бекор қилиш, колхозга

---

<sup>251</sup> Ҳасанов Д.А. Тўда қишлоғи тарихи ва топонимикаси ҳақида // «Фарғона водийси тарихи муаммолари» номли Республика илмий анжумани материаллари. – Наманган., 2012. – Б. 87.

кириш учун тузилган рўйхат йўқ қилиниши, эски усул мактабларини тиклашни талаб қилган. Оломоннинг қистови билан комиссия рўйхатни беришга мажбур бўлган. Олинган рўйхат оломон томонидан йўқ қилинган. Улар тезлик билан етиб келган давлат раҳбарларини тўрт тарафдан ўраб олиб, ўзларининг барча талабларини амалга оширишга мажбур қилган. Ушбу халқ ҳаракатининг доврўғи бутун Республикага тарқалган. Бу эса ўша вақтдаги ҳукумат раҳбарларини ҳам чўчитиб қўйган эди. 21 февралдаёқ Республика пойтахти Самарқанддан Қўқонга собиқ ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Ходжаев, ЎзКП (б) Марказком котиби Н. Лена ва ЎзССР ГПУси раиси Перковлар йўлга чиқиб 22 февраль куниёқ Чуст-Поп районига оломон олдига етиб келганлар. Бу вақтда Чуст-Попда аҳвол очиқ ва ошкора кўзғолон ўсиб чиқиш хавфини туғдираётган эди. Ҳукумат вакиллари томонидан дарҳол қуролли куч талаб қилинган ва шундай ҳарбий қуролланган куч шошилиш равишида етиб келган. Ҳукумат аъзоларининг тушунтиришлари, бу жойга ҳарбий гуруҳнинг етиб келиши оломонни бир оз чўчитган. Ғалаён раҳбарлари қўлга олинган, ғалаёнчилар ўз қишлоқларига тарқаб кетишга мажбур бўлган.

Аммо ғалаён ҳали тўхтамаган эди. 3 март куни Мозор қишлоғида яна тартибсизликлар бошланган. Бу тартибсизлик Мозор қишлоғидаги ўзига тўқ бўлган баъзи кишиларни қамоққа олиш вақтида қишлоқ аҳолисининг кескин норозиликдан келиб чиққан эди. Қамоққа олишга келган ҳукумат аъзоларини 150 кишилик оломон ўраб олиб, улардан қамалганларни дарҳол бўшатилишини талаб қилган ва бунга эришганлар. Вазият ҳақидаги хабар дарҳол ҳукумат раҳбарларига етказилган. Шу куниёқ, бир нафар ОГПУ вакили маҳаллий ходимлар билан биргаликда юз бераётган аксилинқилобий унсурларни ушлаб олиш бўйича ўтказилаётган операцияни давом эттириш учун Ғурумсарой қишлоғига етиб келган. Бу қишлоқда 300 кишилик оломон қуршовида қолган ОГПУ вакили ва район экиш ко-

миссияси вакилига ҳужум қилинган ва уларга оғир тан жароҳати етказилган, қишлоқ совети биноси эгаллаб олинган<sup>252</sup>. Бироқ бу халқ ҳаракати собиқ советлар ҳукумати томонидан бостирилиб, бу ҳаракатда қатнашганлар қамоққа олинган.

Советларнинг жамоалаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати қурбонлари: Соатали Ҳалимов – Поп қишлоғидан. 1930 йилнинг 13 феврида сургун қилинган. Унга 155 сўм 68 тийин миқдорда алоҳида солиқ солинган. 18 таноб ери, 2 буқаси, 1 сигири, 1 оти, 1 бузоғи бўлган. Мажбуриятдаги 1422 кг пахтанинг 479 кг пахтасини топшира олмагани учун барча мол-мулки мусодара қилиниб, округдан ташқарига бадарға қилинган<sup>253</sup>.

Мўйдин Рустамов – Поп тумани Яккатол қишлоғидан. 1900 йилда туғилган. Аёлининг исми Ҳожибиби, 1910, қизи Баҳриниса 1931 йили таваллуд топган. У 1932 йилда қулоққа чиқарилиб, оиласи билан Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 2-совхозга сургун қилинган. Бу ерда 1939 йилда Абдуғани исмли ўғли туғилган. 1942 йилнинг 23 октябрида бу оила меҳнат посёлкасидан озод қилинган. Чунки оила бошлиғи Рустамов Мўйдин армия хизматига олиниб, урушга чақирилган<sup>254</sup>.

XX асрнинг 30-йилларида катта ер эгалари, ўртаҳол деҳқонлардан санглик Дадабой Назиров, мулла Райим Азизов, мулла Раим Назаров, Тўхтаназар, Зухра Дадабоева, Мирабдулла Умаров, Тўйчибой Дадабоев, Хадича Назарова, Ханифа, Ҳалима қизлари ва хотини билан Пирмат бува қабила оилалари билан Украина ва бошқа ерларга сургун қилинган. Тожиаҳмад Йўлдошев собиқ «Қизил Ўзбекистон» газетасида мухбирлик қилар эди. Унинг ҳақиқатгўйлиги учун ҳибсга

<sup>252</sup> Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 200. – Б. 133, 134, 144.

<sup>253</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001.(368) – Б. 86.

<sup>254</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати... – Б. 346.

олиб Попга олиб келадилар. Попда уни Йўлдош Охунбобоев кўриб қолган. У билан бирга ёшлигида отбоқарлик қилган экан. Шу боис, уни олиб қолади. Бироқ сургун қилинганларнинг қисмати оғир бўлган, ўзга юртларда хор-зор, оч-юпун сарсон юрганлар. Шундай кишилардан бири санглик Абдушукур ҳожи ўғли Боййигитнинг тегирмони, мол, от ва ерларини колхозга топширган. Аммо 1931 йили уни хотини Оляхон, фарзандлари Эрийгит, Сарвихон, Беркинисо, Шермуҳаммад, Ўлжабойлар бирга Украинага сургун қилинган. Уларни ҳибсга олиниб, Поп темир йўллари бекаати ёнида усти очиқ кўрғонга Сангдан беш оила Сорабой ва унинг хотини, Рўзибой, Умарали кибилар Поп туманидан қулоқ қилинганлар билан бирга 12 кун қамаб қўйилган. Туннинг совуғи, куннинг иссиғи уларнинг тинкасини қуритган. Сўнг юк вагонларига қамаб, очмасдан 14 кун йўл юришган. Ҳожатхона ҳам бир челақ эди. Уларни Украинанинг Херсон вилоятига олиб бориб пахта эктирилган. Меҳнат оғир, кўпчилик далаларда жон берган, кафансиз кўмилган. Сургундаги Боййигитов Эрийгит аслида 5 ёш бўлиб, уни 16 ёшга ўзгартириб ишлашга мажбур қилган. У тракторчиликни ўрганган. Бироқ у яширинча Тошкентга келиб Охунбобоев ҳузурига киришга эришган. Оқлов қоғозини олиб, Украинага борган. Бироқ бу оқлов қоғози инobatга олинмаган. Сургунда отаси Боййигит ва укаси Ўлжабой вафот этган. У онаси ва укаларини русча кийинтириб, Ўзбекистонга олиб қочиб келган. Қишлоққа келиб бир неча йил тракторчилик қилган. Техникага қизиққани боис, велосипед, радио, мотоцикл, енгил машинани Санг қишлоғига олиб келган.

## 1937 ЙИЛДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ПОПЛИКЛАР:

«Тройка НКВД СССР» – 1937 йил август ойида Ички ишлар халқ комиссари Н. Ежовнинг №00447-буйруғига асосан ташкил этилган. Собик совет ҳукуматига қарши элементларни суд ва сўроқсиз қатағон қилувчи орган. Ўлим жазосига ҳам маҳкум этиш ҳуқуқига эга бўлган. Унинг таркиби маҳаллий НКВД, прокуратура ва партия органлари вакилларида иборат<sup>255</sup>. Ушбу ташкилотнинг фаолиятига оид ҳужжатлар текширилганда, қатағон қилинганлар орасида попликлар ҳам бор эди. Улар орасида машҳур диний шахслар, зиёлилар, уламолар, савдогарлардан тортиб, оддий деҳқонлар ҳам бўлган экан. Уларни қуйидаги ҳужжатлардан кўриш мумкин:

*1937 йилнинг 28 октябридаги ТРОЙКА (Учлик)нинг 27-баённомасидан...*

*572-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 6 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, 3 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 20 декабрдан, 3 маҳбуснинг муддати 1937 йил 2 февралдан ҳисобланган:*

1. Абдурахмонов Шамид (Ҳомид) – 1876 йили туғилган, Поп райони Чоркесар қишлоғидан. Руҳоний, халфа, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. У «ўтмишда босмачилик кўмакчиси бўлиб, совет ҳокимиятига қарши қуролли кўзғолонга тайёргарликда иштирок этганликда, ўз уйида аксилинқилобий йиғинлар ташкил этганликда, колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик, ифвогарлик тарғиботи олиб борганлик»да айбланган.

2. Мамарозиқов Юсуф Али – 1882 йили туғилган, Поп райони Чоркесар қишлоғидан. Собик

<sup>255</sup> Қаранг: Одилов А. Нима қилсам, халқим учун қилдим... (Тўплаб нашрга тайёрловчи Анвар Аҳмаджонов). – Тошкент: «GOLD-PRINT NASR», 2018. – Б. 93

эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. У «совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган аксилинқилобий нолегал йиғинларда иштирок этганликда, оммавий йиғинлар ташкил этишда, колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий ифвогарлик тарғиботи олиб борганлик»да айбланган.

**3. Норматов Шермат** – 1902 йили туғилган, Поп райони Чоркесар қишлоғидан. Собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Исёнчилик ҳаракати ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб, аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**4. Мамадалиев Тошбой** – 1902 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан. Собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда, колхоз аъзоси. У «аксилинқилобий унсур билан алоқада бўлганликда, уйда ташкил этилган йиғинларда иштирок этганликда, аксилинқилобий унсурга ёрдам бериш мақсадида 11000 рубль колхоз пулини ўғирлаганлик»да айбланган.

**5. Хўжаев Санжар** – 1904 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан. Собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. У «совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганлик»да айбланган.

**6. Турдиев Йўлдош** – 1901 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан. Собиқ ер ижарачиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Босмачи бандитлар гуруҳи кўмакчиси бўлиб, аксилинқилобий унсур билан алоқада бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган йиғинларда иштирок этганликда ва аксилинқилобчи Мавлоновга моддий ёрдам берганликда айбланган<sup>256</sup>.

<sup>256</sup> Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август–5 ноябрь) / Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 277.

4939-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, 2 маҳбус жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан, 1 маҳбус муддати 18 сентябрдан ҳисобланган:

1. Қобулов Маҳкам – 1876 йили туғилган, Поп райони Ғурумсарой қишлоғидан. У «собик қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва совет ҳукумати сиёсий тадбирларини барбод қилганликда, колхозда бузғунчилик ишлари уюштирганлик»да айбланган.

2. Пирматов Турди Али – 1904 йили туғилган, Поп райони Ғурумсарой қишлоғидан. У «собик қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида ифвогарона ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, бузғунчилик ишлари билан шуғулланганлик»да айбланган.

3. Фозилов Абдулжон (асли Одилжон) – 1891 йили туғилган, Поп райони Ғурумсарой қишлоғидан. У «собик қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва ифвогарона тарғибот олиб борганликда, колхозчилар орасида бузғунчилик ишлари билан шуғулланганлик»да айбланган.

4. Ҳасанов Раҳматулло – 1886 йили туғилган, Поп райони Тепакўрғон қишлоғидан. У «қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик»да айбланган<sup>257</sup>.

(Собик) ЎзССР ИИХК (Ички ишлар халқ комиссарлиги) Поп район округи тақдим қилган 4978-сонли иш бўйича **Ботиров Нишон** (1900 йили туғилган, Поп райони Санг қишлоғидан,

<sup>257</sup> Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август–5 ноябрь) / Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 283



собик қулоқ, ўтмишда «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси ва босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, (собик) СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, қулоқларга кўмаклашганликда, камбағалларни камситиб колхозлардан чиқиб кетишга мажбур қилганликда, колхоз мол-мулкани ўғирлаганликда айбланган.

3441-сонли иш бўйича **Акбаров Аббосхон** (1895 йили туғилган, Поп райони Қорашаҳар (ҳозирда Мингбулоқ тумани таркибида) қишлоғидан, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3340-сонли иш бўйича **Юсупов Абдулла** (1895 йили туғилган, Поп райони Қорашаҳар қишлоғидан, собик қулоқ, судланган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши, чегарадан ўтиш тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

3339-сонли иш бўйича **Ғоипов Мулла Ҳайдар** (1879 йили туғилган, Поп райони Хўжаобод қишлоғидан, собик қулоқ, ўтмишда «Шўрои Ислон» миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси, собик босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида ифвогарона аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда,

кўпорувчилик мақсадида тайёрлов пунктига ўт қўйганликда айбланган<sup>258</sup>.

**4933-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:**

**1. Раҳмонов Мамат Карим (Муҳаммадкарим)** – 1904 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод (Хўжаобод) қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда Поп район РИК матлуботи мудири. Аҳоли орасида мағлубиятчилик ифвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**2. Қодир Хўжаев Зокир Хўжа** – 1887 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод (Хўжаобод) қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчилик ташкилоти билан алоқада бўлганликда, унинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**3. Шерқўзиев Назар** – 1905 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод (Хўжаобод) қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда бузғунчилик, зараркунандалик фаолияти билан шуғулланганликда айбланган.

4980-сонли иш бўйича **Бобожонов Ҳамиджон** (1880 йили туғилган, Поп райони Чодак қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳуқуқидан маҳрум этилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик, ўтмишда «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси) отувга ҳукм этилган.

3341-сонли иш бўйича **Турсунов Қутбиддин** (1903 йили туғилган, Поп райони Ғурумсарой қишлоғидан, собиқ руҳонийнинг ўғли, қатағондан яширинган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

<sup>258</sup> Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябр) / Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 293.

Колхозга қарши қўзғолонда иштирок этганликда, қулоқларни қамоқдан озод қилиш талаби қўйилган оммавий чиқишлар ташкилотчиси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3443-сонли иш бўйича **Турсунов Мирза** (1877 йили туғилган Поп райони Чодак қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозга қарши қўзғолонда иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида ифвогарлик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3449-сонли иш бўйича **Ғиёсов Усмон Хўжа** (1902 йили туғилган, Поп райони Ғурумсарой қишлоғидан, собиқ савдогар, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозга қарши қўзғолон ташкилотчиси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчилик ташкилотининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда ва шу ташкилотнинг қурилишига одам олиш комиссияси аъзоси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик, ифвогарлик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4938-сонли иш бўйича **Абдуллаев Ҳайдар Али** (1900 йили туғилган, Поп райони Уйғур қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. «Шўрои Ислому» ташкилоти аъзоси бўлиб, колхозчилар орасида доимий равишда ифвогарлик, бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган<sup>259</sup>.

---

<sup>259</sup> Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август–5 ноябрь) / Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 295.

**1937 йилнинг 3 ноябридаги ТРОЙКА (Учлик)  
нинг 30 баённомасидан...**

6834-сонли иш бўйича **Бойматов Юнус Бой** (1897 йили туғилган, Поп райони Чаркасар (Чоркесар) қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Халқ душмани Эгамбердиев томонидан колхозга таклиф қилина туриб миллатчилик, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда қишлоқ фаоллари шаънига террорчилик фикрини билдирганликда айбланган<sup>260</sup>.

1937 йилда Поп туманидан Одилжон Фозилов (1891 йил туғилган), Турдали Пирматов (1904 йил туғилган), Мулла Раҳматилла Ҳасанов (1886 йилда туғилган) қатағон қилинган. 1876 йилда Кабулов Маҳкамбой эса олий жазо отувга ҳукм қилинган. Ғурумсаройлик Одилжон Фозилов 1920 йилларни охирида калхоз тузиш фаолларидан бири бўлиб, юрт ичида ташвиқотлар олиб бориб «Жамият» жамоа хўжалигини тузган ва у кишини раис этиб сайлашган. Қишлоқ одамлари «агар сиз раис бўлсангиз бизлар колхозга кирамиз», дейишган. Қурғоқчилик туфайли ҳосилдорлик яхши бўлмаган.

Шундан сўнг Одилжон Фозилов 1935 йили раисликдан кетиб, оиласи билан Тошкент вилояти Янгийўл тумани худудига кўчиб келган. Ўша пайтдаги Ўзбекистоннинг ер ишлари бўйича халқ комиссариати (Наркомзем) ходими Ахмадхўжаев уни колхозга раис қилиб тайинлаган. Одилжон Фозилов оиласи билан бирга Ғурумсаройдан 212 та хонадон ҳам кўчиб келган эди. Ўша вақтдаги Поп тумани НКВД бошлиғи, кичик лейтенант Сотниковнинг 1937 йилинг 17 сентябридаги қарори билан Одилжон Фозиловни кўпорувчиликда айб-

<sup>260</sup> Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август–5 ноябрь) / Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – Б. 384.

лайди. Бунга қўшимча қилиб колхоз ташкил қилишдан аввал қулоқ бўлган ва босмачилар билан алоқадорликда айбланиб, шу йили 18 сентябрида Янгийўлда қамоққа олинган. Уни Наманган қамоқхонасига олиб келиниб, Ўзбекистон ССР НКВДсининг «учлик»нинг (тройка) қарори билан 1937 йил 28 сентябрь куни ҳеч қандай судсиз ва сўроқ ўтказмасдан, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан 10 йилга қамоқ жазосига маҳкум этилади ва Сибирь ГУЛАГИ бўлган Хабаровский ўлкасининг Мангохтага юборилган. 1960 йилда Одилжон Фозиловнинг ўғли Муҳсинжон Одиллов ўз отасини номини оқлаш учун оиласини кўндирган. Оналари Баҳринисо номидан ариза берилади. 1960 йилда собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик бўлимида кўрилиб, 4 ноябрь кунда терговчи капитан Суханов Ю.Н. томонидан № 10303 рақамли архив-тергов иши бўйича хулоса чиқарилади. Бу ҳужжат Фарғона область ОКГБ бошлиғи полковник Сапожников томонидан 1961 йил 4 ноябрда тасдиқланади. Бунга қадар капитан Суханов жиддий текширув ишларини олиб борган. Фозилов Одилжон қулоқ сифатида ўша даврдаги тузумга синфий душман бўлган деб берилган ҳужжатга имзо чеккан Фурумсарой қишлоқ совети раиси сўроқда Сухановга имзо уники эмаслигини айтган. Жиноий иш бўйича гувоҳ сифатида Гоипназаров, Турсунов, Маразиков, Имомалиев, Солиев, Қодиров ва Эшназаровларнинг гувоҳлик кўрсатмалари текширилмаганлиги ва ўз ўрнини топмаганлиги аниқланган. 1961 йил 28 февралда Фарғона область суди призидуми Одилжон Фозилов ва бошқаларни ишини қайта кўриб чиқиб, жиноят иши бўйича суд ўта қонунбузарлик билан олиб борилганлигини, айбланувчиларга қўйилган айби нотўғри қўйилганлиги ва уларни оқлаш ҳақида қарор қилади. Одилжон Фозиловнинг номи оқланиши ҳам попликларни, ҳам янгийўлликларни қувонтирган. Унга атаб Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қуйидагиларни ёзган:

Отажон, эл учун чекдингиз захмат,  
Жафокаш умрингиз ўтди фироқда.  
Фарзандлар қалбида тириксиз абад,  
Тинч ухланг муқаддас она тупроқда<sup>261</sup>.

Ушбу қисқагина маълумотлар туман аҳолисининг собиқ советлар давридаги ниҳоятда оғир ва узоқ давом этган фожиаларидан кичик қайғули парчалардир, холос. Ўзбекистон халқининг бир бўлаги сифатида попликлар ҳам большевикларнинг жамоалаштириш сиёсатиға қарши ўз «жавоби»ни дадил айта олган. Оқибатда, қарши чиққанлар Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа аждодларимиз каби қатағон қилинган. Уларнинг баъзилари оқланган бўлса, баъзиларини ҳали ўрганиб, пок номларини тиклашимиз лозим. Бу кечмишлар миллат мустақиллиги қадрини чуқурроқ англаб етиш учун ҳаётий ибратлардир.

## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ПОП ТУМАНИДАГИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ

Собиқ Иттифоқ даврида Республикада аҳолини турли ҳудудларға кўчириш сиёсати ҳам олиб борилган. Ушбу сиёсат Поп тумани аҳолисини ҳам четлаб ўтмаган. Собиқ иттифоқ даврида 1920–1940, 1950–1970 йиллар давомида аҳолини кўчириш ишлари олиб борилган. Мазкур сиёсатға собиқ СССР марказий ижроия комитети президиумининг 1925 йил 10 апрелдаги «СССР МИҚ қошида Бутуниттифоқ Кўчириш Комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори<sup>262</sup> асос бўлган эди. Шунингдек, ушбу Қарор асосида собиқ ЎзССР МИК ва ХКСнинг 1927 йил 21 февралдаги «ЎзССРда республика ичкарасида аҳолини режали кўчиришларнинг очилиши тўғрисида»ги Қарори<sup>263</sup>

<sup>261</sup> Қаранг: Аҳмаджонов М. Ковунчиликлар. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2018. – Б. 80.

<sup>262</sup> Собрание узаконений и распоряжений рабочей-крестьянского Правительства РСФСР. – Москва, 1925. – С. 354–355.

<sup>263</sup> Собрание узаконений и распоряжений Правительства УзССР. – Ташкент., 1927. – С. 212–214.

ишлаб чиқилган. Мазкур қарорлар асосида бутун Республикада бўлгани каби Поп тумани аҳолисини ҳам кўшни ҳудудларга кўчириш ишлари амалга оширилган. 1929 йилнинг баҳорида Чуст ва Поп туманларида 202 та, кузида эса 435 та хўжалик Тожикистонга кўчирилган. Улар Тожикистоннинг Қоратоғ, Янгибозор, Душанбе туманларига қарашли Лоқайтожик, Кубодиён, Саройкамар, Жилликўл, Кўрғонтепа вилоятига қарашли Кўрғонтепа, Чубакпархар, Мўминобод, Кўлоб вилоятига қарашли Кўлоб туманларига кўчирилган. 1930 йилда Чуст ва Поп туманларидан Тожикистондаги «Янгитожик» колхозига кўчиш учун 25, «Сталин» колхозига 22, «Октябрь» колхозига 29, «Қаҳрамон» колхозига 18, «Социалист» колхозига 21, «Қизил Ғайрат» қишлоғига 34, «Икром» колхозига 36, «Комил» колхозига 26, «Охунбобоев» колхозига 36 киши кўчирилган. Аввало, мазкур сиёсат, сургун ва депортациялардан фарқли мажбурий тартибда НКВД, жазоловчи ролида майдонга чиққан Ички ишлар халқ комиссарлиги эмас, Наркомзем, яъни Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан ихтиёрий, тўғрироғи «ихтиёрий-мажбурий равишда» ўтказилганлигини қайд этиш керак.

Урушдан кейинги йилларда аҳолини кўчириш ишлари билан ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Кўчиш ва кўчириш» бошқармаси томонидан амалга оширилган. 1960 йилларга келиб ушбу бошқарма ЎзССР Министрлар Совети ҳузурида «Кўчириб жойлаштириш ва ишчиларни ташкилий равишда ишга қабул қилиш» бошқармаси номи билан атала бошланди. Ушбу бошқарма томонидан 1953 йилнинг ўзида жами 23 та қарор ва фармон ҳамда вилоятлар ижроия қўмиталарига 8 та телеграммалар юборилган. Бу даврда Поп туманидан ҳам 50 га яқин хўжалик Республикага ёки кўшни ҳудудларга кўчирилган.

Советларнинг аҳолини кўчириш сиёсатига қуйидаги таърифни бериш мумкин: аҳолини кўчириш сиёсати ҳукумат томонидан ташкил этила-

диган, унинг стратегик мақсадлари билан уйғунлашиб кетадиган, ихтиёрийлик тамойили асосида аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудлардан ўзлаштирилмаган ёки кам ўзлаштирилган ҳудудлар, шунингдек, янги саноат туманларини ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида аҳолининг кўчирилишидир. Ўзбекистондаги аҳолини кўчириш сиёсати бошқа иттифоқдош республикалардан фарқли энг аввало, «мамлакат пахта мустақиллигини таъминлаш»га қаратилган.

Маълумки, азалдан яшаб келган жойларидан ўтроқ аҳолининг кўчиши осон эмас. Кўчириш фондларининг инсон яшаши учун ноқулай дашт-чўлларда жойлашганлигини ҳисобга олинса, гуллаб-яшнаб турган водийдан аҳолининг ўзлаштирилмаган жойларга кўчишга қарор қилиши ғайритабиий кўринади, тадқиқотчидан қатор саволларга жавоб кутади. Аввало, аҳолини кўчириш сиёсати барча ҳужжатларда фақат ихтиёрий равишда ўтказилиши шарт деб белгиланса-да, амалда уни ўтказишда мажбурлов усуллари қўлланилганлиги аниқ. Тоталитар тузум шароитида, оммавий қатгонлар даврида кўрқувда яшаган халқ буткул итоат қилишга, ҳукуматнинг ҳар бир сиёсатини қўллаб-қувватлашга мажбур бўлган эди. Кўплаб қишлоқларда рўйхатлар деҳқонларнинг рухсатини олмасдан тузилганлиги, деҳқонларнинг «хатга тушдинг, ўтга тушдинг» деб, чор-ночор кўчишга кўнганликлари ҳақида ҳикоялар бугунги кунда ҳам яшаб келаётган воқеанинг қатнашчилари томонидан баён қилиб келинади.

Бундан ташқари, ҳукумат томонидан ваъда қилинган имтиёзлар белгиланган: ернинг сифатига қараб 1, 3 ва 5 йилга қишлоқ хўжалиги солиғидан озод бўлиш, жонли ва жонсиз инвентар ҳамда бошқа мақсадлар учун 10 йил муҳлатга кредитга олиш, қишлоқ хўжалиги солиғидан озод этилган даврда бепул агроном хизматидан фойдаланиш, турар жой билан таъминланиш, маиший хизматлар кўрсатилиши ва бошқалар.

Йўлқира учун 50 сўм, яккабош хўжалик бўлса



25 сўм берилган. Кўчирилувчилар 13-имтиёзли кўчириш тарифи бўйича йўлкиранинг 25 фоизини тўлаганлар, 10 ёшгача болалар бепул ташилган<sup>264</sup>. Хўжаликларнинг юкларини ташишда категориялар белгиланган бўлиб, биринчи категория бўйича ҳар бир кўчирилувчи, жумладан, болаларга 131 кг, иккинчи категория бўйича 164 кг юкни, жумладан, озиқ-овқатни олиб кетишга рухсат берилган эди. Кўчирилувчиларнинг аксарияти камбағал деҳқонлар ҳисобланади ва уларда ортиқча юк бўлмаган. Бироқ бу имтиёзлар моддий асосга эга эмас эди. Зарурий шароит йўқ, унумдор ерларга кўчирилган эди. Уруғлик ва ўғитлар ҳам етишмас эди. Шу боис, кўчирилувчиларни барчаси ҳам ўша ерга ўрнашиб кетмаганлар. Кўпчилиги қайтиб келганлар. Жумладан, Тожикистонга кўчирилган 688 та хўжалиқдан 210 тасигина ўрнашиб қолган, холос.

Хулоса шуки, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳолини уй-жой билан етарлича таъминланган. Шу боис, кўчириб кетилган попликларнинг аксарияти ўз юртига қайтиб келган. Шу билан бирга, Тожикистон ва Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларига кўчирилган попликлар ўша ерга ўрнашганлар. Бу бўйича тадқиқотчилар ҳали кўпгина илмий тадқиқотларни олиб бориши лозим.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ПОП ТУМАНИ

Иккинчи жаҳон урушида ҳам попликлар фаол иштирок этганлар. Улар ҳам фронтда, ҳам фронт ортида қаҳрамонона кураш олиб борганлар. Урушда тумандан 5 минг нафарга яқин киши қатнашиб, улардан 1564 нафарига қадрдон оиласига қайтиш насиб қилмади. Берлин учун жангда

<sup>264</sup> Ботирова Б. Н. XX асрнинг 20–30-йилларида Фарғона водийси аҳолисининг Тожикистонга кўчирилиши // «Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» мавзуйдаги Республика илмий анжуман материаллари. Наманган., 2020. Б. 463.



Президент Ш.Мирзиёев Поп туманида.  
2020 йил, июнь



Поп шаҳри марказидаги 37 метрли байроқ



“Қамчиқ тоннели”, Поп-тумани. 2016 йил



Қамчиқ довори манзараси



Қамишдан ясалган тобут, саркафар



Мунчоқтапа ёдгорлигидан топилган мунчоқлар.  
VI-VII асрлар



Қамишдан тўқилган саватлар



Остадон



Будда ҳайкалчаси



Мунчоктепа



Мунчоктепа. VI–VII асрлар



Хурма.

Муаллиф: Х.Сатимов. Ғурумсарой, 1972 й.  
Ўзбекистон амалий санъат музейида сақланади



Ғурумсарой кулолчилиги намуналари.  
Кулоллар М. Туропов, Х. Сотимов, М. Раҳимов.  
Ўзбекистон амалий санъат музейида сақланади



Фурумсарой қишлоғидаги “Сирли масжид”.  
1848 йил






Гурумсарой қабристони



Ланг қишлоғидағи Лангарбува мазори



Поп тумани Тепакўрғон қишлоғи.  
Ғойиббува мазори



Иномжон Хидиралиев.  
Лондон. 1924 йил



Аҳмаджон Одиллов ва Шароф Рашидов



Чодак масжиди



Попнинг попук қизлари...



Ахиджон Одилов ва Қўлдош ота Жумаев




Арашан кўли



Ҳазрати Боб зиёратгоҳи. 2017–2018 йил



Қамчиқ довони манзаралари



Поп мўъжизалари: “Чир-чир момо” кўзёшлари





Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият  
ходими, поплик rassom Ортиқали Қозоқов  
ижодидан

Йўлдош Розиков, Раҳматжон Фахриддинов, Акбар-али Маюнусов, Маҳмуд Валиев, Холдор Толипов, Раҳмонали Бахрамов, Маҳмуджон Умаров, Иноят Қодиров, Миршаҳодат Отабоев, Ғофуржон Санжаров, Ғанибой Турсунов, Соатали Олимов, Мирзатилла Асатов, Азим Раҳимов, Абдулла Турсунов, Усмон Ҳайдаров, Ғоффор Маюнусов, Сотволди Жўраев, Отажон Ҳасанов, Усмонали Шарипов, Маназар Йўлдошев, Ғофуржон Ниёзов, Усмонали Шарипов, Маназар Йўлдошев, Ғофуржон Ниёзов, Солижон Йўлдошев, Тўланбой Эрийгитов, Комилча Шарипов, Сайфиддин Абдуллаев, Ашраббой Холдоров, Арслон Усмонов, Зуфар Ғазимзянов, Жўрахон Азизов, Муҳаммад Салимгаров каби юртдошларимизнинг хизмати катта бўлган. Бу йигитлар халқимиз ва дунё халқларининг тинчлиги, осойишталиги йўлида Украина далаларида, Беларуссия ўрмонларида, Москва остоналарида, Мамай қўргонларида, Дон ва Дунай соҳилларида, Польша кенгликларида, Германия ҳудудларида ва қанчалаб мамлакатларда абадиятга кўз юмдилар. Поплик учувчи Комилжон Раҳимов ўзининг ёнаётган ҳарбий самолётини душманнинг юк ортилган ҳарбий эшелонига уриб портлатиб юборган. Ҳарбий учувчи Абдуманноп Турдиев душман самолётини уриб туширишда жасорат намунасини кўрсатган. Душман томонидан «тил» тутиб келган, кўплаб муҳим ҳужжатларни қўлга киритган Очилали Ашрапов номи қалбимизда абадий сақланади. Ўқчи ҳарбий қисм пулимётчиси Каримқул Маниёзов ўз қисми билан бир неча марта душман кўршовини ёриб ўтиб, ҳарбий қисмга «тил» олиб келган. У Берлин остонасида 17 марта жароҳатланган бўлса-да ўз юртига қайтиб келган. Яна бир поплик ўғлон Польшадаги жангларда ўнг қўли ярадор бўлиб келган Турсунали Назиров омон қолган чап қўли билан Попнинг далаларида трактор ҳайдаган. Ғурумсаройлик Довутжон Одилов 1941–1946 йиллар давомида армия сафида бўлиб, Туркменистоннинг Кушка шаҳридан урушга жўнаб кетган. У артилерия қўшинларида

Сталинград жангларида фаол қатнашиб, то Берлин остонасигача етиб борган. «Жасорат» медалига сазовор бўлган. Урушдан сўнг Ғурумсаройга қайтиб пахтачилик соҳасида меҳнат қилган.

Эл бошига оғир иш тушган кезларда эркаклар билан бир сафда аёллар ҳам меҳнатлари билан матонат кўрсатдилар. Асалбиби Қурбонова, Умри ая Холбиби Исмоиловалар, Холбиби Бойқўзиёва, Тўпахон Воҳидовалар сувчилик, Сотқиной Бозорова, Бумайрам Тоштемирова, Саодат Йўлчиева, Ҳалимабибилар механизаторларга ёрдамчилик қилишган. Анорбиби Тошматова, Анорбиби Мавлонова, Шаҳринисо Пирматова, Нукрабиби Холиқназарова, Шаҳринисо Бегматова, Аширбиби Мирзараҳматова, Ортиқнисо Воҳидова, Ойимча Мамараҳимова, Гулбиби Отабоева, Мастонбиби Жўраева, Жаҳоний Исаева, Ниёзбиби Раҳмонова каби аёллар кунлик топшириқ ва режаларни икки-уч ҳисса адо этганлар. Уруш йиллари меҳнат frontiда Шодмоний Ботирова, Сотқиной Исаева, Эргашой Эргашевалар раис муовинлари, Умигулсин Холдорова, Ниёзхон Раҳмонова бригадир, Умигулсун Пирматова дала бошқарувчиси, Ўғилхон Холдорова, Ойшахон Исмадияровалар табелчи бўлиб ишлаганлар.

## **АҲМАДЖОН ОДИЛОВ ВА ПОП АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИ**

Поп агросаноат бирлашмаси 1984 йилгача фаолият юритган. Ушбу хўжаликнинг кенгайиши, ривожланиши бевосита унинг Бош директори Аҳмаджон Одиллов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқдир.

Аҳмаджон Одиллов – 1925 йил 21 мартда Поп тумани Ғурумсарой қишлоғида туғилган. У ёшлиқдан етим қолганлиги боис, ҳаётнинг турли қийинчиликларини енгиб ўтишга мажбур бўлган. 1938 йилда отаси Одилжон Фозилов Сибирга сургун қилинган. 1941 йилда тўнғич акаси Довуджон Одиллов урушга кетган. 12 ёшидан оила

боқувчисига айланган. Уни ҳаёт меҳнатсевар, тўғ-  
рисўз, ҳалол бўлишга ўргатди. 14 ёшидан кол-  
хозда тракторчи, ҳисобчи, бош ҳисобчи ва раис  
ўринбосари бўлиб ишлаган.

Урушдан сўнг республикадаги каби Поп ту-  
мани ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир эди. Шу  
боис, туман аҳолисидан тинимсиз меҳнат талаб  
қилинар эди. 1947 йил май ойида Поп тумани  
раҳбарияти йигилишида «Биз майда колхозларни  
йириклаштирамиз» деган ташаббус билан майдон-  
га чиқдилар. Шу боис, колхозлар бирлаштирилиши  
бошланди. Дастлаб Қирчин қишлоғидаги «Қизил  
Ғайрат» «Жамият» колхозига, кейинчалик «Янги  
талаб» колхози «Ворошилов» колхозига қўшилган.  
1948 йилда Пунгон қишлоғида Ленин номли кол-  
хоз қолган эди. 1950 йилда Ғурумсаройда 7 та  
майда колхозлар қўшилиб, Охунбобоев номли  
колхози вужудга келган. «Ворошилов» колхози эса  
1953 йилда Охунбобоев колхозига қўшиб юборил-  
ган.

Пунгон қишлоғидаги Ленин номли колхоз хий-  
ла кичкина эди. Бу колхозда кадрлар етишмов-  
чилиги, техника сотиб олишга қурби етмаслиги  
туфайли 1957 йилда бу колхоз ҳам Охунбобоев  
номли колхозига қўшиб юборилган. Ушбу колхоз  
таркибига Ғурумсарой, Тепақўрғон, Қирчин, Мо-  
зор, Янгичек, Тикарик, Пунгон қишлоғи аҳолиси  
кирган. 1974 йилда Ленин номли колхоз давлат  
хўжалигига айлантирилган. Бир йилдан сўнг эса  
унинг Ленин номли совхоз-техникуми номи би-  
лан алмаштирилган. Водий қишлоғидаги «Москва»  
колхози ҳам ушбу савхозга қўшиб юборилган.  
«Москва» колхози таркибига Янгиобод, Янгиер,  
Қизилчорва, Хонобод, Чодак, Резак ва Гулистон  
қишлоқлари бўйсунган эди. Ленин номли сов-  
хоз-техникумини ташкил этилиши билан бирга  
хўжалик базасидан ўрта махсус кадрлар тайёрлаш  
ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Худди шундай сиёсат Поп туманининг бошқа  
ҳудудларида ҳам амалга оширила бошлаган. Санг  
қишлоғидаги Мамажон Жиримов раислигидаги

«Шимолий Фарғона канали» колхози фаолият кўрсатарди. 1947 йилда бу қолхозга Қурбонбой Абсолиев раис этиб сайланган. Анчагина кичик бўлган бу колхоз 1953 йилдан кейин Тўда қишлоқ жамоа хўжалиги билан бирлашган. «Сирдарё» колхозига Носирали Тоштемиров раис эди. 1950 йилда бу колхоз ҳам «Янги давлат» номи колхозга бирлашган. Хўжаликка «Сталинград» деб янги ном берилган. Унга Маматқул Ҳайдаров раис қилиб сайланган.

XX асрнинг 70-йилларида Ғурумсарой қишлоғида Ленин номи колхоз базасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун собиқ Иттифокда биринчилардан бўлиб, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг илғор формаси барпо этилган. Колхоз собиқ СССРнинг энг олий мукофоти – Ленин ордени билан тақдирланган бўлиб, республикадаги ягона хўжалик ҳисобланган.

Ушбу йўналишда Поп агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг ғоявий ташкилотчиси ва етакчиси Аҳмаджон Одилов эди. Бирлашма янги замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимини такомиллаштирилган ва қишлоқларда саноатни ривожлантирадиган формаси эди. Бирлашма ҳудуди 373000 гектар экин ер ва яйловлардан иборат бўлиб, 14 та совхоз, 17 та турли ишлаб чиқариш корхоналарини ўз ичига олган. 40 мингдан ортиқ киши меҳнат қилган.

Аҳмаджон Одилов худди қадимдан мавжуд бўлган маҳаллий бошқарув органи ҳисобланган оқсоқоллик тизимини ярата олган. Оқсоқоллик жамоа бўлиб яшаш туйғуси кучли бўлган кишиларни ўз фаолияти орқали бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилган. Оқсоқоллар қадимда уруғ-жамоа бошлиғи ва кейинги даврларда нуфузли аёнлар тоифасига киритилган. Марказий Осиёда оқсоқоллар азалдан халқ томонидан сайланган, шу билан бирга, ҳукмдорлар билан халқ орасида воясита ҳам бўлган. Оқсоқол деган вазифа ижтимоий, ирригация, савдо ва хўжалик тизимида

ҳам ишлатилган. Масалан, ариқ оқсоқоли, бозор оқсоқоли ва ҳоказо. Ушбу ном халқимиз орасида узоқ ўтмишдан буён жамоани бошқаришда фойдаланилган ва миллий анъана сифатида сақланиб, унинг функцияси ҳамда ваколатлари шаклланиб борган. Шунинг учун ўрта асрларда кўп соҳаларни бошқаришда оқсоқол деган номдан фойдаланилган.

1978-1984 йилларда Ғурумсарой қишлоғидаги Ленин номи совхоз-техникуми базасида агро-ноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади. Бирлашма таркибида қуйидаги совхозлар фаолият олиб борган:

1. Ғурумсарой қишлоғида техникум;
2. Пунгон қишлоғида Генерал Узоқов номи совхоз;
3. Чодак қишлоғида «Чодак» совхози;
4. Қўшҳовуз массивида «Беруний» номидаги совхоз;
5. Чодак қишлоғида «Арашон» совхози;
6. Чоркесар қишлоғида «Асал» совхози;
7. Навбахор шаҳарчасида «Навбахор» совхози;
8. Янгиер қишлоғида «Москва» совхози;
9. Чоркесар ва Янгиер қишлоқлари чегарасида «Қирғизистон» номи совхоз;
10. Чодак қишлоғида «Ибн Сино» номи совхоз;
11. Қирчин қишлоғида «Тошкент» номи совхоз фаолият олиб борган.

Ушбу хўжалик Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмида, Қурама тоғлари ва Сирдарёнинг ўнгу чап қирғоқлари ерларини қамраб олган ҳудуд бўлиб, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарадош ҳамда Қамчиқ довонида Тошкент вилоятига туташганди. Наманган вилоятининг тахминан қирқ фоизга яқин майдонини ташкил қилган<sup>265</sup>. Хўжаликнинг қанчалик улкан одимлар билан ривожланганлигини қуйидаги қиёслаштиришдан ҳам кўрса бўлади. Бутун бошли Сан Марино давлати-

<sup>265</sup> Одилов А. Нима қилсам, халқим учун қилдим... (Тўплаб нашрга тайёрловчи Анвар Аҳмаджонов). – Тошкент: «GOLD-PRINT NASR», 2018. – Б. 142.

нинг умумий майдони 60 ярим квадрат км бўлса, бу хўжаликнинг умумий майдони 135 квадрат км бўлган.

Бирлашма таркибидаги собиқ «Тошкент» совхозининг директори Мўминжон Одиллов<sup>266</sup> ҳикоя қилишича, «Бизнинг совхоз сутчиликка ихтисослашган бўлиб, 50 гектарли майдонда «Қирчин чорвачилик комплекси» барпо қилинган эди. Комплекс ўша даврнинг энг илғор технологиялари асосида 1000 бош сизирга мўлжалланган эди. Чорвадорлар учун посёлка қурилган эди. Биз, Одилловлар қамоқдан чиққан имизда чорва комплексидан асар ҳам қолмапти. Ҳатто биноларнинг бетон пойдеворлари ҳам кўчириб олиб кетилган. Яхшиямки, аҳоли яшайдиган уйларга тегишмабди. Сизирлар, зотдор отлар ва техник жиҳозлар изсиз йўқолган».

XX асрнинг 60–80-йилларида Ғурумсарой қишлоғида халқнинг маиший таъминоти шаҳарниқидан қолишмас эди. Барча хонадонларга 1,5–2 қаватли бинолар қурилган, газ, сув ва электр ўтказилган, йўллар, то дала шийпонларигача асфальтланган.

Қишлоқ фаолларидан, 72 ёшли Шокиржон Тоштемиров (шифохона собиқ бош врач) айтишича, «Ғурумсаройда қурилган шифохона, баъзи туман марказларида ҳам йўқ. 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион, 2 та коллеж, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт коллежлари ишлаб турибди. «Жийдалисой» сув омбори қурилиб, бу сув омборига Чодаксойнинг сувлари лотоклар орқали олиб келинган. Кўриқ ва тошлоқ ерлар ўзлаштирилган. Фақатгина «Аччиққўл» массивида бир туман ташкил қилинса бўладиган кўриқ ерлар очилиб, «Навбахор» шаҳарчаси бунёд этилган».

Пунгон–Ашт чўлларида насослар ва йирик диаметрли трубалар орқали Сирдарё сувлари чиқарилиб, Хонобод қишлоғи ғарбида янги шаҳарча

<sup>266</sup> А.Одилловнинг укаси, 8 йил суд ҳукмисиз собиқ Иттифок қамоқхоналарида ўтирган.

барпо қилинган, дейди собиқ Йўлдашали Тўраев<sup>267</sup>. Чўлқувар халқимиз янги ерларга «Ғолиблар» деб ном берган. Шаҳарчани Шароф Рашидов номлаган бўлиб, ҳозирда уни «Кўшминор» деб аталади. «Оби ҳаёт» номли 220 киловольт юқори кучланишлик йирик электр насос станция қурилган. Шу даврда, Аҳмаджон Одиловнинг шахсан ташаббуси ва иштирокида Ашт–Наманган йўлининг Попгача бўлган қисми хўжалик ҳисобидан қурилиб битрилган.

**Чўл қўйнидаги шаҳар.** Поп туманидаги «Навбахор» шаҳарчаси деганда бевосита Аҳмаджон Одиловнинг ташаббуси ва попликларнинг машаққатли меҳнати кўзга ташланади. У 1972 йилнинг охирида Марказий Фарғона чўлидаги Аччиққўл массивида ер очиш, боғ-роғлар яратиш ишларини давлат маблағларисиз бошлаган эди. Кейинчалик бу массивдаги ишларни ўша давр ҳукумати раҳбари Шароф Рашидовнинг ўзи бориб кўргандан сўнг давлат хазинасидан пул ажратишга кўрсатма берган эди. 1973–1975 йиллар давомида 26 млн сўмлик маблағ асосида «Навбахор» шаҳарчаси барпо этилган. Ўша даврда Аҳмаджон Одилов шундай деган эди: «Ҳаммаси бўлиб салкам икки минг гектар ерни ўзлаштирдик. Ҳали тўлиқ ўзлаштириб, ишга тушириб юбордик дея олмаймиз. Ўзлаштирилган ернинг ярмидан кўпига пахта экдик. Бу йил камида икки минг тонна пахта берамиз. Икки юз эллик тонна шоли, беш юз тонна ғалла, икки юз тонна қовун-тарвуз... ўттиз звено тузганмиз. Ҳозир бу даштда беш юздан ортиқ йигит-қиз ишляпти».

Навбахор – Аҳмаджон Одилов қурмоқчи бўлган ўн олти марказлардан бири бўлиб, бу ном ҳам Шароф Рашидов томонидан қўйиб берилган. Ўшанда Шароф Рашидов шундай деган эди: «Аччиққўл... халқимизнинг аччиқ ўтмиш ҳаётини ўқиш мумкин, мана бу нигоҳ илғамас қумтепалар, ачима қўлчаларни кўриб, оёқ остида қарсиллаб синаёт-

<sup>267</sup> У ҳам 7 йил қамокда ўтириб чикқан, суд қарори билан оқланган.



ган аччиқ шўр ҳам ўша ўтмишдан ҳикоя қилади. Ўн минг гектардан ортиқ ер-а... энди бу ерлар Аччиққўл эмас, Навбахор бўлсин, ер очиш билан бирга, шу номга лойиқ шаҳар ҳам қурунглари!»<sup>268</sup>.

Навбахор шаҳарчасидаги майдонча ўртасида катта мрамартошдан монумент ўрнатилиб, унга «Навбахор», деб ёзиб қўйилган. Чўлқуварлар номидан келгуси авлодларга битилган мактуб ҳам шишага солиниб, шу монумент пойдеворига қўйилган.

Навбахорда дастлаб 6 та сув насослари олиб келиб ўрнатилган. Минглаб инсонлар бу ерга янги қурилган уйларга кўчиб келганлар. Улар учун марказий шифохона, боғча, мактаб, билим юрти қурилди. Балиқчилик, чорвачилик, деҳқончилик ривожланган. Кўплаб инсонлар шу ерда бахт топганлар. Ҳозирда Навбахор шаҳарча сифатида Поп туманидаги маъмурий марказлардан бири ҳисобланади. Ушбу чўлни ўзлаштириб, янги шаҳар бунёд этган Аҳмаджон Одидов ва унинг ҳамроҳлари тасанно айтиш керак.

### **Попнинг попук қизлари...**

Ушбу шеър 1971 йил август ойида Поп туманига келган Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла томонидан ёзилган. У фидокорона меҳнатлари билан донг қозонган ажойиб қизларни кўриб, улар жамоли ва камолидан шундай мутаассир бўлганки, ҳатто ўша ернинг ўзидаёқ ўлмас кўшиқлардан бирининг куйидаги сатрлари туғилган эди:

Эй, субҳи сабоҳ еллари, тўхтанг, менга навбат,  
Тингланг мени, Поп ерлари, менга навбат!

Шоирнинг «Уч дугона» деб номланган шеъри Маҳпират Сулаймонова бошчилигидаги ёшлар бригадасининг дала шийпони ёнидаги сарҳовуз олдида ёзилган. Бу ҳақда Маҳпират Сулаймонова шундай деган эди: «Шийпонга келган меҳмонлар билан салом-алик қилиб бўлгунга қадар шоир

<sup>268</sup> Қаранг: Одидов А. Нима қилсам, халқим учун қилдим... (Тўплаб нашрга тайёрловчи Анвар Аҳмаджонов). – Тошкент: «GOLD-PRINT NASR», 2018. – Б. 29.

Сарховуз бўйида гулу райхонларга термилиб қандайдир завқ билан ёзарди. Келган меҳмонлар орасида мусобақадош дугоналарим Анорхон, Замира ҳам бор эди. Шоир бу икки дугонам билан танишди, салом-алиқдан сўнг уларни шеърга киритиб шундай дедилар: «Мана олти мисра шеър, дея қоғоздаги қораламани ўқий бошладилар:

*Сарховузни бўйларида учарми ғоз,  
Чаман бўлиб уч дугона этса парвоз,  
Уч дугона, уч моҳир ўй, уч пахтакор,  
Уч даламиз таровати, уч сарвиноз,  
Попнинг попук қизларига яли-яли,  
Ширмонойнинг изларига яли-яли».*

– Ҳе, раҳмат. Яшанг, боплабсиз-ку, – дея ҳамма олқишлашди. Дугоналарим Анорхон, Замиралар ҳам ўз режалари, ишлари билан ўртоқлашди. Шу пайтда шоир яна шеър ўқий бошлади:

*Сирдарёнинг бўйларида уйларингиз,  
Оқаришиб кўринади бўйларингиз,  
Анормисиз, Маҳфурами, Замирами,  
Ширмонойнинг изларига яли-яли  
Попнинг попук қизларига яли-яли,  
Ширмонойнинг изларига яли-яли.*

Яна завқландик. Биз бир оз ишларимиз билан бир-биримизни таништириб, шоирни холи қўйдик. Шоир кайфияти анча яхши, қоғоздан бош кўтармай қайта-қайта ўқиб баъзи ўринларини тузатар эди.

– Мана энди шеър тайёр, қолган қисмини ўқиб берай, кейин тўла-тўқис эшитасизлар.

*Сарховузнинг бўйларида гуллар чаман,  
Дугоналар дийдорига йўллар чаман,  
Меҳр билан яшнаганда далалари,  
Йўллар нечук, диллар чаман, гуллар чаман,  
Попнинг попук қизларига яли-яли,  
Ширмонойнинг изларига яли-яли.*

Энди шеърнинг ҳамма сатрларини умумлаштириб, тўлиқ ҳолда шоир табассум билан ўқиди.

Хонанда Дилором Қаюмова биринчи бўлиб «Уч дугона» билан ёзилган кўшиғини ижро этган.

Шоир Туроб Тўла ёзган «Попнинг попук қизлари» кўшиғи бутун Ўзбекистонда машҳур бўлиб кетди, уни радио ва телевиденида таниқли кўшиқчилар ижро этдилар. Ўзбекистон халқ рассоми, академик Азиза Маматова<sup>269</sup> ҳам шу шеър ва кўшиқдан илҳом олиб, 1973 йилда Попга келган. Бу ҳақда у шундай ёзган эди: «*Мана шу реклама компанияси туфайли мен 1973 йил кузида Наманган вилояти Поп туманига бориб машҳур кўшиқ қаҳрамонлари билан танишиш ва улар ҳақида асар яратишга қарор қилдим. Кўз олдимда чексиз пахта майдонлари намоён бўлди, бу майдонлардаги ғўзаларга машинада пахта теришни осонлаштириш учун уларнинг баргини тўкиш мақсадида кичикроқ самолётларда заҳарли дорилар (дефолиантлар) сепилган эди. Шу далаларда ёш қизлар (19–20 ёшда) машинани бошқариб пахта тераётган эди. Идорага келиб, бу ердаги навбатчига мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов томонидан совхоз раҳбари номига ёзилган хатни бердим. Бу хатни менга совхозга кетишимдан аввал у ердаги раҳбариятга тақдим этиш учун берган эди. Суратда марказда тасвирланган Анорхон исмли қиз совхоз директорининг ёрдамчиларидан бири эди. Уни идорага чақиритиб менга ҳамроҳликни топширишди. Хатнинг мазмунини Анорхон менга гапириб берди, унинг айтишича, мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва рассомлар уюшмаси томонидан механизатор қизлар ҳақида асар чизиш учун материал тўплашга юборишгани ва энг муҳими, мени Тошкентга ўз вақтида эсон-омон қайтариб юборишлари тўғрисида ёзилган эди. Мен бу пайтда асарим қаҳрамонларидан бир оз каттароқ, 25 ёшда эдим.*

<sup>269</sup> Маматов У. История одной жизни. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №5, 2014. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS\\_5\\_8-15.pdf](http://www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS_5_8-15.pdf)

*Пахта териш мавсуми пайтида далаларда ишлаш жадвали қатъий белгилаб қўйилар эди. Эрталаб соат 5 да қизлар машиналарга ўтирарди ва ишни кечки соат 6–7 да тамомларди. Эрта тонгдан тун қоронғисигача ишлашар эди. Уларнинг кўтаринки кайфияти, ўзининг оғир меҳнати билан мамлакатнинг ёрқин келажagini яқинлаштираётганлигига ишончи мени ҳайратга соларди ва буларнинг барчаси уларни асарда асрларга муҳрлаб қўйишга арзирди. Улар ўзгача гўзал эди!*

*Мен 1974 йили «Механизатор қизлар» асаримни чиздим»<sup>270</sup>.*

XX асрнинг 70–80-йилларида Поп туманига Ўзбекистон халқ шоирлари Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, ёзувчилардан Одил Ёқубов, Йўлдош Шамшаров, Иброҳим Раҳим, санъаткорлар, рассомлар келишган. Уларнинг кўпчилиги ўша даврда Поп туманида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида очерклар, ҳикоя, қисса, роман, кўшиқ ва санъат асарлари яратганлар. Бу ўзгаришлар тепасида Наманган вилояти Ленин номидаги Агросаноат бирлашмаси раиси Аҳмаджон Одилов бўлиб, у 56 ёшида 1984 йил 13 августда Наманган вилояти Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида хибсга олинган, Б.Е. Свидерский бошчилигидаги тергов гуруҳи (200 дан ортиқ киши) бу ишни 6,5 йилдан зиёд кўриб чиқди. Тергов жараёнида 180 киши қамоққа олинган. 1991 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов СССР Олий судининг раиси Е.А. Смоленцевга мурожаат қилиб, мазкур ишни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказишни қатъият билан сўрайди<sup>271</sup>. 1991 йил 25 ноябрда СССР Олий судининг мажлислар залида навбатдаги жараён бошланиши билан суд ҳайъати раиси А.М. Бри-

<sup>270</sup> Маматов У. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари (XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари). – Тошкент: Mumtoz so'z, 2018. – Б. 28–29.

<sup>271</sup> Муҳторов А. Қамоқда сақланаётган эркинлик // «Халқ сўзи», 1991 йил 19 ноябрь.

зицкий маҳбус А. Одилов ишини кўришга Тошкентга кўчиришга қарор қилинганини айтди<sup>272</sup>. А. Одиловнинг айблаш бўйича жиноий ишни тинглаш 3 декабрь куни Тошкентда давом эттирила бошланди. СССР Олий суди жиноий ишлар судлов ҳайъатининг сайёр мажлиси СССР Олий суди аъзоси А.М. Бризицкий раислигида ўтди<sup>273</sup>. Ниҳоят, 1991 йил 24 декабрда суд мажлисида раислик қилувчи Бризицкий ака-ука Аҳмаджон ва Мўминжон Одилов<sup>274</sup>лар, Абдурахмон Ҳамроқулов ва Ўлмас Холдоровни айблаш бўйича жиноий ишни кўриб чиқишни Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказиш ҳамда барча судланувчиларни қамоқдан чиқариш ҳақидаги ажримни ўқиб эшиттирди<sup>275</sup>. А. Одилов 67 ёшида қамоқдан озод этилди. Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан у 1992 йил февралда реабилитация қилинди. А. Одилов Москвадаги тергов жараёнида ўзининг айбсиз эканлигини исботлади ва бошқа қамоққа олинган аксарият ўзбекистонликлардан фаркли равишда ҳеч кимга қарши нотўғри кўрсатма бермади ва ҳеч кимни айбсиз равишда порахўрликда айбламади. А. Одилов 93 ёшида 2017 йил 27 сентябрда Поп туманидаги ўзи туғилиб ўсган Ғурумсарой қишлоғида вафот этди<sup>276</sup>.

Шу ўринда наманганлик ҳаваскор шоир Шокирийнинг Аҳмаджон Одиловни эслаб қуйидаги сатрлар ёзганлигини кўриш мумкин:

---

<sup>272</sup> Одилов иши Тошкентда кўрилади // «Халқ сўзи», 1991 йил 26 ноябрь.

<sup>273</sup> Суд Тошкентда давом этмоқда // «Халқ сўзи», 1991 йил 5 декабрь.

<sup>274</sup> Аҳмаджон Одиловнинг укаси Мўминжон Одилов ҳам саккиз йил совет қамоқхоналарида ҳеч қандай суд ҳукмисиз ётган.

<sup>275</sup> Ҳақиқат суддан чўчимади // «Халқ сўзи», 1991 йил 25 декабрь.

<sup>276</sup> Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991 йиллар. – Тошкент: «O'ZBEKISTON», 2019. – Б. 191–192.

*Қўриқ ердан боғ яратган,  
«Оқ олтин»дан тоғ яратган.  
Дунё бўйлаб донг таратган,  
Аҳмаджон отани соғиндик,  
Қаҳрамон отани соғиндик<sup>277</sup>.*

«Одиловлар иши» деган суд жараёни ҳақида гапирилганда, А. Одиловнинг укаси Мўминжон Одиловнинг ҳам саккиз йил собиқ совет қамоқ-хоналарида, суд ҳукмисиз чеккан заҳматларию, адолатсизликларига берган бардошлиklarини эслаб ўтиш керак. Шу ўринда таниқли журналист О. Номозовнинг «Одиловни отмоқчи эдилар» деб номланган китобида бу ҳақида шундай ёзилган: «Салкам саккиз йил қамоқда ўтириш жараёнида нафақат СССР, Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодекслари, балки қардош республикалар қонунларини-да сув қилиб ичиб юборган Мўминжон Одиловнинг ҳақли саволлари, луқмалари уни чарчатиб, силласини қуритган эди. Бризицкий йиғлаворгидан берироқ ҳолатда судни бошқарар, сўзлари ҳам қовушмай қолганди. Суд раиси ва давлат қораловчиларининг ўша пайтдаги ҳолатини ўзи тўқиган беҳад улкан ва жимжимадор тўрга ўзи илиниб қолиб, чиқиб кетиш йўлини тополмай тинмай типирчилаётган ўргамчакка қиёслаш мумкин эди»<sup>278</sup>. Адвокатлар Рустам Ёдгоров, Юсуфжон Мусаев, Абдусалом Йўлдошевларни Марказнинг қатағон сиёсатини ўтказувчи идораларга жасорат билан, қонун доирасида кураш олиб борганлиги таҳсинга сазовордир.

<sup>277</sup> Қаранг: Аҳмаджонов М. Қовунчиликлар. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2018. – Б. 84.

<sup>278</sup> Номозов О. Одиловни отмоқчи эдилар. – Тошкент: Янги китоб, 2019. – Б. 53–54.

## ПОП ТУМАНИГА ТЕХНИКАНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА САНОАТЛАШТИРИШ

Поп туманига биринчи трактор 1928 йилда келган. Ўшанда туман раҳбарларидан бўлган олмослик Султонмурод Музаффаров шундай деган экан: «Ўт омов» келдики, деҳқон бел букмайди». Биринчи келтирилган американинг трактори «Фордзон» бўлиб, эл орасида уни «Ўт омов» деб номлашган<sup>279</sup>. Санг қишлоғига Луқмонхўжа Миррайимов исмли киши «Фордзон»ни руслар билан бирга миниб келган<sup>280</sup>. Кейинчалик Поп туманига «ХТЗ», «ЧТЗ» каби тракторлар ҳам кириб кела бошлади. Бу тракторларни маҳаллий аҳоли «Жондор» деб ҳам аташган. «Ўт омов»ни кўриб, ёқасини ушлаб ҳайрон бўлганларнинг ўзлари 1932 йил келиб, тракторларнинг «пир»лари бўлиб олишди. 1929 йилда туманда трактор колоннаси, 1932 йилда Машина-трактор станцияси (МТС) ташкил қилинган.

1932 йилдан туманда тикувчилик ва темирчилик цехларидан иборат бўлган собиқ «Қизил Юлдуз» ҳунармандчилик артели ташкил топган бўлиб, уруш арафасида маҳаллий саноат тармоғи бунёд этилган. Унинг иккиси ҳам туман марказида жойлашган ва қишлоқ жойларида цех ҳамда филиаллари фаолият кўрсатарди. 1945 йилда ҳозирги Уйғурсой шаҳарчасида руда кони ишга туширилди. Поп станциясида электр энергияси ишлаб чиқарувчи станция (ТЭЦ) қурилган ва фойдаланишга топширилган. Унинг ёрдамида бир қатор қишлоқлар, шунингдек, МТСни электрлаштириш имконияти яратилди.

Урушдан сўнг бутун Республикада бўлгани каби, туманда ҳам қайта тиклаш ишлари олиб борилган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантириш, аҳолининг маиший

<sup>279</sup> Ортиқов Э. Наманган область Поп районидаги Ленин номли колхознинг тарихи. – Тошкент., 1975. – Б. 12.

<sup>280</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. – Наманган., 1997. – Б. 51.

аҳволини яхшилаш борасида албатта техниканинг янги вариантлари керак эди. Шу билан бирга, саноатлаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим бўлган. Туманда бир қатор саноат корхоналари қурилиб ишга туширилган. Жумладан, Уйғурсой резина-техника буюмлари, ғишт, асфальт, пахта тозалаш заводлари, ўрамли том ёпқич ашёлари, нотўқима матолар, дон маҳсулотлари камбинатлари, 2, 131, ПОП, 139-механизациялашган кўчма колонналар ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш ҳамда қурилиши, шунингдек, хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилган.

Ўрумсаройликлардан Саидазим Ғаниев, Эшон Исмоилов, Мирзаабдулла Ҳамроқулов кабилар «тракторчиликнинг сувини ичиб» юборган эдилар. Улар қаторида ўрумсаройлик аёллардан Султонпошшо Ғаниева, Файзинисо Қудратова, Ҳалимабиби Қосимова ва бошқалар ҳам трактор рулига ўтиришган. Улар уруш йиллари эркаклар ўрнига тракторга миниб, далаларда меҳнат қилганлар. Сангдан Икромали Арслонов, Қодир Ҳошимов, Шербой ва Турсунбой Назиров, Ортиқ Носиров кабилар механизаторлик қилишади<sup>281</sup>.

1950 йиллардан бошлаб колхозларда кам қувватли «СТХЗ» ҳайдов тракторлари ўрнига катта қудратга эга бўлган «АТЗ» ва «СТХЗ-НАТ»и ўрмаловчи ҳайдов тракторлари олиб келинган. Тракторларни кўпайиши билан ерга ишлов бериш кенгайиб борган. 1957 йилда Ленин номли колхозда «ДТ-54» ва учта «ДТ-24» трактори мавжуд эди. Бу тракторларни Мелиқўзи Умрзоқов, Усмон Ғойназаров, Сайдали Эргашев, Мирзаабдулла Ҳамроқуловлар ҳайдар эди. 1927 йилда туғилган ўрумсаройлик Мелиқўзи Умрзоқов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонларини олган. У ўрумсарой хўжалигида механизатор, комплекс механизациялашган бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. У собиқ СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон ҳукумати аъзо-

<sup>281</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. – Наманган., 1997. – Б. 51.



си эди. Унинг номи ҳозирда қишлоқ фуқаролар йиғинига берилган<sup>282</sup>. У ҳақда Аҳмаджон Одиллов шундай деган эди: «*Шу машиналарни ҳаракатига разм солиб ўтирсам, кўз олдимга раҳматли Мелиқўзи келаверади. Унинг устозлари, сафдошлари назардан бир-бир ўтади. Мелиқўзи билан тенгдош, синфдошим эди. Мен колхознинг иқтисодини ўрганиш учун бухгалтерлик курсига, у тракторчилар курсига жўнадик. Иккимиз колхоз ишининг икки соҳасида. Отаси Умрзоқ полвон бригадаси олдига тушадигани кам эди. .. ўн тўрт ёшида ошла унга қараб қолди. У ўзини аямайди, интилган ишини охирига етказмагунча тинчимайдиган меҳнаткаш тракторчи бўлди. Қишлоққа келган дастлабки пахта териш машинасини у минди. Кечагидай кўз олдимда, пахтани машинада тоза, тез терадиган устакор механик-ҳайдовчи бўлгунча не-не машаққатга бардош бермади, не-не маломат эшитмади. Ҳаммасига чидади, халол, фидокор эди».*

Ушбу колхозда «МТС» деб аталган улкан саройда тракторлар сақланган. Унга дастлаб темирчилар авлоди бўлган Мирзаабдулла Ҳамроқулов раҳбарлик қилган. Сайдали Эргашев эса гараж мудири бўлган. Секин-аста электр пайвандчи бўлиб, Раҳимжон Турсунов, Ўлмасбува Ҳамроқулов, Низомжон Ўлмасов, Эсонали Холматов, Турғунали Дехқонов, Ҳокимжон Дехқоновлар чилангарликка, Турдали Мадраҳимов тракторчи бўлиб, Жалилбой Жўраев, Раҳимберди Каримов, Жангилбой Жўраевлар темирчи уста, Қодирхўжа Қаландаров пайвандчи, Турсунали Холматов ямоқчи бўлиб ишга кирганлар. Тракторларнинг кам-кўсти шу ерда бўларди. Бузилса тузатилар, ёнилғи олинар, шу ердан қаерга бориш кераклиги белгиланар эди. Далаларни ҳаракатлантирадиган, тоғдаги чўпонларни узоғини яқин қиладиган, шаҳарга, дам олиш уйи қурилишига қурилиш моларини олиб борадиган машина ва тракторлар шу ерда эди. 1957 йилда атига тўртта тракторга эга бўлган

<sup>282</sup> Маткаримов М., Курбонов Қ. Ғурумсаройнома. – Фарғона., 2005. – Б. 100.

колхозга 1967 йилда 147 та турли техника воситалари келтирилган. 1957 йилда колхозда механизаторлар курси очилган. Унда 100 дан ортиқ ёшлар ўқиган.

Туманда саноатлаштириш жадал олиб борилган. 1970 йилнинг 4 майида Шароф Рашидов давлат аҳамиятига эга бўлган Чодак маъдан конини очилишида қатнашиб, нутқ сўзлайди. Бу ерда ишчилар шаҳарчаси Олтинкон қурилган. 1981 йилда Ҳалқобод шаҳарчасида нотўқима материаллар фабрикаси ишга туширилган. Мазкур корхонада дастлаб 4 хил ассортиментда нотўқима матолар ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик маҳсулот тайёрлаш турлари 11 хилни ташкил этди. 1983 йилда фабрика халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш цехи иш бошлаб, бу ерда асосан қолдиқ нотўқима матолардан ҳар хил салфеткалар, дастурхон ва кўплаб шу каби маҳсулотлар тайёрланди. 1993 йил июнида фабрика ўз кучи билан бир ойда 200 минг сўмлик нотўқима матолар тайёрлайдиган цехни ишга туширди. Яна бир янги цехга тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилиб, кўйлакли материаллар ишлаб чиқарила бошланди. Умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлган иккита бино қурилган. Шу йилнинг июль ойида Поп нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Туманда 1961 йилда ейилиб ишдан чиққан шиналарни қайта тиклаш Поп бирлашган заводи қурилиши бошланиб, 1967 йил охирида шина таъмирлаш тизимига ўтилган. 1972 йилда завод номи «Изокровля» деб ўзгартирилган. Завод том ёпқичлар (қора қоғоз), рубероид, мастика тайёрлашни йўлга қўйган. Март ойида «Изокровля» номи «Ўзбеккровля» деб ўзгартирилган. 1994 йилдан буён корхона ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати номи билан аталган.

## «ХАЁТ ЙЎЛИ» ЁХУД ҚАМЧИҚ ДОВОНИ ТАРИХИДАН

Қамчиқ довони Тангри тоғнинг Қурама тизма-сидаги сув айирғич қисмида жойлашган. Бу довон океан сатҳидан 3769 метр баланддадир. «Қамчиқ» сўзи луғавий жиҳатдан «кемшик» ёки «синиқ чети чиққан» деган маъноларни билдиради. Унинг атрофида яна Резак ҳамда Қизилча довонлари ҳам мавжуд. Уларнинг ичида энг баланди Қамчиқ довони ҳисобланади. Бу йўл ҳозирда Тошкент воҳаси ҳамда Фарғона водийсини боғлаб туради.

Фарғона водийсини Тошкент, азим пойтахт орқали Қозоғистон ва бошқа ўлкалар билан боғловчи тоғлар оша Қамчиқ довонидан ўтадиган бу йўлни йўлсозлар ўз шеваларида «А-373», оддий халқ «хаёт йўли» деб атайти. У йирик халқаро йўлдир. Мамлакатимиз пойтахтидан бошланиб, Ўш ва Жалолобод шаҳарлари орқали Хитойга, яъни Қашқарга бориб туташади. Қадимда ота-боболаримиз ундан туя карвонларида, отда, пиёда катнаган. Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг машҳур «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони Отабек ҳам Марғилонга, севгилисиди Кумуш ҳузурига шу йўлдан борган бўлса, ажаб эмас. Бу тоғлар, довонлар орқали ўтадиган йўлдан юриш ҳамиша ҳам осон бўлмаган. Яқин ўтмишда ҳам у киши ойларида ёпиб қўйилар, куз ва баҳорнинг ёгингарчилик кунларида ундан жуда эҳтиёткорлик билан юриларди. Тоғ кўчкилари, қор уюмлари йўлни тўсиб қўйган, селу жалалар уни бузиб кетган ҳоллар ҳам кўп бўлган. Сир эмас, баъзи йўловчилар фалокатларга ҳам учраб турарди.

Буюк Ипак йўлининг олтин йўли йўналиши Кандир ва Сардоб довонлари орқали ўтган. Бу довонлардан тинмай савдо карвонлари катнаган. Улардан биринчиси Кўрпасой, Шовғозсой қуйилиши жойидан Кандирсой орқали Кандир довони бўйлаб Аштга, ундан Панғоз ва Шайдонга, сўнг Қўқонга етиш мумкин. Иккинчи довон Қорақиясой ва Қўйликсой бўйлаб Оқтош ва Эрматсой, Сардоб

довони орқали Курама тизма тоғи ва Мевултов тоғлари оралиғи билан Табошар, Консой, Чорух-дойрон масканлари оша Хўжандга ўтиб келинган.

1947–1950 йилларда Наманган вилоят партия комитети биринчи котиби бўлиб ишлаган Нуритдин Мухитдинов (1917–2008) ўз эсдаликларида, Қамчиқ довонидан ўтган йўл азалдан мавжуд бўлганлигини таъкидлаб шундай ёзган эди: «Ўша кезларда Буюк Ипак йўли фаолият кўрсатиб турган даврларда Чотқол тоғ тизмасининг икки этагида жойлашган Тошкент ва Наманган вилоятлари бир-бири билан Қамчиқ довони орқали ўтадиган бевосита йўл орқали боғланганлигини билиб қолдим. Бундан бир неча минг йил муқаддам юк ортилган туя қарвонлари Хитойнинг Фарбий Оврўпага ва Фарбий Оврўпадан Хитойга ҳудди мана шу йўл орқали ўтган. Сўнгги йилларга келиб, йўл ниҳоятда ҳароб аҳволга тушиб қолган, у шу даражада тора-йиб кетгандики, у ердан эшакда ёки отдагина базўр юриш мумкин эди. агар Тошкентдан Кўқонга, ёки Наманганга поездда бориш учун бир-икки кеча-кундуз вақт талаб қилинса, тоғ йўли тикланса, бу масофани машинада 3-4 соат ичида босиб ўтиш мумкин бўлади. Тошкент вилояти раҳбарлари билан келишиб, тўрт кишидан иборат биз, наманганликлар шу йўл бўйлаб отлиқ йўлга чиқдик. Йўлда уч марта тўхтаб, дам олдик. Бир гал Қамчиқ довонининг ўзида ҳордиқ чиқариб, иккинчи куни Тошкентга етиб келдик.

Республика Компартияси Марказий Комитети ва Ҳукумати раҳбарларига амалга оширмақчи режамизни баён этганимизда, улар бизни қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг тайёргарлик ишлари авж олиб кетди: мутахассислар бўлажак йўлни ўрганиб чиқишди, бош режа ва техник чизмаларни, смета-молия ҳужжатларини, қурилиш ашёлари сарф-харажатларини, зарур техника ҳисоб-китобини тайёрлашди. Бироқ, дастлабки ҳисоб-китоблар тайёр бўлганида махсус идоралар фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки, энг аввало, катта аҳамиятга молик бўлган бундай йўлни қуриш учун

*Иттифоқ Мудофаа, Ички ишлар министрликлари ва Давлат Хавфсизлик Комитетидан рухсат олиш кераклигини айтишди.*

*Биз оближроком раиси В. Хайдаров билан бирга Сталинга мактуб йўлладик. Узоқ вақт жавоб бўлмади. Бериянинг ёрдамчисига қўнғироқ қилдим. Шундан сўнг ана шу идораларнинг мутахассислари етиб келишди. Улар бўлажак йўлни кўздан кечириб, бу ҳақда Москвага хабар етказамиз, йўл қурилишига рухсат берамиз, деб ваъда қилишди. Яна Бериянинг ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, йўл қурилишининг тақдири билан қизиқдим. Ҳадемай СССР Министрлар Советининг фармойиши чиқди»<sup>283</sup>. Ушбу фармойиш асосида 1952 йил 4 июнда Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбари Аминжон Ниёзов Поп шахрига келиб, Тошкент воҳаси билан водийни боғлайдиган Қамчиқ довонида қурилиш ишлари олиб боришга кўрсатма беради. Поп тумани раҳбарларидан Мамажон Раҳимов, йўл қурилиши бошлиғи Мамаджон Фозилов ва тумандаги қишлоқ хўжалиги жамоалари раҳбарларига Хўжанд орқали ўтган йўл узоқлиги сабабли, ушбу қисқа магистрал йўл қурилишига эътибор қаратишни сўрайди. Туман аҳолиси чеккага Қамчиқ довонидан Ангренсойга қадар йўл қурилиши ишлари тушган эди. Ўша қурилиш ишларида қатнашган Усмонали Жўраев шундай ҳикоя қилади: «Ўшанда Чодак ва чоркесарлик тоғ йигитлари йўлдаги тошларни чўкич, ломлар билан майдалаган бўлса, қолган хонободлик, пунгонлик, қирчинлик, ғурумсаройликлар, тепақўрғонликлар, марғизорликлар, поплик, санглик, тўдалик, келачилик, уйғурлик йигитлар бу тошларни чуқурликларга ташлаганлар, ташиб йўлдан четга олганлар».*

Ҳар куни тумандаги жамоалардан 30–50 киши бу қурилишга жалб этилган. Шунинг учун бу йўлнинг Ангренсойгача бўлган қисми Поп тумани худудига қўшиб берилган. Оддий меҳнат кўроллари билан қилинган оғир ва машаққатли ишлар уч ойдан ошиқ давом этган. Ниҳоят, довон

<sup>283</sup> Мухитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим. – Тошкент: 1995. – Б.49–50.

ишга тушган. Бу доводдан биринчи ўтган автомобиль санглик Маъмуржон Розиковнинг «Полутарка» номли юк автомобили ҳисобланади. Ушбу автомобиль 1954 йилнинг 4 июлида Қамчиқ доводидан ошиб ўтган. Санглик ҳайдовчи Маъмуржон Розиковга бу жасорати учун бир пой этик совға қилиб берилган. Санглик Йўлдош Хотам шундай деган эди: «Бу тепалик бундан буён «Қизилча тепа» деб аталади. Уни биринчи санглик қизилчахўрлар забт этди», деб ҳазиллашган. Санглик кексалар ҳозир ҳам Қамчиқ доводини «Қизилчатепа» деб аташади<sup>284</sup>.

Аҳмаджон Одилов ҳам Қамчиқ доводидан ҳам бир қанча хайрли ишларни амалга оширган. Бу ҳақда унинг ўғли Анваржон Аҳмаджонов шундай ёзган: «Аҳмаджон Одилов ... Тошкент – Қўқон йўл қурилиши давридан бошлаб катта ободончилик ишларига бош-қош бўлган. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида доводдаги мавжуд бўлган булоқларга машаққатлар билан йўллар қурилган. 1980 йилларда Қамчиқ доводидан туннель қурилиши ишларининг ҳам отамиз ташаббускорларидан бири бўлган. Туннель лойиҳасини Грузиянинг лойиҳа институти тайёрлаган. Бу лойиҳа ҳозирда ишлаб турган туннелдан анча пастдан бошланиб (у жойда отнинг ҳайкали бўлгани учун одамлар орасида «от олдидаги булоқ» дейиларди) узунлиги тўрт ярим-беш км атрофида эди. Бу вариантда йўлни қор босиб қолиш хавфи умуман четлаб ўтилганди. Рашидовнинг вафоти ва Одиловнинг қамалиши бу лойиҳани йўққа чиқарган эди»<sup>285</sup>.

Аммо бу вақтда довод автомобилларнинг ҳаракатланиши учун ҳали ҳам хавфли бўлиб қолаверган. Автомобиль ҳаракати йўлнинг торлиги, қишда сирпанчиқ, ёзда лой бўлиши сабабли носоз ҳисобланар эди. 1991 йилда Ўзбекистон Республи-

<sup>284</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар (Иккинчи китоб). – Наманган, 1997. – Б. 67.

<sup>285</sup> Қаранг: Одилов А. Нима қилсам, халқим учун қилдим... (Тўплаб нашрга тайёрловчи Анвар Аҳмаджонов). – Тошкент: «GOLD-PRINT NASR», 2018. – Б. 147.

каси мустақилликка эришгач, ушбу довон йўли аҳволини яхшилаш ва ундаги ҳаракатни халқаро талаблар даражасига кўтариш ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Йўлнинг республикамиз ҳаёти учун жуда катта аҳамиятга эга экани ҳисобга олиниб, уни таъмирлаш ва кенгайтиришга қарор қилинганди. Фарғона, Андижон, Наманган вилояти қурилиш корхоналари бу ишга жалб этилди. 1996 йилнинг ўзида 194 млн 500 минг сўмлик иш бажарилди. Шу давр ичида довоннинг энг хавфли қисмидан 16 км га яқин йўл кенгайтирилиб, янгидан асфальт ётқизилди. Кўплаб қувурлар, йўл тўсиқлари ўрнатилди. 12 км йўлнинг қатнов қисмига белги чизиклари қўйилди. Тўрт жойда йўлнинг бурилиш қисмлари, 2,2 км пиёдалар йўлаклари қайтадан таъмирланди<sup>286</sup>.

1998 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «1998–2000 йиллар давомида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор асосида Қамчиқ довонида 29 та маиший хизмат, савдо, «Ўзавтойўл» концерни томонидан Тошкент – Ўш автомобиль йўлининг 150–162 км ида йўл устаси уйи, савдо ва 100 ўринли умумий овқатланиш шохобчалари ҳамда Давлат автомобиль назорати (ДАН) маскани қуриб битказилди. Ушбу бунёдкорлик ишлари йўлнинг беҳатарлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш мақсадида амалга оширилган. Бу каби тадбирлар мамлакатимиз пойтахти билан водий шаҳарлари орасидаги йўлни яқинлаштириш ҳамда довон ёқасида жойлашган Ҳонобод, Резак, Пунгон, Чодак каби қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга жуда яхши таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳозир ушбу халқаро магистрал йўл унинг

<sup>286</sup> Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 72–73.

ёқасида яшовчи аҳолининг иш билан таъминланиши, ижтимоий аҳволининг яхшиланишига олиб келмоқда. Тошкент-Ўш автомобиль йўли қурилиши ҳам режа асосида белгиланган муддатларда бажарилиши учун барча мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда. 1998 йили Наманган автомобиль бошқармаси томонидан 25 млн сўмлик маблағ билан 75 ўринли Резак қишлоқ шифокорлик пункти ишга туширилди. 1999 йили шу йўлнинг 145–147 ва 168-км ида 4 та савдо шохобчаси, 300 ўринли овқатланиш хизмати марказлари, 170-км да ички имкониятлар ҳисобидан 2 та савдо шахобчаси ва 50 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. 2001 йили 1050 ва 350 метрли иккита туннель қурилди. Биринчи туннель Қамчиқсойдан Сарваксойгача, иккинчи туннель Сарваксойдан Резак довонигача бўлиб, ҳар бир туннель йўлининг кенглиги 8 метрдан иборат. Бу довондан ҳозирги кунда жонажон ватанимизда ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Нексия», «Дамас», «Ласетти», «Матиз» ва бошқа автомобиллари тинмай қатнаб турибди. Ўрта ҳисобда бу йўлда бир кунда 20 минг автомобиль қатнамоқда, йилига 103 млн тонна юк ташилмоқда. У ҳозир ҳақиқатдан ҳам қадимгилар айтганидек, «ҳаёт йўли» ва таъбир жоиз бўлса, ҳозир Республикамизнинг жон томирларидан бирига айланган. Унинг ободлиги, сифати ва хавфсизлиги ҳукуратимиз томонидан мунтазам равишда назорат этиб турилибди.

Наманган вилоятида энг кўп транспорт йўли Поп тумани автомобиль йўллари бошқармасига (бундан кейин – Поп ТАЙБ) қарашли бўлиб, узунлиги 990 км ни ташкил қилади. Ушбу бошқарма вилоятда умумий фойдаланиладиган йўлларнинг 28,2 фоизига хизмат кўрсатади. Наманган вилоятида бошқа туманлардаги шу турдаги бошқармаларга қарашли барча йўллар 100 фоиз каттик қоплама билан мустаҳкамланган бўлса, Поп ТАЙБга қарашли йўлларнинг 67,9 фоизи каттик қопламалидир. Шундан асфальт-бетон ётқизилган йўлларнинг улуши 49,5, тупроқли йўллар 32,1 фо-



изни ташкил қилади. Поп ТАЙБ қарамоғидаги айрим камқатнов чет йўлларнинг сифати анча паст<sup>287</sup>.

1999 йили йўл қурилишида Поп ТАЙБга қарашли ишлаб чиқариш қуввати 10 минг км. кв бўлган СМД-739 русумли тош майдалаш қурилмасидан фойдаланилди. Худди шу турдаги ишларни бажаришга мўлжалланган Поп АБЗ ихтиёридаги қуввати 70 минг тонна бўлган «Телтомат» русумидаги тош майдалагич ускуна ҳам қурилишга жалб этилди<sup>288</sup>.

Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўлини кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун 2008–2013 йиллар давомида қарийб 630 млрд. сўм, жумладан, йўл техникаси харид қилишга 8 млрд сўм давлат томонидан йўналтирилган. Шунингдек, 2014–2015 йиллари Ангрен – Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 км бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш ишларини амалга оширилди<sup>289</sup>.

Умуман, Қамчиқ довони бағрида ястанган, асрлар мобайнида Машриқ ва Мағрибни ўзаро боғлаб келган қадимий, аммо борган сари ёшариб бораётган «Ҳаёт йўли» тарихи, унинг хусусиятлари ҳақида гапираверсак, у тугамайди. Энг муҳими, у халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишда, беҳисоб йўловчиларнинг кўзини яйратиб, қалбларига қувонч улашишда давом этмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу тун-

---

<sup>287</sup> Маткаримов К.Ж. Бозор шароитида автотранспорт-йўл мажмуаси корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш услугиёти (Наманган вилояти корхоналари мисолида). иқт. фан. ном... дисс., – Тошкент., 2002. – Б. 15–16.

<sup>288</sup> Маткаримов К.Ж. Бозор шароитида автотранспорт-йўл мажмуаси корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш услугиёти (Наманган вилояти корхоналари мисолида). иқт. фан. ном..... дисс., – Тошкент., 2002. – Б. 21.

<sup>289</sup> Биринчи Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан // Халқ сўзи. 2013 йил 27 апрель.

нель қурилишига умумий қиймати 455 млн долларлик маблағ йўналтирилди. 2016 йил 22 июнида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши маросими бўлиб ўтди.

Бунёдкорлик ишларида «China Railway Tunnel Group» компаниясининг мингдан зиёд ишчи-мутахассислари, уч мингдан зиёд темирйўлчиларимиз, уч юздан ортиқ электрмонтажчи иштирок этди. Моҳир қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб табиий шароитларда – ёз жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам ишни бир меъёрда олиб борди. Бу ўз самарасини берди. Узунлиги 123,1 км бўлган Ангрен–Поп темир йўлининг Қамчик довонидан ўтган қисмида 19,2 км лик туннель очилди. Туннелдан ташқари бу ерда 43 млн куб метр тупроқ, 16,3 млн. куб метр бурғулаш, портлатиш ишлари бажарилди. Шунингдек, 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 км, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказгич барпо этилди. 4 станция, 4 разъезд ва 2 вокзал қуриб битказилди. Умумий қиймати қарийб 1 млрд 635 млн долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин турар жой бинолари барпо этилди.

Ангрен–Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Буни мутахассисларнинг қуйидаги таҳлиллари ҳам тасдиқлайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши билан Наманган вилоятига кўмир етказиб бериш муддати қисқариб,

ташиш харажати ҳар тоннасига 45 минг сўмга арзонлашди. Бундан ташқари, Ҳукумат қарори билан 1 тонна кўмирнинг нархи 126 минг сўм қилиб қатъий белгилаб қўйилди<sup>290</sup>.

Қамчиқ довони ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам инсонларни ҳаётини фаолиятига катта таъсир этиб келаётган бир йўлдир. Унинг гуллаб-яшнаши, ушбу мамлакатнинг ривожига ҳисса қўшади. Бу йўл орқали Попнинг гўзал, мафтункор, бебаҳо тупроғига қадам қўйилади.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПОП ТУМАНИ

Мамлакат мустақиллиги ҳар бир фуқарога юрт равнақи ва унинг порлоқ келажаги учун қайғуриш, курашиш ҳамда бу ватанда озод, эркин яшаш ҳуқуқини беради. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12 чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди. 1 сентябрь Мустақиллик байрами куни сифатида нишонланиб келинмоқда.

Мустақиллик яшаш тарзимиз ва руҳиятимизда инқилобий ўзгаришлар ясади. Воқелик шу даражада тез ривожландики, табиий равишда, ҳеч қандай зиддиятларсиз ва ларзаларсиз кескин бурилиш йўлига тушиб бораётган ҳаётимиз ҳам, яшаш тарзимиз ҳам истиқболга муносабатларимиз ҳам бутунлай ўзгача мазмун, ўзгача қиёфа касб этди.

Ўзбекистоннинг барча туманларида бўлганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Поп туманидаги давлат ва бошқарув идоралари ҳам янги тизимга ўтди. Собиқ Иттифоқ даврида-

<sup>290</sup> Мирзиёев Ш.И. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – Б. 97.

ги туман ва қишлоқ советлари тугатилиб, ўрнига Поп туман ҳокимлиги ва 15 тадан ортиқ ўз-ўзини бошқариш органлари, яъни шаҳарча ва қишлоқ фуқаролари йиғинларига айлантирилди. Биргина Пунгон фуқаролар йиғини 1992 йилда янги ташкил қилинди.

Истиклол туфайли мамлакатда давлат мулки билан бирга, хусусий мулкка ҳам эътибор кучайди. Чунки ўзбек халқи азалдан ишбилармон, тадбиркор бўлиб, яратувчанлик қобилиятига эга бўлганлиги боис, мулкдор бўлишга интилиб келган. Поп тумани аҳолиси ҳам собиқ Иттифоқ давридаги фақат ойлик кутиб яшаш оқибатида юзага келган боқимандалик касалидан холи бўлиб, ўзини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка урди. 2000 йилда хусусий тадбиркорлик субъектлари 772 тани ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 1963 тани ташкил қилди<sup>291</sup>. Шунингдек, туманда 400 дан ортиқ фермер хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 62 таси боғ-узумчилик, 22 таси чорвачилик, 2 таси сабзаот-полизчилик, 8 таси турли қишлоқ хўжалик экинлари, қолган 354 таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. 2009 йилда туман саноатида 1548 та кичик корхона ва микрофирмалар фаолият олиб борган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 1695 тага етди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2009 йилда тумандаги Санг қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида 20 та уй-жойлар қурилиб, эгаларига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 12 март қарорига асосан туманда тасдиқланган, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилмоқда. Туманнинг Қўш-

<sup>291</sup> Мардонова Г. Истиклолни бўйлаган юрт. – Тошкент, Ниҳол, 2010. – Б. 85.

минор, Ғурумсарой, Водий, Тошқўрғон, Чодак, Хонобод, Хўжаобод массивларида кўплаб намунавий лойихалар асосида уй-жойлар қуриб эгаларига топширилмоқда.

Ўзбекистон халқини миллий ўзлиги, тарихий кадриятлари, азалий урф-одатларидан узоқлаштиришга қаратилган ва миллий истиқлол тушунчаси кун тартибидан деярли туширилган эди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, барча соҳалар каби Поп тумани аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Халқимизнинг мустақилликдан аввалги ва ҳозирги ҳаёти солиштириб кўрилганда, бу ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Масалан, собиқ советлар даврида Поп тумани аҳолиси тиббий хизмат билан яхши таъминланмаган эди. 1951 йилда Чодак қишлоқ тиббиёт пунктининг битта хонасида бир фельдшер яшаган ва беморни ҳам шу хонада қабул қилган<sup>292</sup>. Бу вақтда Поп туманида ҳатто клуб, театр, ҳаммом йўқ эди. Боғча, мактаб бинолари етишмас, соғлиқни сақлаш идоралари хизмати меҳнаткашлар талабини қондира олмасди<sup>293</sup>. Касалхоналарга озиқ-овқат етказиб беришда тез-тез узилишлар содир бўлиб турарди. 1974 йилда Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари белгиланган меъёрга нисбатан қарийб 40 % гўшт, 84 % тухум, 5 % сут, 95 % творог, 61 % қаймоқ кам олган<sup>294</sup>. Поп туманида халқ соғлиғига хизмат кўрсатувчи шифокорлар талаб даражасига нисбатан 50–55 % ни ташкил қиларди<sup>295</sup>.

XX асрнинг 90-йилларда давлат томонидан ажратилган маблағнинг катта фоизи стационарларни ихчамлаштиришга ва унинг тежалган қисми бирламчи бўгин – амбулатор поликлиника хизмати-га йўналтирилди. Тиббиётнинг биринчи вазифаси

<sup>292</sup> Наманган Вилояти Давлат Архиви. (бундан кейин НВДА) 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 45-варақ.

<sup>293</sup> НВДА. 275-фонд, 1-рўйхат, 980-иш, 73-варақ.

<sup>294</sup> НВДА. 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 44, 145-варақ.

<sup>295</sup> НВДА. 275-фонд, 6-рўйхат, 1853-иш, 7-8-варақ.

беморни даволашдан кўра, касалликнинг олдини олишга қаратилди.

Истиклолдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг тиббиётни ислоҳ қилишдаги фармонлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнай бошлади. Бугунги кунда Поп туманида тиббиёт муассасаларининг сони 4 та, қишлоқ врачлик пунктлари 28 тани ташкил қилади. Уларда 331 шифокор, 1489 ўрта махсус таълим олган тиббиёт ходими аҳоли саломатлиги учун хизмат қилмоқда. Ҳозир туманда ҳар ўн минг кишига 18,8 шифокор ва 97,4 ўрта таълим олган тиббиёт ходими тўғри келади. 2020 йилда Поп тумани ҳудудида янги юқумли касалликлар касалхонаси биноси қуриб, ишга туширилди.

Тиббиётдаги ислохотларга ҳамоҳанг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Санг қишлоғининг темир йўл усталари маҳалласида 42 млн сўм маблағ сарфланиб, 30 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Хўжаобод, Яккатут, Резак, Найман, Гулистон, Пахтақайнар, Тепакўрғон, Янгиобод ва Хонобод қишлоқларида ҳам врачлик амбулаториялари ички имкониятлари ҳисобига қишлоқ врачлик пунктига айлантирилган. Шунингдек, 100 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган иккита, 50 ўринли битта шифохона ишга туширилди. Аҳолининг саломатлиги яхшилаш мақсадида Республика «Шошилич тиббий ёрдам» марказининг туман бўлими фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш ва миллат генофондини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 22 июль қарорининг қабул қилиниши оналарни соғломлаштириш воситасида баркамол авлодни

вояга етказиш йўлида ташланган улкан қадамдир. 2010 йилда рўйхатга олинган тумандаги 3211 нафар ҳомиладор аёл юз фоиз бирламчи тиббий текширувдан ўтказилган. Уларнинг 894 нафари Наманган вилоят «Она ва бола» скрининг маркази текширувидан ўтган, нуқсони аниқланган тўққиз нафар аёл тўлиқ соғломлаштирилган.

Собиқ шўролар даврида, Поп туманида 1986 йилда қорамоллар 28 фоизга, қўй-эчкилар сони 18 мингтага тушиб кетган эди<sup>296</sup>. Ҳозирда туман фермер хўжалигидан йигирма икки нафари чорвачиликка ихтисослашган. Туманнинг Парда Турсун, Кўрнос, Чодак, Маданият, Чоркесар ва Қамчиқ довонондаги яйловлар чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун қўл келади. Чунки бу қишлоқлар тоғли ҳудуд бўлиб, чорва молларини боқиш учун жуда қулай. Поп тумани ўзининг майин юнгли ангор эчкилари билан машҳурдир. Туманнинг тоғли қишлоқлари аҳолиси ана шу зотли эчкиларни кўпайтириш ва жун рўмоллар тўқишни йўлга қўйган. Тумандаги «Манзур», «Мададкор», «Мақсутали», «Янги Чодак», «Қувонч» фермер хўжаликлари давлатга гўшт, жун ва тери топшириш режаларини ошиғи билан бажариб келмоқда. Ҳар бир фермер хўжалигига 116,6 гектардан ер майдони ажратиб берилган. Чорвани боқишга қулай, кенгликлардан иборат бу ер майдонлари Попнинг кенг сарҳадлари бўйлаб ёйилиб кетган.

1980 йилда туман аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши 30 фоизни ташкил қилган эди<sup>297</sup>. Мустақилликдан сўнг Поп тумани бўйича бугунги кунда бир кишига 14,0 квадрат метр уй-жой тўғри келса, ичимлик суви билан таъминланган 81,0 фоизга етди.

1970 йилда баъзи саноат корхоналари кенгайди. Жумладан, Попда изол заводида 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган ва Чодакдаги тоғ

<sup>296</sup> НВДА. 275-фонд, 2-рўйхат, 429-иш, 35, 36- варақ.

<sup>297</sup> НВДА. 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 15-17- варақ.

қазилма камбинати 165 минг тонна руда қазиб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилган<sup>298</sup>. Аммо изол заводи ҳамда Чодакдаги олтин конидан қайта ишланган барча маҳсулотлар Республикадан четга, собиқ советлар даврида Россиянинг марказий ҳудудларига ташиб кетилган. Ҳозирда бу маҳсулотлар мамлакатимиз истиқболи учун хизмат қилмоқда.

1982 йилдан ишга туширилган «Поп дон маҳсулотлари»нинг вилоят товар бозоридаги улуши 2003 йилда 10 фоиз, 2005 йилда 59 фоизни ташкил қилган. Бу акциядорлик жамияти Поп туманидаги қишлоқ хўжалиги корхоналаридан донни қабул қилиб олиб, бир кунда 66,5 тонна бугдойни янчиш ёки 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши эса 60,8 фоизни ташкил қилган. Собиқ Иттифоқ даврида, корхонанинг тўлиқ қувват билан ишламаслигининг сабаби ун маҳсулотлари қатъий фонд асосида сотилиши ҳисобига ортиқча ишлаб чиқаришга рухсат этилмаган. Шу билан бирга, ишлаб чиқарган уннинг сифати паст бўлганлиги боис, харидоргир эмас эди<sup>299</sup>. 1991 йил январь ойидан тегирмон цехида 75 фоизли «Ўзбекистон» навли бугдой уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. 2003 йилдан тегирмон дастгоҳлари алмаштирилиб, «Ўзбекистон» нави ўрнига биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарила бошланди. Орадан бир йил ўтиб «Иссиқ нон» ва макарон ишлаб чиқариш кичик корхоналари қурилди ва Туркиянинг «Экмасан» фирмаси дастгоҳлари билан жиҳозланди. 2010 йилда Ҳалқабод маҳалла фуқаролари йиғинида Германиянинг «Вахтел» фирмаси дастгоҳлари асосида кичик нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб ишга тушди. 2011 йилнинг ўзида тегирмон цехи Туркиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Энди цех 75 фоизли олий ва биринчи навли ун ҳамда кепак

<sup>298</sup> НВДА. 275-фонд, 6-рўйхат, 1854-иш, 7- варақ.

<sup>299</sup> НВДА. 275-фонд, 6-рўйхат, 1854-иш, 7- варақ.



махсулотини, бир кеча-кундузда 100 тоннадан ортиқроқ буғдойни қайта ишлайди.

Биргина Поп туманида ҳокимлик, корхона, хўжалик ва ташкилотлар ўз маблағи ҳисобидан 50 нафардан ортиқ ночор оилалардан бўлган келин-куёвларга никоҳ, 100 га етим боланинг суннат тўйлари ўтказилган. 30 дан ортиқ кишига махсус ногиронлик аравачалар совға қилинган. 1994 йил охирларида Поп нотўқима матолар бирлашмасининг тикувчилик фабрикаси ҳисобидан 600 нафардан зиёд етим-есир ва боқувчисини йўқотган мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг ҳар бирига 50 минг сўмга яқин кийим-кечак хайрия қилинган<sup>300</sup>.

Туманда ўзбек шаҳарсозлигининг такрорланмас дурдоналари яратилган. Шаҳар марказидаги маданият саройи замонавий меъморчилик талаблари асосида қайта таъмирланган. Бу ерда аҳолининг маданий хордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё этилган. 3000 ўринга мўлжалланган ёшлар маркази эса шаҳарнинг энг гавжум жойлардан бири ҳисобланади. Бу масканда ёшлар турли тадбирлар ўтказадилар, мусобақалар, танловлар, мушоиралар, бахслар марказ фаолиятининг асосига киради. Поп шаҳрида етти фаавора қуриб битказилган. Улардан отилаётган шаффофлик руҳиятингизга куч, қалбингизга эзгулик олиб киради. Фааворалар бугун бутун мамлакатимиз шаҳарларида қурилмоқда. Айниқса, Попда бунёд этилганлари кишини хайратга солади. Фааворалар жойлашган майдонга 200 дан ортиқ ёритиш чироқлари ўрнатилган. Ёз ойларида бу жой ҳақиқий сайилгоҳга айланади.

Поп шаҳридаги Ҳазрати Боб, Ойбек, Шомозор кўчаларида турли мавзулардаги республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи паннолар ўрнатилган. Кенг ва равон йўллар узра ҳаракатланаётганлар баҳридили очилади. Шаҳардаги М. Раҳимов, Ўзбекистон кўчалари кенгайтирилиб, Ҳазрати Боб кўчаси ҳамда Фарғона ҳалқа йўлининг

<sup>300</sup> Иномов Ш. Попим – саховатли юртим. – Наманган, 1996. – Б. 33

Пунгон – Наманган участкаси 3038 км замонавий талабларга мос равишда қайта таъмирланган.

Туманда Республика Президентининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш» тўғрисидаги Фармонни жорий қилиш йўлида ҳам муҳим ишлар бошланиб кетди. Барча мактаблар коллежлар ҳамда маҳаллаларда мавжуд спорт майдонларини таъмирлаш, баъзи жойларда қайтадан қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Марказий «Дўстлик» ўйингоҳи тўлиқ янгиланиб, спорт анжомлари ўрнатилган.

Хуллас, бугун мустақиллик даврида, 2700 йиллик тарихга эга бўлган ўзбек давлатчилиги том маънода қайта тикланаётган, равнақ топаётган бир пайтда Ватанимиз, жумладан, Поп тумани худуди ва сарҳадлари янада янгича кўринишга ва янгича маъно касб этмоқда. Президентимиз наздида бугун ўзбекистонликларнинг онгида давлат худуди ва чегараси алоҳида ифтихор туйғуси билан йўғрилмоқда. Сарҳадларимиз дахлсизлиги ва худудимиз яхлитлиги умумжамият, умуммиллат қадриятлари сафидан ўрин олиб, мамлакатдаги барқарорлик, хавфсизлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликнинг бош таянчига айланмоқда.

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОП ТУМАНИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

2016 йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Шу куни халқимиз ўз тақдири, келажagini белгиловчи, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга қодир – Янги йўлбошчисини уюшқоқлик билан сайлади. Таъкидлаш лозимки, юқори савияда ўтказилган Президент сайлови мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни мустаҳкамланиб бораётганини амалда яна бир қарра

намоён этди. Буни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бевосита кузатиб борган халқаро ташкилотлар эътирофи ҳам тўла маънода тасдиқлайди. Президентлик сайловини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайлов натижаларига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод – Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 млн 906 минг 724 сайловчи, яъни умумий сайловчиларнинг 88, 61 фоизи овози берди. Шу тарзда халқимизнинг юксак ишончи ва эътиромини қозониб, ёрқин ғалабага эришган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Давлатимизнинг янги раҳбари ҳали президентлик лавозимига киришмасидан аввал, яъни сайловолди дастурлари, жойларда юртдошларимиз билан бўлган учрашувларда адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратди, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, бадиий дидини шакллантиришни устувор йўналиш қилиб белгилади.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг сайловолди дастурида китобхонлик маданияти, халқимиз, айниқса, ёшларнинг китоб мутолаасига иштиёқини кучайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Зеро, китоб азалдан – инсон маънавиятини ёритгувчи маёқ, миллат тафаккурининг ўчмас чироғи бўлиб келган. Буюк аждодларимиз китобга муҳаббат қўйиш, у билан доимо ошно бўлишга чорлаган.

2016 йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» фармойиши эълон қилинди. Унда аҳоли орасида китобхонлик маданиятини ўстириш, халқимизнинг бадиий-интеллектуал салоҳиятини китоб орқали ривожлантириш бўйича барча зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Сал аввалроқ 2016 йилнинг 7 декабрь куни мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимизни тақдирлаш чоғида Президент Шавкат Мирзиёев китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритар экан, чиройли бир ўхшатиш қилган эди: «Мактабда ўқиганимизда йиғилишларда яхши ўқиганимиз, намунали хулқимиз учун китоб ҳадя этишарди. Шу китобни бутун мактабдошларнинг ёнида олиш нимаю, дўкондан олиш нима... Бу инсоннинг хотирасида бутун умрга қолади». Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари китобнинг шахс маънавиятини юксалтиришдаги аҳамиятини теран англаган ҳолда ҳар сафар мажлису учрашувларда китобхонлик ҳақида бот-бот таъкидлаб келаётир.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари Республиканинг бир неча йиллик ривожланиш босқичларини ҳозирдан режалаштириб, тараққиётнинг жаҳон андозалари ҳисобга олинган, стратегик асосга эга муҳим ҳужжат лойиҳасини муҳокамага қўйди. Шунинг натижасида 2017 йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги фармон тасдиқланди. Мазкур ҳужжат мамлакатимиз ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унда давлат ва жамият ривожланишининг муҳим тамойиллари ўз аксини топди. Ҳаракатлар стратегиясининг IV йўналиши – Ижтимоий соҳаларга йўналтирилган бўлиб, унинг тўртинчи бандида

таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу бандда айтилган соҳада қилиниши лозим бўлган барча зарур чора-тадбирлар белгиланди. Яъни, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш йўлини давом эттириш, таълим муассасалари қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, умумий ўрта таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг чет тиллари ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқур ўзлаштиришлари, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб мутахассисликлар бўйича ишга жойлашишлари учун имкон яратиш каби долзарб масалалар кўзда тутилган.

«Ҳаракатлар стратегияси» дастурига киритилган вазифалардан бири бўлган «Поп–Наманган–Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш» ишларининг биринчи босқичи, яъни Поп – Наманган темир йўлини электрлаштириш ишларини 2019 йил 30 август куни ниҳоясига етказилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги ПҚ–3336-сонли «Поп – Наманган – Андижон темир йўл линиясини электрлаштириш» лойиҳасини «Осиё тараққиёт банки» иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, умумий узунлиги 45 км бўлган Поп – Наманган участкаси тўлиқ электрлаштирилди. Ушбу масофада жами 690 та таянч устунлари, 690 та консоллар ўрнатилди. 45 км ли МФ–100 русумидаги контакт симлари тортилди. Электрлаштириш жараёни Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Раустон, Наманган станциялари оралиғидаги қурилиш-монтаж ишлари «1-сон энергомонтаж поезда» унитар корхонаси, Махсус механизациялаштирилган йўл станцияси ишчи-ходимлари томонидан олиб борилди. Эндиликда мазкур участкада тепловозлар-

ни замонавий электровозларга алмаштириш, юк ва йўловчи ташиш харажатларини камайтириш, ҳаракат тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини яратади. Таҳлилларга кўра, Попдан Намангангача тепловозлар ёқилғи сарфи билан солиштирганда электрлаштириш ишларидан сўнг 3 баробарга қисқаради. Кўриниб турибдики, бу жараён сарф-харажатларни камайтириш билан бирга атроф муҳит муҳофазасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

2018 йил 7 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Поп туманидаги «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли Кўмир брикет ишлаб чиқариш заводида ташриф буюрди. Қиймати 7 млн долларлик лойиҳа доирасида ташкил қилинган шундай бир неча корхонада 160 киши фаолият олиб бормоқда. Бу завод йилига 500 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқарилади. Поп тумани аҳолисининг газлаштирилмаган ва газ етишмовчилигини олдини олиш мақсадида ҳам бу кўмир брикетлар сотувга қўйилган. Шунингдек, бир неча завод ва фабрикаларни ҳам кўмир брикетлари асосида фойланиш йўлга қўйилган.

«Ўзқурилишматериалари» акциядорлик жамияти ҳам Наманган вилоятида 2017–2018 йиллар давомида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам 200 млн долларлик инвестиция киритган. Поп тумани Ҳалқаобод шаҳарчасида цемент ишлаб чиқарадиган корхона қурилишини бошлаган. Шунингдек, туманда шифер, асбест қувурлар, бетон ва синтетик мойлаш материаллари, ғишт ишлаб чиқариш учун ҳам ҳаракатлар олиб борилган. Поп туманида 100 мегаватт қувватга эга бўлган, умумий қиймати 210 млн долларни ташкил этадиган қуёш электр станциясини қуриш<sup>301</sup> ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрида «Наманган вилояти ва Поп

<sup>301</sup> Мирзиёев Ш.М. Булок келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. –Б. 86.

тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3273 сонли қарори қабул қилинган. Шу боис, Поп туманининг барча қишлоқларини ичимлик суви билан таъминлаш жараёни кенг йўлга қўйилди. Тепакўрғон қишлоғининг «Тинчлик» маҳалласига ҳам ичимлик суви тортилди.

2019 йил 25 май куни Поп туманида «Поп дехқон бозори ва савдо мажмуаси» очилди. Ушбу бозор вилоят миқёсидаги энг йирик савдо мажмуаси бўлиб, Поп ва Уйғур қишлоқлари чегарасида бунёд этилган. Бозор мажмуаси қурулиши 2018 йилдан бошланиб тўққиз ой давомида битказилди. Унинг раҳбари «Поп савдо мажмуаси» МЧЖ директори, ёш тадбиркор Сардор Раҳмоновдир. Мажмуа 15 гектар жойни эгаллаган бўлиб, қурилишида мингдан ортиқ ишчи қатнашган. Жами 48 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлиб, 400 га яқин савдо дўконлари бунёд этилган. Шунингдек, китобхонликни кенг тарғиб қилиш учун бепул фойдаланишга имкон берадиган китоб дўконлари ҳам йўлга қўйилган. Мажмуа ёнида 40 ўринлик меҳмонхона қуриб битказилди. «Поп экопарк» қурилиши давом этмоқда.

2019 йилда Поп туманида «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурига мувофиқ 100 млрд сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу дастур орқали Поп туманидаги ишсизлик муаммосини ҳал қилиш борасидаги амалга ошириш мумкин бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур маблағлар туманда паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик, иссиқхона ва бошқа тадбиркорлик соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш учун имтиёзли кредит сифатида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 февраль – 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи доирасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, амалга татбиқ этилаётган «Обод марказ» дастури асосида Поп тумани марказида 33 та ижтимоий

объект фойдаланишга топширилган. Ушбу объектларни тантанали очилиши маросимида Президент давлат маслаҳатчиси Турсунхон Худойбергенов, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, туман ҳокими Аъзамжон Султоновлар иштирок этди. Ишлаб чиқилган батафсил режа лойиҳасига асосан қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун жами 79,8 млрд сўм, хусусан, «Обод марказ» дастури маблағлари ҳисобидан 24 млрд 162,9 млн сўм, корхона, ташкилот ҳамда тадбиркорларнинг ўз ҳисобидан 32 млрд 726 млн сўм, банк кредити ҳисобидан 15 млрд 900 млн сўм, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 7 млрд 56 млн сўм маблағ сарфланган.

Туман марказида янги «Хотира хиёбони» қад ростлади, Ҳазрати Боб Фарғоний зиёратгоҳи реконструкция қилинди. Туман марказида 6 км ли автомобиль йўли реконструкция қилинган, 3,5 км лик пиёдалар йўли қурилди, 7,8 км лик тоза сув тармоғи тортилди. 1 млрд 264 млн сўмлик замонавий тежамкор кўча чироқлари ўрнатилди. Туман марказида 23 та кўп қаватли уйларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 9 та янги савдо ва маиший хизмат шохобчалари қурилди ва 85 таси тўла таъмирланди. 2020 йилда Хитойнинг Ухан провинциясидан тарқалган коронавирус касаллиги туфайли Ўзбекистон Республикасида ҳам карантин эълон қилинди. Ушбу касалликни олдини олиш, даволаш учун Поп тумани ҳудудида касалхона қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 26–27 июнь кунлари Поп туманида бўлиб, бир қатор объектларни кўздан кечирди. Дастлаб давлат дастури асосида фаолият олиб бораётган «Нуран уз» мева-сабзавотчиликка ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятни Поп туманидаги адирликлардаги ишларини бориб кўрди. «Пунгон дашти» деб номланган бу ерларни 1970–1983 йилларда Аҳмаджон Одиллов томонидан ўзлаштирилган эди. Бироқ 1984 йилдан ҳозиргача бу ерлар қаровсиз



қолдирилган. Ушбу даштни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси қайтадан ўзлаштириш ишлари бошланди. Дастур қабул қилиниб, унга кўра Анвар Қодиров ва Нурали Абдуллаев таъсисчилигидаги «Нуран.уз» МЧЖ томонидан 1 минг 885 гектар ўзлаштирилмаган ерда мева-сабзавотчилик кластери ташкил этилди.

«Садоқат» деб номланган ушбу жойда 2020 йилнинг баҳорида 100 гектарга ўрик, 70 гектарга гилос кўчатлари экилди, 12 гектар ерда узумзор барпо этилди. Испаниядан келтирилган «Magador», «Magyblon 29с», «Floppia» навли ўрик кўчатлари ҳосилдор бўлиб, икки ойлигидаёқ нишона кўрсатди. Бу боғ келаси йилдан тўлиқ ҳосилга кирди ва гектаридан 70 тоннагача мева беради. Бу гектарига 50 минг долларлик мева экспорт қилиш мумкин дегани. Кластер эгалари шу билан чекланиб қолмасдан, боғ қатор ораларига қовун, тарвуз экиди. Айни кунларда ғарқ пишган шириншакар тарвуз-қовунлар Россия ва бошқа давлатлар бозорларга экспорт қилинмоқда. Қирқ йиллар мобайнида самарасиз ётган ерларда интенсив боғ яратишга инновацион асосда ёндашилган, сувни тежайдиган томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Ушбу механизмни кластернинг ўзи яратган бўлиб, бу 50 фоиз маблағни тежаш имконини берган. Бунинг учун 180 метр чуқурликдан сув чиқариладиган 4 та қудуқ қазилган, тортиб олинган сув шу ердаги ҳовузда тўпланади. Тўлиқ компьютерлаштирилган тизим чанқаган ерларга автоматик тарзда сувни юборади. Яъни, ҳамма иш инсон омилисиз, компьютер орқали бошқарилади. Бу – икки босқичли лойиҳанинг дастлабкиси бўлиб, 2021–2022 йилларга мўлжалланган кейинги босқичда яна 1 минг 455 гектар ер ўзлаштирилади. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 350 та иш ўрни яратилади, йилига 10 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади.

Чодак қишлоғининг кун чиқиш томонида жойлашган тоғ ерларда ҳам бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йил-

ларида «Космос» деб аталган қир ва адирликларда, бугунги кунда асли чодаклик бўлган, россиялик инвестор Дилшоджон Тўрахўжаев шу қишлоқдан 500 метр тепалиқда замонавий меҳмонхона ва дам олиш маскани, шаҳарча, саноат зона, сунъий ўрмон хўжалиги қурилиш жараёнларини бошлаб юборган. Қурилиш ишлари икки босқичдан иборат бўлиб, дастлаб туристик зона, кейинчалик шаҳарча, саноат ва ўрмон зоналари бунёд этилиши мақсад қилинган. Туристик зонанинг асосий объекти 3 қаватли, 3 юлдузли, 400 ўринли меҳмонхона ҳисобланади. Унинг атрофида сунъий ғор, ҳовузчалар, сув фавворалари, 34 метрли икки минора, Чодак қишлоғидан бу меҳмонхона томон осма йўлақлар ва бошқа дам олиш масканлари қурилади. Кейинги босқичда 6 минг киши ишлайдиган саноат зонаси, «Чодак сити» номли шаҳарча, кичик ўрмон зонаси бунёд этиш ишлари 2021 йилда бошланиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил июнь ойидаги Поп туманига амалга оширган сафари чоғида тақдим этилган ва раҳбаримиз томонидан маъқулланган.

Наманган вилоят раҳбари Хайрулла Бозоров лойиҳа асосидаги иш жараёни билан танишиш асносида ушбу марказга тоза ичимлик суви тортиш, коммуникация, йўллар сифатини белгиланган талаб даражасида созлаш сингари ташкилий масалалар борасида мутасаддиларга тезкор кўрсатма ва топшириқлар берди. «Табиат ато этган бундай бебаҳо бойлик – мафтункор манзарадан унумли, оқилона фойдаланиш муҳим. Туризм индустрияси ва ҳудудлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифат ва савиясини юксалтириш, дам олувчиларни ўзига ром этадиган, сўлим ва тоғли иқлим шарт-шароитларга эга, экскурсия объектига айланаётган бундай масканларга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга, шунингдек, ички туризмни ҳам ривожлантиришга омил бўлади», – деди Хайрулло Бозоров<sup>302</sup>.

<sup>302</sup> <https://uzreport.news>

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ПОП ШЕВАСИ

Поп шеваси мураккаб диалектал таркиб ва турли-туман шевалар йиғиндисидан иборат. Шеванинг бундай ҳолати Поп аҳолиси келиб чиқиши турли туркий уруғ ва қавмларга мансублигидандир. Тарих ва этнология фанлари учун шеваларнинг тил хусусиятлари жуда ишонарли ва муҳим материал ҳисобланади. Чунки шева аҳолининг турмуш тарзига доимий ва ниҳоятда зич боғланган. Халқнинг маънавий, маданий, моддий, руҳий ва ахлоқий турмуш тарзини ўзида акс эттириб туради.

Поп шеваси фонетик ва морфологик хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча турларга бўлинади:

1. **й**-ловчи;
2. **ж**-ловчи;
3. умлатувчи.

1. Поп **й**-ловчи шеваси ўз навбатида сўз бошида ва икки бўғинли сўзларнинг асосан биринчи бўғинида **о** ва **а** унлиларининг ишлатилиш ўрнига қараб, икки турга – **о**-ловчи ва **а**-ловчи шеваларга бўлинади.

А) Поп **й**-ловчи шевасининг **о**-ловчи бўлаги Поп, Санг ва Ғурумсарой қишлоқлари аҳолисининг шевасини ўз ичига олади. Поп **о**-ловчи шеваси проф. Е.Д. Поливановнинг таснифида сингормонлашган шевалар гуруҳига; акад. К.К. Юдахин таснифида Фарғона шевалари гуруҳига; проф. А.К. Боровковнинг биринчи таснифида **о**-ловчи шеваларга киради<sup>303</sup>. Унинг муҳим белгилари: келсак–кесай, борсак–борсай, бордик–бордий, ман ва сан формаси кўпроқ ишлатилишидир.

Б) Поп **й**-ловчи шевасининг **а**-ловчи гуруҳи Тўда, Исковут, Уйғур, Пунгон, Хўжаобод (шевада

<sup>303</sup> Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекская литературный язык. – Тошкент, 1933; Юдахин К.К. Узбекский язык. Литературная энциклопедия. Т. XI. – Москва, 1939; Боровков А.К. Новый узбекская алфавит. – Тошкент, 1940.

Хўжаават), Пилол, Марғузур қишлоқлари аҳолиси шеваларини ўз ичига олади. Ушбу шева гуруҳида қипчоқ шевасининг хусусиятларига хос муҳим тил унсурлари сақланган. Билажузук (Пунгон), жуган (Тўда), жьлон (Исковут). Қаерда-қайда, икки-эки каби сўзлар шулар жумласидандир.

2. Попнинг ж-ловчи шеваси қипчоқ шевасининг айнан ўзи ҳисобланади. Бу шевада Жарқўтон, Зим, Чодакбоши, Қандаган, Хонобод, Булоқбоши, Ўрикли, Оқтепа, Кўксари, Сангсалақ, Резак, Мозор, Кўрнос қишлоқ аҳолиси сўзлашади.

Поп тумани ўзбек қипчоқ шевасининг асосий фонетик белгиси ўзбек адабий тили ва марказий шаҳар шеваларидаги сўз бошида келадиган й ундош товуши ўрнига **дж** ундоши ишлатилади. Масалан, жол-йўл, жулдус-юлдуз ва бошқалар.

3. Поп умлатувчи шеванинг фонетик ва морфологик хусусиятларини А. Боровков ўрганган<sup>304</sup>. Поп туманида бу шевада асосан Чоркесар, Қирчин, Тепақўрғон аҳолиси сўзлашади. Поп умлатувчи шевасининг муҳим хусусиятларидан бири адабий тил ва марказий шаҳар шеваларида бир бўғинли сўзга III шахс бирликдаги **-и** эгалик аффикси қўшилиши билан сўз бошидаги **о** товуши тил олди торроқ ва юмшоқ унлига айланади. Ҳозирги замон давом феъли **-вом** формаси билан ифодаланади. Масалан, келяпман-кевотман, боряпман-борвотман. Бу форманинг функцияси Тошкент шевасининг ҳозирги замон давом феъли **-вом** формасининг функциясига тўғри келади, аммо унинг фонетик тузилиши Тошкент шевасидаги **-вом** формасининг фонетик тузилишидан фарқланади. Поп умлатувчи шевасидаги **-вом** формаси лаб-тиш, юмшоқ, тил олди, торроқ. Тошкент шевасидаги **-вом** формасидаги в лаб-лаб, қаттиқ, тил орқа тарзида талаффуз қилинади.

<sup>304</sup> Боровков А. Н. К характеристике «умлаувчи» или уйгури названных говоров. – Фрунзе., 1946.

## ПОП ТУМАНИДАГИ МУҚАДДАС ЖОЙЛАР ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР

**Ҳазрати Боб зиёратгоҳи** – Поп шаҳрида Ҳазрати Боб маҳалласи жойлашган. Дастлаб Туркистон хожалари билан боғлиқ насабнома ва шажараларда ҳикоя қилинган Боб исми ҳусусида тўхталиб ўтсак. Масалан, «Шоҳимардон» насабномасида мил. 767–768 йилларда ҳазрат Али ибн Абу Толиб авлодларидан бўлган ҳазрати Абдурахим Боб ва Абдужалил Бобнинг ғайридин муғларга қарши кўп сонли қўшин билан Фарғона, жумладан, Боб ва Косонга ислом динини тарқатиш борасида юриш қилганлиги нақл қилинади.

Мазкур насабномаларда Поп шаҳри Бобу Косон номи билан тилга олинади. Бундан кўринадики, Боб номи кишилар исмига ҳам нисбатан берилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Алишер Навоий ҳазрати Боб тўғрисида шундай ёзган: «Боб Фарғоний – оти Умардур. Фарғонада бўлур эрди. У ерда улуғ машойихни Боб дерлар. «Кашф ул мажҳуб» соҳиби дер эмишки, ул Автодул арздиндур. Шайхулислом дебтурки, шайх Аму ани кўриб эрди. Ул дедикки, бир кун анинг қошида ултуруб эдим, биров кирди ва дедиким дуо қилки, Саркаб келди ва Саркаб биров эрдикки, ул мулкка зарар еткурур эрди ва Боб ўчоқ қирғоғида ултуруб эрди ва офтоби диғи ўчоқ қирғоғида эди. Аёғин офтобаға уруб йикди ва дедиким ани йикдим. Саркаб ҳамулдам шаҳар эшигида отдин сарнигун йиғилди ва бўйни синди», дея ҳазрати Бобнинг валийлик қудратига таъриф берса, Абдурахмон Жомий: «Фарғонада Шолотиқ (Хужравийга кўра Аштолик) деб аталмиш бир кишлоқ бордур. Унда буюк валилардан бўлган бир зот истиқомат этарди. Унга «Боб» лақабини беришдилар. Чунки бу мамлакатдаги буюк суфий ва улуғ шахсларни халқ «Боб» деб айтишарди. Бобнинг Фотима исмли кекса ҳоними бор эди. Бобни зиёрат айлаш учун Фарғонанинг Ўзгантидан боргандим. Унинг ёнига кирганим ҳамон: «Нечун

келдинг?» дея сўради. «Фақат шайхни кўриш ва менга шафқат назари ила қарамоғи учун» дедим. Бунга жавобан дедиким, «Азизим, мен фалон кундан буён тўғридан-тўғри ёлғиз сени кўрмоқда эдим. Сени мендан ғайб ҳолга келтирмасинлар, дея ул вақт сени дийдорингни кўрмоқ орзу этгандим». Шундан сўнг у: «Ё Фотима, ейиладиган мевангдан ниманг бўлса, дарвешга олиб келгин», – деди. Сўнг хотини бир товоқ тоза узилган узум келтирди. Ҳолбуки, у замон узум мавсуми эмасди. Товоқдаги узум ҳақиқатан янги узилган ва у вақтда Фарғонада узиладиган узумнинг бўлишига мутлоқо ақл бовар қилмасди», деб воқеани баён этарди.

Боб Фарғоний Қорахонийлар даврида яшаган ислом уламоларидан бўлиб, бугунги кунда Поп тумани унинг номи билан аталади. Водийда қипчоқ шеvasида кўп ҳолларда «б» товуши ўрнига «п» талаффуз этилади. Масалан, ботғина-потғина (тезгина), ботинка-потинка, бўталок-пўталок, бўтана-пўтана каби «Боб» сўзи ҳам «Поп»га айланиб талаффуз қилинган. Боб Фарғоний мақбараси илгари кўхна сой бўйида – пастликда бўлган экан. 1927 йили собиқ Совет ҳукумати даврида бузиб ташланган. Кейинчалик одамлар шайхнинг хокини юқорига олиб чиқиб дафн этишган. Ушбу мақбара 2019 йилда қайта тикланган.

**Сасвор Ғози зиёратгоҳи** – Чоркесар қишлоғидан 5–6 км юқорида жойлашган. Ривоятларга кўра, бу ерда Имом Зайнул Обидин (659-714)нинг ўғилларидан бири дафн этилган. Айтишларича, қадимда қабрнинг узунлиги 40 газ бўлган.

**Булғадор оти зиёратгоҳи** – ривоятларга кўра одамлар узоқ муддат сувсизликдан қийналган бир вақтда Булғадор отанинг кароматлари билан сув келиб одамлар ташналик азобидан қутулган экан<sup>305</sup>.

---

<sup>305</sup> Бахтиёр Эралиев., Икромиддин Остонокулов, Нодиржон Абдулахатов. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Анджон ва Наманган вилоятлари мисолида). 2-қисм. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2014. – Б. 312.

**Ғурумсаройтепа** – Ғурумсарой қишлоғи ҳудудидаги қадимий қабристон ўрнида жойлашган. Умумий ер майдони 3 гектардан иборат бўлиб, қадимий кўрғон девори қолдиқлари сақланиб қолган. Шунингдек, бронза ва антик даврларга оид бўлган тепалик. Тепалик ҳудудида чиллахона ва мақбаралар сақланиб қолган. Кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар олиб бориш лозим<sup>306</sup>. Сайиджалолхўжа ибн Исматилло ўғли обида хари ва шифтига араб ёзувида «попсин ба файзи азал воризи абёт» ва ҳижрий (1321) 1903<sup>307</sup>, деб ёздирган.

1820 йилда қурилган Ғурумсарой масжиди 0,16 гектарни ташкил қилади. 1980 йилда Наманган, Қўқон ва Андижон устазодалар томонидан қайта таъмирланган. Таъмирдан сўнг этнография музейи ва маҳаллий усталар кўрғазмали залига айлан-тирилган<sup>308</sup>.

**Хўжаободтепа-1** – Хўжаобод қишлоғи ҳудудида жойлашган. Тепалик ўрта асрларга хос. 2005 йилда археологлардан А.Анарбоев, Ш. Насриддинов ва Б. Рўзиновлар томонидан ўрганилган<sup>309</sup>.

**Оқтепа** – Тўда қишлоғи ҳудудида жойлашган. Юқори қишлоқ маҳалла ҳудудида. Шимолий Фарғона каналидан 500 метр жанубда жойлашган. Сақланиб қолган ер майдони 0,3 гектар. Антиқ даврга оид археологик ёдгорлик ҳисобланади. Ёдгорлик дастлаб 1980 йилда археолог М.Исомиддинов ва 2005 йилда А.Анарбоев, Ш.Насриддинов, Б.Рўзиновлар томонидан ўрганилиб, даврлаштирилган.

**Лангарбува мажмуаси** – Санг қишлоғидаги Лангарбува қабристонидида жойлашган, IX–XVIII асрларга оид археологик ва меъморий ёдгорлик. Мазкур ёдгорликда илмий тадқиқот ва таъмир-

<sup>306</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 30.

<sup>307</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 66.

<sup>308</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 67.

<sup>309</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 45.

лаш-тиклаш ишлари олиб борилмаган. Қабристоннинг ўнг, яъни шарқий томондаги мақбара ўта қадимийлиги билан, яъни ўрта асрларга хос бўлган 28x15x3 см ли пишган ғишт билан барпо этилган.

Мақбаранинг ўлчамлари: фасад олд қисми эни 5,55 метр, баландлиги 8 метр, мақбаранинг ёни 8,10 метр, гумбазининг баландлиги эса 8 метр, девор қалинлиги 1 метрдан иборат. Лекин кейинги йилларда бинонинг асл қиёфаси ўзгартирилган, яъни ташқи сувоқ ишлари бажарилган.

Иккинчи мақбаранинг ўлчамлари эса олд фасад пойдевори 7,45 метр, баландлиги 8 метр, ён томони 8,25 метр, гумбазининг баландлиги эса 6,50 метрдан иборат. Кейинчалик эса мақбаранинг шимолий қисмига қўшимча эни 4,50x5,00 метр, баландлиги 3,20 метр ўлчамдаги хонақоҳ биноси қурилган. Бинони қуришда 24x24x4 сантиметр ҳажмдаги одатдаги чорси (мусулмон) ғиштлардан фойдаланилган. Мақбаранинг шимолий қисмида қўшимча хона орасида қолиб кетган дарча-дераза ўрнида ганчли геометрик панжара сақланиб қолган.

Айтишларича, мажмуа ҳудудидаги қадимий мақбараларнинг бири, яъни шарқий қисмидагиси IX асрга тааллуқли бўлиб, у ерга Хожа Абдуллоҳ Ансорий дафн этилган эмиш. Ғарбий томондаги XVIII асрга тегишли мақбарага эса Хожа Ибодуллоҳ Алмадорий (ёки Аламдорий-байроқдор), номли азизлар дафн қилинган деган фикрлар мавжуд.

Айтишларича, қабристондан вақти-вақти билан гумбурлаган овоз чиқиб туради. Шундан хулоса чиқариш мумкинки, ушбу макон ўзига хос сир-асрорга эга. Шунинг учун мазкур ёдгорликни илмий асосда ўрганиш ва қимматли маълумотларни тўплаш зарурдир.

**Лангармозор** – Поп-Чодак йўлида жойлашган. Хаста Лангар, Шайхи Зинда ёки Шоҳи Зинда каби номлар билан машҳур. Бу қабристонда XVIII – XIX асрларда яшаган Хаста Лангар, Шайхи Зинда ёки Шоҳи Зинда каби азизлар, Хосиятхўжа



махсум, Бобохўжа махсум каби зиёлилар қабрлари мавжуд. Уларнинг отаси Ҳидоятхўжа махсум бўлиб, у Офоқхўжа авлодларидан ҳисобланади. Ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлган. Унинг иниси Бобохўжа махсум эса ўз даврининг шоири ва адиби бўлган<sup>310</sup>.

**Булгадарозтепа** – Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мазор бўлиб, антик ва ўрта асрларга тегишли ҳисобланади. Унда топилган битиклар ҳали ўрганилмаган. Жами 2 гектардан иборат<sup>311</sup>.

**Чилламазортепа** – Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мазор бўлиб, антик ва ўрта асрларга тегишли ҳисобланади. Илмий жиҳатдан ҳали ўрганилмаган. Бу ерда ёзувли қабртош (қайроқтош)лар бўлиб, айримлари синиб кетган. Ёдгорликнинг ер майдони 1,83 гектар.

**Тўда мажмуаси ва Ғойибёронлар мақбараси** – Тўда қишлоғидаги масжид мажмуаси ҳисобланади. XX аср бошларида ҳашар йўли билан ёғоч ва бошқа маҳаллий ашёлардан қурилган. Ҳозирги кунда таъмирталаб. Масжиднинг ғарбий томонида Ғойибёронлар мақбараси жойлашган. Мақбара қадимий бўлиб, кейинчалик ҳашар йўли билан қайта таъмирланган. Мақбаранинг ўзига хос томони бўлиб, бошқа мақбаралардан бирорта ҳам эшиги ёки туйнуги йўқлиги билан ажралиб туради. Зиёратчилар учун алоҳида хонақоҳ бунёд этилган<sup>312</sup>.

**Чирчирмомо зиёратгоҳи** – Чодаксойнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, ер майдони 0, 36 гектар. Ўзига хос хусусияти бўлиб, доимо яшил ўтлар худди қиз боланинг ёйилган сочларига ўхшаб туради ва улардан доимо сув томчилаб туради. Суви шифобахш хусусиятларга эга. Булоқнинг те-

<sup>310</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 46.

<sup>311</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 46.

<sup>312</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 75.

па қисмида қабр мавжуд бўлиб, унга одмигина қилиб хона қурилган. XI асрда ислом уламоларидан бўлган Исмоил Отойи Сайрамдан чиқиб бир қанча аскарлари билан ҳарб қилиб келар эканлар, Оқтов этагидаги Арашонбулоқ ёнида 12 та жойидан камон ўқи тегиб қулайди. Аскар кийимида бўлган сингиллари акасини ярадор бўлганини эшитгач, чириллаб йиғлаб юборади. Воқеадан хабар топган маҳаллий чорвадор чўпонлар ярадор бўлган Исмоил Отойини Арашонбулоқ сувига чўмилтиришни тавсия қилишади. Сингиллари бу ишни ўз зиммасига олиб бажаради ва бемор бир ҳафта ичида касалдан фориғ бўлади. Исмоил Отойи ўз аскарлари билан Чодакка юриш қилиб уни эгаллайди. Афсуски, Чодак қишлоғига кириб келишдаги Шунавовоз деган жойга етганда сингиллари ҳаётдан кўз юмади. Меҳрибон аёл жасадини Чир-чир ғори устидаги тепаликка дафн этишади. У билан вафот этган қизларнинг жасади ҳам кўмилган<sup>313</sup>.

**Бобо Юсуф Ҳамадоний мақбараси** – Оқмозорда, Чодак қишлоғининг ғарбий қисмидаги тепаликда жойлашган. Кексалар ҳикоя қилишларича, тахминан 1112–1113 йиллари Чодакка келган экан, бу ерда у кўплаб шогирдлар етиштирган. Унинг яшаган уйи «қадамжо»га айланган. Унинг вафотидан сўнг Ғови аълосойнинг жанубидаги текисликка кўмилган. Ана шундан сўнг Чодак – Резак йўлининг остки қисмида қабристон бўлган. Шу атрофдаги Резак, Сарваксойнинг бўйида яшаган туркийзабон элатлар ўз марҳумларини шу ерга кўмишган. Қабристонни эса «Гўри қипчоқон» деб аташган. XIX аср бошларида халқ орасидан чиққан Раҳматилла исмли киши Чодакда зўравонлик қилиб юрган айрим кимсаларни бойликларини тортиб олиб Оқмозордаги Бобо Юсуф Ҳамодоний ҳурматига мақбара қурдирган. Гўри қипчоқондан очилиб қолган одам суяқларини ҳам шу ерга олиб кўмади. XX асрнинг 60-йилларида

<sup>313</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 91.

Олтинкон директори бўлган Муборак Аҳмадбоева ташаббуси билан мазор қайта таъмирланган<sup>314</sup>. Бобо Ҳамадоний мақбараси икки хонали, номутаносиб тарҳли, ўзига хос бинодир. Мақбара XIX асрда Ҳожи Юсуфнинг қабри устига тикланган. Бино тепалик устига қурилган, қуйи йўлдан унинг ихчамгина қораси кўзга ташланиб туради. Асосий кўринадиган томонга, шарққа қаратиб улкан пештоқ қурилган. Унинг орқасида тўғри бурчакли тарҳда қурилган гўрхона (6x13,2 м) бўлиб, у жануб томонга қараган пастак айвондан иборат зиёратхона билан яқунланади. Бино ичида уч поғонали пойзамин ички томонга қараб баландлаб боради. Бу эса йўлдан ўтишни енгиллаштиради. Энг юқоридаги поғонада равоқли мақбара бор. Бобо Ҳамадоний мақбарасини қурган меъмор маҳобатли кўламнинг одатдан ташқари уйғунлигини топиб, замин сатҳини мажмуанинг асосий қисми бўлган сағананага қараб кўтара бориш ва пухта ўйланган мутаносиблик асосида тантанавор муҳит яратишга муваффақ бўлган. Мақбара ўзининг ана шу жиҳатлари билан шу турдаги бошқа ёдгорликлардан ажралиб туради.

**Исмоил Отойи мақбараси** – Чодак қишлоғининг шимолий қисмида, марказий йўлнинг кунчиқар томонида, Чодаксой бўйида жойлашган. Исмоил Отойи хўжа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан бири бўлган. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудидаги Сайрам қишлоғида тахминан 1110–1112 йиллар оралиғида таваллуд топиб, 1167 йилда Чодакда вафот этган. Асли Ҳазрат Али авлодларидан бўлган Исмоил Отойининг боболарини исми шайх Маҳмуд, оталари Иброҳим отадир. Ўзи эса мумтоз шоиримиз Атойининг дадаси бўлган. Ҳазрат Исмоил ёшлигида Сайрамдаги бошланғич мактабда таълим олган, сўнг Бухорода тасаввуф илмини чуқур ўрганган. Унга хожа Муҳаммад Юсуф устозлик қилган. Исмоил Отойининг мақбара пештоқида араб ёзувида «Бисмиллаҳир роҳманир

<sup>314</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 98.

роҳийм» сўзлари битилган пештахта мавжуд. Бошқирд олими А. Диваевнинг ёзишича, Исмоил Отойи йигирма ёшида қалмоқ (қипчоқларга) асир тушиб, йигирма йил уларнинг мол-қўйларини боққан, жангчи, ҳам олим бўлган деб маълумот берган. Кейинчалик Юсуф Ҳамадонийнинг маслаҳати билан Чодакка келади.

**Шоҳ Сулаймон мақбараси** – Чодак қишлоғига кириш қисмида Қизилак дўнглигида Шоҳ Сулаймон Шайхи Зинда Али мақбараси мавжуд. IX аср бошларидан бу атрофда мусулмончилик илми ва тартибларини тарғиб қилганлардан бири. Ҳазрат Али авлодлардан ривоят қилишларича, у киши ғорга кириб кетганлар. Шунинг учун Шайхи Зинда Али деб аталган. Унинг рўпарасида хожа Муҳаммад Боб Самосий мақбараси мавжуд.

**Хожа Муҳаммад Бобои Самосий** – 1152 йили Бухорода туғилган. Мўғуллар Бухорони босиб олгач, устозлари эронлик Бобо Юсуф Ҳамадоний маслаҳати билан Чодакка келиб жойлашган. «Самосий» сўзи форсчада, зикр қилувчи, деган маънони билдиради. Айтишларича, Хожа Муҳаммад зикр бошласалар, атрофда давра олган дарвешлар, оғзидан маст туядек кўпик қайнаб, кўплари беҳуш бўлиб йиқилар экан. Бобои Самосий Баҳоуддин Муҳаммад бинни Бурҳониддин Нақшбанднинг устози ва тутинган оталаридирлар. Бизга етиб келган ривоятлардан маълум бўлишича, Хожа Муҳаммад Самосий кунларнинг бирида зикр қилиб бораркан, кўчаларнинг бирида тўхтаб, бир эшикка ишора қилиб: «Шу даргоҳда қуёш порлайди», деган эканлар. Орадан бирмунча вақт ўтгач, яна шу эшикни тақиллатиб келиб, «Қуёшни олиб чиқ» деб қичқирибдилар. Дарҳақиқат, оилада янги инсон дунёга келган экан. Отаси гўдакни олиб чиқиб, уни Хожа Муҳаммаднинг этагига солибди. Хожа Муҳаммад гўдакнинг пешонасидан ўпиб, исми-ни Баҳоуддин атаб, отасига қайтарибди ва зикр қилганча, йўлида давом этибди.

Баҳоуддин Нақшбанд камолга етишгач, устозларининг ишини давом эттириб, у киши оламдан

Ўтгач, қабрларини зиёрат қилгани Чодакка келиб кетганлар. У муборак қабр эски Чодакнинг кунчиқар томонида, Шайхи Зинда Алининг мазорлари рўпарасида жойлашгандир.

Албатта, бу маълумотлар халқ оғзаки ривоятларидир. Ҳозирча манбалардан бу шахс ҳақида бирор ахборот топилгани йўқ.

**Мавлоно Лутфуллоҳхожа уйи** – Чодак қишлоғида жойлашган. Абу Бакр Сиддиқнинг 18-авлоди бўлмиш мавлоно Лутфуллоҳ Фатхуллоҳ ўғли тахминан 1492–1493 йилларда Чодакдаги Чилустун жоме масжидининг ғарбий қисмида, Заршў ариғининг лабида, Бузрукхўжа эшоннинг ерига жойлашган дам олиш ҳовлисида туғилган. У кишининг киндик қони тўкилган жойда ҳозир тош уюми бор. Унинг ўртасида бир тўп ёнғоқ барқуриб ўсиб турибди. Ҳар йили жуда мўл ҳосил беради. Баландлиги 2–3 метргача келадиган бу уюм марказий асфальт йўлидан ҳам кўриниб туради. Мавлоно Лутфуллоҳнинг оталари Фатхуллоҳ чўпон эди. Очарчилик йиллари бу саховатли инсон халққа бепул озиқ-овқат тарқатиб, кўпгина ҳамқишлоқларини ўлимдан сақлаб қолган. Сайидлар авлодидан бўлган Исомиддин Эшон унга ўз синглисини никоҳлаб берган. Чодак марказидан ғарб томонга юрилса, Калтабозор кўчасининг бошида, Ланғар ариғининг пастки қисмида бундан беш юз йил муқаддам арча ёғочи ва хомғишт билан қурилган иморат Мавлоно Лутфуллоҳхўжа уйи ҳисобланади<sup>315</sup>. Убайдулла Самарқандий (XVI аср) асарида Пири Мавлавий Лутфуллоҳ хўжа ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ҳозир Мавлоно Лутфуллоҳнинг ихлосмандлари Чодакка бориб, унинг туғилган уйини ва кейинчалик дафн этилган қабрини зиёрат қиладилар. Бундан ташқари, Чуст шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида Мавлоно Лутфуллоҳнинг рамзий қабри барпо этилган.

<sup>315</sup> Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 99.

**Имом ота мақбараси** – Парда Турсунда жойлашган. Маҳаллий аҳоли имом Хусайннинг авлодларидан бири, деб билади. Имом ота зиёратгоҳи Чотқол тоғининг жанубий томонида сой ёқасида жойлашган, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари аҳолисининг севимли дам олиш маскани саналади. Қишлоқнинг соф ҳавоси, зилол суви, соя-салқин манбаи бўлган дарахтлари, шифобахш булоғи доимо одамларни ўзига чорлайди. Айниқса, ёз ойларида бу қишлоқ худди Арслонбоб, Шоҳимардон, Чодак, Ғова каби зиёратгоҳлари сингари гавжум бўлади<sup>316</sup>.

Ривоятларга кўра, Имом ота бу Имом Хусайннинг авлоди Имом Зайнул Обидийн бўлиб, зиёратгоҳ унинг номи билан боғлиқдир.

Халқ орасида бу зотнинг жанглardan бирида шаҳид бўлганлиги, ҳамда бу зотнинг бошлари шу ердаги тоғ дараларидан бирига келтирилиб, дафн этилганлиги, кейинчалик бу ердаги қабр ёнидан мўъжиза туфайли булоқ отилиб чиққанлиги ҳақида ривоятлар мавжуд. Ҳозирда ҳам кўплаб зиёратчилар келиб турадилар.

Ҳозирги кунда бу азиз зотнинг шажаралари ва тарихи тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатларнинг сақланганлиги аниқланди.

**Гузар масжиди.** Санг қишлоғида жойлашган. 1890 йилда қурилган. Умумий майдони 12x20 метр, яъни 240 квадрат метрни ташкил этади. Меъморий обида ичидаги бебаҳо миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги – гўзал нақшлар ҳозирги кунга қадар бирон марта таъмирланмасдан ўзининг нафислигини йўқотмай сақланиб қолган. Масжиднинг тўсин ва вассажуфтлари нақшларидаги табиий бўёқлар ўзининг хусн-тароватини деярли йўқотмаганлиги меъморий обидани янада қадр-қимматли, жозибадор қилиб турибди.

---

<sup>316</sup> Бахтиёр Эралиев, Икромиддин Остонокулов, Нодиржон Абдулахатов. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Андижон ва Наманган вилоятлари мисолида). 2-қисм. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2014. – Б. 309.

## ПОПНИНГ МАШҲУР КИШИЛАРИ

**УМАР БОБ ФАРҒОНИЙ.** Кўхна Боб қадим Фарғонанинг илм-ирфон, касб-кор, хунармандчилик тараққий этган маданий марказлардан бири эди. Бу ердан етишиб чиққан олимлар орасида замонасининг атоқли фикҳ олими, тасаввуф шайхи Ҳазрати Боб Умар Фарғоний алоҳида ажралиб туради.

«Боб» лақаби билан шуҳрат қозонган олим ҳақида бизга жуда кам маълумот етиб келган. Атоқли тасаввуф сиймоларидан Пир Али Ҳажвирий ва Шайх Абу Исмоил Наҳовандийларнинг йигитлик пайтларида ҳазрати Боб билан учрашганлари ва у зотнинг ўзлари узоқ умр кўрганлари ҳисобга олинса, Ҳазрати Боб Фарғоний мил. 920–930 йиллар орасида туғилиб, 1010–1035 йилларда вафот этгани ҳақиқатга яқинроқ.

Форс мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, атоқли тасаввуф олими Абдурахмон Жомийнинг (1441 – 1492) «Нафаҳотул унс мин ҳазратил қудс» (Муборак зотлардан хушбўй руҳий яқинлик ҳидларининг таралиши) асарида Ҳазрати Боб ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Абдурахмон Жомийнинг ёзишича, у зот ҳанафий фикҳининг иқтидорли олими, тасаввуф шайхи сифатида ўлкада катта эътибор топган. Унинг фикҳга оид йирик асари бўлган ва у олимлар ўртасида шуҳратли эди. «Нафоҳот»да улуғ шайхнинг иқтидори ва валийлик кароматлари ҳақида учта воқеа ҳам зикр этилган. Абдурахмон Жомийнинг дўсти ва шогирди Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббати мин шамойилл футуввати» асарида ҳам ҳазрати Боб ҳақида айрим маълумотлар келтириб ўтилган.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот»да бундай ёзади: «Боб Фарғонийнинг исми Умар бўлиб, Фарғонадандир. У диёрнинг дарвешлари улуғ шайх ва донишмандларини «Боб» деб аташади. Шунинг учун бу киши «Боб» лақаби билан шуҳрат қозонганлар.

Боб Фарғоний кароматлари зоҳир зот эдилар. «Кашфул махжуб» асарининг муаллифи дейдиларки, «Ул киши (Ҳазрати Боб) автодул арзлардан эди ва шайхулислом Хожа Абдуллоҳ Ансорий бу зот ҳақларида сўзлаб: «Устозим Шайх Аму у зотни кўрган ва кароматларига шоҳид бўлган эди», деган».

Абдурахмон Жомий Ҳазрати Бобнинг исмларини Умар деган бўлсалар, ўрта асрларда яшаб ўтган олис Уқайлий бир асарда «Боб Фарғонийнинг тўлиқ исмлари Ҳабиб ибн Умар ал-Фарғоний бўлган ва у киши Ислом фикҳи илмига доир бир ноёб асар ҳам ёзган», деб у кишини «Ҳабиб» деб исмлаган.

«Кашфул махжуб» асари муаллифи шайх Абдул Ҳасан Пир Али Ҳажвирий (вафоти 1064, Лоҳур) ўз даврининг атоқли тасаввуф шайхларидан эди. У йигитлик даврида кўплаб олим ва шайхларнинг хизматида бўлган, эътиборларини қозонган. Камолга етиб иршод олгач, замонасининг комил шайхи ва барҳақ валийи мақомига эришган. Унинг Ҳазрати Бобга «автодул арзлардан эди», деб баҳо бергани бежиз эмас. «Автод» араб тилида «ватад» сўзининг кўплиги бўлиб, чодир иплари боғлаб қўйиладиган тўртбурчақтаги ёғоч қозиклар тушунилади. Яъни, «автодул арз» Ернинг тўртбурчагига қоқилган қозик маъносидадир. Тасаввуфда бу ибора валийликнинг улуғ мақоми ва даражасини билдиради. Демак, дунёнинг тўрт қозигидан бири, бундай мартаба камдан-кам валийга насиб этган ва ниҳоятда улуғ мақом ҳисобланган. Амир Хисрав Дехлавий бир байтида ёзишича:

*«Ҳаст зи автод фалакро мадор,  
Хаймаи бемех нагирод қарор».*

Таржимаси:

*Фалакка автоддан ҳаракат – мадор,  
Қозиксиз ҳеч чодир турмас барқарор.*

«Ернинг қозиғи» мақомини олган Ҳазрати Боб Фарғоний ҳақидаги мухтасар маълумотлар шулар-



дан иборат. Бу зот ва унинг асарлари ҳақидаги батафсил тадқиқотлари ҳали олдинда турибди<sup>317</sup>.

**МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОХ**, Ибн Фатҳуллоҳ Мавлоно Чустий (тахминан 1485, Поп тумани, Чодак қишлоғи – 1571, Чуст шаҳри) – Нақшбандия тариқатининг машҳур пири, авлиёлик даражасига кўтарилган улуғ зот. Мавлоно Лутфуллоҳ отаси Фатҳуллоҳга яссавий шайхлар томонидан кишиларни суфийликка ўргатиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат-иршод берилган экан. Мавлоно Лутфуллоҳ 13 ёшида Марғилонга бориб Хўжа Аҳрор валининг шогирди Мавлоно Ҳусайн Чорқуҳийга мурид бўлади. 1509 йили мавлоно вафот этгач, Бухорога Муҳаммад Қози ҳузурига борган. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг 1516 йили Мавлоно Лутфуллоҳ унинг нуфузли шогирди Маҳдуми Аъзам Косонийни тариқат пешвоси сифатида танийди ва унинг фармойиши билан Фарғона ва Тошкентдаги нақшбандийлик биродарликлари Лутфуллоҳ ихтиёрига топширилади. У тез орада эл орасида обрў-эътибор қозонди ва ўзаро низоларнинг олдини олиш, сарой амирлари ва бекларнинг ўзбошимчалиklarини чеклаш учун ўз нуфузидан фойдаланади, унинг нуфузи ортиб боради. Натижада унга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар бўлди. Ҳасадчилар орасида Маҳдуми Аъзам шогирдлари ҳам учраб турарди. Маҳдуми Аъзам ҳамиша Мавлоно Лутфуллоҳга ён босарди ва ўз вақтида танбеҳ берарди. У ўз ўғли Исҳоқ Валини Мавлоно Лутфуллоҳ тарбиясига бергани Мавлононинг бекиёс нуфузидан далолат берарди. Маҳдуми Аъзам вафот этгач, унга нисбатан ғаразли кучлар янада жонланиб қолади. Айниқса, жўйборий шайхлари билан кескинлик кучайган. Жўйбори шайхларидан бири Хўжа Исломнинг муриди Абдуллахон (1583 – 1598)нинг ҳокимият тепасига келиши оқибатида Мавлоно Лутфуллоҳга нисбатан ҳаракатлар кучайган. Мавлоно Лутфуллоҳнинг

<sup>317</sup> Аҳмад Убайдуллоҳ. Ҳазрати Боб Фарғоний // Ҳидоят журнали. 2007 йил 8-сон. – Б. 30.

муриди Тошкент ҳукмдори Бароқхон (1552–1555) бўлган.

Давр қанчалик оғир зиддиятли бўлмасин, Мавлоно Лутфуллоҳ нақшбандия тариқатининг келгу-сидаги равнақини ўйлаб, қатор истеъдодли шогирдлар тайёрлади. Маккага ҳаж сафарига кетаётганда шогирдларини Қрим ва Рум (Кичик Осиё) да қолдириб кетди, ўзи Маккада доимий яшаб қолди ва у ерда нақшбандия-дахбидий тўғарагига асос солди. Унинг аъзолари тинч (ҳафий) зикрга амал қилганлари билан ажралиб турганлар. Мавлоно Лутфуллоҳ шогирдлари Мовароуннаҳрнинг Тошкент, Фарғона ва Ҳисор каби ўлкаларида XX аср бошларигача фаолият олиб борганлар.

Мавлоно Лутфуллоҳнинг шогирдларига панд-насихат шаклида ёзилган иккита кичик рисола ва Муҳаммад Муфтий Оҳангароний қаламига мансуб «Маноқибни Мавлоно Лутфуллоҳ» деган ном билан машҳур асари маълум. Бу қимматли китоб Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби муҳим маданият марказларининг XV–XVI асрлардаги тарихига оид нодир манбадир. Ҳанузгача ўрганилмаган ушбу асардан Абдуллоҳхон Маъруфхўжа ўғли томонидан қилган таржимадан парча «Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий» мақоласини «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида академик Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан чоп эттирилган (2/2000). Мавлоно Лутфуллоҳдан «**Зиёи ҳикмати донишмандон**» номли яна бир қўлёзма асар қолган. 1914 йилда машҳур шарқшунос академик А. А. Семёнов Чустга келиб, ҳазрат мақбараси ва қўлёзмаларини ўрганган. Қўлёзма XVI асрда Мавлононинг шогирди ва сафдоши Убайдулло Самарқандий томонидан уч йил заҳмат чекиб, китоб шаклига келтирилган бўлиб, 8 боб, 216 саҳифадан иборат эди. А. А. Семёнов 1940 йилда бу асар ҳақида рисола чоп эттирган.

Чуст шаҳри марказида жойлашган «Мавлоно бува» боғидаги Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси нафақат Фарғона водийси, балки бутун республикадан минглаб одамлар келиб турадиган табаррук зиёратгоҳга айлангандир.

**САЙИД ЖАЛОЛХЎЖА** 1865 йилда Чодак қишлоғида катта ер эгаси Исматулло қори оиласида туғилган. У 25 йил Чодак, Ғурумсарой, Пунгон, Чоркесар қишлоқларига мингбошилиқ қилган. Маърифатпарвар бўлган бу шахс ҳар йили оталаридан қолган мерос ва ер-сув экинларидан олган даромади ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ўта ночорларига закот бериб келган, етим-есирларга хатна ва никоҳ тўйлари қилиб берган. Сайид Жалолхўжа мингбоши ўз шахсий маблағлари ҳисобидан 1905 йилда Чодак мадрасасини қайта таъмирлаб берган. 1908–1910 йилларда Чоркесар қишлоғида Имом ота мазорига масжид, 1952 йилда бузилиб кетган Ғурумсарой қишлоғидаги масжид, Чуст туманидаги Зувутқанд қишлоғидаги масжидларни ўз маблағи ҳисобидан қуриб берган. Унинг бу ишларини ўғиллари ва авлодлари давом эттирган.

**МУЛЛА ЛАТИФ ҚАЛАНДАР ЎҒЛИ** 1876 йилда Ғурумсарой қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Мулла Нуриддин Охун асли қашқарлик бўлган. Қўқондаги мадрасани тугатгач, Самарқанддаги ислом олийгоҳида таҳсил олган. Кейинчалик Туркиядаги Истанбул ислом университетиде ҳам ўқиганини давом эттирган. 1924 – 1930 йилларда Қўқон шаҳрида газета ташкил қилган. Кейинчалик ипакчилик билан шуғулланиб, Ғурумсарой қишлоғида 4 гектар тутзор ташкил қилган. Россиядаги халқаро кўргазмаларда қатнашган. У араб, форс тилларини билган.

*Худое кўрмасин офат бу даҳрийдан бало Чодак,  
Жамики жаннат гулидир, барчага хушнаво Чодак.*

*Муайян тошлар ҳар қайси, билқис тахти каби юксақ,  
Сулаймон хизматидадур, дур-гавҳар бебаҳо Чодак.*

*Очликда ғам еманг, дўстлар, нону хирмондир  
бу – Чодак,  
Тожиғу ўзбек демангиз, меҳмоннавоздир  
бу – Чодак.*

**Академик:**

**АБДУЛЛАЕВ АБДУМАВЛОН АБДУЛЛАЕВИЧ** (1930.13.7, Наманган вилояти Поп тумани) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги. Биолог-ботаник олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор (1980). Ўрта Осиё университетининг биология-тупроқшунослик факультетини тугатган (1952). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси (ҳозирги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси) институтида илмий ходим (1957–1967), лаборатория мудири (1967 йилдан), директор (1971–1982 ва 1985–1989). Ўзбекистон ФА қишлоқ хўжалиги фанлари бўлими раиси (1997–98). А. Абдуллаев илмий ишлари селекцияда ғўзанинг яқин қариндош ва географик узок, ёввойи тур ҳамда формаларидан фойдаланиш, ғўзанинг филоҒенетик систематикаси муаммоларига бағишланган. Олим ғўза ёввойи турларининг кариология эволюцияси назариясини асослаб берди. Ғўзанинг ёввойи турларини йиғиш бўйича унинг келиб чиқиш марказлари бўлган Мексика (1975), Перу (1984), Цейлон, Ҳиндистон, Хитой (1989 – 90), Австралия (1997)га уюштирилган экспедицияларга бошчилик қилди.

Асарлари: Эволюция и систематика полиплоидных видов хлопчатника, – Тошкент., 1974; Ғўза турлари, – Тошкент, 1977 (М. В. Омельченко б-н ҳамкорликда); Хлопчатник. – Тошкент, 1985 (А. Дариев билан ҳамкорликда).

**Профессор, фан докторлари:**

**АБДУЛЛАЕВ РАУФ АБДУЛЛАЕВИЧ** (1922.5.5, Поп тумани) — терапевт, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). тиббиёт фанлари доктори (1958), профессор. (1960). Самарқанд медицина институти госпитали терапия кафедраси ассистенти (1943–1945) ва шу институт директори (1945–51), 1952 йилдан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг терапия ка-

Федрасида ассистент, доцент, кафедра мудирлари (1961–1992), 1992 йилдан 2-терапия кафедрасида профессор-маслаҳатчи. Илмий ишлари, асосан юрак-томир ва жигар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва даволаш масалаларига бағишланган.

**АБДУРАҲМОНОВ ШЕРЗОД** – педагогика фанлари номзоди, доцент (1988), профессор. 1947 йилда Чодак қишлоғида таваллуд топган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети таълимлаган (1968). Ушбу университетнинг «Чизма геометрия ва чизмачилик» кафедраси ўқитувчиси (1968–1974), Наманган давлат университетида ўқитувчи (1974–1979), Наманган муҳандислик-педагогика институтида «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» кафедраси мудирлари (1980–1995) лавозимларида фаолият олиб борган. Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Кўринишлик принциплари тарихий материаллар воситасида амалга оширишнинг дидактик асослари». Нашр этилган ишлар мазмунини «Чизма геометрия» дарслиги (2004), «Ўрта Осиёда чизма тарихи» ўқув медиафильми (1982), «Кўп ўлчовли фазо симплексининг огирлик марказини топиб берувчи асбоб» ихтироси учун гувоҳномаси (1981), фан бўйича маърузалар матнлари, масалалар тўпламлари, илмий мақолалар ва методик кўрсатмалар ташкил этади.

**АЛИЕВ ЯШНАРЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. 1973 йилда Мирзаорол қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1995 йилда Андижон қишлоқ хўжалиги институти агроном мутахассислиги бўйича таълимлаган. 1995–1996 йилларда Андижон қишлоқ хўжалиги институти «Пахтачилик» кафедраси ассистенти, 1996–1998 йилларда Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти кундузги бўлим аспиранти, 1998–2001 йилларда ушбу институт илмий ходими, 2001–2002 йилларда ТИҚХММИ «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти, 2002–2004 йилларда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт инс-

титутида доценти, 2004–2010 йилларда НамМИда кафедраси мудир. 2010–2012 йилларда НамМИ проректори, 2013–2014 йилларда Тошкент давлат аграр университети доценти, 2014–2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти катта илмий ходим-изланувчиси лавозимида фаолият кўрсатган. 2017 йилдан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Саноат иқтисодиёти» кафедраси доценти, кейинчалик профессор лавозимида ишлаб келмоқда. Я.Алиев 2000 йилда 08.00.04 – «Микроиқтисодиёт» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини химоя қилган, 2010 йилда тармоқлар иқтисодиёти бўйича доцент лавозимини қўлга киритган. 2018 йилда 08.00.04 – «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини химоя қилган. Яшнаржон Эгамбердиевич 2 та монография, ҳаммуаллифликда 4 та рисола ва 4 та ўқув қўлланма, 150 дан ортиқ илмий-амалий мақола муаллифидир.

**БОЙБОБОВ НАБИЖОН ҒУЛОМОВИЧ** – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (1994). 1957 йилда Уйғур қишлоғида таваллуд топган. Тошкент политехника институтини тугатган (1979). ЎзР ФА Механика ва иншоотлар зилзилабардошлилиги илмий тадқиқот институтида илмий ходим (1979–1982). Москвада Бутунроссия қишлоқ хўжалиги машинасозлиги илмий тадқиқот институтининг аспиранти (1982–1985). Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Картошка териш машиналарининг сараловчи ишчи қисмларини такомиллаштириш» (1985). Тошкент темир йўллари инженерлари институтида доцент (1985–1988). 1988 йилдан Тошкент политехника институтининг Наманган филиалига (ҳозирги НамМПИ) ишга келган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Тупроқ намлиги етарли бўлмаган шароитларда картошка етиштиришнинг самарали технологияси ва уни амалга ошириш учун техника яратиш муаммолари» (1994). Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар

коллежи директори (2000). Н. Бойбобоев илмий педагогик фаолияти давомида кўплаб илмий мақолалар, ихтиролар, 2 та монография, 20 дан зиёд ўқув-услубий қўлланмалар яратди. «Касб-ҳунар таълими аълочиси» (2003).

**ЭШМАТОВ ОБИДЖОН** – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. 1952 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. 1971–1976 йилларда Фарғона давлат университетининг «Кимё-биология» факультетида таҳсил олган. Ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ушбу даргоҳда иш бошлаган. 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликларни химоя қилиш институтида тадқиқот ишларини олиб борган. 1981 йилда Буюк Британияда тўққиз ойлик малака ошириш курсида ўқиган. 1983 йилда номзодлик диссертациясини химоя қилган. Ўз соҳаси бўйича бир неча монография, рисоалар нашр қилган. Япония, Германия, АҚШдаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган компанияларда фаолият олиб борган. 2006 йил 24 мартда қишлоқ хўжалиги фанлари доктори даражасига эришган. 2006 йилда бевақт ҳаётдан кўз ёмган.

**РУСТАМОВ РАҲМАТАЛИ МУРОДОВИЧ** – техника фанлар доктори (2018). 1962 йилда Санг қишлоғида туғилган. Тошкент политехника институти Наманган филиалининг (ҳозирги НамМПИ) механика факультетини тамомлаган (1989). Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўқув устаси (1991), магистратура факультети декани (1999–2000). Машинасозлик факультети декани (2000 йилдан ҳозирга қадар). У «Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига худудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш» мавзусида 05.07.02 – «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш» мутахассислиги бўйича техника фанлари доктори илмий даражасига эга. 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув-услубий ишлар муаллифидир. Шунингдек, 3 та ихтироси учун муаллифлик

гувоҳномасига ва 3 та Россия Федерацияси патентига эга. Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган «Автомобилларнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» китоби муаллифидир.

**МАМАТОВ МЎМИНХОН** – психология фанлари номзоди, Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети Психология кафедраси профессори (2020). 1940 йилда Хўжаобод қишлоғида туғилган. 1964 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг бошланғич синф ўқитувчиси ихтисоси бўйича тамомлаган. 1968–1969 йиллари Тошкент вилояти халқ таълими бўлими мактаб инспектори, 1973–1983 йиллари Тошкент давлат университети «Логика ва психология» кафедраси ўқитувчиси, 1983–1988 йиллари эса «Психология» кафедраси ўқитувчиси, 1986–1991 йиллар Иқтисод факультети декани, 1993–2018 йиллар ЎзМУ «Психология» кафедраси доценти сифатида фаолият юритган. Диссертация ишини 1985 йил 23 майда Тошкент давлат университети ҳузуридаги Илмий кенгашда «Диалектик обшого и особенного в психическом складе нации» мавзусида 09.00.05 – Диалектический и исторический материализм» ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган. 2016 йили «Дин психологияси» ўқув қўлланмасининг ҳаммуаллифи сифатида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика ғолиби сифатида, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Истеъдод» жамғармасининг 2-даражали дипломи билан тақдирланган. 4 нафар фан номзодларига илмий раҳбарлик қилган. Профессор вазифасини бажарувчи Мўминхон Маматов 1999–2004 йиллари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги психология фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилиш бўйича К 067.02.11.-рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгашнинг аъзоси, 1999–2000, 2003–2004 йиллар



илмий котиби сифатида фаолият олиб борган. М.Маматов 60 дан ортиқ илмий иш, жумладан: 4 та услубий қўлланма, 1 та дарслик, 50 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп эттирган.

**ТУРДАЛИЕВ ВОҲИДЖОН МАХСУДОВИЧ** – техника фанлари доктори, доцент. 1981 йилда Уйғур қишлоғида туғилган. У 1998–2002 йилларда Наманган муҳандислик-педагогика институтининг Механика факультетида бакалаврият, 2002–2004 йилда «Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги» мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган. 2004–2006 йилларда НамМПИ «Умумтехника фанлари» кафедрасида ассистент, 2006–2008 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспиранти, 2009 йилдан ҳозирга қадар Наманган муҳандислик-қурилиш институтида фаолият олиб бормоқда. 2018 йил 23 майда 05.07.01. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш ихтисослиги бўйича бажарилган «Тупроққа ишлов берадиган ва сабзаёт экинларини экадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясини муваффақиятли химоя қилиб, техника фанлари докторлиги (DSc) даражасини олган. Илмий-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлари чоп этилган. Жумладан, 2 та услубий ва 1 та ўқув қўлланма, 5 та монографиялари чоп этилган.

**РАҲМОНОВ ДИЛШОДЖОН АЛИДЖОНОВИЧ** – иқтисод фанлари доктори, профессор. 1985 йили Уйғур қишлоғида туғилган. 2009 йил Тошкент молия институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида стажёр-тадқиқотчи-изланувчи сифатида иш бошлаган. 2012–2013 йилларда Тошкент иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси, 2013–2015 йилларда Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети доценти, 2015–2017 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, 2017–2018 йилларда Тошкент

давлат иқтисодиёт университети доценти бўлиб ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Молия» кафедраси муdiri лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

**Фан номзоди, доцентлар:**

**ЮЛЧИБОВ СОБИРЖОН** – тарих фанлари номзоди, доцент. У 1929 йилда Санг қишлоғида таваллуд топган. 1945 йилда Намангандаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институти, 1947 йилда Низомий номи Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирган. Институтни битиргач дастлаб тумандаги 1-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчиси, сўнгра туман халқ таълими бўлимида шу фан бўйича инспектор вазифасида фаолият кўрсатди. С. Юлчибоев 1952–1956 йилда Наманган давлат ўқитувчилар институтида ўқитувчи, 1956–1960 йилда Наманган шаҳар партия қўмитасида кечки университет директори вазифасида ишлаган. С. Юлчибоев 1960 йилдан то вафот этгунигача қадар Наманган давлат университетида, факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасида доценти сифатида фаолият олиб борган. Тарих фанлари доктори, профессор Султонмурод Солиев илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Илмий тадқиқотида Ўзбекистондаги қаровсиз қишлоқлар ва аҳолининг аянчли турмуш шароити каби бир қатор масалаларга эътибор қаратилди. Қишлоқ аҳолиси ва унинг турмуш шароитини янада юксалтириш омиллари тўғрисида дадил илмий хулосаларни берган. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони ва бир қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

**МАМАЖОНОВ АБДУРАҲМОН** – педагогика фанлари номзоди. 1948 йил Ғурумсарой қишлоғида туғилган. Халқаро Нобельсон мукофоти совриндори. Тумандаги 16-ўрта мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультете-

тини тамомлаган. 16-ўрта мактабда иш фаолиятини бошлаган Абдурахмон Мамажонов туманда ижроия қўмитаси биринчи ўринбосари, 1982–2000 йиллар давомида Поп қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори, 2000–2002 йилларда Ғурумсарой ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, 2002 йилда то вафот этгунига қадар Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида кафедра мудири вазифасида ишлаган. Изланувчан педагог ўз билим ва малакасини ошириб борди. 1981 йилда Тошкент давлат аграр университетининг агрономия факультетини сиртдан тамомлаган. 1977 йилдан эса тадқиқотчи «Касбий маданиятни шакллантириш» мавзуида Республика касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

**ЁДГОРОВ РАҲМОНЖОН** – педагогика фанлари номзоди, доцент. Санг қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетиде таҳсил олган. Бир неча йил давомида «Ота-оналар университети» кўрсатувини олиб борган.

**БОЙБОБОВ БАҲОДИР ҒУЛОМОВИЧ** – педагогика фанлари номзоди, доцент (1999). 1962 йилда Уйғур қишлоғида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини тугатган (1989). Илмий педагогик фаолиятини Наманган давлат университетиде бошлаган (1990–1994). Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти аспиранти (1995–1998). Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Жисмоний тарбия дарсларида 11–14 ёшли ўғил болалар учун нагрукани меъёрлаш» (1999). Наманган давлат университетиде ўқитувчи, катта ўқитувчи (1998–2000), кафедра мудири (2000–2010), доцент (2010–2012), Тўрақўрғон ижтимоий-иқтисод ва спорт коллежи директори (2012–2014). 2014 йилдан Наманган давлат университети доценти. Инновацион лойиҳа раҳбари. 80 дан зиёд номдаги илмий-услубий ишлари нашр этилган.

**РАҲМАТОВА ХАЙРИХОН** – педагогика фанлари номзоди. Ғурумсарой қишлоғида туғилган. 1980–1986 йилларда Фарғона давлат университетининг биология факультетида ўқиган. Халқ таълими аълочиси. 1999 йили «Шухрат» медали соҳиби. 2005 йил 30 май куни «Ўқувчиларни синфдан ташқари ишлар жараёнида экологик, гигиеник тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари» мавзuida номзодлик ишини ҳимоя қилган. Ҳозирда Наманган давлат университети доценти.

**ҲАКИМОВ БУЊЁДЖОН ЖЎРАЕВИЧ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент. 1971 йили Уйғур қишлоғида туғилган. 1994 йилда Тошкет молия институтини тугатган. Б.Ж.Ҳақимовга амалга оширган илмий ишлари учун 2012 йил 27 мартда «ANTIQUE WORLD» халқаро илмий академияси томонидан профессор унвони берилган. Б.Ҳақимов 1994 йилдан буён Тошкент молия институтида фаолият кўрсатади. Мазкур даврларда декан муовини, кафедра мудири ҳамда «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлик маркази»да директор лавозимларида ишлаган. Б.Ҳақимов ўз мутахассислиги бўйича АҚШ, Англия, Чехия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатлар университетларида малакасини оширган ҳамда маърузалар ўқиган. Б.Ҳақимовнинг раҳбарлиги ва ҳаракатлари туфайли Тошкент молия институтининг «Молиявий таҳлил» кафедраси бир қанча халқаро ютуқлар ва эътирофларга эришган. Жумладан, 2011 йилда институтнинг магистратура бўлимида «Молиявий таҳлил» кафедрасига қарашли А340903 – «Иқтисодий таҳлил» мутахассислиги MASTERS RANKING (Eduniversal халқаро ташкилоти ҳулосасига кўра) The Best Masters and MBA Worldwide 2011 дастури бўйича Шарқий Европа ва Осиё қитъаси бўйича энг кучли TOP 200 Best Masters Programs – Worldwide Economics рўйхатига киритилди. 2013–2014 ўқув йилида эса MASTERS RANKING (Eduniversal халқаро ташкилоти ҳулосасига кўра) BEST MASTERS RANKING IN ECONOMICS бўйича «Молиявий таҳлил» кафедра-

си томонидан тайёрланган ECONOMIC ANALYSIS OF FOREIGN COMPANIES (Хорижий компанияларнинг иқтисодий таҳлили) фан дастури (магистратура учун) Шарқий Европа ва Осиё қитъаси бўйича кучли 10 та фан дастурлар қаторига киритилган. Б.Ҳақимов томонидан молия соҳасига тегишли бир неча инновацион ишланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

**РАЖАПОВ ВОҲОБЖОН ТУРАЖАНОВИЧ** – тарих фанлари номзоди. 1971 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. 1989–1990 йиллари Поп тумани 36-сонли техника билим юрти талабаси. 1995 йил Наманган давлат университетининг Тарих факультетини битирган. 1995–1997 йиллари НамДУ «Умумий тарих» кафедраси кабинет мудир, 1997–1998 йиллари Наманган вилоят ҳокимлигининг «Фан ва техника» давлат қўмитаси мутахассиси, 1998–2007 йиллари Наманган вилоят халқ таълими бошқармасининг Мониторинг бўлими етакчи мутахассиси ҳамда бўлим бошлиғи, 2007–2011 йиллари Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2011–2012 йиллари Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси, 2012–2013 йиллари Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 18-сонли давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори, 2013–2015 йиллари Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси Ташхис маркази раҳбари, 2015 йилдан ҳозиргача Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

**ҲУСАИНОВ НАРИМОН ОДИЛЖОНОВИЧ** – техника фанлари номзоди. 1975 йилда туғилган. Мозор қишлоғидаги 28-мактабни битиргач, 1991–1996 йилларда Наманган давлат университетида таҳсил олган. 1996–2000 йилларда НамДУда амалий математика мутахассислиги бўйича аспирантурада ўқиган. 2000–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институтида кичик илмий ходим вазифасида иш-

лаган. 2004 йилда ушбу даргоҳда «Чекланган маблағдан унумли фойдаланиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. У Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кафедра мудури бўлиб ишлаган.

**ТУРСУНОВ БЕКЗОТ ЯНДАШЕВИЧ** – тарих фанлари номзоди. 1977 йилда Чоркесар қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Б. Турсунов 2006 йилда тарих фанлари доктори Агзамова Гулчеҳра Азизовна илмий раҳбарлигида «Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва кўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача)» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мавзуга доир 20 дан ортиқ илмий мақолалари республика илмий журналлари ва вақтли матбуот нашрлари ҳамда илмий тўпламларда чоп этилган. Шу билан бирга 2 та мақоласи хорижда чоп этилган. Б. Турсунов 2012 йилнинг ноябрь ойида Наманган давлат университети қошидаги «Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш» марказида янги педагогик технологиялар бўйича малакасини ошириб, етуклик сертификатини олишга муваффақ бўлди. «Қўқон хонлигида ҳарбий иш тарихи» мавзусидаги монографияни муваффақиятли якунлади ва нашр эттирди. Ҳозирда у Наманган давлат университетининг «Тарих» кафедраси катта ўқитувчиси.

**МАДРАҲИМОВ ЗОҲИД ШАРОФОВИЧ** – тарих фанлари номзоди, доцент. 1980 йил 15 октябрда Чоркесар қишлоғида ишчи оилада туғилган. 1987–1997 йилларда 3-сонли ўрта таълим мактабида таълим олган. 1998 – 2002 йилларда Наманган давлат университетида бакалавр, 2002–2004 йиллар давомида 5A220201 – Ватан тарихи мутахассислиги бўйича магистрлик даражасини олган. 2004–2006 йиллар давомида Наманган давлат университети «Жаҳон тарихи» кафедрасида ўқитувчи, 2006–2009 йилларда «Ўзбекистон тарихи» мутахассислиги бўйича аспирант, 2010–2011 йилларда «Ватан тарихи» кафедраси ўқитувчиси, 2011–2012 йилларда «Тарих фанлари» кафедраси ўқитувчиси,

2012–2016 йилларда «Тарих фанлари» кафедраси катта ўқитувчиси, 2016 йил 1 декабрдан Тарих кафедраси доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. 2009 йил 18 декабрда Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгашда 07.00.01 – «Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги бўйича «Қўқон хонлигида савдо муносабатлари» мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

**МУХТОРОВ НОДИРЖОН ИЛҲОМЖОНОВИЧ** – юридик фанлари номзоди, доцент. 1982 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. Наманган давлат университети (бакалавр) ва Тошкент давлат юридик институти (магистр) тамомлаган. Мутахассислиги ҳуқуқшунос. 2006–2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти девонхона мудири бўлган. 2007–2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Суд-ҳуқуқ соҳаси ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари мониторинги бўлими етакчи илмий ходими, бош илмий ходими, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Н. Мухторов 2014 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. 2018 йил 1 ноябрдан ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиснинг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

**ТАЙРОНОВ ЁҚУБЖОН РАПИҚОВИЧ** – тарих фанлари номзоди. 1981 йил 29 августда Қўштепа қишлоғида таваллуд топган. 1988–1998 йилларда 47-ўрта мактабда таҳсил олган. 2000–2004 йилларда Қўқон давлат педагогика институти тарих факультетида таҳсил олиб, уни 2004 йил имтиёзли диплом билан яқунлаган. 2004–2006 йилларда эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тарих факультети магистрату-

расида таҳсил олган. 2007–2010 йилларда ЎзР ФА Тарих институти аспирантурасида ўқиган. У ерда тарих фанлари доктори Р.М. Абдуллаев илмий раҳбарлигида «XX аср бошларида Туркистон тadbиркорларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти» мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва уни 2011 йилда ҳимоя қилган. Илмий мавзуси юзасидан 20 дан ортиқ мақолалар эълон қилган. 2019 йилдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тарих факультетида талабаларга дарс бермоқда.

**АКРАМОВ ТОҲИР ВОҲИДОВИЧ** – фалсафа доктори (PhD) (2017). 1988 йил 15 октябрида Хўжаобод қишлоғида туғилган. 2006–2010 йилларда Ўзбекистон Миллий Университети Фазика факультетининг бакалаврият, 2010–2012 йиллари эса магистратурада мутахассислиги бўйича таҳсил олган. 2013–2014 йилларда Франциядаги Сарбон университетида магистр, 2014–2017 йилларда Франциянинг Страсбург университети докторантура (PhD)сида ўқиган. 2017 йилда Страсбург университетида «Explosive magnetic reconnection in multiple current-sheets: application to the environment of pulsars» мавзуида докторлик иши (PhD)ни ҳимоя қилган. Ҳозирда ЎзМУ «Назарий физика» кафедраси доценти (в.б.) вазифасида фаолият олиб бермоқда.

**АБДУВАҲОБОВ ДИЛШОД АБДУВАҲИДОВИЧ** – фалсафа доктори (PhD) (2018). 1984 йилда Поп туманида туғилган. 2001–2005 йиллар давомида Наманган муҳандислик-қурилиш институти (собиқ Наманган муҳандислик-педагогика институти)нинг Агроинженерия йўналиши бўйича бакалаврият ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган. 2007–2014 йилларда институтнинг Умумтехника фанлари, касб таълими қишлоқ хўжалигини механизациялаш кафедраларида ассистент, 2015–2017 йилларда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходим-изланувчиси, докторанти бўлган. 2018 йил



17 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.01 рақамли илмий кенгашда «Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш» мавзусида (PhD) докторлик ишини ҳимоя қилди ва техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган. Ҳозирда Наманган муҳандислик-қурилиш институтида «Умумтехника фанлари» кафедраси мудири билиб фаолият олиб бормоқда.

**МУҲАММАДЖОН УСМОНАЛИ ЎҒЛИ** – юридик фанлари номзоди. Чодак қишлоғида туғилган. Тошкент юридик институтида ишлаган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**РАҲИМЖОН ҲАКИМ ЎҒЛИ** – кимё фанлари номзоди, Чодак қишлоғида туғилган. ЎзР ФА Полимерлар кимёси институти лаборатория мудири, Янгийўлдаги технология заводида ҳам лаборатория бўлими мудири лавозимларида ишлаган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**СИРОЖИДДИНОВ ИЛҲОМИДДИН** – физика-математика фанлари номзоди, доцент. Хўжанд давлат университетида кафедра мудири бўлиб ишлаган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**ШАРИФОВ ОРИФЖОН** – филология фанлар номзоди. Санг қишлоғида туғилган. ЎзР ФА Ўзбек тили ва адабиёти институтида ишлаган. «Ўзбек тилининг Поп шеvasи» мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**ҚОСИМОВ ҚОДИРАЛИ** – ветеринария фанлари номзоди. Санг қишлоғида туғилган. Поп туманидаги техникумда дарс берган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**СУЮМОВ АБДУЛЛА** – фан номзоди. Хўжаобод қишлоғида туғилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**МУРОДОВ ҲУСАНХОН** – география фанлари номзоди. Хўжаобод қишлоғида туғилган. Наманган давлат университети География ва иқтисод факультетида дарс берган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**РАҲМОНОВ ЭГАМНАЗАР** – фан номзоди. Санг қишлоғида туғилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**ЭРМАТОВ ОМОНБОЙ** – фан номзоди. Санг қишлоғида туғилган. Фарғона давлат университети ишлаган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**ЗОҲИДОВ ҲАМИДЖОН** – Тожикистон халқ табобати академиги. Чодак қишлоғида туғилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**АМИНЖОНОВ ҲАМИДЖОН** – фан номзоди Чодак қишлоғида туғилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

**БОБОХЎЖАЕВ МАНСУРХОН** – тарих фанлари номзоди, Чодак қишлоғида туғилган. У киши ҳақда бошқа маълумотлар топа олмадик.

## ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ

**ХИДИРАЛИЕВ ИНОМЖОН (ИНОҒОМЖОН).** (1891.23.2, Наманган уезди Поп волостидаги Исковат қишлоғи – 1928.31.12, Москва) – давлат ва жамоат арбоби, дипломат. У 1919 йилдан турли совет идораларида масъул лавозимларда ишлади: Фарғона вилояти партия кўмитасининг котиби (1920–1921), Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссари (1922), Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси (1922–1924). РСФСР Ер ишлари, федерал комитети Президиуми аъзоси (1923–1924). Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор вакили (1924 й. янв. – нояб.). И. Хидиралиев Туркистон республикаси манфаатларини ҳимоя қилиб, большевикларнинг шовинистик сиёсатиға қарши курашган. Ер ишлари халқ комиссари (1925) сифатида И. Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини амалга оширишда фаол қат-

нашган. Пахтакор деҳқонларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш тарафдори бўлган. Москванинг Ваганково қабристонига дафн этилган. Хидиралиев вафотидан кейин, 1937 йилдаги оммавий репрессия даврида «халқ душмани» сифатида қораланган эди. Поп туманидаги 9-ўрта мактаб ва Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги мактабга ҳамда Андижондаги кўчага Иномжон Хидиралиев номи берилган.

Ад: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Шамсутдинов Р., Истикдол йўлида шаҳид кетганлар, Т., 2001; Ражабов К., Хайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.), Т., 2002.

**МАМАЖОН ОТА ФОЗИЛОВ** 1896 йилда Ғурумсарой қишлоғида савдогар оиласида таваллуд топган. Аккалари Васижон, Одижонлар билан тарбия топди, камолга етди. У ширкат хўжалиги ташкил этилишида фаол иштирок этиб, от-араваси, хўкизи билан шу ширкатга кирган. У киши 1948 йилда Поп йўли қурилиши идорасига ишга ўтган. 1953–1956 йиллар давомида Қамчиқ довомидаги йўли қурилишида муҳандис бўлиб ишлаган. Иш фаолияти давомида йўлнинг ҳар бир қисмини ўлчаб, то Ангренсойга қадар бўлган йўлни битказишда фаол роль ўйнаган. У умрини охирига қадар йўли қурилишида фаолият кўрсатган.

**АҲМАДЖОН ОДИЛОВ** 1925 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. Унинг отаси ҳам совет режими томонидан 30-йилларда қатағон қилинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1965), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси (1966 йилдан), КПСС XXIII–XXV съездлари ва Ўзбекистон Компартияси XVI–XIX съездлари депутаты (1969). Поп туманидаги йирик агросаноат бирлашмаси раиси. Илғор пахтакор сифатида бутун Иттифоқда танилган эди.

А.Одилов 1993 йил 26 июлда Ўзбекистон ҳуқуқни сақлаш органлари томонидан ҳибсга олинди ҳамда Қўқон шаҳар суди уни 4 йил муддат-

га озодликдан маҳрум қилди. Бироқ у 15 йил қамоқхонада ўтиргач, халқаро ташкилотларнинг талаби билан 2008 йил 5 июлда 83 ёшида озодликка чиқди. А. Одилов Москвадаги тергов жараёнида ўзининг айбсиз эканлигини исботлада ва бошқа қамоққа олинган аксарият ўзбекистонликлардан фарқли равишда ҳеч кимга қарши нотўғри кўрсатма бермади ва ҳеч кимни айбсиз равишда порахўрликда айбламади. А. Одилов 93 ёшида 2017 йил 27 сентябрда Поп туманидаги ўзи туғилиб ўсган Ғурумсарой қишлоғида вафот этди

**МАМАЖОН РАҲИМОВ** 1913 йилда Поп туманида туғилган. У Поп туманини ўн олти йил бошқарган раҳбарлардан бири бўлган. 20 ёшида Ўрта Осиё Олий қишлоқ хўжалиги мактабига ўқишга кирган. 1937 йилда Хўжаобод, Санг, Тўда қишлоқларида агрономлик қилган. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда унумли меҳнат қилган. 1950–1966 йиллар давомида у Поп, Уйчи, Охунбобоев туманларида партиянинг биринчи котиби бўлиб ишлаган. М. Раҳимов талабчан, одамларга меҳрибон инсон ҳам эди. У кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ҳукуматнинг турли орден ва медалларини олган. 1984 йилда вафот этган. Ҳозирда Поп шаҳридаги кўчалардан бири ва Марказий истироҳат боғи шу кишининг номи билан аталади.

**МАМАЖОН ТОШМАТОВ** 1878 йилда Санг қишлоғида пиллакаш оиласида туғилган. XX асрнинг 60-йилларида «Пахтакор, касбингни улуғла» деган мурожаат билан чиқиб Республикага танилган пахта устаси. 1957 йилда 80 ёшида унга «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилган. 1964 йил 22 февралда вафот этган. Қишлоқ фуқаролар йиғини шу кишини номига берилган.

**ЭРГАШЕВ ЭРМАМАТ** 1906 йилда Санг қишлоғида туғилган. 1926–1930 йилларда мактабда ўқитувчилик қилган. 1938 йилда «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. 1945 йил 24 апрелда Берлин учун жанглардан бирида ҳалок бўлган.

Унинг ўгли Эргашев Яшнаржон саноат ва фуқаро қурилишида инженер бўлиб етишган.

**ҲАСАНОВ ТОЖИРАҲИМ** 1910 йилда Санг қишлоғида туғилган. 1929 йилда қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1937 йилда Поп туман халқ маорифи бўлимига мудир бўлган. 1940 йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилган. 1943 йил урушга кетган. 1954–1964 йиллари жамоа хўжалиги раиси бўлган. 1983 йилда вафот этган.

**СОТИМОВ КАРИМЖОН** 1913 йилда Ғурумсарой қишлоғида дунёга келган. Меҳнат фаолиятини 1932 йили ҳунар техника билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. 1933–1934 йиллари «Ғурумсарой» жамоа хўжалигида ишчи, 1934–1937 йиллари Фарғона молия техникумида талаба, 1937–1939 йиллари «Ғурумсарой» жамоа хўжалиги ҳисобчиси вазифаларида меҳнат қилган. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда ҳарбий хизматга чақирилган. 1939–1946 йилларда қўлида қурол билан фашизмга қарши курашган. Урушдан қайтгач, Каримжон ота ўз меҳнат фаолиятини Янгийўл туманида жамоа хўжалигида ҳисобчиси сифатида давом эттиради. 1967–1973 йилларда Янгийўл тумани давлат суғурта инспекцияси инспектори бўлиб меҳнат қилди. 1973 йилдан буён нафақада. Отахон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жасорат» медали билан муносиб тақдирланган. 103 ёшда Янгийўл туманида вафот этган.

**РАҲМАТУЛЛАЕВ АБДУРАҲМОН (АБДУРАҲМОН ҚОРИ)** 1928 йилда Чоркесар қишлоғида туғилган. Отаси деҳқончилик қилиш учун Қозғистоннинг Чимкент вилояти Абай туманига кўчиб борган. Абдураҳмон қори ёшлигидан Куръони каримни ёд олган. Бир куни Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон Раҳматуллоҳ буваникида меҳмон бўлади. Сухбат асносида унинг икки ўғлига диний соҳада ўқишни давом эттиришни тавсия қилиб, ўзи билан Тошкентга олиб келади. Шу заминда Абдураҳмон қори 1958 йилда Мир Араб мадрасасига ўқишга кирган. У ерда Лут-

фулло Нодиров, Орифжон Йўлдошев, Салоҳиддин Муҳиддинов, Собиржон Эминов каби кейинчалик кўп йиллар эл-юрт хизматида қоим бўлган уламолар билан бирга таълим олган. 1965 йили мадрасани тамомлагач, Тошкент шаҳридаги Хўжа Аламдор масжидига имом-хатиб этиб тайинланган. 1969 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати раҳбарияти тавсиясига кўра, Абдурахмон қори Ориф Йўлдошев билан бирга Мароқашдаги Каравейн ислом университетининг шариат факультетига ўқишга юборилди ва 1972 йилда уни муваффақиятли тамомлаб қайтади. Мароқашдан қайтгач, бир муддат Мир Араб мадрасасида мударрис ва кейинроқ мудир бўлиб ишлайди. 1975 йилдан бошлаб Сирдарё шаҳридаги жоме масжидида, 1978–1990 йилларда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Мирза Юсуф масжидида, 1990–1997 йилларда Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Яккасарой масжидида имом-хатиб вазифасида ишлайди. Абдурахмон домла қаерда ишласа, ўша ерни ўз меҳнати билан обод қилган, жума намозларида ёки турли маърака ва маросимларида содда ва равон маърузалар қилиб, халқ кўнглидан жой олган уламолардандир. Абдурахмон Раҳматуллаев 1997–1998 йилларда Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг мухтасиблик бўлими мудир ва масжидлар бўлими мудир бўлиб ишлаган. Умрининг охирида саломатлиги ёмонлашиб, ишдан бўшайди. Ҳар доим эл-юрт хизматида камарбаста бўлган Абдурахмон Раҳматуллаев 1999 йилнинг 29 сентябрида Тошкентда вафот этган. Жанозасини Раҳматуллоҳ қори Обидов имомлигида ўқилган. Тошкентдаги Шайх Зайниддин қабристонида дафн қилинган<sup>318</sup>.

**ХОЛМАМАТ ТАЛАББОЕВ** – иқтисод фанлари номзоди, 1950 йилда туғилган. 1973 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач, меҳнат фаолиятини Андижон ҳисобчилар тайёрлаш техникумида ўқитувчи, 1972–1982 йилларда

<sup>318</sup> Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент, 2015. – Б.126–127.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий тадқиқот институти Наманган бўлими ходими, Ғурумсарой жамоа хўжалиги директори, 1992 йил Поп тумани ҳокими бўлиб иш олиб борган. Олий Мажлис депутати. Россия тадбиркорлар ва иқтисодиёт академияси фахрий доктори.

**ЭРГАШЕВ ШАРИББОЙ ТўЛАНОВИЧ** – Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори, техника фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда Тўда қишлоғида таваллуд топган. 1982 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Механика» факультетини тамомлаган. 1982–1997 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманган филиалида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1990 йили тўқимачилик материалларини дастлабки ишлаш йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1996–1998 йилларда Поп тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, 1998–2000 йиллари Наманган вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган. 2001–2019 йиллари Халқ таълими вазирлигида турли лавозимларда фаолият олиб борган. 2019–2020 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-хунар таълими ўқув-методик мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган. Ҳозирда «Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шароитида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг назарий ва ташкилий-педагогик асослари» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Халқ таълими аълочиси (2003), Халқаро Нобельсон мукофоти совриндори.

**ЖўНАШЕВА ЭРКИНОЙ** – 1954 йилда Поп туманида туғилган. Наманган давлат университети-ни тугатган. 1985–1988 йиллари Халқ депутатлари Поп шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси котиби, 1991–1992 йиллари Ўзбекистон Халқ Демократик партияси туман Кенгаши иккинчи котиби, Туман

ҳокими ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган. 1995 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

**ЭРГАШЕВ СОТИБОЛДИ** 1925 йилда Санг қишлоғида туғилган. Поп туманидан чиққан генерал-майор бўлиб, 1942 йилда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Ленинград ҳарбий академиясини тамомлаган. Турли ҳарбий лавозимларда фаолият юритган. Поп тумани, Ангрен шаҳри ва Сирдарё вилояти ҳарбий комиссари. 1976–1982 йилларда Республика ҳарбий комиссари бўлган. 1983 йилда вафот этган. Александр Невский ордени, 1-даражали Ватан уруши ордени, икки марта Қизил Юлдуз ордени ва 20 дан ортиқ медаллар билан тақдирланган.

**ТУРДИЕВ РАҲМОНЖОН** 1910 йилда Санг қишлоғида туғилган. У иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлайди. 1941–1945 йиллари уруш қатнашчиси. 16 йил жамоа хўжалигида бош ҳисобчи, 1961–1970 йилларда раислик қилган. Унинг ўғли Баҳодир Турдиев «Поп тонги» газетасининг бош муҳаррири бўлган.

**ҚҮЛДОШЕВ ЙҮЛДОШАЛИ** 1934 йили Санг қишлоғида туғилган. 1968 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач, жамоа хўжалигида бўлим бошлиғи ва раис лавозимларида ишлаган. 1978 йилда Учқўрғон туманига раҳбарлик қилган. 1987 йилда «Пахта иши» билан айбланиб, Москвада етти кун сўроқ бериб ўзининг айбсиз эканлигини исботлаган. Оддий, ҳалол бу инсон давлатнинг бир неча ордени ва медалларига сазовор бўлган.

**ЭРНАЗАРОВ ШЕРАЛИ** 1928 йилда Санг қишлоғида туғилган қишлоқ хўжалигининг турли лавозимларида ишлаган. Учқўрғон тумани ижроқўми лавозимида 25 йил фаолият олиб борган. 1983 йилда вафот этган.

**ОДИЛОВ МУҲСИН ОДИЛОВИЧ** 1935 йилда Ғурумсарой қишлоғида таваллуд топган. У 1957 йилда Тошкент жаҳон тиллари институтини битириб, Поп тумани халқ таълими бўлими инспектори, Самарқанд ўқитувчилар малака ошириш



институти ўқитувчиси, Поп туманидаги Рус тилига ихтисослашган 26-сонли мактаб директори лавозимида фаолият олиб борган. 1967-1973 йиллари Ўзбекистон Олий Совети Президиумида масъул ходим, Наманган вилояти ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, 1981 йилда Поп шаҳридаги 1-сонли ўрта мактаб директори, 1982 йилда Республика ўқитувчилари малакасини ошириш институти ректори лавозимида ишлаган. 1985 йилдаги Республикада ўтказилган «Ўзбеклар иши» жараёнида қамоққа олинган. Бироқ 1989 йилда суд томонидан оқланиб, ректорлик лавозимига қайта тикланган. Муҳсин Одилов 2007 йил 20 августда вафот этган. Унинг ташаббуси билан Ғурумсарой қишлоғидаги 1848 йилда қурилган ва кейинчалик вайронага айланган масжид қайта тикланган. Ғурумсарой шифохонаси ва ҳунар-техника билим юрти қурилиб ишга туширилган.

**АҲМАДЖОНОВ АНВАРЖОН** 1950 йилда Ғурумсарой қишлоғида туғилган. 1964–1968 йилларда Кўқон қишлоқ хўжалиги техникуми, 1968–1973 йилларда Тошкент политехника институтида, 1983 йилда собиқ Иттифоқ давлат хавфсизлик қўмитасининг Москва шаҳридаги Олий мактабини имтиёзли диплом билан тугатган. 1973–1984 йилларда Давлат Хавфсизлик қўмитасида фаолият олиб борган. Республикада ўтказилган «Ўзбеклар иши» олиб борилаётган жараёнда хизматдан четлатилган. 1985–1992 йилларда В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандислик лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан ҳозирга қадар «Халқаро ишбилармонлар маркази» раҳбари.

## ЎЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРИ

**ПАРДА ТУРСУН** (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Парда) (1909.7.11, Чоркесар қишлоғи – 1957.28.9, Тошкент) – ёзувчи. Алмаий номидаги ўлка Ўзбек намуна иш-мактаби (1923–1927), Тошкент педагогика билим юртида (1927–1928) ўқи-

ган. «Батрак» газетасида масъул котиб (1930–1931), «Кизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим (1931–1934; 1939–1940). 1935–1936 йилларда Ўрта Осиё план-иқтисод институтида бирмунча муддат таҳсил кўргач, Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитаси раиси котиби (1937–1938), Ўзбекистон Телеграф агентлиги (1940–1945)да адабий ходим ва муҳаррир, партия тарихи институтида илмий ходим (1948–50). Парда Турсуннинг адабий фаолияти 1929–1930 йилларда кичик-кичик ҳикоялар ёзиш билан бошланган («Алвасти», 1929; «Зўрлик», 1932 ва б. тўпламлар). Парда Турсуннинг бу ҳикояларидан кейинчалик унинг «Ҳақ йўл» (1947) автобиографик қиссаси «Ўсиб чиққан». Парда Турсун 1940 йилда ёзилган бу қиссаси устида узоқ вақт ишлаб, уни 1947 йилда нашр этади. Кейинчалик мазкур қиссага сайқал бериш, унда белгиланган қаҳрамонлар ҳаёти ва жамоалаштириш даври манзараларини тасвирлашда давом этиб, дастлаб «Ўқитувчининг йўли» (1949), кейин эса «Ўқитувчи» романини (1951) ёзади. Тошкент ва Намангандаги бир неча мактаб ва кўчаларга Парда Турсун номи берилган.

Ас: Ўқитувчи [Роман]. – Тошкент, 1972.

Ад.: Икромов О., Парда Турсун. Адабий портрет. – Тошкент., 1968; Ўзбек адабиёти тарихи, 3-ж., – Тошкент, 1972.

**ШАРИПОВ ХУСНИДДИН** (1933.10.2, Поп ш.) – шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983). Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон-мелиорация факультетини тугатган (1949–1954). «Наманган ҳақиқати» газетасида адабий ходим ва масъул котиб (1956–1960), «Ўзбекистон маданияти» газетасида адабий котиб (1960–1962), «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири (1962–1969; 1976–1977; 1982–1983), Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1984–1993). Дастлабки тўплами – «Ниҳол» (1956). шоир «Кўнгил буюргани» (1961), «Қуёшга ошиқман» (1963), «Тупроққа қасида», «Ернинг қалби» (1965), «Мен сизга айтсам» (1968), «Лирика» (1970), «Ҳаяжонли

дақиқалар» (1980), «Ох, гўзал» (1981), «Хирмон» (1985), «Яна висол» (1987), «Ёр истаб» (1992) сингари шеърӣ китоблар ҳамда «Дўстим Тождин» (2001) номли воқеий қисса муаллифи. Шоирнинг шеърӣ ижодида она заминга чексиз муҳаббат, ўз меҳнати ва бунёдкорлик фаолияти билан мамлакатнинг гуллаб-яшнаши йўлида тер тўкаётган замондошларга ҳурмат, юксак инсоний қадриятларга садоқат туйғулари тасвири устуворлик қилади.

Шоирнинг шеърӣ ижодида дostonнавислик муҳим ўринни эгаллайди. У, айниқса, 60–70-йилларда дoston жанрида самарали ижод қилиб, шу давр ўзбек дostonнавислиги тараққиёт тамойилларини белгилаб берган: «Қуёшга ошиқман» (1961), «Боғ кўча болалари» китобларини муаллифидир.

**ЁНДОШЕВ ЭРГАШБОЙ (Эргаш Ёндош)** 1938 йил 30 апрелда Поп туманида туғилган. У 1-сонли ўрта мактабни тугатгач, туман кутубхонаси мудирӣ бўлиб ишлаган. Наманган вилояти ва Поп тумани газетаси, телерадио компанияси ҳамда ёзувчилар уюшмаси бўлимларида ишлаган. Унинг бир қатор шеърлари «Шарқ Юлдузи», «Гулистон» журналлари ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган. 1980–1985 йилларда «Қайдасан охугинам», «Бир тилда гаплашамиз», «Севги дарслари», «Баҳодир белдор» каби китоблари нашр қилинган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли шоир 1993 йилда вафот этган. Поп кўчалардан бирига унинг номи берилган.

**ТУРСУНОВ АМИНЖОН** Санг қишлоғида туғилган. 1949 йил Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битирган. «Мукофот», «Олтин Юлдуз» номли пьесалар, «Дўстлик хотиралари» номли ҳикоя муаллифи. 1951 йилда вафот этган.

**ЭРГАШЕВ ҲАЙИТБОЙ** 1948 йилда Тепакўрғон қишлоғида туғилган. У тумандаги 17-сонли ўрта мактабда инглиз тилидан дарс берган. Шу билан

бирга, унинг шеърлари Республиканинг бир қатор газета ва журналларида шеърлари нашр қилинган. 2003 йилда унинг «Гулзор ичра ...» номли шеър-рий тўплами нашр қилинган.

**НОМОЗОВ ОРТИҚАЛИ** 1949 йилда Санг қишлоғида туғилган. 1982 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Турли таҳририятларда фаолият кўрсатиб, эл ардоғидаги ижодкорлар билан устоз-шогирдликда ишлаган. Республика нашриётларида унинг «Сени кутаман», «Саломат бўлай десанг», «Тонгда йўлга чиқамиз», «Тоғиб олдим сени ёшлигим», «Муҳаббат одамни асрайди», «Рўзи Раҳмон сабоқлари», «Саид Аҳмаднинг чорбоғи», «Мардонбековнинг сўнги кунлари», «Одиловни отмоқчи эдилар» сингари ўнга яқин публицистик ва бадиий китоблари нашр этилган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати. 2001 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлган. «Мустақилликнинг 10 йиллиги» нишони билан тақдирланган.

**МАМАДАЛИЕВ РУСТАМАЛИ** 1958 йилда Санг қишлоғида туғилган. 1970 йилда туман газетасида илк мақоласи чоп этилган. 1994 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Бир неча йил туман газетасида, вилоят телерадиокомпаниясида ҳамда «Турон», «Дилкаш» газеталари муҳаррири вазифаларида фаолият олиб борган. «Ғайрат» газетаси муҳбири. Бир неча шеърлари дарсликларга киритилган. «Жаннатмакон гўша» номли рисола ҳаммуаллифидир.

## САНЪАТКОРЛАРИ

**МАДРАҲИМ БАХШИ БОЛТАБОЕВ** Кўрнос қишлоғида туғилган. 1930 йилларда «Янги чорва» хўжалигида чўпонлик қилган. Шу пайтдан бошлаб халқ оғзаки дostonлари ва термаларини ижод этиб куйлаб юрган. «Гўрўғли», «Алпомиш»,

«Маликаи айёр», «Кунтуғмиш» каби дostonларни маҳорат билан куйлаб эл хурматига сазовор бўлган. 15 йил давомида Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги НамДУ) талабаларига дoston термалари бўйича дарс берган. Чоркесардаги 3, 22, 31-мактабларда ҳам мусиқа фанидан дарс берган. Қирғизистонда ўтказилган бахшилар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган. 1977 йилнинг март ойида Уйғур қишлоғида унинг 80 йиллик юбилеи ўтказилган. Бахши 1988 йилда 108 ёшида вафот этган.

**МАМАТБЕРДИ ҲОФИЗ ОЛИМАЛИ БАХШИ ҲҒЛИ** 1929 йил 10 мартда Гурумсарой қишлоғида туғилган. Отаси Олимали бахши Ҳринов «Гўрўғли», «Алпомиш», «Рустами дoston» каби дostonларни моҳир ижрочиси бўлган. Онаси Норхолойим Ҳришева жамоа хўжалигида сут соғувчи бўлган. Қўшиқчилик ва мусиқа асбобларини чалишни отаси, марғузорлик Мамадали машшоқ, Қамариддин чангчи, поплик Мамажон ва Жўравой ғижжак, Абдувоид ва Тошканбой найчилардан ўрганган. У «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб», «Равшан ва Зулҳумор» ҳамда Алишер Навоий, Фурқат, Ҳамзанинг ғазалларини куйлаган. 2004 йил 76 ёшда вафот этган.

**СОАТҚУЛОВ ДАДААЛИ** (1917, Поп тумани – 1985, Тошкент) — композитор, созанда (най), мусиқа жамоат арбоби. Ўзбекистан халқ артисти (1967). Тошкент консерваториясини тугатган (1953). Отасидан най чалишни ўрганган. Тўйчи ҳофиз, Юнус ва Ризқи Ражабий, И. Икромовлардан ўзбек мусиқа меросини ўзлаштирган. Чуст – Поп туманлараро колхоз – совхоз театрида (1930–1933), Кўқон театрида созанда, мусиқа раҳбари (1934–1940). Ўзбекистон радиоси халқ чолғулари оркестрида созанда, дирижёр ва бош дирижёр (1940–1953). Ўзбек давлат филармониясида директор ва бадий раҳбар (1953–1959, 1960–1963, 1969–1970), Ўзбек радиосида бадий раҳбар (1959–1960), бош муҳаррир (1971–1972), Муқимий театрида директор (1963–1969). Ижодида ўзбек

музыка мероси (Фарғона йўллари)га таянган. «Зарафшон қизи» (1960, янги таҳрири, 1963), «Гули сиёҳ» (1964), «Махтумқули» (1966, Б. Гиенко билан ҳамкорликда), «Фарғона тонг отгунча» (1967), «Ошиқлар» (1973), «Юсуф ва Зулайҳо» (1979) каби музыкали драмалар, «Пахтакорлар – тинчлик учун» кантатаси (1953–1954), най ва халқ чолғулари оркестри учун «Чўли Ироқ» поэмаси (1950), «Сайилга юриш» каби сюиталар, «Фарғонача квартет», кўшиқлар («Моҳигул», «Чўпон қиз») ва романслар («Айлади», «Зебосидан», «Кўк чашмаси», «Навбахор», «Гул боққа», «Гулистоним менинг») яратган, шунингдек, «Стадионда учрашамиз» (Г. Мушель билан ҳамкорликда) каби кинофильм ва радиопостановкаларга музыка ёзган.

**УБАЙДУЛЛАЕВА МАЪРИФАТ САЙБУЛЛАЕВНА** (1929.4.6, Чодак қишлоғи). Ўзбекистон халқ артисти (1983). 1953–1961 йиллари Наманган вилоят музыкали драма ва комедия театрида, 1961–1992 йиллари Андижон вилоят музыкали драма театрида, 1992 йилдан Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар театрида актриса. Ширин («Фарҳод ва Ширин»), Хэмнолина («Ганг дарёсининг қизи»), Санам («Азиз ва Санам»), Ойпарча, Нодирабегим («Нодира»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Зулхумор («Равшан ва Зулхумор»), Нурхон («Нурхон»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Катарина («Ўжар қизнинг қуюлиши»), Нигоройим («Меҳробдан чаён»), Момо («Ҳаёт эшик ортида»), Наргиз («Наргиз») каби роллари унинг ижодида алоҳида ўрин тутди. Убайдуллаева лирик ва характерли роллар устаси бўлиб, унинг ижоди юқори овоз, драматик маҳорати, бадий ифодаси ҳаётийлиги билан ажралиб туради. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2002).

**МАСАФОЕВ ЭРГАШ** Чодак қишлоғида туғилган. Ўзбекистон ва Тожикистон ёшлар драма театри бош режиссёри. «Дийдор» театр студияси асосчиси. Собиқ «Ёш гвардия» драма театрида А. Островскийнинг «Қачонгача мой ейсан», Пётр Вайснинг «Освенцем жаллодлари», Мар Байжиев-

нинг «Баҳс», А. Сиддиқийнинг «Нон, қон, инсон», Ян Соловичнинг «Мудҳиш вазият ёки кўчага чиққан гап», А. Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» каби спектакллари саҳнага олиб чиққан. Ёшларни ҳалоллик ва фаолликка чақирувчи бу спектаклларни асосан театр ташаббускори ва ташкилотчиларидан бири Эргаш Масафоев саҳналаштирган. Ёшлар театри тақдирини ва унинг фуқаролик ҳамда ижодий йўналишини белгилаб берган. Ёзувчи Эркин Усмонов «Эргаш Масафоев ўзининг ижодкорлик иқтидори, ўзбек миллий режиссура-сида шаксиз тарихий аҳамиятга молик шахсдир» деган бўлса, республикада ўзи ҳам иқтидорли режиссёр ҳамкасби Жўра Маҳмуд режиссёр ҳақида «Режиссёр ёзувчи – драматург ижрочи – актёр қабул қилувчи томошабин ўртасида тилмочлик қилувчи шахс экан»лигини Эргаш Масафоев ижодида кўрганини ҳавас билан айтишида кўришимиз мумкин. Эргаш Масафоев – ўзбек театр санъатининг ўзига хос миллий колоритини чуқур ҳис этувчи ижодкор. У актёрларнинг реал ижро маҳоратига таянган ҳолда, эҳтиросли, теран ҳаётий саҳна асарларида аниқ, бадиий қабарик образлар яратди. У яратган спектакллар мусиқавий, турфа бўёқларга бой. Э. Масафоев даврида Малика Иброҳимова, Мурод Ражабов, Ширин Азизова сингари том маънодаги театр санъати намояндалари кашф этилган<sup>319</sup>.

**МАҲМУД ДЎСТМАТОВ** 1939 йилда Санг қишлоғида туғилган. 10-ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтида таҳсил олган. Шундан сўнг ҳозирги Ўзбек драма театрида фаолият олиб борган. У ўз ижодий фаолиятида «Парвона» спектаклида Муроджон, «Гирдоб» спектаклида Шорасул, «Вафодор» спектаклида Рустамжон, «Бир фожа изидан» спектаклида Серцен Одилов, «Диёнат» спектаклида, «Фармонбиби аразлади» спектаклида ажойиб образлар яратган. 1996 йил 13 январидан тўсатдан вафот этган.

<sup>319</sup> Содиқов И. Яқдиллик йўқолганда // Ёшлик журнали. 18 сон. 1983 йил. – Б. 55–56.

**РУСТАМ ҚИЗИҚ ҲАМРОҚУЛОВ** 1953 йил 10 августида Санг қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 10-ўрта мактабда ўқиган. 1974 йилда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институти драма театри ва кино актёри факультетини тугатиб, Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида иш бошлаган. Ҳозиржавоблиги, талантлилиги билан тезда халқ орасида машҳур бўлган. Шекспирнинг «Гамлет» фожиасида Гамлет, Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланади» асарида Павел Корчагин, Азиз Турғуннинг «Машраб» драмасида Маматохун, Ион Друзонинг «Каса маре» асарида Павлеке, Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» спектаклида Қўчқорвой, «Насриддин ва Азроил»да Хўжа Насриддин, Ўлмас Умарбековнинг «Ўз аризасига кўра» асарида Элёр ва бошқа ролларни маҳорат билан ижро этган. 1978 йилда театр сахнасида яратган бир қатор образлари учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мукофоти лауреати бўлган. У кўплаб «теша тегмаган» хангомаларни ёзиб, ўзи ижро этган. Унинг қўшиқ, аския ва хангомалари эл олқишига сазовор бўлган. 1988 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олган. Бироқ 1989 йил 1 октябрида фожиали ҳалок бўлган. 1994 йилда туманда Рустам Ҳамроқулов хотирасига бағишлаб Республика аскиячиларининг кўрик-танлови ўтказилган.

Фахр этарди Поп сени фарзанд дея,  
Шод кўнгил шундай аччиқ қисматми-я.  
Мунгли онанг кўзида ёш зор-зорку-я,  
Кулги сеҳри, қўшиқ меҳри – истеъдод.  
Афсус бугун тилда номи хотирот.  
Тожи ҳожи, Мўйдин дарвеш этди ёд.  
Юсуф, Сойиб бирла мангу барҳаёт<sup>320</sup>.

<sup>320</sup> Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. – Наманган., 1997. – Б. 74.



**МЕҲРИ БЕКЖОНОВА (ҲОЖИМАТОВА) 1962**  
Йил 1 январида Поп шаҳрида туғилган. 1969 йил Поп тумани 1-ўрта мактабда 1–4-синфларда, 40-ўрта мактабда эса 5–10 синфларда ўқиган. 1979 йилда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)да таълим олган. 1984 йилда институтни тугатгач, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрига ишга борган. Бадийий фильмлардан режиссёр Машраб Юнусовнинг олти қисмли «Жалолиддин Мангуберди» телефильмида Меҳрижаҳон роли, «Жаҳон отин Увайсий» телефильмида Нозикшоҳ, режиссёр Аҳад Фармоновнинг «Муҳаббатимсан» фильмида ҳам она ролини ижро этган, бир неча сериалларда роллар ижро этган. 1998 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 2009 йили «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан мукофотланган. Меҳри Бекжонова ўз ижодий фаолияти давомида театрда сахналаштирилган 50 дан ортиқ спектаклларда бош қаҳрамонлар роллари ва характерли образларни юксак маҳорат билан ижро этиб, репертуарни бойитиб келмоқда. Жумладан, «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Гул ва Наврўз»да Гул, «Тоҳир ва Зухра»да Зухра, «Мангулик»да Дилдор, «Гулсара»да Гулсара, «Тошкентликлар»да Гулноз, «Нодирабегим»да Нодирабегим, «Мангу машъал»да Баҳорой, «Диёнатга хиёнат»да Ўғилой, «Бир кам дунё»да Адолат, «Муҳаббат навоси»да Омониссахон, «Паранжи сирлари»да Холисахон, «Топталган туйғу» Маъсума, «Прометей»да Эо, «Тошкентнинг нозанин маликаси»да Хайри, «Муҳаббат навоси» да Омонисо, «Ойонам-қайнонам»да Марьям, «Меҳр нури»да Саодат каби образлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Айниқса, унинг «Топталган туйғу» спектаклида яратган Маъсума, «Ойонам-қайнонам»да Марьям образи ўзининг ички кечинмаларга бойлиги, ўзбек аёли тимсолида кўпчиликка маъқул бўлди. Шунингдек, Меҳри Бекжонова ўз мухлисларини «Оталар сўзи – ақлнинг

кўзи», «Турмуш чорраҳалари» каби телетуркумлари билан, «Тоғлик куёв», «Муҳаббатимсан», «Жалолиддин Мангуберди» фильмлари, «Жаҳонотин Увайсий», «Назира», «Беғубор орзулар», «Саодат», «Фитна» каби сериаллардаги турли характердаги образлари орқали хушнуд этиб келмоқда.

**ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ** (1960.27.10, Санг қишлоғи) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1985). Рассом ижодида миллийлик ва замонавийлик руҳи ҳамоҳанг; авангард йўналишдаги асарлари билан танилган рассом асарларида безак ечими, халқ анъаналари, миллий удумлар шарқона талқин этилади. Асарлари: «Бизнинг ҳовли» (1983), «41-йил олмалари» (1985), «Ёмғирдан сўнг» (1990), «Болалик баҳори» (1992), «Икки дугона» (1992), «Сукунат» (1993), «Севишганлар» (1993), «Шарқ келинчаги» (1994), О. Қозоқов. «Оналик осмони» (2002). «Бибиҳоним» (1994), «Соҳибқирон руҳи» (1996), «Буюк Ипак йўли бўйлаб» (1996), «Кўк туя» (1997), «Кўҳна наво» (2000), «Оналик осмони» (2002), «Бахт карвони» (2003) ва б.; Қ., шунингдек, портретлар («Автопортрет», 1983; «Сароймулкхоним», 1996, 2005; «Қамолитдин Бехзод», 1997), натюрмортлар («Натюрморт», 1995; «Наврўз натюрморти», 1995; «Настарин», 1996; «Оқ гуллар», 1997; «Лимонли натюрморт, 2003), манзаралар («Ангрен атрофи», 2002; «Қамчиқ довоғида баҳор», 2004) ва б. асарлар муаллифи ҳамдир. Рассом асарлари билан республика ва халқаро кўрғазмаларда иштирок этади.

**САМАНДАР ҲАМРОҚУЛОВ** 1978 йил 23 декабрь куни Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида, санъаткор ва қизиқчи Рустам Ҳамроқуловлар оиласида таваллуд топган. У Фаробий номидаги 2-мактабга боради. Мактабдан сўнг Тошкент давлат санъат институтининг «Муסיқали драма» факультетини тамомлаган. Самандарнинг илк ижодидаги «Севги фазоси» кўшиғи хит даражасига етган. Сўнг «Асалим гўзал», «Самандар тан-

госи» ҳамда 2002 йилда суратга олинган Рустам Саъдиевнинг «Муҳаббат синовлари» фильмига ишланган «Сен ўзинг» соундтреки жуда ҳам ом-малашиб, хит тарона даражасига етган. Хонанда нафақат кўшиқчи, балки у кинофилмларда бир-биридан ажойиб ролларни ижро этади. Хуршид Дўстмухаммад асари асосида Собир Дадамухамедов суратга олган «Чаён гул», «Муҳаббат синовлари-1» ва «Муҳаббат синовлари-2» фильмларида бош ролни ижро этган. Бундан ташқари, режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг «Тақдир», «Тўда», Аҳад Фармоновнинг «Муҳаббатимсан» ва Зебо Наврўзованинг «Ярим бахт» фильмларида ҳам бош ролларни аъло даражада ижро этиб келган. 2002 йил «Тарона» мукофотида «Муסיқада йил янгилиги», 2003 йил «Ниҳол» мукофоти совриндори, 2004 йилда эса яна «Тарона» мукофотининг «Йил кўшиқчиси» бўлган. 2007 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олган.

**МАЛИКА ЭГАМБЕРДИЕВА** 1990 йили Поп туманида туғилган. 2005 йили мақомчилар кўриктанловида ғолиб бўлган, 2009 йили «Қалбимда Ватан» кўрик-танлови лауреати ва «Ягонасан Ватан» танлови учинчи ўрин соҳиби бўлган. 2010 йили «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланган, 2013 йили эса асосий Наврўз тантаналари якунида Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков билан дуэт куйлаб чиққан. Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитовани ўзига устоз деб билади. 2015 йилда «Эътироф» мукофотига сазовор бўлган.

## ПОП ТУМАНИ ЖОЙ НОМЛАРИ (ТОПОНОМИЯСИ)

**Арашон** – Арасон, аршан шаклларида Ўрта Осиёдан Узоқ Шарққача, Бурятиядан Тибетгача бўлган улкан ҳудудда учрайдиган бу термин асли санскритча *gasayana* – «нектар», «оби ҳаёт», «худолар озиғи» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «шифобахш», «иссиқ минерал сув» демакдир.

**Аччиққўл** – Аччиққўл асли сув ҳавзаларидан бири кўлнинг номи. Кўл сувининг аччиқлиги, ўта шўр эканлиги, истеъмол қилиш учун яроқсизлиги кўлнинг шу тарзда номланишига сабаб бўлган. Кўл ҳозирда йўқ бўлиб кетган. Бироқ унинг номи шу атрофдаги аҳоли турар жойи атамаси сифатида сақланиб қолган. Аниқроғи кўл номи асосида Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида бир қишлоқ вужудга келган. Поп туманидаги Навбахор қишлоғи ҳам ана шу Аччиққўл массивида вужудга келган.

**Бетагалик тоғи** – «Бетага ўсимлиги кўп ўсадиган тоғ» деган маънони билдиради.

**Бешсори** – ўзбек ва қорақалпоқ уруғларидан бири бўлиб, ривоят қилишларича, Қорақалпоғистонда Бешта сардор шу манзилга келиб жойлашган экан.

**Ботир бўтка** – асли Уйғур қишлоғидан бўлган Ботир ака Дўлтаев номидан олинган. У киши 1926 йилда туғилган. «Поп» ширкатлар уюшмасининг ҳозирги 4-бўлими маркази уч айрилиш қисмида бир будка, яъни уйча шаклида хона қурилган эди. Шу-шу бу ерга аҳоли келиб жойлашиб, қишлоқ номи «Ботир бутка» деб номланади.

**Ғурумсарой** – Ғурумсарой қишлоғи номланишига оид ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири Хуррам исми киши бу ерга келиб Сирдарё бўйига йўл ёқасига сарой қурган. Ўтган йўловчи одамлар шу ерда тунаб, дам олиб, яна ўз сафарини давом эттирганлар. Йўловчилардан қаерда тунадинглар деб сўрасалар, улар «Хуррамсарой»да тунадик деб айтишган. Бу жой яхши жой бўлган-

лиги учун одамлар келиб жойлаша бошлаганлар. Шу зайлда Хуррамсарой оғиздан-оғизга ўтиб Ғурумсаройга айланган. Иккинчи бир ривоятга кўра, қишлоқ жойлашган ер жуда сўлим дам оладиган жой бўлиб, бир туп сада дарахти остида сарой бўлганлиги, Қўқон ва Хўжандга шу йўл орқали борганлиги боис, йўловчилар шу сада соясида дам олиб, тунаб қолишган. Хукмдорлар бу ерга Хуррам исмли кишини ҳар бир тунаган кишидан ҳақ олиш учун юборган. Бу одам бу ерга сарой қурдирган ва йўловчиларни тунаб қолиши учун шароитлар яратган. Шу боис, бу жойни «Хуррамсарой» деб номлашган. Учинчи бир ривоятга кўрса илгари одамлар дарё ёқаларида қабила-қабила бўлиб яшанглар, яъни тўп-тўп бўлиб, содда тилда айтганда «ғурим» деб аташган. Сарон форс тилида «сар» – бош, «он» эса –лар қўшимчасини билдирган. Яъни Ғуримсарон – «тўп бошлиқлари» маъносини билдирган. Кейинчалик бу сўз «Ғурумсарой»га айланиб кетган<sup>321</sup>.

**Довул** – қишлоқ номи. Мазкур атаманинг «кучли бўрон» маъносини ифодаловчи сўзига боғлиқлиги йўқ. Ном дастлаб Товул тарзида бўлган, кейинчалик сўз бошида Т жарангсиз товушнинг жаранглилашиб Д товушига ўтиши натижасида Довул шаклига келиб қолган. Товул аслида Фарғона водийсидаги қипчоқ уруғларидан бирининг номидир. Қишлоқнинг аталишига мана шу этник гуруҳ номи асос бўлган. Бундан ташқари, Фарғона вилояти Бувайда туманида Товул, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида эса Товулди номи билан аталувчи қишлоқлар бор<sup>322</sup>.

**Искавот** – Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ва Поп туманларидаги қишлоқ номи. Мазкур ном дастлаб Эскиобод формасида шаклланган, кейинчалик жонли сўзлашув тилида Искавотга айланиб кетган. Эскиобод – эски қишлоқ маъносини ифода

<sup>321</sup> Маткаримов М., Курбонов Қ. Ғурумсаройнома. 1-китоб. Фарғона, 2005. – Б. 6-7.

<sup>322</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 18.

қилади ва қишлоқнинг атрофидаги бошқа аҳоли масканларига нисбатан аввал пайдо бўлганлигига ишора қилади<sup>323</sup>.

**Каноли** – бу жой сувнинг кони бўлганлиги учун форс-тожик тилида «Кони об», яъни сувнинг кони деган маънони билдирар экан. Каноли ва Ҳовузак қишлоқлари аҳолиси Охунбобоев канали қазилиб, сув келтирилгандан сўнг асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. Сув келиши муносабати билан деҳқончилик, боғдорчилик кенгайиб борган.

**Келачи** – ушбу қишлоқнинг номи ўзбек уруғларидан бири бўлган келачи уруғи билан боғлиқ бўлиши керак. Бу номдаги қишлоқ Самарқанд вилоятида ҳам мавжуд. Аштархонийлар даврида оталиқ ҳамда додхоҳ мансабларида фаолият кўрсатган келечи (калачи, қалъачи) қабиласи ҳам Бухоро хонлиги аҳолиси таркибида яшаган.

**Кенагас** – ушбу ном билан аталувчи қишлоқлар Республиканинг кўпгина вилоятларида мавжуд. Бу хил ойконимлар кенагас этноними асосида ясалгандир. Кенагас – йирик ўзбек ва қорақалпоқ уруғларидан бири.

**Қазноқ** – бу қишлоқ ҳақида бир ривоят бўлиб, бундан 1300 йил илгари Бостонбува ҳокимликларига бир катта хазина қолган, дейишади. Чунки бу ерда бир, бир ярим метр чуқурликда ўчоқлар ва кул қолдиқлари учраган. Қазноқ сўзининг «омбор», «ертўла» маъноси ҳам бор.

**Қамчиқ** – «Кемтик», «Кимтик», «Чети кемшик», «учи чиққан» маъноларни билдиради. Чо-даклик ёши улуғ, кўпни кўрган отахон билан суҳбатлашганимда у киши: «Қачондан бери довон номи Қамчиқ бўлиб қолди ҳайронман. Ота-боболаримиз водийдан чиқиб кетувчи тоғли йўлдан ўтиш машаққат ва хавфли эканлиги учун камроқ чиқишни маслаҳат бериб – «Кам чиқ» дея атаган», деган эди. Бу маълумот қай даражада тўғри эканлиги эса мен учун қоронғи. Балки оддий халқ ай-

<sup>323</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 25

тишга қийин бўлган номни ўзлаштириб ва ўзгартириб соддароқ кўринишга келтиргандир.

**Қандагон** – хитойча «Канди», яъни «металл», «ғони» сўзи «кўп» маъносини билдиради. «Маъданга бой» маъносини билдиради.

**Қарсак** – айтишларича, Қарасак топоними шу ерда ўсувчи гасарак ўсимлиги номининг ўзгарган шакли ҳисобланади.

**Қирчин** – Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда «Қирчинкўрғон», «ороли Қирчин» номлари билан учрайди. Қишлоқнинг шимолий қисмида қадим-қадимлардан бери қўшалок туя ўркачига ўхшаш икки дўнглик, тепалик, яъни маҳаллий аҳоли тилида иккита қир жойлашган. Ҳар бирининг баландлиги тахминан 3–4 м, узунлиги 50 м, эни 30 м, бир гектар майдонни эгаллаган. Қишлоқнинг номи ана шу қирларга нисбат қилиб олинган бўлиши ҳам мумкин. Яна «қирчин», яъни «қирқ» ва «чин» – «йигит, дўст, яқин киши» сўзлари бирикмасидан ҳам ҳосил бўлган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, қишлоқ яқинида «Қирққизбува» қабристонидан мавжуд бўлиб, ҳозирда бу қабристонда қирқта қабр ва битта ёш бола қабри мавжуд. Минг йиллардан бери бу қабристонда қабр қовланмайди. Бироқ одамлар ҳар йили бу қабристон ва унинг ёнидаги катта балх тутини зиёрат қилиб, худойи қилиб туришади. Шунингдек, бу мазорни чодакликлар «Қизил эмчакбува мазори» ҳам дейишади. Бундай дейишини сабаби Чодак қишлоғи тепасидаги «Оқарқара кўли» билан боғлиқдир. Чунки, бу кўлга сув қуйилади, аммо қаердан чиқиб кетиши номаълум бўлган. Шу боис, кўлдан сув қаерга чиқиб кетишини аниқлаш мақсадида кўлга қизил ранг сепилган. Шунда ҳам кўл суви Чодак атрофидаги булоқларда аниқланмаган. Бу кўлнинг суви Қирчин қишлоғи яқинидаги булоқдан қизил ранг билан оққанлиги учун «Қизил эмчакбува мазори» деб аталган. Кўл билан булоқ орасидаги масофа 40 км. ҳисобланади. Бу булоқнинг қуйи қисмида Сирдарё этакларига чодакликлар кўчиб

келиб ўрнашиб қолганлар. XX асрнинг 40–50-йилларида бу ерларга Варя исмли корейс аёли бошчилигида бригада бўлганлиги боис, бу ерларни ҳозирда «Варя ерлари» деб аташади. Бу ерларда тепакўрғонликлар, қирчинликлар ва чодакликлар деҳқончилик қилишади. Кейинги йилларда ушбу ҳудуд атрофидан Тошкент – Андижон магистрал йўли тушмоқда. Бунинг учун йирик кўламдаги ишлар, жумладан, Сирдарёдан ўтувчи кўприк қурилди. Қирчин атрофида силлиқ новдали бута шаклли тол дарахти кўп ўсади. Маҳаллий аҳоли жуда кўп йиллар давомида тол буталаридан сават, туяга ортиладиган хивич, сузгич, кажава, ўтов тиргагичи ва панжаралари, рўзғорга керак бўладиган қошиқ, коса ва бошқа буюмлар ҳам ясаганлар. Шунингдек, «қирчин» сўзи туркий тилда «майда бута» маъносини ҳам билдиради.

**Қорақалпоқ** – ушбу қишлоқ номи бевосита қорақалпоқ этноними билан боғлиқ бўлиб, XVIII–XIX асрларда Фарғона водийсига кўчиб келган қорақалпоқлар номидан олинган.

**Қоратикан** – бу сўзни шу номдаги ўсимлик билан боғлаш тўғри эмас. Элшунос олим Карим Шониёзов ёзишича, ўтмишда Фарғона водийси кипчоқларининг бир уруғи Қоратикан деб аталган. Демак, қишлоқ номи ана шу урғу билан боғлиқдир.

**Кўштепа** – бу қишлоқ ҳақидаги бир ривоятда Кўқон хукмдори Худоёрхон ҳузурига бир гуруҳ қорақалпоқлар кириб уй-жой қилиш учун бир манзил сўраган. Улар Сирдарё бўйларидаги тўқайлар ва кенг ялангликларга ўрнашиб яшаши учун рухсат берилган. Бироқ дарё баҳор ва ёз фаслларида сув тошиши оқибатида уларнинг яшаш жойларига сув кириб келган. Шу боис, улар яқин атрофдаги икки тепаликка, қўш тепага жойлаша бошлаганлар. Вақт ўтиши билан бу жойлар Кўштепа деб аталган.

**Лангар** – «Савдогарлар улгуржи савдо қилиб, бир неча муддат текинга яшаб қоладиган жой» маъносини билдиради.



**Маданият** қишлоқнинг қадимги номи Жарқўтон бўлиб, жарлик ёқасидаги қўтон, яъни уй маъносини англатади. 1983 йилда бу қишлоққа Маданият номи берилган. Маданият сўзи араб тилида «шаҳарлик» маъносини билдиради.

**Майда миллат** – бошқа бир кичикроқ миллат вакиллари, масалан, Фарғона водийсида қипчоқларни майда миллат дейишади.

**Марғузор** – «Ўтлоқзор», «майсазор» маъноларини билдиради. Шундай номдаги қишлоқ Норин туманида ҳам мавжуд.

**Мирзаорол** – «Қўқон хонлигига оид хужжатларда Сирдарё атрофларида кўплаб ороллар мавжуд бўлгани кўрсатиб ўтилган. Уларнинг аксарияти атроф қишлоқлар ёки кишилар номи билан аталиб келинган. Туманда ҳам Ороли Пунгон, Ороли Тепакўрғон, Ороли Ғурумсарой, Ороли Қирчин билан бирга Ороли Бекмурод, Ороли Эшмуҳаммад, Ороли Мирзобой каби қишлоқларнинг мавжудлиги шундан далолатдир. Ороли Мирзабий кейинчалик ўзгаришларга учраган ва бизга Мирзаорол тарзида етиб келган»<sup>324</sup>.

**Музтўр тоғи** – туркий тилларда «тўр» сўзи водийнинг тўри, бош томонида жойлашган деган маънони бидиради.

**Олиш** – «Сув тақсимланадиган жой» деган маънони билдиради. Бу қишлоқни «Мавсум авлиё ери» деб айтишади. Ариқ ёки сойнинг сув чиқари учун тўсилган жойи ҳам олиш дейилади. Сув тақсимлагич, кулоқ, даҳана маънолари ҳам бор. Фарғона вилояти Тошлоқ туманида ҳам Уч-олиш номли қишлоқ мавжуд.

**Парда Турсун** – қадимги номи Мозор деб аталган. Ривоят қилишларича, VIII асрда ғайридинларга қарши жангларда ҳалок бўлган Зайнул Обидин (Имом ота) шу ерга кўмилган. Парда Турсун номи 1967 йилда берилган.

**Поп** – Боб атамасининг маъноси хусусида Муҳаммад Ғиёсиддин бин Жалолиддин «Ғиёс

<sup>324</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 56.

ул-луғот» номли асарида қуйидагича маълумот беради: «Боб – деб араб тилида дарвозани ай-тилади. Аммо туркий ва форсий тилда эса му-таносиб, мувофиқ, лойиқ деган маъноларни бил-диради». Абдурахмон Жомий «Нафоҳот ул-унс» (Ҳамсухбатларнинг ёқимли ҳидлари) номли таз-кирасида Боб Фарғоний ҳақида маълумот бериб, шундай ёзганди: «Боб Фарғоний, бу кишининг номи Умар бўлиб, Фарғонийдир. У диёрнинг дар-вешлари, буюк шайхлари ва донишмандларини Боб деб атаганлар. Шунга кўра, бу киши Боб лақаби билан шуҳратланганлар. Боб Фарғоний соҳиб ка-роматликлари сезилиб ва кўриниб турган улғу киши эдилар». Қадимий Боб (ҳозирги Поп шаҳри) Фарғона водийсининг Косон, Ахсикент, Қува син-гари шаҳарлари билан бир даврда шакллана бор-ган. IX асрга келиб воҳанинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. IX–XI асрларда яшаган араб сайёҳлари Ибн Хурдодбех ва Истаҳрий томонидан битилган ёзма манбаларда Поп атамаси «Боб» си-фатида тилга олинган бўлиб, бу арабча «Дарвоза» маъносини англатади, деб изоҳланган. «Худуд-ул-Олам» («Олам чегаралари») номли китобнинг «Мовароуннаҳр вилояти ва унинг шаҳарлари» деб номланган қисмида «Поп» сўзи ёзилиб, бу ўлка шимолий Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарларидан бири сифатида таърифланган. Поп шаҳри милоднинг бошларида Сирдарёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Ғовасой воҳасининг энг сўлим жойларидан бирида вужудга келган.

**Пунгон** – мўғулчада «соқчилар қўрғони» маъ-носини билдиради. Шунингдек, форс-тожик ти-лида «пундона» сўзи «пахта ёғи» маъносида ҳам келади. Пунгон билан боғлиқ бир ровоятда бу сўз хитой маликаси билан боғлиқ дейилади. Бу ривоятга кўра, Амир Темурга Хитой императо-ри ўз қизини турмушга беради. Унга қўшиб кат-та қўшин билан жўнатади. Бироқ бу малика ва унинг соқчилари Пунгонга етиб келганларида, Амир Темур 1405 йил 18 февралда Ўтрорда ва-фот этганлигини эшитади. Шундан сўнг бу ерга

соқчилардан бир қисмини ҳамда Амир Темур аскарлари Пнук ва Пунгон кишлоғига жойлашиб қолганлар. Хитой маликаси ортига қайтиб кетади. Хитой императори ўз аскарлари қолган жой номини сўраганда малика Амир Темур давлати билан Хитой «ўртасида», хитойча «пун»да жойлашганлигини айтади. Баъзида «Пунгон» номини Хитойдаги «дунгон» сўзи билан ҳам ўхшатишади. Сирдарё буйидаги Хубби мозори, Оқтиканлибува, Бахтиёрбува, Оқтўнлибува номли мозорлари бор.

**Резак** – асли Равзак бўлиб, «равза» маъноси узумни билдиради. «Ак» суффикси эса обод маъносини билдиради. Узумзор маъносини беради.

**Саврак** – қишлоқ номи бўлиб, «савр» сўзи тик, зилол маъноларини билдиради. Тожикистонга қарайдиган бу қишлоқдан илгари силлиқ ёғочлар олиб келинган.

**Санг** – қишлоқ азалдан «Минг уйли Санг» деб аталиб келган. Санг қишлоғини аталиши билан боғлиқ бир нечта ривоятлар мавжуд. Биринчиси 715 йилда Фарғона водийсига кириб келган Муҳаммад Жарирнинг набираси Шоҳ Фозил бошчилигидаги қўшин билан маҳаллий аҳоли орасида каттиқ жанг бўлган. Ушбу жангда ҳалок бўлганлар Сангдаги Лангар Азиз бува мозорига дафн қилинган. Сангдаги ҳозирги ҳаммом ўрнига қадар бўлган жойлар асли шаҳидлар қабристони бўлган. Жангда ҳалок бўлганлардан шайхулислом Хўжа Абдуллоҳ Ансорий ва Хўжа Ибодуллоҳ Аламдорийларнинг қабрини қовлаш вақтида ерининг қаттиқлиги билинади. Шу боис, бу ер «санг заранг», «тошдек қаттиқ» деб аташган экан. Иккинчи ривоятга кўра, Муҳаммад Жарир ва онаси Биби Убайда билан биргаликда шу қишлоқда ўтиб кетаётган вақтида қишлоқ аҳлидан сувсаб сув сўраганлар. Дарёдан қийналиб олиб чиққан сувларини бермаган қишлоқ аҳлини «тошдан ҳам қаттиқ» экан деб айтишган. Араблар бу жойни «Занг» деб аташган. Шунингдек, «занг» билан, тўпик, белга боғланган қўнғироқларга жўр бўлиб ўйналадиган рақс тури ҳам бор. «Зангула» сўзи

форс тилида «кўнғироқ» маъносини билдиради. Яна «занг» сўзи кўнғир тупроқ, бой, қаттиқ, катта ҳам тош каби маънолари бор. Қишлоқнинг жойлашган ўрни ҳам атрофи Сирдарё, Ғовасой, Резаксой каби сойлар билан ўралиб, дарё ва сойлар узук, қишлоқ эса унга қўйилган кўзли тошга ўхшайди. Араблар масофа ўлчови ҳам «тош», яъни санг маъноси ҳам бор. «Бобурнома»да ҳам Санг қишлоғи эсга олинган<sup>325</sup>.

**Сангсоликсой** – «санг» сўзи «тош» маъносини билдиради. «Саланг» сўзи кўп маъносини билдиради.

**Селгисой** – Чотқол тоғлардан оқиб келувчи сел сувлари тўпланадиган сой бўлиб, унинг суви Сирдарёга келиб қуйилади. Ушбу қуйилиш қисмида аҳоли келиб жойлашган бўлиб, ҳозирда бу қишлоққа айланган. Унинг номи «Селгисой» бўлиб, «Ғурумсарой бозори» жойлашган.

**Солма** – кичик канал, ариқ маъносида ишла-тилади. Хоразмда оёқ солма, яъни охирги ариқ номли жой номи мавжуд.

**Супатоғ** – Поп туманидаги тоғ номларидан бири бўлиб, узокдан кўриниши супа, сўрига ўхшаш бўлганлиги учун «Супатоғ» тоғ деб аталган.

**Тепакўрғон** – номи нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё, Узок Сибирь ўлкаларида ҳам учрайди. Наманган вилоятини ўзида ўнга яқин тепакўрғонлар бўлиб, Чуст ва Наманган туманларида Тепакўрғон номи билан йирик қишлоқлар мавжуд. Поп туманидаги Тепакўрғон қишлоғи қабристонидagi тепалик номи билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу тепалик қадимдан ибодатхона, қабристон, сел келган пайтида жон сақлайдиган жой бўлган. Бу тепаликка кечаси машъала ёқиб қўйилган бўлиб, Қамчиқ довонидан тушиб келаётган карвон учун дарё бўйидаги паромни билдирувчи ёки душман келаётганини хабарини билдирувчи белги дўнглиги бўлган. Тепалик ёнида «Ғойиббува мазори» ва масжид мавжуд.

<sup>325</sup> Каримкулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар. (Иккинчи китоб). – Наманган, 1997. – Б. 10–14.

Тўда – бундай номдаги қишлоқларни Марказий Осиёда бир нечтасини топиш мумкин. Ўзбекистонда Наманган вилояти Норин туманида, Фарғона вилоятининг Риштон туманида ҳам шу номдаги қишлоқлар мавжуд. Тўда қишлоғини номи хусусида бир неча ривоятлар мавжуд. 713 йилларда Сафедбулондаги 2700 саҳобани ўлдирилишидан сўнг, тирик қолганлари сой бўйлаб келиб Сирдарёга дуч келишади. Улардан тўрт киши дарёдан эсон-омон ўтиб олади. Шу ўтиб кетганлар ўта олмаганлар қараб «Тўда бўлинглар, тўп бўлинглар» деб хитоб қиладилар. Бу соҳилда қолганлар ўзлари яшайдиган жойни «Тўда», сойни эса «Тўдасой» деб атайдилар. Яна бир ривоятга кўра, Қўқон хонлиги даврида, беклар зулмидан безор бўлган бир тўда деҳқонлар Сирдарё бўлаб шарққа қараб юрадилар. Бу деҳқонларнинг барчаси ўзбек деҳқонлари бўлиб, уларнинг ичида хунар эгаси йўқ эди. Бурларнинг барчаси бир тўда зироаткор деҳқонлар бўлгани учун «Тўда» номли қишлоққа асос солганлар. Кейинги ривоят ҳақиқатга яқин бўлмаслиги мумкин. Ушбу қишлоқда бир масжид бунёд қилганлар. Бу масжид 1895–1905 йилларида Ёқубхон хўжа раҳбарлигида хашар йўли билан қайта тикланган. Қишлоқ дастлаб Сой бўйи ва Қўрғонча маҳаллаларидан иборат бўлган. Қишлоқ амин ва элликбошилар томонидан бошқарилган<sup>326</sup>. Қишлоқда асосан чинбой ва баркут уруғлари вакиллари яшаганлар. Кенагас ўзбекларининг бир уруғи ҳам тўда деб аталган. Фарғона водийсининг бошқа жойларида ҳам тўда деган этноним қайд қилинган: «Тўданинг тўйига боргунча, ариқнинг бўйига бор».

**Уйғур** – бу номдаги қишлоқлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудларида мавжуд. Ушбу қишлоқ номи хусусида икки хил фараз мавжуд. Биринчиси туркий халқлардан бири бўлган уйғурлар номи билан боғлиқ.

<sup>326</sup> Хасанов Д.А. Тўда қишлоғи тарихи ва топонимикаси ҳақида // «Фарғона водийси тарихи муаммолари» номи Республика илмий анжумани материаллари. – Наманган., 2012. – Б. 87.

XVIII асрнинг 60-йилларида Шарқий Туркистонни Хитой манжурлари томонидан босиб олинган, маҳаллий аҳоли ҳисобланган уйғурлар Қўқон хонлиги ҳудудига, жумладан, ҳозирги Поп тумани ҳудудига ҳам келиб жойлашган. Шу боис, Поп туманида Уйғур, Уйғурсой номлари ҳам учрайди. Иккинчиси уйғур сўзи «уйи ғор», яъни қадимда Уйғурсой этакларидаги жарликлардаги ғорлар мавжуд бўлиб, унда яшаган баъзи дарвешлар истиқомат қилган. Шу боис, бу жой номини «Уйи ғор» деб аталгани тахмин қилинади.

**Уч уйли Найман** – Темир сўфи оқсоқоллигида бу ерга кўчиб келган. Найман уруғи ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига кирган қабила уюшмаси. Олимларнинг маълумотларига қараганда ўзбек найманлари Зарафшон водийси (63 та қишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида кўнғиротлар билан бирга яшаб келишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига кўчиб кетишган. Ўзбек найманлари XIX асрнинг охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: қўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан ташқари, найманларда бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: ағран, айрончи, бадир, бия, боғанали, болтали, букалай, бурунсов, жагалбойли, жостовон, жилонли (илонли), жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, сегиз урув (саккиз уруғ), сари найман, туртул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, украш, чангали, чўмичли, ғозоёқли, қорагадой, қорасирак, қарғали, қилтамғали, култамғали ва бошқалар. Нарпай туманидаги найманлар: пўлатчи, улус, зарман, кичкилдик, оснайман. Аччили найман, каттаки, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларга ҳам бўлинган. Ўзбек найманлари авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Масалан, ўзбек саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири найман-сарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқсаройда чоркуса найман,

қўштамғали сарой ва қўнғирот саройда ҳам найманлар тармоғи бор. Ҳаттоки ўзбек кенагаслари ва жузлари таркибида ҳам найманлар шохобчаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этногенези муштараклигидан, ўзаро этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради. Найманлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Мўғулистон ҳудудларида ҳам яшаганлар. Бу қишлоқда қорақалпоқ найманлари яшайди.

**Хонобод** – «Хон ўтирган жой», «хон обод қилган ер» маъносида келтирилган. Тахминан Қўқон хони Норбўтабий (1763–1798) даврида бу ерларга чорвадор аҳолини кўчириб келтирилган. Уларни чорвалари учун қўралар, ўзлари учун уйлар хон томонидан қуриб берилган. Хонободнинг марказида бир туп чинор дарахти экилган. Ҳозир ҳам бу чинор мавжуд. XX асрнинг 20–50-йилларида «Қизил чорва» колхозини тузилган.

**Ҳовузак** – 1880 йилларда ташкил топган бўлиб, захкаш, сув кўп тўпланадиган, қамишзор, ер ости суви яқинлигидан шу ном билан аталади. Бу қишлоқ ҳақида Н. Охуновнинг «Жой номлари таъбири» китобида «Сувни сақлаш учун махсус қазилган чуқурлик, кичик сув омбори маъносини билдирувчи арабча «ҳавуз» сўзига форс-тожикча кичиклик маъносини берувчи «ак» қўшимчасини қўшиш орқали юзага келган. Ҳовузак «ҳовузча, кичик ҳовуз» демақдир»<sup>327</sup>.

**Чалтар** – «сочлари тар-тар қилиб сочилган» маъносини билдиради.

**Чиғаноқ** – бу қишлоқ Сирдарё қирғоғида жойлашган бўлиб, дарёнинг уриниш жойи чиғаноқни эслатади. Шунга кўра қишлоқ Чиғаноқ деб аталган. Баъзи туркий халқларда «қўйнинг тисаги»ни билдирган. Шунингдек, «дарёнинг бурчак ҳосил қилиб бурилиб оқадиган қисми», «муюлиш» деган маъноларини ҳам билдиради. Шундай номдаги қишлоқ Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ҳам мавжуд.

<sup>327</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 56.

**Чодак** – Чодакнинг қадимги номи Черек бўлиб, Вағизий вилоятидаги энг қадимги шаҳарлардан бири бўлган. «Жо таг» бўлиб, «пастликдаги жой» деган маънони билдиради. Ў. Баҳромзоданинг фикрича бу атамани бир неча маънолари бўлган деб ёзган. Жумладан, 1. Аждод. 2. Мамлакат. 3. Куйиб пиширмақ. 4. Алоҳида. Унинг фикрича, «Чодак» сўзи «аждодлар яшаган жойни янгилаш, обод қилиш» деган умумий маънони билдиради. «Чоҳи деҳ» – «чуқурликдаги қишлоқ» маъносини билдиради. Қишлоқ тоғлар орасида чуқур сойликда жойлашган. Ҳозирги Қирғизистондаги Сафедбулон зиёратгоҳида 5 км жанубдаги Подак аҳолиси ҳам ўзлари Чодакдан кўчиб келган деб ҳисоблайдилар. Подак сўзи «Пой» оёқ, «дак» эса жой маъносини билдиради. Чуст ва Қўқон шаҳрида, Фарғона вилояти Данғара туманидаги Чодаклик маҳалласи, Тошкент вилоятининг Бурчмулла қишлоғи ҳам ўзларини асли чодаклик деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги Тожикистондаги Пнук, Шайдон ҳамда Ашт аҳолиси ҳам ўларини асли чодаклик деб ҳисоблайдилар.

**Чоркесар** – қишлоқ ҳудудида мил. ав. III – II ва мил. V – VI асрларга оид муғхоналар, ўтов шаклидаги тош мақбаралар топилганлиги унинг тарихи қадимийлигини кўрсатади. «Чоркесар» форс-тожик тилида «Тўрт» ва «кесар» сўзларидан ташкил топган бўлиб, яъни тўрт нафар кескир, чаққон, уддабурон Омонлайлак, Варзик, Соймачит, Қорақўрғонлар қишлоққа асос солган бўлиб, ҳозирда уларнинг номлари билан аталувчи уруғлар истиқомат қилади. Шунингдек, қадимда Поп, Олмос, Чодакка олиб борувчи тўрт (чор) томондан келган йўллар кесишган жойда жойлашганлиги сабабли қишлоқ – Чоркесар деб аталган бўлиши ҳам мумкин. Бошқа бир маълумотларга кўра, қишлоқ аҳолиси бир сўзли, чўрткесар бўлгани учун қишлоқ ҳам Чўрткесар деб аталган, кейинчалик бу ном Чоркесарга айланиб кетган. «Чоркавсар» ҳам деб аталиб, у «тўрт булоқ» маъносини билдирган. Ўзбекларнинг юз уруғининг бир қабиласи



ҳам чоркесар деб аталган. Тепакўрғон қишлоқ аҳолиси ҳам келиб чиқиши айнан шу қишлоқдан деб билади. Чунки уларнинг шеваси бир хилдир. Чоркесарда ўтган асрнинг 50-йилларида уран рудасини қазиб чиқариш йўлга қўйилгани боис, Чоркесар шаҳарчаси барпо бўлган (1957).

**Чортоқ** – «Чор» сўзи форс-тожик тилида «тўрт» маъносини билдиради. «Тоқ» сўзи эса «арк», «гумбаз», «тоғ» маъноларини беради. Тоқ сўзи Ўрта Осиёдаги энг қадимий меъморчилик терминларидан бўлиб, «равоқли бино» демқдир. «Пештоқ» (иморат олд томонидаги тоқ), тоқи равоқ «ҳашаматли сарой» ва чортоқ терминлари ана шу сўздан таркиб топган. Айвон, болохона, қоровулхона ҳам чортоқ дейилган. Бу сўз чордоқ шаклида ҳам талаффуз этилган. Оташпарастрларнинг ибодатхонаси ҳам чортоқ дейилган.

**Шунавоз** – «овоз, чақирик», «эшитилди» деган маъноларини билдиради. Шунавоз Чодак атрофида жойлашган.

**Яккатут** – 1840 йилларда Санг, Хўжаобод, Исковут қишлоқларидан кўчиб келган деҳқонлар томонидан ташкил этилган. Улар дарёга чархпалак ўрнатиб, сув чиқарганлар ва деҳқончилик қилганлар. Улар дарёнинг икки қирғоғига қайиқларни боғлаш учун бир туп тут ва бир туп қайрағоч дарахтини қозиқ қилиб ерга қоқиб қўядилар. Ҳар иккала қозиқ дарахт бўлиб кўкариб чиқади. Одамлар яккатут дарахти соясида тўпланишиб туришганлиги учун қишлоқ номи Яккатут деб аталган.

**Янгиер** – қишлоқ номи бўлиб, янги очилган ер маъносини билдириб, бу қишлоқ аҳли ҳам XX асрнинг 40–50-йилларида Қандагондан кўчиб келган.

**Янгиобод** – қишлоқ номи бўлиб, янги ўзлаштирилиб обод қилинган жой номини билдиради. XX асрнинг 40–50-йилларида Қандагон аҳолиси шу ерга кўчиб келиб жойлашган.

## ТАРИХЧИ ТАРИХЧИ ОТАСИ ҲАҚИДА

Дадам ҳақида бир оғиз сўз....

Қўлдошев Темирालи домла ҳам Поп фарзанди эди. 1948 йили 9 апрель куни сичқон мучалида Тепакўрғон қишлоғида таваллуд топган. Бу кун машҳур жаҳонгир бобомиз соҳибқирон Амир Темур туғилган кунга тўғри келади. Шу сабабдан дадамга Темиралли исми қўйилган экан. Ўзи яшаётган юртни беҳад яхши кўрар, унинг мафтуни – бугуни ва ўтмишини иложи борича билиш, юракдан англашни истарди. Қўлига қалам тутқазган туйғулар ҳам худди шулар бўлса керак. Дадам Қўқон давлат педагогика институтининг тарих факультетида таҳсил олган. Буюк истак ва илм муштарак бўлиб, у кишига қувват бағишлайди ва ўйлаб юрган режаларини амалга оширишга киришади. Поп тарихини ёзиш учун расмий ишидан ташқари вақт топиб, узоқ йиллар бу мавзу устида тинимсиз меҳнат қилди. Юрт меҳри, ўзликни англаш заҳмати инсонни толиқтирмайди, аксинча, унга куч бағишлайди. Поп тарихига бағишланган ушбу асарнинг ёзилиш жараёнини кузатиб, шундай хулосага келгандим. Иш охирига яқинлашиб борганда 2010 йили дадам вафот этди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти оддий анъанавийликдан ҳозирги даражасига, яъни ривожланиш босқичига кўтарилди. Жамиятнинг бу тараққиётида оила институти муҳим роль ўйнайди. Фарзандларни ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ҳар бир оиланинг бурчи ҳисобланади. Бунда ҳар бир оила ўз стратегиясини ишлаб чиққан бўлиши керак. Оилада илмий муҳитни яратиш борасида асосий масъулият ота-онанинг зиммасига тушади. Оилада баркамол авлодни тарбиялашда ота моддий таъминлаб турса, она фарзандини маънавий таъминлаб туради.

Ҳар бир фарзандни ёшига мос равишда тарбиялаш ва маданиятни ўргатиш мақсадга муво-

фикдир. Олимнинг оиласида олим фарзанд бўлиб етишиши мумкин. Чунки ушбу оиладаги муҳитнинг таъсирида юзага келади. Аммо бошқа оилаларда ҳам илмий муҳитни яратиш мумкин. Буни оддий ўқитувчи бўлган дадам Қўлдошев Темиралининг тарбия борасидаги стратегиялари мисол бўла олади.

Дадам доим «фарзанд ижтимоий ҳаётда ҳамда тафаккур ёки билимда отадан бир поғона бўлсада илгарилаши керак. Ҳар бир оилада шундай ҳолат давом этса жамиятда, Ўзбекистонимизда тараққиёт бўлади», дер эдилар. Чунки дадамнинг дадаси оддий деҳқон бўлиб, маълумотга эга бўлмаганлар. Дадам олий ўқув юртини битириб, мактабда ва билим юртида тарих фанидан дарс берганлар. Мен дадам наздида олим бўлиб етишим керак эди. Бунинг учун дадамга осон бўлмаслиги аниқ эди.

Оилада фарзандни тарбиясидан ташқари, таълим бериш ишлари ҳам муҳим ўринда туради. Чунки унинг келажакда қайси соҳа вакили бўлиши, қайси ҳунар эгаси бўлиши шунга боғлиқ. Тўғри, ҳозирда давлат таълим тизими босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аммо оила муҳитида ҳам таълим борасида кўпгина ишлар олиб борилиши керак. Ота-она ўз фарзандининг қизиққан соҳасини аниқлай олиши ва шу соҳага йўналтира олиши керак.

Дастлаб дадам мен ухлайдиган ётоқхона деворларига, айникса, уйқудан уйғониб, кўзим тушадиган рўпарадаги деворга «Дунёнинг сиёсий харитаси» ҳамда «Ўзбекистоннинг сиёсий харитаси»ни осиб қўйганлар. Бу хариталар, албатта, нигоҳимда қочмаган, баъзида ушбу харитага қизиқиб қарар, бу нима эканлигини дадамдан сўрар эдим. Дадам бундан фойдаланиб, ушбу харитада акс этган турли мамлакат, шаҳарлар, океан, қишлоқларни топиш мусобақаси уюштирар эдилар. Энг қизиқарлиги, биз яшаб турган қишлоқни топиш бўлган. Кейинчалик харитадан шаҳар ёки қишлоқларни ким биринчи бўлиб топиш мусобақаси маҳалладаги

дўстларим билан ҳам уюштирар эдилар. Эсимда, мактабда 5 синфда ўқиётганимда бир марта ўзлари дарс берган билим юртига олиб борганлар, у ерда ўқиётган талабалар мендан анча катта ёшдагилар эди. Аммо «харитадан шаҳар топиш» мусобақасида мен ғалаба қозонган эдим. Бу эса мени харитага ва ўқишга қизиқишимни янада орттирди. Дадам кейинчалик ётоқхонага янги китоб жавони сотиб олиб турли китоблар териб қўядиган бўлдилар. Ушбу китоблар мени хонамда тургач, албатта бир кун уни қўлимга олардим. Бу вақтда дадам синчков бўлганлар. Менга кўпроқ тарихий китоблар ёки тарихга оид турли расмлар олиб келиб берардилар.

Собиқ тузум даврида, дадам Ўзбекистон тарихини ўз ёзувида, яъни эски ўзбек тилида, араб графикасида ёзилган қўлёзма асарлардан ўқишга интилиб келганлар. Аммо бу ўша давр учун мушкул иш ҳисобланган. Чунки, бунга собиқ Иттифоқнинг синфийлик асосидаги тизими бунга йўл қўймас эди. Мустақиллигимиз арафасида, истиқлол шабадаси эсиши бошланган вақтларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эски ўзбек ёзувини мустақил ўрганиш учун мўлжаллаган «алифбо сабоқлари» рукни берилди бошлади. Дадам ушбу газетани ҳар бир сонини олиб келиб берганлар. Эсимда, хатто ёз фаслида тоққа, лагерга кетганимда ҳам дадам ушбу газетанинг қолган сонини ҳам олиб келганлар. Кейинчалик истиқлол туфайли мамлакатимизда виждон эркинлиги ва Ислоҳ динига эътибор берилгач, дадам қишлоқ масжид имомидан шарқ қўлёзмаларини ўқиш йўлларини менга ўргатишни илтимос қилганлар. Мен масжидга фақат дам олиш кунлари ёки таътил кунлари борар эдим. Қўлёзмаларни ўрганишим кейинчалик мустақиллик «меваси» бўлган олий ўқув юртидаги, бакалаврият, магистратура, аспирантура даврларида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар даври тарихини ўрганиши ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришимда жуда муҳим бўлган. Дадам эса буни олдиндан билган эканлар. Дадам билан

илмий тадқиқот ишлар борасида кўпгина баҳс-мунозаралар олиб борганман. Илмий мақола-ларим чиққанда хурсанд бўлардилар. Роса хурсанд бўлганларини мен номзодлик ишимни ҳимоя қилганимда кўрганман. Дадам ўз орзу-истакларига етишганлиги шундай юзу кўзларидан билинарди. Чунки дадам истаганидек ўзларига ўхшаб тарихчи бўлиб етишдим. Ҳозирда тарих фанлари номзодиман. Бунинг учун улардан жуда ҳам миннатдорман. Гарчи дадам ҳозирда ҳаёт бўлмасаларда, уларнинг тарбия стратегияларини ўз оиламда ҳам қўлламоқдаман. Дадам мен учун янада қийин вазифа юклаб кетдилар. Энди менинг фарзандим мендан бир поғона ошиши керак. Бу эса жудаям масъулиятли иш ҳисобланади.

Жамиятимизда ўз фарзанди тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам учраб туради. Бу эса жиддий муаммо бўлиб, ҳозирги глобаллашув ва модернизация даврида баркамол авлод ва етук кадрлар етиштириш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ана шундай қизиқиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганида аҳамият бермайди. Бу эса бола нафақат оиладаги илмий муҳитга, балки тарбиясини ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ота-она бирдек боланинг қизиқишларига жавоб беришга ҳаракат қилиш керак. Мактаб, коллеж, институтдаги дарсларда танаффус бўлиши мумкин. Аммо оилада фарзанд тарбиясида танаффус бўлмаслиги аниқ.

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Шерали Темиралиевич ҚЎЛДОШЕВ*

## АНГЛАШ ЗАХМАТИ ЁХУД ХУЛОСА ЎРНИДА

Марказий Осиёнинг дурдонаси ҳисобланмиш Фарғона водийси дунёнинг сўлим гўшаларидан биридир. Яшаш учун қулай табиий-жўғрофий ҳудудда жойлашгани боис, бу ўлкада дехқончилик ва чорвачилик яхши ривожланган. Бу ерда Марказий Фарғонанинг қум барханларидан Тангритоғ тизмаларининг<sup>328</sup> поёнсиз ўтлоқларигача учратиш мумкин. Норин ва Қорадарё сувлари қўшилиши натижасида вужудга келган Сирдарё шарқдан ғарбга «Хўжанд дарвоза»си томон йўналиб, водийни иккига бўлади. Шимолдағи Чотқол – Қурама тоғларидан бошланган бир неча ўнлаб катта-кичик сой ва ирмоқлар азим Сирдарёга бориб қуйилади. Улар атрофида вужудга келган гўзал Поп мавзеси ўтмиши узоқ даврларга бориб тақалади ва у албатта, жонажон ватанимиз Ўзбекистон тарихининг ажралмас қимматли бир бўлагидир.

Тарих фанида шаҳарлар ва қадимий аҳоли масканлари тарихини ўрганиш ҳамиша долзарблигини йўқотмайдиган муҳим масаладир. Собиқ шўролар даврида ҳам шаҳарлар ва туманлар тарихини ёритиш тарих фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб қолган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида шаҳарлар тарихи билан шуғулланувчи махсус бўлим фаолият кўрсатган. Аммо Поп тумани тарихи собиқ Иттифоқ замонида тадқиқ қилинмасдан қолган эди. Мустақиллик даврида бу масалага эътибор анча жонланди. Шундай бўлса-да, сўнгги вақтларда шаҳар ва қишлоқлар тарихи ҳақида чоп этилаётган китобларнинг аксарияти соҳа талабларига етарли жавоб бера олмайдиган паст даражададир. Бундай аҳвол аввало, муаллифларнинг кўпчилиги мутахассис бўлмагани ҳамда мавзуни чуқур ўрганишга илмий

<sup>328</sup> Шўролар даврида мазкур тоғ бизнинг илмий тилимизга ҳам рус тадқиқотчилари томонидан «Тяньшань» шаклида киритилди. Бу ном аслида туркий Тангритоғ атамасининг хитойча талаффузидир.

малакаси етишмаслиги билан билан изоҳланади.<sup>329</sup> Ўзбекистон шаҳар ва туманлари тарихини ёритишда ўзига хос илмий услубий ёндашувлар мавжуддир. Бирор шаҳар ё қишлоқ тарихини ёзаётган тарихчи улардан албатта хабардор бўлиши лозим. Акс ҳолда, ўқувчини тўғри йўлдан адаштириб, ҳақиқий воқеликдан узоқлаштириб қўядиган ва илмий ишончли адабиётлар аҳамиятига путур етказадиган «тарихий асар»лар майдонга келаверади.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий диёр ҳудудига туташиб кетган «ҳаёт йўли» – Қамчиқ довонидан ҳозирги кунда энди «темир қарвонлар» тинимсиз қатнамоқда. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг кўҳна бир бўлаги Поп диёрида азалий ҳаёт давом этмоқда. Поп тумани бугун ҳам миришкор деҳқонлар, соҳибкор боғбонлар, қўли гул хунармандлар, тадбиркор фермерлар, илм-фан, маданият ва маърифат соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган инсонлар учун қулай ва «боп» – макондир.

Бу хайрли иш шундайлигича чала қолиб кетиши мумкин эмасди. Уни давом эттириш ва яқунлаб қўйишга қарор қилдим. Бунгача ҳам манбалар тўплаш, адабиётларни топиш ва айрим мураккаб масалалар юзасидан аниқроқ хулосага келишда кўп маротаба дадам билан маслаҳатлашиб турардик. Бу иш, яъни «Ватанни англамоқ захмати» аллақачон, менинг ҳаётимнинг ҳам бир парчасига айланиб бўлганди.

Шу тариқа мазкур китоб дунёга келди. Унинг таркибидаги барча мақолалар, ёритилган мавзулар манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёзилди. Уларда Поп тумани ўтмиши ва унда юз берган айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни ўқувчига етказишга ҳаракат қилдик. Ушбу уринишимиз Поп туманининг тарихидаги ҳозирга қадар мавҳум бўлиб келаётган саҳифаларини ёритиш борасидаги даст-

<sup>329</sup> Ражабов Қ.К. Ўзбекистонда шаҳарлар ва туманлар тарихи: муаммонинг методологик жиҳатлари // Тарихшунослик ўқишлари – 2010. – Тошкент: «Yangi nashr». 2011. – Б. 70

лабкиларидан биридир. Албатта, унда камчиликлар бўлиши табиий. Бироқ ундаги маълумотлар барча ўқувчилар фойдасига хизмат қилади, деган умиддамиз.



# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Илмий-назарий ва методологик асос бўлган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажакимиз йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

## II. Манбалар

1. Al-Beladsori, Ahmed ibn Jahja ibn Djabir, Liber expugnationis regionum, quem e codice Leidensi et codice Musei Britannici / Ed. M.J. de Goeje, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1866 (Islamic geography, ed. F.Sezgin, vol. 42. Frankfurt-em-Main, 1992).

2. Al-Moqaddasi, Abu 'Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, Descriptio Imperii moslemici / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. (1877).

3. Brossat M. Relation du pays de Ta-ouan. Nouveaux / Journal Asiatique. 1829.

4. Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. СПб., 1903.

5. Deguignes J. Histoire generale des Huns, des Turcs de, Mogols et des autres Tartares occidentaus... vol. 1. – Paris., 1756.

6. Hudūd al-‘Ālam, the Regions of the World. A Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. – London, 1970.

7. Ibn Haukal, Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum / Ed. J.H.Kramers, BGA, pars 2. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967. p. 512].

8. Ibn Khordadbeh, Abu-l-Kasim 'Obaydallah ibn 'Abdallah, Kitab al-Masalik wa-l-mamalik / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 6, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967.

9. Kodama ibn Djafar, Accedunt excerptae Kitab al-Kharadj / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 6. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967.

10. Muhammad Hakim khan. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. ILCAA 2006.Tokyo.

11. Al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi, Viae regnorum / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967.

12. At-Tabari, Abu Djafar Mohammed ibn Djarir, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I series, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1964.

13. Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннома // ЎзР ФА ШИ, № 9495.

14. Авеста. Избранные гимны. – Душанбе.: Адиб, 1990.

15. Алишер Навоий. Насоим ул-муҳаббат. Мукам-мал асарлар тўплами. 17-жилд. –Тошкент: Фан, 2001.

16. Аристов Н. Наманганский округ Кокандско-го ханства // Материалы для статистический Туркестана. – СПб., 1873.

17. Аристов Н.А. Опыт выяснения этнического состава киргиз-казаков Большой Орды и киргиз-казаов Большой Орды и кара-киргизов // Живая старина, вып. III–IV. 1894.

18. Ас-Самъоний. Абу Саъд 'Абд ул-Карим ибн Муҳаммад. Ал-Ансоб//Абд ур-Раҳмон ал-Муъаллимий нашри. 10-жилд. Байрут: Муҳаммад Амин Дамаж, 1980–1981.

19. Бабур-наме. Записки Бабур / Перевод М.Салье. Отв. ред. С.А.Азимджанова. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958 (1992).

20. Бан Гу. Ханнома. 24 тарихдаги Ўрта Осиёга доир материаллар–2 (араб алифбосидаги уйғур тили-да). – Урумчи, 1994.

21. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I–III. Москва–Ленинград., 1950.

22. Зартустра. Учение огня. Гаты и молитвы. – Москва: Эксмо, 2007.

23. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002.

24. Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос тўплами. – Тошкент: Ниҳол, 1994.

25. Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской республике, вып. VI. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г.

26. Мирза Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таво-

рих ул-ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев, М.Усмонова. – Тошкент, 1995.

27. Мирсоатова С.Т. Новые данные о позднем палеолите Ферганской долины // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019.

28. Мулло Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992. -148 б.

29. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (бундан кейин – ЎЗР ФА ШИ) қўлёзма, инв. № 11108.

30. Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби / Нашрга тайёрловчи ф.ф.д. Ш. Сирожиддинов. – Тошкент, 2002.

31. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий. Тарихи жадидиа Тошканд. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 358

32. Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли. Мукаммали тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ, № 5971.

33. Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. ЎЗР ФА ШИ, № 594.

34. Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Ҳ. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д.Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

35. Ниёз Муҳаммад Хўқондий. Тарихи Шохрухий. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1787 – 4856:

36. Пален П. К. Отчёт по ревизии Туркестанского края. Сельская управления русски и туземцев. – СПб. 1910.

37. Проект положения об управлении в Семиреченской и Сирдарьинской областях. – СПб., Б. И. 1867.

38. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.1. ч.1. СПб. 1893.

39. Си Ма Цян. Тарихий хотиралар («24 тарих»даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1989.

40. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. 3. Хозяйственные документы //Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. М.: Изд-во вост. литературы, 1963.

41. Сыма-Цянь. Исторические записки (Ши цзи). Пер. с кит. Р.В. Вяткина и Таскина. Т. I-IV. – Москва, 1975.

42. Тарихи Бадахшони. изд. Л. Болдиоров. – Ленинград, 1965. – С. 6.

43. Худоёрзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 83–84.

44. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент, 1995.– Б. 185 – 186.

45. Ҳудуд ул-олам / Масъул муҳаррир Мирсодиқ Исҳоқов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2007.

46. Чин Шу., Фанг Шюанлинг. Уч подшоҳлик тазкираси. Урумчи, 2001. – Б. 22 (уйғур тилида)

### III. Архив ҳужжатлари

1. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник архивных документов, – Москва, 1960.

2. Наманган вилояти Давлат Архиви. (бундан кейин НВДА) 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 45-варақ.

3. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 367-иш, 4-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 367-иш, 6-б.

5. Фарғона вилоят давлат архиви. 121-фонд, 2-папка, 30-йиғма жилд, 46-варақ.

### IV. Даврий матбуот

1. Правда Востока. 1 апрель. 1939 г.

2. Суд Тошкентда давом этмоқда // «Халқ сўзи», 1991 йил 5 декабрь.

3. Ҳайитбоев Э. Пошшопирим қиссаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. № 19. 1997 йил 9 май.

4. Ҳақиқат суддан чўчимайди // «Халқ сўзи», 1991 йил 25 декабрь.

5. Мухторов А. Қамоқда сақланаётган эркинлик // «Халқ сўзи», 1991 йил 19 ноябрь.

6. Одилов иши Тошкентда кўрилади // «Халқ сўзи», 1991 йил 26 ноябрь.

### V. Адабиётлар

1. Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995.

2. Абдухолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент, Фан. 2002.

3. Абулаҳатов Н., Ҳайдарова З., Азимов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. – Фарғона., 2009.

4. Алимов И. XVI – XVIII асрларда Наманган беклигидаги мадраса, қорихона ва мактаблар тарихидан // O‘ZBEKISTON TARIXI. 4-сон. 2010.

5. Анарбаев А., Баратов С., Саидов М., Кубаев С. Археологические исследования в городище Чильхуджра в 2013 гг. // Археологические исследования в Узбекистане 2013–2014 гг. – Самарканд, 2015.

6. Анарбаев А., Максудов Ф., Кубаев С., Насриддинов Ш. Чильхуджра (Кыркхуджра) – руины древнего города северо-западной Ферганы // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. А.Э.Бердимуродов умумий тахрири остида. 39-нашр. – Самарканд. 2016.

7. Анарбоев А., Максудов Ф., Кубаев С., Насриддинов Ш. Қирқхужра – Фарғона водийсининг қадимги урбанизация марказларидан бири // «Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2018. – Б. 4-6.

8. Анарбоев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // «Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона». – Тошкент, 2001. – Б. 14–20.

9. Анарбоев А. Ўзбекистонда илк суғорма дехқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Академик Яхё Ғуломов номидаги Республика илмий семинарининг «Ўзбекистон худудида дехқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар» мавзусидаги 37-йиғилиши материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 6–10.

10. Асанов Г.Р. Сельское расселение Наманганской области (Экономико-географическое исследование). – Т. Фан., 1975.

11. Аскарлов А. Раскопки Пшактепе на юге Узбекистана // ИМКУ. 1982. Вып. 17. – С. 30–40.

12. Аскарлов А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар // Археология и история Центральной Азии. Самарканд 2004.

13. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (ўқув қўлланма). – Тошкент: Университет, 2007.

14. Ахраров И.А. Археологические исследования городища Ахсикет // ОНУ, 1960, № 8. – С. 53–58.

15. Аҳмад Убайдуллоҳ. Ҳазрати Боб Фарғоний // Ҳидоят журнали. 2007 йил 8 сон. – Б. 30–36.

16. Аҳмадалиев Т. Сирли масжид сирлари // Санъат журнали. №4. 2001. – Б. 26–28.

17. Аҳмаджонов М. Қовунчиликлар. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2018.

18. Аҳмаджонов М. Янгийўл ва янгийўлликлар. – Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2016.

19. Бартольд В. В. Сочинения, т. 5. – Москва., 1967.
20. Бахтиёр Эралиев., Икромиддин Остоноқулов, Нодиржон Абдулахатов. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Анджон ва Наманган вилоятлари мисолида). 2 қисм. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2014.
21. Бейсембиев Т. К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. – Алма-ата: Наука, 1987.
22. Бейсембиев Т. К. Духовенства в политической жизни Кокандского ханства в XVIII – XIX веках (по некоторым кокандской историографии)//Духовенства и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востока в период феодализма. – Москва., 1985. – С. 37–38.
23. Бернштам А. Н. Древняя Фергана. Изд. АН УзССР. – Т.: 1961.
24. Бернштам А.Н. Отчёт о работе по раскопкам Касана в 1948 г. Архив ИИМК РАН. – Ф35 Д158.
25. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Тошкент: Tafakkur, 2009.
26. Бобобеков Б. Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент, 1996.
27. Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг воҳа хукмдорликларини бошқарув усулларига доир // Шарқшунослик, № 15. 2011. – Б. 66–67.
28. Большаков О. Г. Город в конце VII – начале XIII вв // Средневековой город Средней Азии. – Л., Наука, 1973. – С. 201–203
29. Боровков А. Н. К характеристике «умлаувчи» или уйгури названных говоров. – Фрунзе, 1946.
30. Боровков А.К. Новый узбекская алфавит. – Тошкент, 1940.
31. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. – Москва: Наука. 1989.
32. Брагинский И. С. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Издательство АН, 1956.
33. Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка 1950 года по Наманганской области // Известия АН УзССР. Вып. 5. 1951. – С. 93–97
34. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент.. 1959. – Б. 255–256.
35. Давидович Е. А. Из области денежного обращения на территории Ферганы // Труды музея истории Узбеккой ССР. Вып. II. 1954. – С. 39.
36. Давидович Е.А. Владетели Насрабада (нумизматическим данным). Краткие сообщения Института истории материальной культуры, вып. 61. – М., 1956. – С. 107–113.

37. Дьяконов И.М. История Мидии с древнейших времен от конца IV в. до нашей эры. – М.-Л., 1956, – С. 403.

38. Жалилов С., Насритдинов К. Фарғона водий-сининг ирригация техникаси тарихидан. – Тошкент, 2006. – Б. 29.

39. Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древние Ферганы / Тезисы докладов сессия, посвящу, итогам полевых археологических исследований 1972 года. – Т.: Фан, 1972. – С. 89.

40. Зиёева Д.Х. Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 12.

41. Инагамов Ш. И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганский долины в границах УзССР. – Т., 1955. – С. 65.

42. Иномов Ш. Попим – саховатли юртим. – Наманган, 1996, – Б. 14.

43. Исамиддинов М.Х. Разведочные работы в Наманганской области // Археологические открытия 1983 г. – М., 1985. – С. 531.

44. Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий-озодлик курашлари (1916 йил кўзғолони мисолида). – Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003. – Б. 65–67.

45. История Узбекской ССР. Т. 4. Тошкент, 1968. С. 30.

46. Каримқулов А. Санг қишлоғи тарихидан лавҳалар (иккинчи китоб): – Наманган: 1997. – Б. 38.

47. Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва., 1976. – С. 214.

48. Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // История материальной культуры Узбекистана. – Ташкент, 1966. – С. 28–35.

49. Квахара Я. Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2001 йил 25 апрель. – Б. 20–21.

50. Кочнев Б.Д. Заметки по средневековой нумизматике Средней Азии, ч. 1. – История материальной культуры Узбекистана, вып. 14. – Ташкент., 1978. – С. 121–123.

51. Кузеев Р.Г. К этнической истории башкир в конце I – начале II тысячелетия н. Э. // Археология и этнография Башкирии. Т. 3. – Уфа, 1968. – С. 236.

52. Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М, 1961.
53. Қораев С. Географик номлар маъноси. –Т.: Ўзбекистон. 1978.
54. Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиши тарихидан. – Наманган, 1988.
55. Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент: Фан. 1983.
56. Қўлдошев Ш. Маҳдуми Аъзам авлодларининг Ёркенд ва Қўқон хонликлари ҳаётида тутган ўрнига оид баъзи маълумотлар // Тошкент Ислом Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2007. – Б. 34–39.
57. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы. КСИИМК. 1956. вып. 64. – С. 16.
58. Литвинский Б. Курганы и Куруми Западной Ферганы. – Москва, 1972.
59. Литвинский Б.А. Курумы // Археологи рассказывают. – Сталинобод, 1959. – С. 219–222.
60. Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии. – Новосибирск: Наука. 1981
61. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989.
62. Маматов У. История одной жизни. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №5, 2014. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS\\_5\\_8-15.pdf](http://www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS_5_8-15.pdf)
63. Маматов У. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари (XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари). – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2018. – Б. 28–29.
64. Мардонова Г. Истиклолдан яшнаётган юрт. – Тошкент: Нихол, 2011.
65. Массон М.Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве Большого Ферганского канала // Краткие сообщения Института истории материальной культуры. Вып. 4. – С. 53.
66. Матбабаев Б. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент. Тафаккур. 2009. – Б. 130–133.
67. Матбабаев Б. Х. О возникновении и этапах развития города Пап (Боб) // Общественные науки в Узбекистане. 1994. № 8. – С. 59–63.
68. Матбобоев Б. Кадимий Поп // Фан ва турмуш, 1/1998. – Б. 26–28.



69. Матбобоев Б. Мунчоқтепа топилмалари // Гулистон. № 1. 1989.

70. Матбобоев Б. Олтиндан қиммат тулпорлар // Фан ва турмуш. № 3. 1994.

71. Матбобоев Б. Ферганское государство Давань // История государственности Узбекистан (вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III века нашей эры). Т. I. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – С. 190.

72. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2014. – Б. 130–133.

73. Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // «Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона». – Тошкент, 2001. – Б.35–36.

74. Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. – Тошкент, 2001. – Б.35–36

75. Матбобоев Б.Х. Фарғона қадимий шаҳарларини жойлашган ўрни муаммолари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. № 9. – Б. 81.

76. Маткаримов М., Курбонов Қ. Гурумсаройнома. – Фарғона, 2005. – Б. 100.

77. Маҳмудов Ш. Маҳдуми Аъзам авлодларининг Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни // Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2007.

78. Миддендорф А. Д. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 170–171.

79. Муҳаммад Яхёхон Хўқандий. Хўқанди Латиф маноқиби. Тазкира. – Тошкент: Мовароуннахр, 2018. – Б. 448.

80. Муҳаммаджонов А. «Фарғона» номининг маъноси борасида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 2–3. 2007.

81. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Тошкент, 1974. – С. 240.

82. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казан, 1885, – С. 68.

83. Народы Америки. – Москва, 1956, 1 том. – С. 23.

84. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // Сборник «Труды институт история и археология Туркистан». – Ташкент, 1959. – С. 147–148.

85. Нозилов Д. А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 451.
86. Одилов А. Нима қилсам, халқим учун қилдим... (Тўплаб нашрга тайёрловчи Анвар Аҳмаджонов). – Тошкент: «GOLD-PRINT NASR», 2018. – Б. 93).
87. Ортиқов Э. Наманган область Поп районидаги Ленин номли колхознинг тарихи. – Тошкент, 1975. – Б. 46.
88. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекская литературный язык. – Тошкент, 1933.
89. Ражабов Қ.К. Ўзбекистонда шаҳарлар ва туманлар тарихи: муаммонинг методологик жиҳатлари // Тарихшунослик ўқишлари – 2010. – Тошкент: «Yangi nashr», 2011. – Б. 70
90. Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент, 2006. – Б. 36–37.
91. Рашидов А. Тош «ўчоқлар» сири // Мулоқот. 1995, № 3–4. – Б. 18.
92. Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Касимов Н. Наманган вилояти маданий мероси. – Наманган, 2013. – Б. 12.
93. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981, – С. 341
94. Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳ Хўжа ва унинг «Тарихи жадиди Тошканд» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 90–91
95. Сухарева О.А. Опыт анализа покроев традиционной «туникаобразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – Москва, 1979. – С. 78–79.
96. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины – Нукус, 1976. – С. 44
97. Ўзбекистон комсомоли (Ўзбекистон комсомоли тарихидан очерклар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – Б. 194.
98. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 9 том. – Тошкент: 2004. – Б. 246.
99. Ўзбекистон санъати. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 62–64.
100. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: O‘zbekiston, 2019.
101. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939–1991 йиллар. – Тошкент: «O‘ZBEKISTON», 2019. – Б. 191–192.
102. Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 72–73.

103. Ўлмас Бахромзода. Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган, 2000. – Б. 22.

104. Умаров И. Ўрта Осиёда туркий халқларнинг этногенезиси (қўнғиротлар) биринчи китоб. – Қарши, «Насаф», 2003. – Б. 20.

105. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган, 2007.

106. Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент, 2005. – Б. 163.

107. Ходжаев А. Фарғона хитой манбаларида (Кадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржима). – Тошкент, 2013.

108. Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001.

109. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2000.

110. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001.

111. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2003.

112. Шаниязов К.Ш. Этнические истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974.

113. Шарофиддинов М.М. Наманган вилоятида сув ирригация тизими ва суғориш иншоотларининг шаклланиши // «Фарғона водийси тарихининг долзарб масалари» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган., 2018. – Б. 300–301.

114. Юдахин К.К. Узбекский язык. Литературная энциклопедия. Т. XI. – Москва., 1939.

115. Юферев В.И., Мاستицкий Н.В. Очерки по водопользованию в Средней Азии. – Москва, 1926.

116. Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Тошкент, 1941.

## VI. Хорижий адабиётлар

1. Pulleyblank E.G. Chinese and Indoeuropean // Journal of Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. – London, 1966.

2. Tarn W. The Greeks in Bactria and India. Second edition. – Cambridge, 1951.

3. Togan Z.V. Umumi Turk tarihine giris. 1. cilt. En eski deperlardin 16. asra kadar, 3.baski, 1981.,

## **VII. Диссертация ва авторефератлар**

1. Вохидов Ш. Х. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Т. ф. д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациясидан. – Тошкент, 1999.

2. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Диссертация. к. филол. н. СПб.: ЛО ИВ РАН, 2004.

3. Мамадалиев Х.М. IX–XII асрларда Ўрта Осиёда этник ҳолат (араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида). т.ф.н. ...дисс. – Т.: ЎзР ФА ТИ, 2010.

4. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларнинг тарихий таҳлили асосида). Т. ф. д. дисс. Самарқанд, 2009.

5. Маткаримов К.Ж. Бозор шароитида автотранспорт-йўл мажмуаси корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш услубиёти (Наманган вилояти корхоналари мисолида). Иқт. фан. ном... дисс., – Тошкент, 2002. – Б. 15–16.

6. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий босқичлари. Т. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясидан. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 1994.

7. Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларига). Т. ф. н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациядан. – Тошкент: ЎзР ТИ, 2005.

8. Шарипов О. Ўзбек тилининг Поп шеvasи. Ф. ф. к. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1962.

## ИЛОВА

### ЧОДАК

Шаҳри Чодак кўргон одам боғи ризвон истамас.  
Базми тобистон янглиғ ўзга даврон истамас.  
Хўб нозик баданлар бирла сайри боғ этиб,  
Айлабон ҳар ерда жавлон ўзга жонон истамас.

Сабзаи са бирга узра бир пиёла чой ичиб.  
Ёнида маъшуқи бўлса тобон истамас.  
Пок бўлса бо таҳорат қўйнида бир жиз китоб,  
Эътиқод том ҳар кўз шайх эшон истамас.

Офтоби карим эмас жаннат ҳавосидек мудом,  
Роҳат аҳли сулзамон тахти Сулаймон истамас.  
Мева ҳид бир кидан қилғил тановул кўп лазиз.  
Моҳи бир ён тотқон қут алвон истамас.

Қуш этган одам оби зилол сафидан.  
Шаҳри Хўқанд ичра ҳаргиз роҳати жон истамас.  
Олиф деган мева бордур тоғидан ҳар ким еса  
То тирикдур дунёда бир парча нон истамас.

Нок нашвати ёнғоқ олса ҳар ерда бор.  
Тут марварид еган анжир рамон истамас.  
Қиблаи ул шаҳри Чодак қарос ҳассос пунук.  
Лойиқ таъзир андин ўзга зиндон истамас.

Толиби илм агар таҳсил илм и Маъсала.  
Қилса Чодак ичра устод Наманган истамас.  
Нисонхаларда банда Чодак эшит Фарғонадур.  
Орифбо Аллоҳ учун шаҳри Хуросон истамас.

Мустадил ул зот покига қилиб мендак бир далил.  
Бирлекин билган киши бо Аллоҳга берган истамас.  
Ким бошқа вақтида курса демағон чой айтиб.  
Қилсалар ҳар ерга жавлон ўзга жонон истамас.

Уч юз олтмиш мужтахид тарбиятин билган мудом,  
Ул Бухорои ичра таҳсил фаровон истамас.  
Ростдур Одам ҳар қайси монанди Олиф.  
Барчаси жаҳрия ҳеч ким зикр пинҳон истамас.

Васф Чодак то қиёмат айласам бу нафс тамом.  
Индалаб кўрса қумри ҳеч гулистон истамас.  
Неъмат зирик қарағайтин агар шурх  
Кабילו Бенголия андин ўзга даврон истамас.

Мол-дунёдин бири зикри Худо бирла мудом.  
Мосуво бўлган ҳамма кўнгил паришон истамас.

*(Туркистон вилояти газетаси.  
1902 йил. 8 июнь. № 23.)*

**1909 ЙИЛДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ НАМАНҒАН УЕЗДИНИНГ  
ПОП ВОЛОСТИ АҲОЛИСИ РЎЙХАТИ**

№	Аҳоли пункти	Оила сони			Яшовчилар сони			Миллати ёки элати	Уезд ёки шаҳарга қанча	Яқиндаги темир йўл бекаги	
		Эрли	Ерсиз	Эркак	Аёл	Умумий сони	Бекат номи			км	
I	Уйғур қишлоқ жамоаси	603	99	1540	1373	2913					
		425	83	1080	986	2066	Сартлар	58	Қўқон	43	
		166	16	429	361	790	Сартлар	61	Қўқон	41	
	3. Майдонча	12	-	31	26	57	Ўзбеклар	57	Қўқон	50	
II	Поп қишлоқ жамоаси	830	123	1965	1837	3802					
		720	106	168	1545	3260	Сартлар	54	Қўқон	47	
		110	17	5280	262	542	Сартлар	56	Қўқон	45	

III	Хўжабод қишлоқ жамоаси	543	443	100	1367	1212	2579	Сартлар	54	Кўкон	52
	6. Хўжабод	172	152	20	435	406	841	Сартлар	58	Кўкон	48
	7. Келачи	126	95	31	273	258	531	Сартлар	52	Кўкон	52
	8. Гадей топмас	52	35	14	132	118	250	Сартлар	54	Кўкон	51
	9. Исковут	125	100	25	357	297	654	Сартлар	54	Кўкон	53
	10. Чортоқ	24	18	6	54	42	96	Сартлар	54	Кўкон	51
	11. Пилл- кўрғон	44	40	4	116	91	207	Сартлар	54	Кўкон	51
IV	Санг қишлоқ жамоаси	921	732	189	2684	2549	5233				
	12. Санг	595	511	84	1700	1660	3360	Сартлар	51	Кўкон	43
	13. Тўда	258	187	71	820	797	1617	Сартлар	49	Кўкон	46
	14. Санг-ус ти-қипчоқ	68	34	34	164	92	256	Сартлар	47	Кўкон	48
	Жами	2897	2386	511	7556	6971	14527				

(Ушбу рўйхат 1909 йил 1 январдан 1 ноябргача олиб борилган дала сўровлари ва идора хужжатлари асосида тузилган. Қаранг: Список населенных мест Ферганской области // Скобелев. Типография Ферганского областного Правления. 1909. - С. 122-123)



1909 ЙИЛДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ НАМАНҒАН УЕЗДИНИНГ  
 ЧОДАК ВОЛОСТИ АҲОЛИСИ РЎЙХАТИ

№	Аҳоли пункти	Оила сони		Яшовчилар сони			Миллати ёки элати	Уезд ёки шаҳарга қанча	Яқиндаги темир йўл бекати	
		Ерли	Ерсиз	Эркак	Аёл	Умумий сони			Бекат номи	км
I	Қуйи Чодак қишлоқ жамоаси	435	45	1026	594	1620				
		415	30	1008	579	1587				
	1. Қуйи-Чодак	20	5	18	15	33	Тожиклар	83	Қўқон	45
	2. Хон-Чап	393	29	1107	684	1791				
II	Юқори Чодак қишлоқ жамоаси	379	29	1061	639	1700	Тожиклар	86	Қўқон	49
		14	-	46	45	91				
	3. Юқори Чодак						Тожиклар			
	4. Мозор-қишлоқ						Тожиклар			

III	Хонобод қишлоқ жамоаси	463	383	80	1323	1003	2326	Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар Ўзбеклар	90 90 90 90 90 90 90 90 90 90	Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган Наманган	32 32 32 32 32 32 32 32 32 32						
		238	198	40	687	523	1210										
		57	42	15	106	87	193										
		64	49	15	257	198	455										
		55	47	15	135	96	231										
		26	24	8	60	40	100										
		3	3	-	8	6	14										
		8	8	-	20	14	34										
		12	12	-	50	39	89										
		IV	Пунгон қишлоқ жамоаси	252	237	15	864					420	1284	Сартлар Сартлар	90 91	Кўқон Кўқон	26 26
				241	226	15	811					400	1211				
			14. Пунгон- боши- Янгичек	11	11	-	53					20	73				

V	Тепакўрғон қишлоқ жамоаси	265	236	29	696	365	1061				
	15. Тепа кўрғон	171	151	20	413	200	613	Туркий	86	Кўкон	28
	16. Қирчин кўрғон	94	85	9	283	165	448	Туркий	-	Кўкон	28
VI	Ғурумсарой қишлоқ жамоаси	541	484	57	1495	1102	2597				
	17. Ғурум- сарой	520	463	57	1434	1048	2482	Сартлар	80	Кўкон	30
	18. Янгичек	21	21	-	61	54	115	Сартлар	26	Кўкон	30
VII	Чоркесар қишлоқ жамоаси	528	472	56	1124	984	2072				
	19. Чоркесар	301	276	25	610	464	1074	Сартлар	80	Наманган	80

20. Ҳазрат-Имом	37	26	11	70	67	137	Туркий	-	-	-
21. Жарқўтон	95	85	10	215	200	415	Туркий	-	-	-
22. Кўрнос	90	80	10	214	203	417	Туркий	-	-	-
23. Қичит	5	5	-	15	14	29	Қўчманчи	-	-	-
<b>Жами</b>	<b>2877</b>	<b>2566</b>	<b>311</b>	<b>7635</b>	<b>5116</b>	<b>12751</b>				

(Ушбу рўйхат 1909 йил 1 январдан 1 ноябргача олиб борилган статистик (дала сўровлари) ва идора хужжатлари асосида қилинган. Список населенных мест Ферганской области // Скобелев. Типография Ферганского областного Правления. 1909. — С. 123—124)

1926 йили поп туманида аҳолининг рўйхатга олиниши натижалари:

№	Аҳоли пункти	Аҳоли этник гурухи ва хўжаликлар сони	Бошқа аҳоли этник гурухлари ва хўжаликлари сони	Аҳолининг умумий сон
1	Кандаган	Қипчоқлар - 94	-	451 киши
2	Кўгнос	Қипчоқлар - 65	-	252
3	Чодакбоши	Қипчоқлар - 108	-	239
4	Жарқўтон	Қипчоқлар - 95	-	414
5	Майдонча	Қипчоқлар - 10	Ўзбеклар - 2	42
6	Резак	Қипчоқлар - 37	-	170
7	Қорашаҳар (1926 йилдан Қўқон туманига кирган)	Қипчоқлар - 70	-	267
8	Мозор	Ўзбеклар - 52	Қипчоқлар - 47	435
9	Чоркесар	Ўзбеклар - 354	Қипчоқлар - 4	1317
10	Хонобод	Ўзбеклар - 194	Бошқа миллатлар - 33	1032
11	Исковут	Ўзбеклар - 146	Бошқа миллатлар - 1	605
12	Ултарма	Ўзбеклар - 120	-	447
13	Уйғур	Ўзбеклар - 396	-	1648

Синфий душман деб ҳисобланганларни сайловчилар рўйхатидан  
чиқариш тўғрисидаги ҳужжат. Поп волости Тўда жамоаси.  
1924 йил октябрь

№	Исми шарифи	Ёши	Қайси синф вакили	Касб-хунари		Ашё-амволлари		Ушбу рўйхатга ёзилиши сабаби
				Инқилоб- дан аввал	Ҳозирда	Инқилоб- дан аввал	Ҳозирда	
1	Мулла Муҳаммадали ўғли	58	Дехқон	деҳқон	имом	11 таноб	11 таноб	Имомлиги учун
2	Мулла Абдулла Турсунбой	48	Дехқон боласи	деҳқон	имом	14 таноб	14 таноб	Имомлиги учун
3	Мулла Йўлдош Абдулазиз ўғли	37	Дехқон боласи	деҳқон	имом	22 таноб	22 таноб	Имомлиги учун
4	Мулла Мирза Маҳдум ўғли	44	Камбағал боласи	деҳқон	имом	3 таноб	3 таноб	Имомлиги учун

5	Шокир Шермухаммад ўғли	30	Камбағал боласи	деҳқон	деҳқон	5 таноб	5 таноб	Босмачи йигит бўлгани учун
6	Холид Муҳаммад Саид ўғли	41	Деҳқон боласи	деҳқон	деҳқон	15 таноб	15 таноб	Босмачи йигит бўлгани учун
7	Боййигит Нурмухаммад ўғли	76	Деҳқон боласи	деҳқон	деҳқон	25 таноб	25 таноб	Эски амалдор бўлгани учун

Поп туманининг маъмурий-худудий бўлиниши

№	Фуқаролар йиғини	Маркази	Тарихи ва умумий маълумотлар
1	Поп шаҳар ҳокимлиги	Поп шаҳри	1980 йил 4 сентябрда ташкил топган. Ер майдони 3568 кв.м. Аҳолиси 18 минг (1996), шаҳарда иккита ёдгорлик, 14 маҳалла кўмитаси, 50 га яқин кўча, 5 та кўприк.
2	Поп қишлоқ фуқаролар йиғини	Поп шаҳри	1924 йил ташкил топган. Майдони 3270 гектар. Аҳолиси 3500 киши. 1 масжид, 2 қабристон.
3	Янгиҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини	Хўжаобод қишлоғи	1968 йил ташкил топган. Майдони 3087 гектар. Аҳолиси 9500 киши, худудида 7 қишлоқ, 8 маҳалла кўмитаси, 5 та саноат корхонаси.
4	Чодак қишлоқ фуқаролар йиғини	Чодак қишлоғи	1924 йил ташкил топган. Майдони 54 кв.м. Аҳолиси 19 минг киши, худудида 8 қишлоқ, 20 маҳалла кўмитаси, 5 та оромгоҳ.
5	М. Тошматов номи қишлоқ фуқаролар йиғини	Санг қишлоғи	1924 йил ташкил топган. Майдони 240089 кв.м. Аҳолиси 13 минг киши, худудида 12 маҳалла кўмитаси, 1 та ташкилот, 1 коллеж, 12 та масжид, 4 қабристон.



6	М. Умрзақов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини	Ғурумсарой қишлоғи	1924 йил ташкил топган. Даствлаб Ғурумсарой, 1968 йилдан эса М. Умрзақов номи билан аталган. Майдони 26076 гектар. Аҳолиси 20 минг киши, ҳудудида 9 қишлоқ, 22 маҳалла қўмитаси, 2 та коллеж, 1 гимназия, 2 та пахта пункти.
7	Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини	Уйғур қишлоғи	1923 йил ташкил топган. Майдони 2306 гектар. Аҳолиси 13 минг киши, ҳудудида 13 маҳалла қўмитаси, ногирон қариялар уйи, 1 та ташкилот.
8	Найман қишлоқ фуқаролар йиғини	Чиғанок қишлоғи	1929 йил ташкил топган. Майдони 7153 гектар. Аҳолиси 13 минг киши, ҳудудида 11 қишлоқ, 12 маҳалла қўмитаси, 1 та ташкилот.
9	Пахтабод қишлоқ фуқаролар йиғини	Тўда қишлоғи	1932 йил ташкил топган. Майдони 1303 гектар. Аҳолиси 6 минг киши, ҳудудида 4 қишлоқ, 1 мактаб-интернат.
10	Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини	Маданият қишлоғи	1920 йил ташкил топган. Майдони 44354 гектар. Аҳолиси 7000 киши, ҳудудида 8 қишлоқ, 2 та ёшлар оромгоҳи, 6 та масжид, 1 та санатория.
11	Пунгон қишлоқ фуқаролар йиғини	Пунгон қишлоғи	1992 йил ташкил топган. Майдони 5397 гектар. Аҳолиси 3.5 минг киши, ҳудудида 3 маҳалла, 1 та ташкилот.

12	Халқабод шаҳарча фуқаролар йиғини	Халқабод шаҳарчаси	1967 йил ташкил топган. Майдони 5 кв.м. Аҳолиси 7000 киши, худудида 2 та корхона, 1 та ташкилот мавжуд.
13	Олтинкон шаҳарча фуқаролар йиғини	Олтинкон шаҳарчаси	1967 йил ташкил топган. Майдони 328 гектар. Аҳолиси 3000 киши, худудида 1 та корхона, 1 ташкилот, 1 мактаб-интернат.
14	Уйғурсой шаҳарча фуқаролар йиғини	Уйғурсой шаҳарчаси	1947 йил ташкил топган. Майдони 6,5 кв.м. Аҳолиси 2000 киши, худудида 1 та корхона, 1 та коллеж.
15	Чоркесар шаҳарча фуқаролар йиғини	Чоркесар шаҳарчаси	1957 йил ташкил топган. Майдони 70 гектар. Аҳолиси 2000 киши, худудида 1 та корхона.
16	Навбахор шаҳарча фуқаролар йиғини	Навбахор шаҳарчаси	1979 йил ташкил топган. Майдони 8820 минг кв. м. Аҳолиси 2000 киши, худудида 1 та ташкилот, 1 та пахта пункт.

## ПОП шаҳридаги маҳаллалар рўйхати:

- |                   |                     |
|-------------------|---------------------|
| 1. Абдулла Каҳҳор | 8. Сотволди Эргашев |
| 2. Алишер Навоий  | 9. Тинчлик          |
| 3. Дўстлик        | 10. Ўзбекистан      |
| 4. Келачи         | 11. Ҳазрати Боб     |
| 5. Обод           | 12. Ҳамза           |
| 6. Олмазор        | 13. Ҳамид Олимжон   |
| 7. Пахтакор       | 14. Шомазор         |

## ПОП ТУМАНИ РАҲБАРЛАРИ

Ҳошимов  
Содиқов  
Эрматов  
Бегишев  
Холмаҳамматов  
Григорян  
Юсупов  
Ҳайдаров  
Усмонали Икромов  
Мамажон Раҳимов (1950–1964)  
Насриддин Охунов (1964–1966)  
Бургутали Рапиғалиев (1966–1972)  
Абдумўмин Омонов (1972–1976)  
Раҳматжон Сиддиқов (1976–1981)  
Маҳмуджон Абдуллаев (1981–1988)  
Умархон Бурҳонов (1988–1990)  
Бургутали Рапиғалиев (1990–1992)  
Холмамат Талаббоев (1992–1999)  
Рустам Маҳмудович Исматуллаев  
(2000–2010)  
Баҳодир Боймирзаевич Раҳманов  
(2011–2015)  
Жавлонбек Набижанович Юлдашев  
(2015–2016)  
Уктамжон Мамасодиқович Эргашев  
(2016–2017)  
Аъзамжон Маҳмудович Султонов  
(2017 йил октябрдан шу кунга қадар)

Муқаддима.....	3
«Поп» атамаси ҳақида.....	5
Қадимги Фарғона (Дайюан) давлати ва унинг пойтахти масаласи.....	11
Қирқхужра – Фарғона водийсининг энг қадим- ги шаҳарларидан бири.....	16
«Сирдарё ҳазинаси» ёхуд Мунчоқтепа ёдгорлиги хусусида.....	20
«Поп ёзуви» хусусида.....	28
Тош «ўчоқ»лар сири ёхуд қадимий курум (муғ) қабилалари ҳақида.....	33
Илк ўрта асрлардаги Фарғонанинг туркий аҳо- лиси ҳақида.....	38
VIII–XIV асрларда Поп музофоти.....	44
«Бобурнома»да Поп кўрғони.....	47
Сўнгги ўрта асрларда Поп туманига кириб кел- ган этник гуруҳлар.....	49
Чодак хўжалари ва Қўқон хонлигининг ташкил топиши.....	53
«Ғурумсарой жанги».....	58
Қўқон хонлиги даврида Поп туманидаги ўзга- ришлар.....	70
Россия салтанати истибдоди даврида Поп му- зофоти.....	81
1916 йилги Попдаги миллий-озодлик кураши ёхуд Чодак кўзғолони.....	88
Поп туманида истиқлолчилик ҳаракатлари...	94
Поп туманининг ташкил топиши.....	97
Поп тумани ҳудудининг суғорилиши тарихи- дан.....	99
Поп туманида жамоалаштиришга қарши халқ ҳаракатлари.....	109
1937 йилда қатағон қилинган попликлар.....	117
Совет ҳокимиятининг Поп туманидаги кўчи- риш сиёсати.....	125
Иккинчи жаҳон уруши даврида Поп тумани...	128
Аҳмаджон Одилов ва Поп агросаноат бирлаш- маси.....	130

## Поп шахридаги маҳаллалар рўйхати:

- |                   |                     |
|-------------------|---------------------|
| 1. Абдулла Каҳҳор | 8. Сотволди Эргашев |
| 2. Алишер Навоий  | 9. Тинчлик          |
| 3. Дўстлик        | 10. Ўзбекистан      |
| 4. Келачи         | 11. Ҳазрати Боб     |
| 5. Обод           | 12. Ҳамза           |
| 6. Олмазор        | 13. Ҳамид Олимжон   |
| 7. Пахтакор       | 14. Шомазор         |

## ПОП ТУМАНИ РАҲБАРЛАРИ

Ҳошимов  
Содиқов  
Эрматов  
Бегишев  
Холмаҳамматов  
Григорян  
Юсупов  
Ҳайдаров  
Усмонали Икромов  
Мамажон Раҳимов (1950–1964)  
Насриддин Охунов (1964–1966)  
Бургутали Рапиғалиев (1966–1972)  
Абдумўмин Омонов (1972–1976)  
Раҳматжон Сиддиқов (1976–1981)  
Маҳмуджон Абдуллаев (1981–1988)  
Умархон Бурҳонов (1988–1990)  
Бургутали Рапиғалиев (1990–1992)  
Холмамат Талаббоев (1992–1999)  
Рустам Маҳмудович Исматуллаев  
(2000–2010)  
Баҳодир Боймирзаевич Раҳманов  
(2011–2015)  
Жавлонбек Набижанович Юлдашев  
(2015–2016)  
Уктамжон Мамасодиқович Эргашев  
(2016–2017)  
Аъзамжон Маҳмудович Султонов  
(2017 йил октябрдан шу кунга қадар)

Муқаддима.....	3
«Поп» атамаси ҳақида.....	5
Қадимги Фарғона (Дайюан) давлати ва унинг пойтахти масаласи.....	11
Қирқхужра – Фарғона водийсининг энг қадим- ги шаҳарларидан бири.....	16
«Сирдарё хазинаси» ёхуд Мунчоқтепа ёдгорлиги хусусида.....	20
«Поп ёзуви» хусусида.....	28
Тош «ўчоқ»лар сири ёхуд қадимий курум (муғ) қабилалари ҳақида.....	33
Илк ўрта асрлардаги Фарғонанинг туркий аҳо- лиси ҳақида.....	38
VIII–XIV асрларда Поп музофоти.....	44
«Бобурнома»да Поп қўрғони.....	47
Сўнгги ўрта асрларда Поп туманига кириб кел- ган этник гуруҳлар.....	49
Чодак хўжалари ва Қўқон хонлигининг ташкил топиши.....	53
«Ғурумсарой жанги».....	58
Қўқон хонлиги даврида Поп туманидаги ўзга- ришлар.....	70
Россия салтанати истибдоди даврида Поп му- зофоти.....	81
1916 йилги Попдаги миллий-озодлик кураши ёхуд Чодак қўзғолони.....	88
Поп туманида истиқлолчилик ҳаракатлари...94	94
Поп туманининг ташкил топиши.....	97
Поп тумани худудининг суғорилиши тарихи- дан.....	99
Поп туманида жамоалаштиришга қарши халқ ҳаракатлари.....	109
1937 йилда қатагон қилинган попликлар.....	117
Совет ҳокимиятининг Поп туманидаги кўчи- риш сиёсати.....	125
Иккинчи жаҳон уруши даврида Поп тумани...128	128
Аҳмаджон Одилов ва Поп агросаноат бирлаш- маси.....	130

Поп туманига техниканинг кириб келиши ва саноатлаштириш.....	142
«Ҳаёт йўли» ёхуд Қамчиқ довони тарихидан...	146
Мустақиллик йилларида Поп тумани.....	154
Янги Ўзбекистон ва Поп туманидаги ўзгаришлар.....	161
Ўзбек тилининг Поп шеваси.....	170
Поп туманидаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар.....	172
Попнинг машҳур кишилари.....	182
Олимлар.....	187
Давлат ва жамоат арбоблари.....	201
Ёзувчи ва шоирлари.....	208
Санъаткорлари.....	211
Поп тумани жой номлари (топонимияси)...	219
Тарихчи тарихчи отаси ҳақида.....	233
Англаш заҳмати ёхуд хулоса ўрнида.....	237
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	240
Илова.....	252

ТЕМИРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ  
ШЕРАЛИ ҚЎЛДОШЕВ

# ПОП ТУМАНИ ТАРИХИ

*Монография*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2020

Муҳаррир *Аҳрор Аҳмедов*  
Бадий муҳаррир *Баҳром Бобожонов*  
Техник муҳаррир *Ойгул Фозилова*  
Мусахҳих *Маъмура Зиямуҳамедова*

ТУЗАТИШ

Бет	Қатор	Ёзилган	Ўқилиши лозим
192	Тепадан 32	Уйғур қишлоғида	Поп туманида

Темиралли Қўлдошев., Шерали Қўлдошев. - Поп тумани тарихи.



**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**



Қўлдошев Темирालи – 1948 йил 9 апрель куни Поп тумани Тепакўрғон қишлоғида таваллуд топган. Кўкон давлат педагогика институтининг Тарих факультетини битирган. Поп туманидаги 16, 17, 51, 57 сонли ўрта мактабларда, Навбахор шаҳарчасидаги билим юртида, Поп қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи, Ғурумсаройдаги мактаб-интернат Поп тумани халқ таълими бошқармасида фаолият олиб борган. 2010 йил вафот этган.



Қўлдошев Шерали Темиралиевич – 1977 йил 10 июль куни Поп тумани Тепакўрғон қишлоғида туғилган. Тарих фанлари номзоди, доцент. Наманган давлат университетининг Тарих факультетини битирган. 50 дан ортиқ илмий-оммабоп мақола, 6 та монография, 2 рисола, 1 ўқув қўлланма, 1 та дарслик муаллифи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти катта илмий ходими.



ISBN 978-9943-6606-0-1



9 789943 660601